

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси

# **ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ**

**2020  
№ 1 (87)**

**1997 йилдан нашр этилади.**

**Тошкент – 2020**

---

# ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

**Бош муҳаррир:**

Кудбиев Ш.Д.

**Таҳрир ҳайъати:**

Азизов Х.Т.  
Алимов Б.Б.  
Хусанов О.Т.  
Бекмуродов М.Б.  
Раҳимова Д.Н.  
Тошматов Ш.А.  
Жалилов А.Т.  
Хамидулин М.Б.  
Мавлонов Ў.М.  
Хайитов Х.С.  
Раҳманов Қ.С.  
Умарова Н.Т.  
Исламкулов А.Х.

**Таҳририят:****Масъул муҳаррирлар:**

Абдуллаева Г.Л.  
Кабулова Д.Б.

**Мусахҳиҳлар:**

Абдуллаева М.С.  
Шорихсиева А.Ф.  
Рахимов Д.Ф.

**Техник муҳаррир:**

Юлдашев А.Ж.

**Дизайнер:**

Махмудхўжаева Д.Э.

**Муассис:**

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Олий аттестация комиссияси томо-  
нидан ижтимоий-иқтисодий фанлар  
йўналиши бўйича олиб борилаётган  
тадқиқотларнинг натижалари асоси-  
да ёзиладиган илмий мақолаларни  
нашр этишга тавсия этилган омма-  
вий ахборот воситалари жумласига  
киритилган.

**Таҳририят манзили:**

100003, Тошкент,  
Ислон Каримов кўчаси, 45  
Мурожаат учун телефон:  
232-60-76, 232-60-77

E-mail: [jurnal95@dba.uz](mailto:jurnal95@dba.uz)

Буюртма:  
ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2013 йил 10 апрелда 0201-сон билан рўйхатга олинган.  
Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва  
маълумотларнинг аниқлиги учун муаллифлар жавобгар.  
Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

## Мундарижа/Содержание/Contents

Ушбу сон мавзуси: Давлат ва жамият бошқарувида замонавий технологиялари  
Тема выпуска: Современные технологии государственного и общественного управления  
Issue subject: Modern technologies of state and public administration

Миллий тараққийёт алгоритми /  
Алгоритм национального развития /National development algorithm

- 5 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Мурожаатномаси
- 25 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги йиғилишлар, учрашув ва ташиқлар хроникаси
- Бошқарувида замонавий ҳуқуқий асослари /  
Современные правовые основы управления / Modern legal basics of management
- 31 Иса ХАМЕДОВ. К вопросу о реформировании института государственной службы в Республике Узбекистан
- 37 Азизжон ЙЎЛДОШЕВ. Маҳаллий Кенгаш депутати одоби қондаларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати ва истиқболлари
- 44 Шухрат БЕРДИЯРОВ. Норма ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашни такомиллаштириш истиқболлари
- 52 Ақида ДАДАШЕВА. Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари
- 58 Хамидулло ИНОМОВ, Ўткир НОМОЗБОЕВ. Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган ташкилий ислоҳотлар
- Иқтисодий соҳани ривожлантириш истиқболлари /  
Перспективы развития экономики/ Perspectives of development of economic sphere
- 66 Ботир УСМОНОВ. Роль университетов в развитии предпринимательских навыков в Узбекистане
- 73 Ҳабибахон ЖЎРАБЕКОВА. Рақамли иқтисодиёт ва самарали бошқарув ислоҳотлари
- 80 Данияр ҚАРШИЕВ. Эффекты влияния экспорта на национальный экономический рост
- 89 Нилуфар ШАРИПОВА. Жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётида криптовалюталарнинг ривожланиш тенденциялари
- 94 Темирбай ЖИЕМУРАТОВ, Улбийке АЙТМУРАТОВА, Камила МАМУТОВА. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари
- 100 Хасанбой ДЖАМАЛОВ. Методологические аспекты исследования резервов повышения конкурентоспособности предпринимательских структур
- Давлат бошқарувида замонавий тенденциялар /  
Современные тенденции в государственном управлении /  
Modern trends in public administration
- 109 Худойқул АЗИЗОВ. Коронавирусга қарши кураш даврида бошқарув кадрларини тайёрлаш жараёни
- 114 Мансур БЕКМУРОДОВ, Фарход ПАРМАНОВ. Ички миграцион мобилликни институционал бошқаришда урбанизациянинг аҳамияти

- 
- 120 *Боту АЛИМОВ, Нодира ҚУРБОНОВА.* Давлат бошқаруви соҳасида илмий тадқиқотлар самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари
- 126 *Жахонгир ЭРГАШЕВ.* Замонавий бошқарувда раҳбар фаолияти самарадорлигини КРІ тизими орқали баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари
- 132 *Акрам ОЧИЛОВ.* Олий таълимда ўқиш муддатлари ва харажатларининг ўзгариши: устунлик ва имкониятлар
- 140 *Актам ХОЛОВ.* Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари
- 151 *Дониёр АБДИВАХОБОВ.* Бошқарув жараёнида ходимларни мотивациялашнинг замонавий услублари

Давлат бошқарувида хавфсизлик ва ахборот технологиялари /  
Безопасность и информационные технологии в государственном управлении /  
Security and information technologies in public administration

- 158 *Хамид АБДУРАМАНОВ.* Ўзбекистон Республикасида демографик хавфсизлик индикаторлари
- 166 *Икромжон НАСПУЛЛАЕВ.* Давлат хизматлари маъмурий жараёнларини реинжиниринг орқали оптималлаштириш механизми коррупциянинг олдини олиш тизимининг муҳим воситаси сифатида
- 174 *Абдуборий ХОРУНОВ.* Давлат захиралари тизимида ахборот хавфсизлигининг ўрни
- 179 *Усмон БЎТАЕВ.* "Миллий манфаат" тушунчасини ўрганишда комплекс ёндашув

Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни: муаммо ва ечимлар /  
Место женщин в обществе: проблемы и их решения /  
Women's place in society: problems and solutions

- 184 *Нигора ЮСУПОВА.* Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аёллар масаласи
- 190 *Мавлюда ФАФФОРОВА.* Хотин-қизларнинг сиёсий етакчилигини шакллантиришда имижнинг ўрни ва роли

Академия ҳаётидан / Из жизни академии / Academy life

- 198 "Нотиклик маҳорати, лидерлик ва халқ билан мулоқот" мавзуида семинар-тренинг
- 198 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ўқув-семинарлар
- 199 Германиялик экспертлар иштирокида семинар-тренинг
- 200 Академия профессор-ўқитувчиларининг эришган ютуқлари



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ

**Хурматли депутатлар ва сенаторлар!**

**Азиз юртдошлар!**

**Муҳтарам меҳмонлар!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда. Шу боис, бугун Сизлар билан биргаликда мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олишимиз лозим.

Яқинда "Янги Ўзбекистон - янги сайловлар" шиори остида бўлиб ўтган сайловлар натижасида республикаимизда демократик ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келди.

Сайловлар очиқ-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи иш-

тирок этди. Биринчи марта Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилиқ тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилдик.

Халқаро кузатувчилар сайловлар эркин рақобат муҳитида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизгин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида ўтганини, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли даражада ошганини алоҳида эътироф этдилар.

Барча халқаро кузатувчиларга сайлов жараёнлари ҳақидаги холис фикрлари ва тавсиялари учун бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдираман.

Биз, албатта, ушбу тавсияларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиб, тегишли дастур қабул қилиб, амалиётга кенг жорий этамиз. Бу борада сайлов комиссиялари ва аҳолининг сайлов маданиятини юксалтириш, сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, партияларнинг сиёсий фаоллигини ошириш олдимизда турган муҳим масалалардан биридир.

Шу билан бир қаторда, маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказишнинг уч поғонали тизимини оптималлаштириш, бунда туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Парламент ва Марказий сайлов комиссияси сайлов якунлари бўйича режалаштирилган вазифаларни амалга ошириш учун яқин ҳамкорликда иш олиб бориши зарур бўлади.

Барча депутат ва сенаторларга, уларнинг тимсолида бутун Ўзбекистон халқига мурожаат қилиб айтмоқчиман: демократик ислохотлар йўли - биз учун яккаю ягона ва энг тўғри йўлдир. Бу борада биз ҳар куни изланишдамыз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилмоқдамиз.

Биз янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда барпо этамыз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйганмыз. Бу борада "Жамият - ислохотлар ташаббускори" деган янги ғоя кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда, жойларда янги ташаббусларни илгари суришда аҳолимизнинг янада фаолроқ, янада ташаббускор бўлишига эришмоғимиз лозим.

Энг асосийси, бу ислохотлар натижасида халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратиш беришимиз керак. Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди.

Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўрганмасак, ишимизни мукамал ва унумли бажармасак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилмасак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради.

Мен бунга қатъий ишонаман ва бу фикр-ни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар, деб ўйлайман.

#### **Ҳурматли қўшма мажлис иштирокчилари!**

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил - "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий ин-

вестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан - мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман - 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди.

Мамлакатимиз илк бор халқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охириги 10 йилда биринчи марта яхшиланди.

Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислохотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди.

Қишлоқ хўжалигида фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда.

Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмыз. "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди.

Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақиға солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади.

Ислохотларимиз натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтингда 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан жой олдик.

Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига содда-лаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

Мактабгача таълимни ривожлантириш борасида бошлаган ислохотларимиз натижасида ўтган йили 5 минг 722 та давлат, хусусий, оилавий болалар боғчалари ташкил этилди. Шунинг ҳисобидан фарзандларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси бир йил давомида 38 фоиздан 52 фоизга кўтарилди.

2019 йилда мутлақо янгича мазмун ва шаклдаги 4 та Президент мактаби, 3 та Ижод мактаби иш бошлади. Олий таълимни ривожлантириш учун ўтган йили 19 та янги олий ўқув юрти, жумладан, 9 та нуфузли хорижий университетнинг филиали очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда 141 та қўшма таълим дастури бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Олий таълим муассасаларига жами 146 минг 500 нафар ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп талаба ўқишга қабул қилинди.

Ишлаётган пенсионерларга пенсияни тўлиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳоли учун нафақа миқдори 2 баробар кўпайтирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ жойларда - 17 минг 100 та, шаҳарларда - 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баро-

бар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди.

Амалга ошираётган ислохотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири - "Экономист" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислохотларни энг жадал амалга оширган давлат - "Йил мамлакати" деб эътироф этди. Бундай баҳо барчамизга чексиз ғурур, ифтихор ва куч бағишлайди, янги марраларга руҳлантиради, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайсизлар.

#### **Азиз ватандошлар!**

Ўтган йили амалга оширган ишларимизни танқидий таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

**Биринчидан**, барча даражадаги раҳбарлар, эришилган дастлабки ижобий кўрсаткичларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка асло берилмаслиги керак.

Янги Парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятининг пировард мақсади - Ўзбекистонда яшаётган кўп миллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат бўлиши шарт.

Шу муносабат билан депутатларимизга мурожаат қилиб, шунини айтмоқчиман: сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилган долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ дастур ва "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур. Акс ҳолда, сизларга ишонч билдирган сайловчилар олдида депутатнинг обрўси бўлмайди, партиянинг мавқеи тушиб кетади. Чунки бугун халқимизнинг тафаккури ҳам, дунёқараши ҳам, талаб ва эҳтиёжлари ҳам бутунлай ўзгарган. Халқимиз ҳаммадан зийрак ва улғундир.

**Иккинчидан**, бошқарув тизими сифатини оширишда "Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган асосий тамойилни амалда тўлиқ таъминлаш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Виртуал ва Халқ қабулхоналарига йилига 1 миллиондан зиёд мурожаат келиб тушаётгани халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни талаб этади.

Энди давлат идоралари раҳбарлари ва ҳокимларнинг ушбу мурожаатларни қай даражада ҳал этаётгани бўйича ҳисоботини парламент ва халқ депутатлари кенгашларида мунтазам эшитиш тизими йўлга қўйилади.

Маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадини тақсимлаш, нафақа олувчиларни адолатли белгилаш, ижро органлари раҳбарлари ишига баҳо бериш бундан буён Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили асосида амалга оширилади.

Ҳар бир депутат Халқ қабулхоналари билан доимий ишлаб, ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Шунда депутатлар ўз сайловчиларига берган ваъдалари устидан чиқади, халқнинг ишончини оқлайди, меҳрини қозонади. Шунда мен ҳам нафақат Президент, балки оддий сайловчи сифатида сизлардан жуда миннатдор бўлар эдим.

**Учинчидан**, биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз.

Бунинг учун, авваламбор, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача - таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик.

Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади.

Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик - бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос - бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик - бу билимсизликдир!"

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда.

Юртимиз "Халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш ин-

декси" бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқадамиз. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат - коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор.

Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин.

**Қадрли юртдошлар!**

**Ҳурматли халқ ноиблари!**

Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб ном беришни таклиф этаман.

Биз 2020 йил номида белгиланган соҳаларни устувор даражада ривожлантириш ва ислох этиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз лозим. Хусусан, боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади.

Бу йилдан бошлаб, тарихимизда илк бора 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунга бюджетдан 130 миллиард сўм ажратилиб, бу жараёнда хусусий мактабгача таълим муассасалари ҳам бевосита иштирок этади.



2020 йилда бюджетдан ажратиладиган 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 211 таси капитал таъмирланади. Шунингдек, 55 та хусусий мактаб ташкил этилиб, уларнинг сони 141 тага етказилади.

Педагогик маҳорат ва малака даражасига эга бўлган, ўз ишида аниқ натижаларга эришган ўқитувчиларга юқори маош тўлаш тизимини жорий этамиз.

Мактаб ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, ўқув юктамалари ва фанларни қайта кўриб чиқиш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, дарслик ва адабиётлар сифатини ошириш зарур.

2021 йилги халқаро баҳолаш жараёнига тайёргарлик кўриш учун 348 та таянч мактаб белгиланиб, 6 мингдан ортиқ ўқитувчининг малакаси оширилади.

Жорий ўқув йилидан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади.

Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака тизими ишлаб чиқилади. Ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини беради.

Олий маълумот оламан, ўз устимда ишлаб, илмли бўламан, деган, юрагида ўти бор, жўшқин ёшларимизнинг таҳсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратишимиз шарт. Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25 фоизга ва келгусида 50-60 фоизга етказамиз.

Бу борада шуни унутмаслик керакки, олий таълим қамровини ошириш тўлов контрактига боғлиқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробар кўпайтирамиз, десам, сизлар бу фикрга қандай қарайсиз?

Қизларимиз учун алоҳида грантлар ҳам ажратилади. Хотин-қизлар қўмитаси ушбу грантлар асосида ўқитишга номзодларни танлаш ва саралаш мезонларини ишлаб чиқиши керак.

Олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини ҳам оптималлаштириш зарур. Биз бунда асосий эътиборни ўқишга кириш жараёнларини соддалаштиришга, олий ўқув юртларида чинакам билим ва тарбия олишга қаратишимиз зарур. Мисол учун, она тили

бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизимини яратиш лозим. Ёшлар исталган вақтда имтиҳон топшириб, тегишли гувоҳнома олса, олий ўқув юртига ўқишга кираётган пайтда она тили бўйича қайта синовдан ўтишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди.

Олий таълим стандартлари хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади, таълим йўналишлари ва ўқитиладиган фанлар қайта кўриб чиқилади. Мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони 2 баробар қисқартирилади.

Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади.

Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттирамиз.

Олий ўқув юртларига босқичма-босқич академик ва молиявий мустақиллик берилади. Жорий йилда уларнинг 10 таси ўзини ўзи молиявий таъминлашга ўтади. Бундан ташқари, камида 5 та олий таълим муассасини конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилишни бошлаймиз.

Мамлакатимиз учун илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларни аниқ белгилаб олишимиз керак. Ҳеч бир давлат илм-фаннинг барча соҳаларини бир йўла тараққий эттира олмайди. Шунинг учун биз ҳам ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш тарафдоримиз.

Жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитлар яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизминини тубдан қайта кўриб чиқиш керак.

Илм-фан ютуқларининг электрон платформаси, маҳаллий ва хорижий илмий ишланмалар базасини шакллантириш лозим. Ҳар бир олий таълим ва илмий-тадқиқот даргоҳи нуфузли чет эл университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши шарт.

Жорий йилда "Эл-юрт умиди" жамғармаси томонидан 700 дан зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилади.

Келгусида грантлар миқдорини 2 баробар кўпайтириш ва тадқиқот йўналишлари кўламини кенгайтириш лозим. Жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилишимиз керак.

Биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозим. Шунингдек, "Электрон ҳукумат" тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур.

Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилмага эга бўлган "IT-парк" барпо этилмақда. У ҳозирданок ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади. Бундай "IT-парк"лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади.

Соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда "1 миллион дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Шунингдек, таълимнинг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ахборот технологиялари жорий этилиши шарт.

Ўтган йили барча шаҳар ва туман марказларини юқори тезликдаги Интернетга улаш ишлари якунланганини ҳисобга олиб, яқин 2 йилда барча қишлоқ ва маҳаллаларни ана шундай тезкор Интернет билан таъминлашимиз керак.

Ҳозирги кунгача 7 мингдан ортиқ соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар юқори тезликдаги Интернетга уланган бўлса, кейинги 2 йилда яна 12 мингта муассаса тезкор Интернетга уланади. Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, "Рақамли Ўзбекистон - 2030" дастурини ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим.

Келгусида бу ишларни тизимли ташкил этишга бош-қош бўлиши учун ҳукуматда - Бош вазир ўринбосари, вазирлик ва идораларда ҳамда ҳокимликларда эса - алоҳида ўринбосар лавозимлари жорий этилади.

Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисobotини мунтазам эшитиб бориши лозим.

### **Ҳурматли парламент аъзолари!**

Энди 2020 йил ва кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифаларга тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

**Биринчидан,** 2020 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни жиловлаш - иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги бош вазифамиздир.

Биз шу йилдан бошлаб инфляциявий таргетлаш тизимини жорий қилишга ўтдик. Бу борада Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги иқтисодий ўсиш билан инфляция ўртасида мувозанатни таъминлаши, ташқи хавф-хатарларни ҳисобга олиши зарур.

Давлат томонидан 37 турдаги маҳсулот ва хизматлар нархининг тартибга солинаётгани эркин рақобатга салбий таъсир қилмоқда. Шунини ҳисобга олиб, энди асосий эътиборни нархларни белгилашга эмас, балки корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратишимиз керак.

Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда Иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Истеъмол бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли - мева-сабзавот, чорвачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажминини кўпайтириш ҳамда "даладан дўконгача" бўлган узлуксиз занжирни яратишдир. Ҳукумат барча даражадаги ҳокимликлар билан ушбу вазифа ижросини тўлиқ таъминлаши керак.

Бюджет маблағларининг мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни янада кучайтириш зарур.

Жорий йилда давлат ташқи қарзининг юқори чегарасини белгиладик. Бундан буён халқаро молия ташкилотларидан олинган маблағларни қайтариш имконияти ва уларнинг натижадорлигига жиддий эътибор қаратилади.

Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, "Давлат молиявий назорати тўғрисида" ва "Давлат қарзи тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

Ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган "яширин иқтисодиёт"га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция муҳити ҳам шаклланмайди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, "яширин иқтисодиёт"нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқласин.

Шунингдек, "яширин иқтисодиёт" улуши юқори бўлган алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш учун товарларни рақамли маркировка қилиш тизимини жорий этиш ишлари бошланди. Бу тизим келгусида фармацевтика маҳсулотлари учун ҳам қўлланилади. Вазирлар Маҳкамаси қиймати 200 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу "рақамли маркировка ва онлайн касса" лойиҳасини алоҳида назоратга олсин.

**Иккинчидан**, иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур.

Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, "Навоийазот" акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади.

2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда.

Шунингдек, фойда солиғини ҳисоблашда янги технологик ускуналар харид қилиш, янги объектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди.

Мавжуд 3 мингга яқин давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказиб, хусусий сектор ва рақобат ривожланган йўналишлардаги корхоналарда давлат иштирокини кескин камайтириш чораларини кўриш керак.

Навоий ва Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатлари каби йирик саноат корхона-

ларида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозим. Бунинг учун 2020 йилда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузиш, захираларни қайта ҳисоблаш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш каби ишларни якунлаш зарур.

Нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга хорижий экспертларни жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини оптималлаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ана шу вазифаларни тўлиқ ҳисобга олиб, икки ой муддатда Давлат иштирокидаги корхоналарга эғалик қилиш, уларни бошқариш ва ислоҳ этиш стратегиясини ишлаб чиқсин.

Хорижий инвесторларни фаол жалб этиш мақсадида жорий йил март ойида Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ўтказиш зарур.

Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак.

Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим "драйвер"ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур. Шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш керак.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин.

**Учинчидан**, банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқанда қолмоқда.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг ка-

питал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади.

Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-қувватлайдиган "лойиҳалар фабрикаси" фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим.

Банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арзон ва узоқ муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир.

Давлат улушига эга бўлган банклар босқичма-босқич стратегик инвесторларга сотилади.

Банк соҳасидаги ислохотларнинг асосий мақсади - тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат.

Соҳа учун замонавий кадрлар тайёрлаш мақсадида Банк-молия академияси хорижий мутахассислар билан биргаликда тўлиқ қайта ташкил этилади. Шунингдек, давлат банкларида замонавий банк амалиёти, менежменти ва хизматларини жорий этиш учун раҳбарлик лавозимларига хорижий етакчи молия институтларининг малакали мутахассисларини жалб этиш бошланди ва бу жараён изчил давом этади.

Банкларда ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш орқали уларнинг дастурий таъминотини тубдан янгилаш лозим. Шу йил 1 июлга қадар "кредит тарихи" ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш зарур.

Аҳолида банк тизимида нисбатан ишончли шакллантириш ва банклар фаолиятига четдан аралаштиришга чек қўйиш керак.

**Тўртинчидан,** барқарор иқтисодий ўсишнинг энг муҳим гарови - рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, улар учун янги халқаро бозорлар топиш ва экспортни кўпайтириш, транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобланади.

Бу йил экспортёрларга кафиллик берадиган ва харажатларнинг бир қисмини қоплайдиган - Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда экспортни олдиндан молиялаштириш учун - Экспорт-кредит агентлиги ташкил этилади. Шунингдек, экспорт қилишда замонавий сўғурта хизматлари йўлга қўйилади, автомобиль ва ҳаво транспорти харажатларини қисман давлат томонидан қоплаб бериш механизми жорий қилинади.

Ташқи савдо билан боғлиқ назорат тизими ва инфратузилмани яхшилаш зарур. Жумладан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, божхона постларида назоратни амалга оширадиган божхона, санитария, карантин, ве-

теринария ва бошқа идоралар фаолиятини ислох қилиш лозим.

2020 йилда 3 мингга яқин стандартларни қабул қилиш, уларнинг сонини 10 мингга ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш даражасини 40 фоизга етказиш даркор. Андижон, Термиз ва Кўнғирот туманларида эркин савдо зоналарини ташкил этиб, улар орқали чегараолди савдосини ривожлантириш зарур.

Харидоргир маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга бозор топиш ва сотиш билан хусусий трейдинг компаниялари шуғулланиши, бунинг учун эса, савдо фаолиятини тартибга солинадиган қонун лойиҳалари тўпланиши ишлаб чиқиш лозим. Бу ташқи савдо билан бир қаторда, ички бозорга ҳам тегишли.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш концепциясини ишлаб чиқсин ҳамда ана шу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича тегишли қарорларни тайёрласин.

Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур.

Темир йўл соҳасида йўловчи ва юк ташиниш, эксплуатация ва хизмат кўрсатишни бир-биридан ажратиш, яъни, табиий монополия қисмини алоҳида, хусусий секторни жалб қилиш мумкин бўлган йўналишларни алоҳида ривожлантириш лозим.

Халқаро экспертларнинг хулосасига кўра, инфратузилмани яхшилаш, мослашувчан тарифлар қўллаш ва янги истиқболли йўналишларни шакллантириш ҳисобидан бизда транзит салоҳиятини ҳозирги 7 миллион тоннадан 16 миллион тоннага етказиш имконияти мавжуд.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Аҳоли даромадларини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бизга янги-янги бозорлар керак. Бунинг учун бозор иқтисодиёти ва давр талабларига мос кўплаб қонун ва қарорларни қабул қилишимиз. Лекин, афсуски, уларни ижро этадиган кўпгина амалдорлар ҳали ҳам эскича иш услуби, расмийчилик ва бефарқликдан қутулгани йўқ.

Очиқ бозор маҳсулот сифатини ошириш, таннархни пасайтириш, янги технологиялар олиб келишга мажбур қилади, бозор ислохотларини жадал ривожлантиради. Содда

қилиб айтсак, жаҳон ишлаб чиқариш тизими-мига, дунё бозори талабларига ва иқтисодий интеграция жараёнларига ҳамоҳанг бўлишимиз лозим. Мулоқот ва рақобатга тайёр бўлиш учун тармоқ раҳбарлари ўз устида тинимсиз ишлаши шарт.

Мана, нима учун бизга иқтисодий интеграция керак!

Бизнинг ташқи савдога чиқадиган юкларимизнинг 80 фоизи Қозоғистон, Қирғизистон ва Россиянинг транзит йўлаклари орқали ўтади. Шунингдек, тайёр маҳсулотларимиз экспортининг 50 фоизи, айрим товарлар бўйича эса 80 фоизи Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳиссасига тўғри келади.

Ана шу омилларни инобатга олиб ҳамда Россия ва Қозоғистонга ишлаш учун борган фуқароларимизга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида бугунги кунда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилмоқда. Биз, албатта, ушбу жиддий масалада, энг аввало, халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг хоҳиш-иродасига таянамиз.

Шунинг учун халқ вакиллари бўлган депутат ва сенаторларимиз парламент палаталарида мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиб, ўз зиммаларига масъулиятни олган ҳолда, асосланган хулосаларини айтишлари керак.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу йўналишдаги таҳлилий ва комплекс баҳолаш ишларини яқунлаб, тегишли хулоса ва таклифларни Олий Мажлис палаталарига тақдим этсин.

Шу билан бирга, биз Жаҳон савдо ташкилоти билан бошланган мулоқотимизни ҳамда Европа Иттифоқи билан Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги янги битимни тузиш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз. Шунингдек, биз бошқа халқаро ва минтақавий иқтисодий ташкилотлардаги иштирокимизни янада кучайтирамиз.

**Бешинчидан**, саноат тармоқларини узлуксиз хом ашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш зарур.

Иқтисодиётнинг қатор муҳим тармоқлари, жумладан, кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, заргарлик саноатини хом ашё билан таъминлаш учун, аввало, геология-қидирув соҳасини тубдан ривожлантириш лозим. Шунини ҳисобга олиб, жорий йилда истиқболли конларни аниқлаш ва мавжуд захираларни кўпайтириш учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ ажратилмоқда.

Давлат геология қўмитаси олдида ушбу маблағларни самарали ишлатиш орқали шу йилда янги истиқболли майдонлар ва конларни аниқлашни 35 фоизга, келгуси йилда эса 40 фоизга ошириш вазифаси қўйилади.

Давлат геология қўмитаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бирга камида 20 та кон бўйича тайёр лойиҳалар тўпламини шакллантириб, салоҳиятли инвесторларга таклиф этиши лозим. Шунингдек, Қўмита углеводородлар ва уларнинг захиралари бўйича ҳисоб-китоб юритиш, тоифага ажратиш ва бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга жорий этиши керак.

Иқтисодий юксалишни таъминлаш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий инфратузилма барпо этиш ниҳоятда зарур.

Биз кейинги 3 йилда йўл қурилишига - 9,8 триллион сўм, сув тармоқларига - 4,6 триллион сўм, электр тармоқларига - 18,2 триллион сўм, табиий газ таъминотига - 1,2 триллион сўм маблағ ажратдик. Бу рақамлар ушбу тармоқлар учун сўнгги 10 йилда сарфланган маблағлардан бир неча баробар кўпдир. Лекин, шунга қарамадан, замонавий инфратузилма яратиш, мавжуд тизимни модернизация қилиш учун бундан бир неча ўн баробар кўп маблағ талаб этилади.

Қанчалик қийин бўлмасин, биз ҳар йили Инвестиция дастури доирасида катта маблағ ажратиш, бу йўналишдаги ишларни албатта жадал давом эттирамиз. Бунга қўшимча равишда республика ва маҳаллий бюджетларнинг прогноздан юқори тушумларининг ярмини инфратузилма объектларини ривожлантиришга йўналтириш - Молия вазирлиги ва ҳокимлар учун жорий йилдаги асосий вазифалардан бири бўлиши керак.

Қонунчилик палатаси Ҳисоб палатасини жалб этган ҳолда, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини жойларга чиқиб, мунтазам равишда ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир.

**Олтинчидан**, бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолади.

Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтингига энг яхши 50 та мамлакат қаторига кириш бўйича барча ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни қабул қилдик. Ҳукумат ушбу тадбирларнинг амалий ижросини самарали ташкил этиши зарур.

Яқинда қабул қилинган янги Солиқ кодексига мувофиқ, бу йилдан бошлаб кўплаб янгиликлар амалиётга жорий этилмоқда.

Жумладан, солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди. Солиқларни тўлаш муддати-ни узайтириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат бериш бўйича енгиллаштирилган механизмлар киритилди.

Биринчи марта тадбиркорларга ички бозорда сотган маҳсулоти бўйича қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш тартиби жорий этилмоқда. Ҳозиргача бу тартиб фақат маҳсулот экспорт қилинганда қўлланади. Бунинг ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида 3,4 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўп маблағ қолади.

Энди тадбиркор томонидан тўланган ортиқча солиқ ўз муддатида қайтарилмаса, унга Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича бюджетдан фоиз тўланади. Бунинг аҳамиятини мана шу залда ўтирган ва "ойнаи жаҳон" орқали менинг сўзларимни эшитаётган тадбиркорлар, ўйлайманки, ҳаммадан кўра яхши тушунади.

Солиқ кодекси нормаларини ҳар бир солиқ ходими, тадбиркорлар ва солиқ тўловчилар пухта ўзлаштириши, бунинг учун уларни мунтазам равишда ўқитиш зарур.

Солиқ хизмати ходимлари дунёқарашини тубдан ўзгартириш ва малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси қошида Фискал институтини ташкил этишни таклиф қиламан. Бу жараёнга катта тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий экспертларни жалб этиш зарур.

Шу билан бирга, тадбиркорларни кўп қийнайдиган соҳа - лицензиялаш ва рухсатномалар бериш тартибларини жиддий ўзгартирамиз. Очиқ айтиш керак, мавжуд 280 га яқин лицензия ва рухсатномалар орасида фаолият турлари ҳисобини юритиш, маблағ ундириш ёки шунчаки назорат қилиш учун жорий қилинганлари ҳам бор. Бу эса тадбиркорларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу сабабли Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсман 2020 йил 1 мартга қадар лицензия ва рухсатномалар бериш асосларини тубдан қайта кўриб чиқиб, уларнинг сонини камида 2 баробар қисқартириш бўйича аниқ таклиф киритсин. Шунингдек, "Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарур. Унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши керак.

Бу йил ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очиқ

ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий этамиз. Унга кўра, тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда онлайн тартибида олиш имконияти яратилади.

Хабарингиз бор, бундан 2 йил олдин корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга нисбатан эълон қилинган мораторийнинг муддати тугади. Лекин, бу яна эски усулда ёппасига текшир-текширларни бошлаб юбориш мумкин, дегани эмас.

Бу кимгадир ёқадими-йўқми, биз бунга йўл қўймаймиз. Барча назорат идоралари раҳбарлари шуни қулоғига яхшилаб қуйиб олсин.

2020 йилнинг биринчи чорагида, илғор тажрибалар асосида, барча даражадаги назорат қилувчи идораларда янги замонавий тизим жорий этилиши шарт. Ана шу тизим орқали ҳар бир корхона ва тадбиркор бўйича алоҳида-алоҳида иш олиб бориб, уларнинг қонуний фаолият юритишини таъминлаш, текширишни эса энг сўнгги фавқулодда чора сифатида адолатли ўтказиш лозим. Мазкур масала юзасидан, назорат идораларининг раҳбарлари парламент олдида ҳар чоракда шахсан ҳисобот бериб боради.

Банкротлик борасидаги ҳозирги тартиб-тамоийлар корхоналарни тугатиш ва мол-мулкдан тушган маблағлар ҳисобидан қарзларни қоплашни назарда тутади. Шунинг учун сўнгги 3 йилда атиги 3 та корхонада санация қўлланган, холос. Энди бундай қоидадан бутунлай воз кечиб, тўловга қобилиятсиз корхоналарни энг илғор хорижий тажриба асосида соғломлаштириш бўйича янги тизим жорий этамиз.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳам таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиши зарур.

Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим. Жумладан, соҳта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади. Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш керак.

Юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти аъзоларига "жиноий уюшма" деган

айблов қўйиб, уларга оғир жазо тайинлаш каби аллақачон умрини ўтаб бўлган тартибларни бекор қилиш вақти етди. Бунинг оқибатида юзлаб тадбиркорлар қанчадан-қанча азият чекиб, моддий зарар кўраётганларини инобатга олсак, бу ўзгаришларнинг қандай катта аҳамиятга эга экани яққол аён бўлади.

Олий суд, Бош прокуратура, Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги 2020 йил 1 апрелгача ана шу масалалар бўйича тегишли қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиши лозим.

**Етгинчидан**, иқтисодийтимиз ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур.

Тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди. Шу боис, пахта ва ғалла етиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиб, ушбу маҳсулотларни бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимига босқичма-босқич ўтамиз. Агар бу йўлдан бормасак, фермер ва деҳқонларимиз маҳсулот етиштиришда эркин бўлмайди, улар ўзлари кутганларидек манфаат кўрмайди, ҳокимларнинг эса иш услуби ўзгармайди.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини ислоҳ қилиб, аграр соҳанинг бошқа тармоқларига ҳам арзон кредитлар ажратиш йўлга қўйилади.

Келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳа корхоналарига кўрсатма бериш, ресурсларни тақсимлаш, режа белгилаш каби эски иш усулларида мутлақо воз кечиши зарур. Бунинг ўрнига вазирлик сервис ташкилотига айланиши, хусусий агросаноат ташкилотларига ер ҳолатини аниқлаш, экин турлари ва уруғни тўғри танлаш, зараркунандаларга қарши курашиш, молиявий кўмаклашиш, маҳсулот бозорини топиш бўйича хизмат кўрсатиши керак.

Аграр тармоқда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш билан бирга, пахта ва ғалла етиштиришни кластер шаклига босқичма-босқич ўтказиш бўйича изланишларимизни давом эттирамиз.

Мева-сабзавот, шолчилик, чорвачилик, ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган

кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз.

Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5-7 йилда эса 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур.

Парламентимиз ушбу ислохотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган "Кооперация ва кластерлар тўғрисида"ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди.

Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қоракўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади.

2020 йилда 44 минг гектар ерда ёки ўтган йилга нисбатан қарийб 4 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологияларни жорий этамиз. Бунинг учун давлат бюджетидан 300 миллиард сўм субсидия ажратилади. Шунингдек, сув хўжалиги объектларини бошқариш жараёнларини, сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш тизимини автоматлаштириш зарур.

Ушбу масалалар Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясида ўз аксини топиши керак. Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 апрелга қадар ана шу концепция лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин.

**Саккизинчидан**, туризмни иқтисодийнинг стратегик тармоғига айлантириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади.

Ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифалардан бири - жорий йилда юртимизга келадиган туристлар сонини 7,5 миллионга етказишдан иборат.

Маълумки, қатор нуфузли хорижий оммавий ахборот воситалари 2020 йилда Ўзбекистонни саёҳатга албатта бориш тавсия этилган мамлакатлар қаторига киритди. Биз бундай имкониятдан унумли фойдаланишимиз керак.

Катта салоҳиятга эга бўлган зиёрат ва тиббиёт туризмни ҳам жадал ривожлантириш зарур.

Юртимизда 8 минг 200 дан зиёд маданий мерос объекти мавжуд бўлиб, туризм

маршрутларига уларнинг атиги 500 таси киритилган.

Ҳукумат уч ой муддатда зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгиласин.

Яна бир вазифа - ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон моддий маданий мероси ва Номоддий маданий мероси рўйхатига Ўзбекистондаги янги объектларни киритишни тезлаштириш лозим.

Жорий йилда янги замонавий меҳмонхоналарни қуришга давлат бюджетидан 200 миллиард сўм субсидия ажратиб, туризм инфратузилмасини жадал ривожлантириш зарур.

**Тўққизинчидан**, урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак.

Ана шу ишлар доирасида 7 та йирик шаҳар - Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Ана шу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими - ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат.

Шу боис, парламент ва ҳукумат 2020 йил 1 апрелга қадар прописка тизимини ислоҳ қилиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиб, аниқ таклифларни ишлаб чиқиши лозим.

Уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб қилмасдан туриб, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли янги ипотека тизими жорий этилмоқда.

Бу борада вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингга уй-жой хусусий сектор томонидан қурилади. Давлат, банклар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш мақсадида уларга қарийб 4 триллион сўм маблағларни аукционлар орқали ажратади.

Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилади.

Менинг энг катта ниятим шуки, Ватанимиз ичра ҳар бир инсон ўзининг "кичик ва-

тани"га - уй-жойига эга бўлса, биздан халқимиз ҳам, Яратган ҳам рози бўлади.

### **Ҳурматли мажлис иштирокчилари!**

Охирги уч йилда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ижтимоий ислохотларни давом эттираемиз. Бунинг учун, биринчи навбатда, аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш - биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади.

Ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмаслиги сир эмас. Ҳар қандай мамлакатда бўлгани каби бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли ҳисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Бу ўринда гап кичкина рақамлар эмас, балки аҳолимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда.

Баъзи одамлар ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки уларнинг миқдорини ошириш орқали ушбу муаммони ҳал этиш мумкин, деб ўйлайди. Бу - бир томонлама ёндашув бўлиб, муаммони тўла ечиш имконини бермайди.

Камбағалликни камайтириш - бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.

Шунинг учун Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бирга Камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бу борада халқаро меъёрлар асосида чуқур ўрганишлар ўтказиб, «камбағаллик» тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш усуллари қамраб олган янги методологияни яратиш лозим.

Шунингдек, Фарғона водийсининг 22 та қишлоқ туманида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бошланган ижобий тажрибани барча ҳудудларда босқичма-босқич жорий этишимиз керак.

Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий



ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади.

Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади.

Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда ижтимоий тадбиркорлик асослари ва уни рағбатлантириш чоралари тўғрисида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилади. Шунингдек, ҳукумат жорий йилда давлат дастурлари доирасида ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш орқали 500 мингта янги иш ўрни яратишни таъминлаши зарур.

Шу муносабат билан бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман, ҳар бир тармоқ, соҳа, вилоят ва туманда яратилган тадбиркорлик субъектлари ва янги иш ўринлари ана шу тузилмалар раҳбарлари фаолиятини баҳолашда энг асосий мезон бўлади.

Йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади.

Ижтимоий нафақа тўлашнинг мукамал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур. Шунингдек, нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уларни белгилашда очиқ ва адолатли тизим яратиш, бу борада маҳалланинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим. Умуман олганда, аҳоли ижтимоий нафақа бўйича битта идорага мурожаат қилганидан кейин ўша идоранинг ўзи бир кунда ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, масаланинг ечимини топиши керак.

Фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорти билан бориб, мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилади. Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак.

Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур. Бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқилиши керак.

"Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланган ёшларнинг ижтимоий мослашуви, хусусан, уларни иш билан, келажакда уй-жой билан таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш зарур. Чунки бундай фарзандларимиз уларнинг ғамхўри, меҳрибони, ортидаги суянчи давлат ва жамият эканини доимо қалбдан ҳис қилиб туриши шарт.

Ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиб, "Ижтимоий суғурта тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш зарур.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиши, юқорида қайд этилган йўналишлар бўйича устувор вазифаларни белгилаши лозим.

**Иккинчидан,** соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз.

Шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз даркор.

Давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар кўп ёки қарийб 1,5 триллион сўм ажратилади. 281 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланади. Шунингдек, 17 та ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт муассасасини бошқаришда замонавий менежмент механизмларини жорий этиш зарур.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий тиббиётни янада ривожлантириш, соғлом рақобатни кучайтириш, биринчи навбатда, ихтисослашган тиббиёт марказларига хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш даркор.

Гематологик ва вирусологик ёрдам сифатини ошириш, бу турдаги даволаш қийин бўлган беморларга тиббий хизмат кўрсатишни тубдан ислох этишнинг вақти келди.

Қон ва вирусли касалликларни барвақт аниқлаш, даволаш учун малакали гематолог, вирусолог ва иммунолог тайёрлаш, дори-дармон ва тиббиёт техникаси учун маблағларни қўпайтиришимиз керак.

Ихтисослашган марказлар ва уларнинг филиалларида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида шу йил электрон тиббий карталарни жорий этиш даркор.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштиришни тубдан ислоҳ қилиш мақсадида бу йил мажбурий тиббий суғуртага оид қонунларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу тизимни жорий йилда Сирдарё вилоятида тажриба сифатида қўллаш бошланади.

Дори воситалари ҳаракатини назорат қилиш, контрафакт маҳсулотлар айланишига чек қўйиш ва дориларнинг реал нархини онлайн тартибида кузатиб бориш тизимини яратиш ҳам долзарб вазифадир.

**Учинчидан**, биз бу йил хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга қўтарамиз.

2020 йилда 5,5 минг нафар хотин-қизнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратамиз. Бундан ташқари, 1 минг 576 нафар хотин-қизга янги уй-жойларга эга бўлиши учун бюджет ҳисобидан бошланғич бадал тўлаб берилади.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож опа-сингилларимизни Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида 5 та муҳим ташаббус доирасида қисқа ўқув курсларида ўқитиш ташкил этилади.

Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда. Ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш керак.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Ўзбекистон ёшлари - 2025" концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслиги, "Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!" деган шиор одамларимиз қалбидан чуқур жой олиши керак.

Жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Шу боис "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" деган дастурий гоа асосида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик ахлоқий фазилатларни шакллантириш - ўта шарафли вазифадир.

Ёшлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан бошланган янги ташаббусимизни бутун мамлакатимиз бўйича амалга оширамиз. Мен вилоят раҳбарларини, жойлардаги барча жамоатчиликни ушбу масалага жиддий эътибор беришга чақираман.

**Тўртинчидан**, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак.

Бу борада ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз учун янги оммавий спорт объектларини қуриш зарур. Бу йил 269 та футбол, волейбол, баскетбол ва бадминтон майдонлари, 178 та бокс, кураш, фитнес ва гимнастика спорт заллари, 32 та теннис корти қуриш бўйича салкам 500 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилади.

Ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селекция қилишнинг "ташқилот - туман (шаҳар) - ҳудуд - республика" босқичларидан иборат тўрт босқичли тизими жорий этилади.

Бу йил Токиода бўлиб ўтадиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз муносиб иштирок этиши учун ҳукумат ва Миллий олимпия қўмитаси барча шартларни яратишлари зарур.

**Бешинчидан**, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтиришимиз керак.

Аввало, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича бошлаган мисли кўрилмаган ишларимизни давом эттириб, денгизнинг қуриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш, Нукус, Урганч ва Хива шаҳарлари атрофида "яшил белбоғ"лар барпо этишимиз лозим.

Ишлаб чиқариш жараёнини экологик назорат қилиш тизимини такомиллаштириш, экологик аудит ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқиб, хусусий аудиторлик фаолиятини жонлантириш ҳам муҳим вазифадир.

Ҳукумат саноат ривожининг экологияга таъсирининг олдини олиш бўйича 2025 йилгача мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин. Шунингдек, нуфузли халқаро экспертларни жалб этган ҳолда,

жорий йил 1 октябрга қадар Экология кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳар бир ҳудуд ва қорхона бўйича экологияни яхшилаш, чиқиндиларга доир ишлар юзасидан дастурлар ишлаб чиқиши ва уларнинг ижросини таъминлаши шарт.

**Олтинчидан**, маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш зарур.

Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 22 та театр ва маданият объектлари қурилади ва реконструкция қилинади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклиги асосида 20 та маданият маркази ва истироҳат боғлари фаолияти йўлга қўйилади.

Кинематография соҳасида бадиий жиҳатдан етук асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш лозим.

Жорий йилда давлат буюртмаси асосида кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш такомиллаштирилади. Шу боис, Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ҳамда "Кинематография тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқишимиз лозим.

Бундан ташқари, бу йил маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа - Шаҳрисабз шаҳрида иккинчи Халқаро мақом фестивалини муваффақиятли ўтказишимиз керак.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида, маърифат машғаласини баланд кўтариб чиққан улуг аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади.

Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансақ, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади.

### **Муҳтарам юртдошлар!**

Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш - олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Биз парламентнинг қонун ижодкорлиги, парламент назоратини самарали ташкил этиш механизмлари билан боғлиқ барча масалаларни кун кеча Олий Мажлисда бўлиб ўтган учрашувларда атрофлича ва чуқур муҳокама қилиб олдик.

Шу билан бирга, қуйидаги долзарб масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

**Биринчидан**, жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

Ҳокимлар охириги 3 йилда уларга берилган кенг ваколатлардан қанчалик самарали фойдаланаётганини, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти натижадорлигини назорат қилиш бўйича янги тизим яратиш шарт.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун Бош вазирдан бошлаб барча ҳукумат аъзолари, вилоят ҳокимлари парламентга ҳисобот беради-ю, вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида маҳаллий кенгашларга ҳисобот бермаслиги керак? Шунинг учун вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот берадиган тизим жорий қилинади.

Айни вақтда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган индикаторлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ҳокимлар ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб боришлари керак бўлади.

Ишнинг самарасини ошириш мақсадида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Яна бир муҳим масала. Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳокимликларнинг 300 га яқин вазифа ва функциялари назарда тутилган. Шундан 175 таси, мазмун-моҳиятига кўра, ҳокимларнинг асосий вазифалари тоифасига кирмайди ва турли идораларнинг функцияларини такрорлайди. Бу эса, иш сифати ва ижро интизомига салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Шу сабабли Олий Мажлис Сенатига, Адлия вазирлигини жалб этган ҳолда, шу йилнинг биринчи ярмида ҳокимларнинг ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва уларга хос бўлмаган ҳамда бир-бирини такрорлайдиган функцияларни тегишли органларга ўтказишни таъминлаш бўйича таклиф тайёрлаш топширилади.

**Иккинчидан**, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун мамлакат ва ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиб, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни кўпайтиришимиз керак. Вазирлик ва идоралар ҳам бир четда томошабин бўлиб ўтирмасдан, бундай ижтимоий ҳамкорлик ишларини кенгайтириши лозим. Шунинг учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг фаолиятини тақомиллаштириш даркор.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар, жамоатчилик эшитувларини ўтказиш мажбурийлигини аниқ белгилаш керак. Жамоатчилик маъқул деса - маъқул, номаъқул деса - номаъқул бўлади.

Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни таклиф қиламан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш лозим.

#### **Ҳурматли депутатлар ва сенаторлар!**

Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга - яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.

Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар ҳақида Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда батафсил тўхталиб ўтганимиздан яхши хабардорсиз.

Бу борада қуйидаги қўшимча вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Аввало, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш - энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур.

Яна бир бор айтмоқчиман - дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини фақат ва фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин.

Бу борада қабул қилган қонуний чоратадбирларимиз аниқ натижалар бера бошлади. Ушбу ижобий ўзгаришларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг судьялар мустақиллиги бўйича махсус вакили Диего Гарсия-Саян жаноблари ҳам алоҳида эътироф этди.

Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилди. Шунингдек, 2019 йилда 3 минг 81 нафар шахс суд залидан озод қилинган бўлса, 2 минг 623 нафар фуқарога асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди ва ўзгартирилди.

Судьяларимизнинг адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида оқлов ҳукмларини чиқараётгани, ҳеч шубҳасиз, суд-ҳуқуқ соҳасидаги энг катта ютуғимиздир. Мен, Президент сифатида, судьяларнинг бундай жасорати ва қатъиятини бундан кейин ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиш билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган саволни ҳам кўндаланг қўядиган, тазйиқлар учун жавоб берадиган вақт келди.

Эски тузумдан қолган ва ҳануз давом этаётган суд қарорларини прокуратура томонидан чақириб олиб, ўрганиш амалиётини чеклаш лозим. Энди фақат иш юзасидан шикоят келиб тушган ҳолдагина прокурор суд қарорини олиб ўрганиши мумкин.

Суд раислари томонидан судьяларнинг фаолиятини баҳолаш ва уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш бўйича ваколатларни қайта кўриб чиқиш керак.

Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар: судлар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюк немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, "Адолат йўқолган пайт-

да, ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди".

Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим.

Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Адлия вазирлиги уч ой муддатда юқорида билдирилган таклифларни амалиётга жорий этишни назарда тутадиган қонун лойиҳасини киритсин.

**Иккинчидан**, суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20-25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди.

Шу сабабли парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни янгитдан қабул қилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада, аввало, тергов ва суд амалиётига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги илғор стандартларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Қонунчиликни янгилашдан мақсад - фақат қонун қабул қилиш эмас, аксинча, янги қонунлар эртага одамларга қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳақида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

**Учинчидан**, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарур.

Биз ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш бўйича жиддий ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Бироқ, очиқ тан олиш керак, ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ.

Тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонлар белгиланмаган. Шу сабабли ислоҳотларни давом эттириб, ички ишлар идораларини одамларимизнинг оғирини енгил қиладиган тузилмага айлантириш зарурлигини яна бир бор такрорлаш ўринли, деб биламан.

Бу масала янги парламент, хусусан, Сенат олдидаги беш йиллик вазифа бўлиб, бунинг учун барча ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш ва амалий чоралар кўриш лозим.

Ички ишлар органлари учун барча даражадаги раҳбарларнинг малакасини ошириш ва мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш зарур.

**Тўртинчидан**, афсуски, жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Тадбиркорлар ҳанузгача ер ажратиш, кадастр, қурилиш, лицензия, божхона, банк, давлат харидлари каби соҳаларда коррупцияга дуч келаётганини Президент номига келиб тушаётган кўплаб мурожаатлар ҳам, матбуот ва ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этаман.

Президент администрацияси Олий Мажлис палаталарининг тегишли кўмиталари билан биргаликда уч ой муддатда тегишли фармон лойиҳасини ишлаб чиқсин.

**Бешинчидан**, фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман. Хусусан, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Шу тариқа 50 мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммолари ҳал этилади.

Вазирлар Маҳкамаси бу масалани Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда кўриб чиқиб, жорий йил 1 майга

қадар тегишли қонун лойиҳаларини тақдим этиши лозим.

### **Хурматли анжуман иштирокчилари!**

Биз жамиятда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттирамиз. Бу борада 30 июль - "Халқаро дўстлик куни" муносабати билан юртимизда биринчи марта "Дўстлик ҳафталиги"ни ва "Дўстлик" халқаро форум-фестивалини ўтказишни таклиф этаман.

Мамлакатимизда "Жаҳолатга қарши - маърифат" деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади.

Жорий йилда ҳадис илмининг султони Имом Бухорий, калом илми асосчиси Абу Мансур Мотуридий ва унинг давомчиси Абу Муин Насафийнинг ҳаёти, илмий меросига бағишланган ҳамда диний бағрикенглик мавзуларида халқаро илмий-амалий конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади.

Имом Бухорий бобомизнинг Самарқанддаги ёдгорлик мажмуасини бу мўътабар зотнинг мусулмон дунёсидаги улуғ мақомига мос равишда муғлақ янги лойиҳа асосида қайта барпо этиш ишларини ҳам бошлаймиз. Шунингдек, буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг 700 йиллик таваллуд айёмини юқори савияда ўтказишимиз керак.

Сизларга маълумки, кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган инсонпарвар сиёсат туфайли тўғри йўлдан адашган, билиб-билмай хатога қўл урган фуқароларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳам диний экстремистик йўлга кириб қолганидан чин дилдан пушаймон бўлган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Жаҳонда шиддат билан ўзгараётган нотинч ва мураккаб вазият, турли можаролар жонажон Ватанимиз хавфсизлигини, эл-юртимизнинг осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда мавжуд таҳдид ва хатарларга муносиб жавоб беришга доим тайёр туришимизни тақозо этмоқда.

Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг яқинда ўтказилган мажлисида бу борадаги устувор вазифалар ва амалий чоратадбирларни белгилаб олдик. Қуролли Куч-

ларимиз ушбу вазифаларни самарали адо этади, деб ишонаман.

Биз Ўзбекистон ташқи сиёсатини фаоллаштириш юзасидан бошлаган кенг қўламли ишларни, миллий манфаатларимизга жавоб берадиган, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсат йўлини давом эттирамиз. Олис ва яқиндаги барча давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини, узоқ муддатли ва кўп қиррали шерикликни янада кучайтирамиз.

Бу борада қуйидаги устувор жиҳатларга сизларнинг диққатингизни қаратмоқчиман.

**Биринчи.** Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар билан барча соҳаларда ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишимиз зарур.

**Иккинчи.** Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

**Учинчи.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни давом эттиришимиз зарур.

Орол муаммосини ҳал этишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тузилган Орол денгизи минтақасида инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп томонлама Траст фондида катта ишонч билан қараймиз.

Биз Ўзбекистоннинг 2021-2023 йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари суриш ниятидамиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқишни таклиф этган эдик. Жорий йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумини ёшлар ҳуқуқларига бағишлаб ўтказиш ва унда ушбу конвенция лойиҳасини муҳокама этишни таклиф қиламан.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилишни ҳам тезлаштиришимиз керак.

**Тўртинчи.** Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида фаолиятимиз самарасини янада оширишимиз зарур.

Ўзбекистоннинг 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига раислик қилиши биз учун тарихий аҳамиятга эга. Биз Ҳамдўстликда савдо-иқтисодий ва транспорт-транзит соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш ташкилот томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалий натижадорлигини ошириш ва аъзо давлатлар ўртасида гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш учун барча салоҳият ва имкониятларни ишга солашимиз.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан муносабатларни ривожлантириш - Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Бундан ташқари, жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Марказий Осиё, Европа Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари билан олий даражадаги икки томонлама ва кўп томонлама тadbирлар ўтказилиши кутилмоқда. Ташрифлар доирасида мамлакатимиз манфаатларига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳалар ва дастурлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган мамлакатимиздаги хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакилларига ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.

#### **Хурматли ватандошлар, азиз меҳмонлар!**

2020 йилда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ҳалабанинг 75 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланади.

Бизнинг мард, энгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ҳалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларнинг соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жорий йилда уларга ҳар томонлама эътибор янада кучайтирилади. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш

учун қулай шароитлар яратамиз.

Уруш йилларида халқимиз кўрсатган ҳақиқий жасорат ва матонатни кино, театр санъати, бадий-публицистик асарлар, илмий тадқиқотлар орқали кўрсатиш, аҳоли, айниқса, ёшларимизга таъсирчан тарзда етказиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида муҳташам "Ҳалаба боғи" бунёд этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Хотира ва қадрлаш куни ва Ҳалабанинг 75 йиллигини ҳар томонлама муносиб ва юқори савияда нишонлаш учун тайёргарлик ишларини пухта ташкил этишимиз керак.

#### **Муҳтарам юртдошлар!**

Биз бундан уч йил олдин мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида буюк ишларни бошлаганмиз. Халқимизнинг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, биз бу йўлда дастлабки, лекин ўта муҳим ва салмоқли натижаларга эришмоқдамиз. Энди ана шу ютуқларимизни мустаҳкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашимиз шарт. Чунки юртимиздаги ислоҳот ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайдиган тус олиб, ҳал қилувчи паллага кирмоқда.

Натижадорлик ҳаммамиз учун бош талаб, асосий мезонга айланмоқда. Бу борада 2020 йил барчамиз учун алоҳида синов ва масъулият йили бўлади. Энди кечаги ютуқ ва марралар бизни сира қониқтирмайди. Нега деганда, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам, кечаги халқ эмас.

Амалий натижа билан мустаҳкамланган, ўз меваси, ҳосилини бераётган ислоҳот одамларнинг қалбига, юрагига тез кириб боради. Ва бундай ислоҳотни, бундай шиддатли жараённи ҳеч ким, ҳеч қандай куч тўхтата олмайди.

Энг муҳими, ислоҳотларимиз самарасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила бугун ўз ҳаётида ҳис этиши керак. Бунинг учун барча бўғиндаги раҳбарлар фозилар, рақамлар, қоғознинг ортидан қувмасдан, ҳар бир фуқаро учун, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш учун ишлаши шарт. Шунда нуруний кексаларимиз, муҳтарам отахон ва онахонларимиз, ҳурматли аёлларимиз, азиз фарзандларимиз, жажжи набираларимиз, кўп миллатли бутун халқимиз биздан рози бўлади.

Бугунги Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир мақсад ва вазифага, уларни амалга оширишга айнан шу нуқтаи назардан ёндашсак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳудуд раҳбарлари билан биргаликда Мурожаатномада белгилаб берилган барча вазифалар ижросини сўзсиз таъминлаб, ҳар чоракда Олий Мажлис олида ҳисобот бериши зарур.

Президент Администрацияси ва ҳукумат Олий Мажлис палаталари билан биргаликда 20 кун муддатда 2020 йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасини пухта тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсин.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди. Бундан кейин ҳам "тўртинчи ҳоқимият" вакилларининг эркин ва ҳолис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз.

Жойлардаги муаммо ва камчиликларни рўй-рост очиб бериш, уларни ҳаққоний ёритишларида мен профессионал журналистларни ҳамisha ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман.

#### **Азиз дўстлар!**

Имом Бухорий бобомиз ўз китобларида келтирган муборак ҳадисда айтилганидек, "Барча амаллар ниятга қараб бўлади".

Дарҳақиқат, пок ниятлар билан бошланган хайрли ишлар, албатта, ижобат бўлади.

Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улф

мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмоқдамиз.

Олдинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмоқда.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз - ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчиликдан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман.

Мен сизларнинг тимсолингизда, бутун халқимиз, навқирон ўғил-қизларимиз тимсолида олдимизга қўйган оламшумул мақсадлар йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилаётган, қалбимга яқин, самимий инсонларни кўраман. Бугунги Мурожаатномада белгилаб берилган устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, аввало, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга ҳамда унинг муносиб вакиллари бўлган сизларга ишонаман ва таянаман.

Яна бир бор барчангизга сиҳат-саломатлик, чексиз куч-ғайрат, ютуқ ва омадлар, оилавий бахт ва саодат тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг!

Катта раҳмат сизларга!

**Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг Матбуот хизмати**



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДАГИ ЙИФИЛИШЛАР, УЧРАШУВ ВА ТАШРИФЛАР ХРОНИКАСИ

**10 январь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ватан ҳимоячилари байрами арафасида Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюрди.**

Президентимиз ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар натижаси ҳамда фойдаланишга топширилган замонавий таълим инфратузилмаси объектлари билан танишди.

- Барча соҳалар қатори ҳарбий таълим бўйича ҳам доимо замон билан бирга қадам ташлашимиз, керак бўлса, ундан олдинда юришимиз зарур. Ҳарбийларимиз, курсант ва тингловчилар энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларни эгаллаши, соҳа бўйича дунёдаги янгиликлардан хабардор бўлиши, доим изланиши лозим, - деди Шавкат Мирзиёев.

**11 январь**

**Президент Шавкат Мирзиёев Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида амалга ошириляётган ишлар билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари истироҳат боғининг йил давомида ишлашини таъминлаш, одамлар оилавий дам олиши учун кенг имконият яратиш бўйича кўрсатмалар берди. Боғда Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиздаги қадимий обидалар макетини ўрнатиб, ёшлар ва сайёҳларнинг тарихимизга қизиқишини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу ерда Тошкент шаҳри туманлари ҳокимлари билан мулоқот бўлди.

\* \* \*

**Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхонасида бўлди.**

Мазкур муассаса бир кунда 200 нафаргача мурожаатчига хизмат кўрсатиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари Халқ қабулхонасида яратилган шароитларга юқори баҳо берди.

- Бу ерга келган одам барча саволларига жавоб топиши, Тошкент бу борада намуна бўлиши керак, - деди Президент.

**16 январь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Сергей Лавровни қабул қилди.**

Учрашув аввалида Президентимиз стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик мавзулар юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**17 январь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Муҳим тармоқларда, жумладан, қишлоқ хўжалиги, энергетика, нефть-газ тармоғи, транспорт ва бошқа соҳаларда ислохотларни давом эттиришга кўмакни кенгайтириш ҳамда қашшоқликка қарши курашиш борасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик бўйича янги узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

**24 январь**

**Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига навбатдаги Мурожаатномаси тақдим этилди.**

Бу галги Мурожаатномада ҳам ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар, жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган устувор

йўналишлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати учун асосий вазифалар баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Шунингдек, муайян соҳани ривожлантиришни белгилаб берадиган йил номи ҳам эълон қилинди.

**30 январь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.**

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонга асос солган, халқимиз меҳрини қозонган, халқаро миқёсда тан олинган давлат ва сиёсат арбоби эди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг эътибори ва тегишли қарори билан унинг хотираси абадийлаштирилди. Биринчи Президентимиз таваллуд топган 30 январь кунини нишонлаш анъанага айланди.

Биринчи Президентимизнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

**31 январь**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Олимлар кўчасидаги илмий тадқиқот институтларига ташриф буюрди.**

Президент Шавкат Мирзиёев янги университет кампусига тамал тоши қўйди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда илмий тадқиқот институтлари ходимлари, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари Геология фанлари университети қурилишига оид лойиҳалар билан танишди. Ўқув бинолари ва лабораторияларни чет эл тажрибаси ҳамда касб спецификасидан келиб чиқиб қуриш, майдонлардан самарали фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берди.

\* \* \*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасига ташриф буюриб, олимлар, ёш тадқиқотчилар, ишлаб чиқариш вакиллари ва илмий тадқиқот муассасалари раҳбарлари билан учрашди.**

Мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жорий йилда эса, ҳаммамизга маълум, йил номига муносиб равишда бундай эътибор кучайтирилади. Соҳадаги долзарб масалалар

ҳал этилиб, илмий тадқиқот фаолияти қўллаб-қувватланади. Янги илмий муассасалар ва йўналишлар ташкил этилиши шулар жумласидан.

Бугунги учрашувда давлатимиз раҳбари илм-фан вакиллари моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бундан кейин ҳам изчил давом эттирилишини таъкидлади.

Учрашувда математика, кимё-биология ва геология илмини ривожлантириш, келгуси йиллардаги тараққиёт йўналишларини белгилаш тўғрисида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

**3 февраль**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Майкл Ричард Помпеони қабул қилди.**

Учрашувда минтақавий аҳамиятга молик масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Давлат котиби Тошкентда Марказий Осиё ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви муваффақиятли ташкил этилгани ва ўтказилгани билан табриклади.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга икки томоннинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

**6 февраль**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нефть-газ саноатидаги ишлар натижадорлиги, табиий газ ва суюқ углеводородлар қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича жорий йилги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Йиғилишда нефть-газ соҳасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

**11 февраль**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра, унинг барвақт олдини олишга ўтиш кераклигини таъкидлаб, унга қарши курашишга масъул

бўладиган алоҳида орган тузишни таклиф қилган эди.

Бугунги йиғилишда ушбу янги тузилма-ни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

## 12 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизими такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳалла тизимини ўзгартириш, "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойилини жорий этиш зарурлиги тўғрисида фикр билдирган эди.

Видеоселектор йиғилишида ана шу тамойилни амалга ошириш, маҳалла тизимини ислоҳ этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари маҳаллалар миллий менталитетимиз кўзгуси эканини, жамият ҳаётида катта ўрин тутишини таъкидлар экан, Наврўз байрамига ҳамоҳанг тарзда 22 март санасини "Маҳалла тизими ходимлари куни" деб белгилашни таклиф этди.

## 18 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Венгрия ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик ва минтақавий, жумладан, Европа Иттифоқи билан мулоқот форматидаги шерикликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Худудлараро алоқаларни ривожлантириш, банк, транспорт соҳаларига оид дастурларни амалга ошириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

## 19 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Пре-**

**зиденти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан ташриф билан Туркияга келди.**

Президент Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳридаги Аниткабир ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Мустафо Камол Отатурк қабрига гулчамбар қўйди. Мустафо Камол турк халқининг атоқли фарзанди, буюк давлат арбобидир. У Биринчи жаҳон урушидан кейин парчаланиб, оккупацияда қолган мамлакатни озод этган. 1923 йилда мустақиллик эълон қилиб, ҳозирги Туркия Республикасига асос солган ҳамда унинг биринчи Президенти бўлган. Мамлакатнинг бугунги тараққиётини белгилаб берган сиёсий, ижтимоий ва маданий ислоҳотларни амалга оширган. 1934 йилда парламент қонуни билан унга Отатурк номи берилган. У дафн этилган Аниткабир мажмуаси халқ учун жуда қадрли масканга айланган.

Давлатимиз раҳбари музей билан ҳам танишди, мажмуанинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

\* \* \*

**Туркия Республикаси Президенти саройида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.**

Шундан сўнг давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда икки томонлама сиёсий мулоқот ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиш қатъий экани яна бир бор тасдиқланди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

\* \* \*

**Анқара шаҳрида олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**

Бу кенгаш икки томонлама муносабатлар тарихида янги мулоқот форматидир. У 2018 йили давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотига мувофиқ тузилган.

\* \* \*

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған Стратегик ҳамкорлик кенгашининг биринчи йиғилиши натижалари тўғрисида қўшма баёнотни имзоладилар.

Тадбирда икки мамлакат расмий делегацияси аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этди.

#### 20 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари билан учрашди.** Тадбирда Туркия савдо палаталари ва биржалари уюшмаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА), "Гёбзе" уюшган саноат зонаси, "Зираат" банки, "Зорлу холдинг", "Жошқуноз холдинг", "Экзачибаш", "Байкар", "Дуняғоз", "Канимед сағлик", "Бау глобал", "Хавелсан" каби қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси Президенти билан ўтган музокараларда бизнес алоқаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олинганини таъкидлади.

\* \* \*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида иштирок этди.**

Очилиш маросимида бугун дунёдан икки мингга яқин меҳмон - олимлар, ёзувчилар, таълим ва маданият намояндалари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти томонидан таклиф этилган олий даражадаги ягона меҳмон бўлди.

Маросимда Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

- Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти - китоб ва кутубхоналарда, - деди Президентимиз.

Шунингдек, Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китоблар тақдим этилди.

\* \* \*

**Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоган рафиқалари ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонаси фаолияти билан танишди.**

Бу муҳташам кутубхона бугун очилган эди, Президентимиз ва рафиқаси унинг биринчи фахрий меҳмонлари бўлишди.

Ноёб китоблар кўрғазмаси намойиш этилди.

Туркия Республикаси Президенти давлатимиз раҳбарига шундай нодир асарлардан бирини совға қилди.

#### 24 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Йиғилишда турли икки томонлама тадбирлар, жумладан, ишбилармон доираларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш, янги қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигини янада фаоллаштириш зарурлиги таъкидланди.

#### 25 февраль

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил январь ойида Олий Мажлисга Мурожаатномасида соҳадаги ислохотларни давом эттириб, тиббий хизмат сифатини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, адолат ва рақобатни таъминлаш бўйича ўз мулоҳазаларини баён этган эди.

\* \* \*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иккинчи Ўзбекистон-Қозғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.**

Учрашувда давлатимиз раҳбари кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

#### 28 февраль

**Президент Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманидаги Технопаркка ташриф буюрди.**

Президентимиз Технопарк ҳудудида ишга туширилган илк лойиҳа - электрон газ ҳисоблагичлар корхонаси фаолияти билан танишди, маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

- Ҳар бир ишлаб чиқаришга киришишдан олдин стандартни ўйлаш керак. Малакали сервис учун ҳам, экспорт учун ҳам стандарт зарур. Афсуски, биз бу соҳада дунёдан анча ортда қолдик. Жойларда стандарт кафолатини таъминлайдиган кадрлар жуда кам. Шунинг учун мана шундай саноат корхоналарининг ўзида сервис бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, - деди Президент.

**2 март**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девонхонаси раҳбари Ян Цзечи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитойни дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари яқиндан боғлаб турганини қайд этди.

Юқори мартабали меҳмон Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти номига йўллаган шахсий мактубини топширди. Ушбу мактубда кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорликда юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилган ҳамда янги турдаги коронавирус тарқалишига қарши курашда кўрсатилаётган қўмак учун миннатдорлик билдирилган.

**5 март**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россиянинг "ЛУКОЙЛ" компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари жаҳоннинг етакчи энергетик корпорацияларидан бири ва Ўзбекистон нефть-газ комплексининг муҳим инвестори - "ЛУКОЙЛ" билан стратегик шерикликда сезиларли ривожланишга эришилганини алоҳида таъкидлади.

Илмий изланишлар ҳамда энергетика сектори учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

**9 март**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркиянинг етакчи инжиниринг ва қуриш компанияси - "Ренессанс**

**Холдинг" президенти Эрман Илижак бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Ушбу учрашув ўтган ой Анқарада ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Туркия музокараларининг мантиқий давоми бўлди.

Бугунги кунда "Ренессанс Холдинг" компанияси мамлакатимизда умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Хусусан, Тошкент вилоятининг етакчи металлургия корхоналари негизида замонавий объектлар - лойиҳавий қуввати йилга 60 миллион тонна бўлган мис бойитиш фабрикаси ва қуввати 1 миллион тоннагача бўлган металл прокати ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиш лойиҳалари тайёрланмоқда.

Учрашувда ушбу лойиҳалар доирасидаги амалий ишларни жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

**18 март**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбатда жорий эпидемиологик вазият ҳамда мамлакатларимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Ушбу пандемияга қарши самарали курашиш ва эҳтимолий оқибатларни камайтириш мақсадида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш ва ўзаро мувофиқлашган ҳаракатларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари икки томонлама ҳамкорликка доир ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Олий даражада эришилган келишувларни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳор, янгиланиш ва яшариш байрами - Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий табрикладилар.

Президентлар қардош Ўзбекистон ва Қозоғистон халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилаб, янги хавф-хатарларни тез фурсатда бартараф этиш йўлида биргаликда ҳаракат қилишга интилиш қатъий эканини тасдиқладилар.

**26 март**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

Давлатимиз раҳбари ушбу масала бўйича халқимизга яна бир бор мурожаат қилди.

**27 март**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов телефон орқали мулоқот қилди.**

Икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, жумладан, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича икки мамлакатда кўрилаётган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Тегишли идора ва ташкилотларнинг яқиндан ҳамкорлигида ўзаро амалий кўмак-

лашиш ҳамда чегараолди ҳудудлардаги эпидемиологик вазиятни назорат қилиш борасида олиб борилаётган ишлар қайд этилди.

Пандемиянинг савдо-иқтисодий, энергетик, транспорт-коммуникация, маданий гуманитар ва бошқа соҳалардаги Ўзбекистон-Туркменистон алоқаларига салбий таъсирини камайитириш бўйича кўшма чора-тадбирларни фаол давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар биргаликдаги саъй-ҳаракатлар юзага келаётган барча қийинчиликлар ва янги хатарларни муваффақиятли енгиш, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари, стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Давлат раҳбарлари минтақавий ҳамкорликка доир ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди. <https://president.uz>**

**Иса ХАМЕДОВ,**  
*профессор, доктор юридических наук,  
руководитель Центра международно-правовых  
исследований и сравнительного публичного права УМЭД*

## К ВОПРОСУ О РЕФОРМИРОВАНИИ ИНСТИТУТА ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Принятие 03.10.2019 г. Руководителем нашей страны Указа №УП-5843 "О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан" стало решительной мерой, "запустившей маховик" системной реформы государственной службы, которая давно назрела и к которой мы долго готовились.

**Безусловно, реформа государственной службы - необходимое условие успеха административной реформы<sup>2</sup>. Без эффективной системы государственной службы даже лучшие стратегии и проекты модернизации государственного управления останутся лишь благими пожеланиями, потому что эффективное государственное управление и качественные государственные услуги - это в практическом выражении всегда качество работы кадров государственной службы.**

Сегодня благодаря всеохватной электронизации государственное управление обретает весьма удобный для граждан и предпринимателей "интерфейс". Однако качество предоставляемых государственных услуг и эффективность государственного управления, в целом, в итоге определяется тем, насколько компетентно, добросовестно и беспристрастно лица, занимающие должности государственной службы, выполняют свои служебные обязанности.

За годы независимости вопрос о реформировании государственной службы в Республике Узбекистан поднимался неоднократно, предпринимались попытки разработать проект закона о государственной службе, создавалась специальная комиссия по проведению административной реформы, принимались ведомственные и межведомственные акты, регулирующие отдельные вопросы организации и деятельности государственной службы. Однако завершенного концептуального видения в этом вопросе сформировано не было. В результате к настоящему времени перед Руководством страны встал ряд организационных и функциональных проблем государственной службы, без решения которых будет невозможно реорганизовать ее в полноценно функционирующий механизм претворения в жизнь государственной политики и взаимодействия с обществом на всех уровнях.

Современная государственная служба в правовом демократическом государстве, как свидетельствует мировой опыт, должна отвечать следующим концептуальным требованиям:

1. Единство и целостность системы государственной службы как в организационно-правовом, так и в концептуально-идеологическом планах<sup>3</sup>.

2. Наличие системы прозрачного и справедливого отбора и продвижения по достоинству - "меритократия", обеспечиваю-

шей гражданам равный доступ к государственной службе и ее карьерную привлекательность для одаренных людей.

3. Карьерная модель государственной службы.

4. Разумная институционализация политического патронажа.

5. Единая система государственного управления в сфере государственной службы, разумно сочетающая в себе целостность и децентрализацию.

6. Сочетание разумной автономии менеджеров и целостности государственной политики.

7. Высокая результативность государственной службы при неукоснительном соблюдении правовых правил и процедур.

8. Справедливый механизм оплаты труда и материального стимулирования государственных служащих, обеспечивающий привлекательность государственной службы для одаренной молодежи и ее конкурентоспособность на рынке труда.

9. Всесторонняя социальная и правовая защищенность государственных служащих.

10. Эффективный антикоррупционный механизм, предполагающий грамотное предотвращение конфликта интересов, контроль коррупционных рисков и факторов, прозрачность доходов, имущества и расходов государственных служащих, высокие этические стандарты поведения государственных служащих, открытость государственной службы и ее отзывчивость к сигналам обратной связи от общества.

При реформировании системы государственной службы в Узбекистане необходимо учитывать определённые институциональные условия и требования.

Рост парламентских начал в форме правления в Узбекистане подразумевает формирование института ответственного Правительства, для которого характерна политическая самостоятельность, инициативность и демократическая подотчетность, т.е. публичная ответственность за проводимую политику перед Парламентом. Соответственно, в реформе государственной службы необходимо предусмотреть механизмы, которые будут отвечать новым реалиям власти и условиям правления. И при этом реформа государственной службы должна

быть встроена в программу административной реформы и четко скоординирована с другими ее направлениями: реформой административных процедур и юстиции, государственных услуг и электронного правительства, основ государственного и хозяйственного управления, государственной кадровой политики, доступа к публичной информации и т.д. Лишь комплексный подход к модернизации системы государственного управления позволит создать новый работающий институт государственной службы.

**Как показывает опыт, следует отказаться от резкого прямолинейного внедрения карьерной модели и других элементов, заимствованных из опыта развитых стран, у которых формирование современных систем государственной службы заняло многие десятилетия. Поспешное заимствование уже обернулось для многих развивающихся стран крахом реформ, причем системные пороки не только не были устранены реформой, но даже законсервировались. Поэтому подход к реформированию системы государственной службы должен быть постепенным и плавным, что подразумевает постепенную смену институтов и кадров. Такой поэтапный подход соответствует общему характеру реформ в Узбекистане и позволяет рассчитывать на безболезненную трансформацию системы государственной службы. Следует также предпочесть наиболее экономичные варианты институциональных преобразований.**

Исходя из вышеизложенного, можно выделить следующие приоритетные направления реформы государственной службы:

1. Реинтеграция государственной службы и государственной кадровой политики.

2. Имплементация принципа меритократии в сфере государственной службы.

3. Обеспечение социально-экономической справедливости, эффективности и конкурентоспособности государственной службы.

4. Правовая регламентация, контроль законности и эффективный антикоррупционный механизм в сфере государственной службы.



На основе вышеизложенных концептуальных ориентиров с учетом местных институциональных условий и приоритетных направлений реформы государственной службы полагаем необходимым принятие Закона "О государственной службе", как нормативно-правовой базы модернизации системы государственной службы нашей страны.

Указ Президента Республики Узбекистан от 03.10.2019 №УП-5843 определил концептуальное русло реформы, заложил организационно-правовые основы будущей системы государственной службы. В основных чертах намечены контуры новой системы, которую теперь предстоит прорисовать в деталях и воплотить в жизнь. Обращаем внимание на следующие существенные черты новой системы государственной службы, которую предстоит создать:

- Новая система предполагает коренное структурное деление государственной службы на государственную гражданскую службу и специальные службы (военная служба и служба в правоохранительных органах). При этом единое законодательное регулирование должно охватить пока только государственную гражданскую службу. Соответственно, новый институт государственной службы будет формироваться в рамках гражданской службы.

- Новая система должна быть основана на принципе меритократии, т.е. отбора и продвижения по службе на основе достоинств и заслуг.

- Указ прямо предусматривает внедрение "карьерной модели" государственной гражданской службы.

- Создана новая сфера государственного управления - управление делами государственной службы, для чего образовано новое государственное ведомство - Агентство по развитию государственной службы при Президенте Республики Узбекистан (АРГОС) и создана исполнительная вертикаль государственной кадровой политики.

- Учреждается новый институт - Национальный кадровый резерв.

- Поставлены задачи внедрения инновационных методов управления персоналом и развития человеческих ресурсов государственной службы, в том числе мето-

дик оценки эффективности деятельности государственных служащих на основе ключевых индикаторов (KPI).

Отмечая в целом прогрессивный характер указанных инноваций, следует заострить внимание на следующих существенных вопросах:

- концептуальной целостности реформы, исключающей внутренние противоречия или пробелы в новой системе, которую предстоит выстроить;

- системных проблемах и рисках, которые могут возникнуть в ходе реформы и которые следует продумать заранее;

- вызовах переходного периода, которые сопряжены с внедрением новой модели и других инноваций.

Во-первых, следует поставить вопрос о необходимости единой законодательной базы государственной службы, не ограниченной рамками гражданской службы. Ведь система, принципы и основные институты государственной службы должны быть едиными, независимо от отраслевой специфики. Например, принципы равного доступа и меритократии должны быть обеспечены во всех видах государственной службы. Административные процедуры государственной службы и судебная защита прав государственных служащих должны быть по возможности унифицированы. И раз уж на повестке дня принятие основополагающего Закона, почему бы не включить в его предмет всю государственную службу? Заметим, что в РФ, где принят Закон "О государственной гражданской службе РФ", есть еще Закон "О системе государственной службы РФ", который посвящен системным вопросам данного института. Полагаем, что все эти вопросы могут быть решены в одном Законе "О государственной службе".

Во-вторых, карьерная модель, внедрение которой предусмотрено Указом Президента, принципиально отличается от действующей в Узбекистане должностной модели. В частности, она предполагает наличие самостоятельного правового статуса государственного служащего, не связанного напрямую с занимаемой им государственной должностью. Т.е. в карьерной модели статус государственного служащего

первичен, а его должностной статус вторичен. Следовательно, государственная служба несводима к деятельности на определенной должности, но понимается гораздо шире и может осуществляться, например, и в резерве. Квалификационные ранги определяются компетенциями, а не занимаемой должностью. Т.е. они присваиваются не в соответствии с занимаемой должностью, а, наоборот, являются условием для занятия должности определенной категории. Таким образом, в системе карьеры важно овладевать определенными компетенциями. В должностной модели все наоборот. Занятие должности является отправной точкой для квалификационного ранжирования государственных служащих. Значит, главное - занять должность, а не освоить определенные компетенции. С учетом задач административной реформы нам необходима карьерная государственная служба, но ее важно правильно интегрировать в действующую должностную модель, чтобы не допустить подмены или профанации карьерной государственной службы. Надо сказать, что и в РФ, и в Казахстане предпринимались попытки внедрить элементы карьерной модели, но из-за исторической зашоренности в должностной модели и недопонимания принципиальных различий этих систем полноценную карьерную государственную службу этим странам создать пока не удается.

В-третьих, исходя из выбранной концептуальной модели, выстраивается механизм поступления на государственную службу. Если мы строим карьерную государственную службу, то прием кандидатов должен осуществляться централизованно, причем не на должность в каком-то государственном органе, а на государственную службу как таковую - например, в Национальный кадровый резерв. Т.е. уже с момента зачисления в резерв гражданин получает статус карьерного государственного служащего, а не с момента назначения на должность, как принято в должностной модели. Соответственно, государственная служба не прекращается при увольнении с должности, но продолжается в резерве до момента очередного назначения на должность, либо исключения

из резерва. Такова логика карьерной службы. Она служит целенаправленному возвращению кадров, в отличие от должностной модели, которая ограничивается их подбором и расстановкой. Если же мы не предусмотрим в Законе прохождения государственной службы в резерве, то никакой карьерной системы у нас не получится. Относительно механизма поступления на государственную службу, заметим, что справедливость отбора кадров обеспечивается не только и не столько открытым конкурсом, сколько грамотно выстроенным квалификационным экзаменом и надлежащей административной процедурой.

**В-четвертых, система карьеры не сводится к движению вверх по должностям. Повышение в должности лишь следствие профессионального роста. Карьера подразумевает, прежде всего, поступательный рост компетенций, которыми овладевает государственный служащий как во время действительной государственной службы на должности, так и во время прохождения переподготовки в кадровом резерве. Если же главным в карьере считать движение по должностной лестнице, то нам не удастся уйти от недостатков действующей системы, в которой компетентность в продвижении по службе, увы, не главное.**

В-пятых, как свидетельствует передовой опыт зарубежных стран, политический класс государственной службы должен быть институционально обособлен от административного класса, или класса чиновников. Это требует продуманного дифференцированного организационно-правового механизма государственной службы. В то время, как политические назначенцы подбираются, исходя из политических предпочтений и лояльности, чиновники должны быть политически нейтральными и работать стабильно при любом политическом курсе, для чего им предоставляются надежные гарантии социальной и правовой защищенности. При этом важно обеспечить слаженное взаимодействие политического и административного персонала в практике государственного управления.

В-шестых, критически важно искоренить неформальный ведомственный патронат на государственной службе, для чего вводится централизованное управление кадрами государственной службы. Однако при этом нельзя допустить потери управляемости на уровне ведомств. Чрезмерная централизация управления кадрами без надлежащей перестройки управленческих институтов и механизмов может вызвать паралич ведомственных систем управления! Значит, такую реформу следует тщательно проектировать, учитывая все системные взаимосвязи. В этой связи следует напомнить о важности регламентации процедур государственной службы, в том числе и административных процедур, а также рассмотреть возможность внедрения в ведомственные системы новых структурных элементов, таких как, например, должность государственного секретаря (или генерального директора), которая, по сути, играет роль передаточного звена от политического главы ведомства - министра - и его команды к административному персоналу ведомства. В условиях кардинальной централизации управления кадрами государственной службы без этого звена трудно обеспечить хорошую управляемость на уровне ведомств.

В-седьмых, переподготовка кадров государственной службы должна осуществляться на основе матрицы компетенций, которая должна быть разработана в соответствии с современными требованиями качественного государственного управления. И здесь краткосрочных курсов повышения квалификации явно не достаточно. Необходима целенаправленная систематическая работа Национального кадрового резерва в этом направлении. Важно понимать, что в карьерной системе кадровый резерв - это основной механизм кадровой политики, а вовсе не список кандидатов на должности, как принято понимать в должностной системе.

Наконец, необходимо задуматься о механизме перехода государственной службы на "новые рельсы". Каким образом в переходный период будет обеспечено сосуществование карьерной и должностной моделей? Ведь такое сосуществование мо-

жет продлиться достаточно долго (по разным оценкам 10-15 лет). Как избежать при этом контрпродуктивной конкуренции между карьерными и должностными государственными служащими? И в то же время, как не допустить стихийного проникновения отживших кадров и пороков действующей системы в новую систему карьеры, что грозит обесмыслить всю реформу?

Таковы, на наш взгляд, вопросы, которые требуют проработки во исполнение Указа Президента нашей страны. От этого, несомненно, будет зависеть успех реформы.

### *Источники и литература*

1. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5843 от 3.10.2019 г. "О мерах по кардинальному совершенствованию кадровой политики и системы государственной гражданской службы в Республике Узбекистан". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Указ Президента Республики Узбекистан "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан". № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70, № 20, ст. 354, № 23, ст. 448, № 29, ст. 683, ст. 685, № 34, ст. 874, № 37, ст. 982; Национальная база данных законодательства, 16.10.2017 г., № 06/17/5204/0114.

3. Среди развитых демократических стран, пожалуй, только США не имеют единой системы государственной службы. Причин этому две. Первая - исторические особенности политической системы США, изначально не предполагавшей масштабного государственного аппарата. Вторая - конституционная конструкция власти, отдающая всю исполнительную власть Президенту, оставляя вопросы организации аппарата государственного управления на его усмотрение. Таким образом, отсутствие единой системы государственной службы компенсируется в США единством исполнительной власти и ее аппарата. В то же время в 20 веке, по признанию большинства ученых и политиков, этого стало уже недостаточно. Поэтому работа над интеграцией государственной службы ведется в США уже почти полтора столетия.

**К вопросу о реформировании института государственной службы в Республике Узбекистан**

**Иса Хамедов,**

*доктор юридических наук, профессор, руководитель Центра международно-правовых исследований и сравнительного публичного права УМЭД*

**Аннотация:** в данной статье рассматриваются вопросы реформирования института государственной службы с учётом положений Указа Президента Республики Узбекистан от 03.10.2019 №УП-5843, концептуальных ориентиров, институциональных условий и требований.

**Ключевые слова:** государственная служба, административная реформа, меритократия, государственные услуги, кадровая политика, государственный служащий, антикоррупционный механизм.

**Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш масалаларига оид**

**Иса Хамедов,**

*юримдик фанлар доктори, профессор, ЖИДУ Халқаро ҳуқуқий тадқиқотлар ва қиёсий оммавий ҳуқуқ маркази раҳбари*

**Аннотация:** мазкур мақолада давлат хизмати институтини ислоҳ қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги 843-сонли Фармони, концептуал омиллар, институционал шароит ва талаблар асосида кўриб чиқилмоқда.

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, маъмурий ислоҳот, меритократия, давлат хизматлари, кадрлар сиёсати, давлат хизматчиси, антикоррупцион механизм.

**To the issue of reforming the institute of public service in the Republic of Uzbekistan**

**Isa Hamedov,**

*DSc (Law), Professor, Head of the Center for International Legal Studies and Comparative Public Law of the UWED*

**Abstract:** this article examines the issues of reforming the civil service institutes according to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from 03.10.2019 №5843, conceptual guidelines, institutional conditions and requirements.

**Keywords:** civil service, administrative reform, meritocracy, civil services, personnel policy, civil servant, anti-corruption mechanism.

**Азизжон ЙЎЛДОШЕВ,**  
*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
"Халқаро оммавий ҳуқуқ ва давлат-ҳуқуқий фанлар"  
кафедраси доценти в.б.*

## **МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТИ ОДОБИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Ўзбекистонда маҳаллий Кенгаш депутати одоби категориясига аниқлик киритиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни 9-моддасида депутат одоб қоидаларига қатъий риоя этиши лозимлиги белгиланган. Ушбу моддада депутат одоби қоидаларига ҳавола қилинса ҳам, бугунги кунда бундай қоидалар тасдиқланмаган. Ваҳоланки, депутатлар масъулиятини кучайтириш ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ушбу қоидаларни қабул қилишга бевосита боғлиқ.

Депутат одоби қоидалари, ҳуқуқий табиатига кўра, халқ депутатлари Кенгашининг (маҳаллий Кенгаш) ишини тартибга солади. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига асосан<sup>1</sup>, бундай қоидаларни ҳар бир Кенгаш ўзи қабул қилади ҳамда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунга<sup>2</sup> кўра, уларнинг очиқлигини таъминлайди, жумладан, веб-саҳифасига жойлаштиради. Бироқ, тегишли веб-сайтларни қараб чиқиш Депутат одоби қоидалари мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Депутат одоби қоидаларининг ҳозиргача қабул қилинмаганини бу соҳада тадқиқотлар олиб борилмагани ва мутахассислар етишмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Буни Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши веб-саҳифасида Кенгашининг 2020 йил 13 январдаги № 1/VI-1-сонли Қарори билан Олий Мажлис Сена-

ти томонидан қабул қилинган "Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисида"ги Намунавий низомнинг ҳаттоки номи ўзгартирмасдан тасдиқланишида ҳам кўриш мумкин. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, Сенат томонидан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг намунавий одоб қоидаларини (Намунавий одоб қоидалари) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунга<sup>3</sup> кўра, Олий Мажлис Сенати қарори қонун ҳисобланади. Шу жиҳатдан Сенат нафақат амалдаги қонун меъёрларини амалга ошириш, балки янгиларини белгилаш ҳуқуқига эга. Бугунги кунга қадар ваколатлари доирасига киритилмаган бўлса ҳам, Сенат томонидан минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда маҳаллий Кенгашлар, уларнинг доимий комиссиялари ва депутатлар масъулиятини кучайтириш, уларга амалий ва услубий ёрдам бериш учун намунавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа қарорлар қабул қилинган. Демак, Сенат томонидан Намунавий одоб қоидаларини қабул қилиш, унда депутат масъулиятини кучайтиришга оид зарур меъёрларни белгилаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлади.**

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг депутатлик одоби қоидалари<sup>4</sup> (Қонунчилик палатаси одоб қоидалари) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг одо-

би қоидалари<sup>5</sup> (Сенат одоб қоидалари) амал қилмоқда. Ушбу қоидалар (Парламент палаталари одоб қоидалари)нинг тузилиши ва бандлари сони бир хил бўлиб, меъёрларида ҳам деярли фарқ мавжуд эмас. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари аъзолари мақомининг ўхшашлиги туфайли Намунавий одоб қоидаларини Парламент палаталари одоб қоидалари асосида ишлаб чиқиш, яъни унинг меъёрларини олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қонунчилик амалиётида қўлланилаётган тушунчалар ва меъёрлар бир хиллигига эришиш баробарида, мавжуд камчиликларни ўрганиш ва бартараф қилиш имконияти яратилади.

Аввало, юқорида тилга олинган ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатларида, жумладан, "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари"<sup>6</sup> ҳамда "Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси"<sup>7</sup> "одоб" тушунчасига таъриф берилмагани кўзга ташланади. Уларда "юксак одоб-ахлоқ талаблари", "хулқ-атворнинг маънавий ва ахлоқий принциплари", "одил судлов ва судьялар одоб-ахлоқи соҳасидаги халқаро стандартларга асосланган хулқ-атвор қоидалари", "хулқ-атвор қоидалари" белгилангани қайд этилган. Мазкур ҳужжатлар номидан одоб улардаги меъёрлардан иборат, деган хулосага келиш мумкин.

Кўпгина давлатларда хулқ-атвор кодекслари (code of conduct) деб номланган одоб қоидаларида ҳам "одоб" тушунчасига таъриф берилмаган. Уларда одобнинг умумий принциплари ва хулқ-атвор қоидаларини белгилаш тенденцияси маълум<sup>8</sup>. "Одоб қоидалари" деб номланган ҳужжатлар ҳам шундай тузилишга эга<sup>9</sup>. Greg Power бундай ҳужжатларни: одоб принциплари, улар асосида депутатларга мақбул ва номақбул хулқ-атворни белгиловчи қоидалар ҳамда уларга риоя қилиш ва санкцияларни қўллаш механизми бўлган одоб режими сифатида таърифлайди<sup>10</sup>. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, депутат одобини у риоя этиши шарт бўлган маънавий ва ахлоқий принциплар ҳамда уларни таъминлашга қаратилган хулқ-атвор қоидалари йиғиндиси, дейиш мумкин.

**Одобнинг асосий принциплари ва уларни амалга ошириш қоидаларини белгилаш билан кифояланишни "одоб" маъносининг кенглиги билан изоҳлаш мумкин. Хорижий давлатларда одоб (этика) яхшиликни ёмонликдан, адолатни адолатсизликдан ажратувчи қарашлар<sup>11</sup>, жумладан, ижтимоий хулқ-атвор негизи бўлган маънавий қонун<sup>12</sup>, яъни меъёрлар каби маъноларда тушунилади. Ўзбекистонда ҳам "одоб" сўзи унинг араб тилидаги маъносида<sup>13</sup> кўрсатма, яхши феъл-атвор, тарбияли, эътиборли каби кенг маънода қўлланилади. Имом Бухорийнинг "Ал-адаб Ал-Муфрад" асари<sup>14</sup> ва бошқа манбалардан ҳаёт тарзимизнинг ажралмас қисмига айланган ислом маданиятида одоб мусулмоннинг оила ва жамиятдаги хулқ-атвор меъёрларини белгилашни кўришимиз мумкин.**

Одоб ҳақидаги қарашлардан келиб чиққан ҳолда унга "Инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади",<sup>15</sup> деган таърифга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Ҳуқуқни аниқ шаклдаги ва санкциялар билан кучайтирилган одоб, одобни эса ҳуқуқ принципларини универсал даражада асослашга қодирлиги эътироф этилиши ҳам ушбу фикрни инкор қилади<sup>16</sup>. Бугунги кунда одоб депутат ва давлат функцияларини амалга оширувчи бошқа шахслар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш воситасига айланган.

Шунингдек, миллий ва хорижий мамлакатлар амалиёти "Депутатлик (парламент) одоби - депутатлар парламентда муомала қилиш чоғида амал қилиши лозим бўлган маънавий ва ахлоқий қоидалар йиғиндиси"<sup>17</sup>, деган қарашни инкор этаётганлигини кўриш мумкин. Чунки Парламент палаталари одоб қоидаларида депутат (сенатор)нинг ўз ваколатларини бажараётганда, Сенат одоб қоидаларида эса алоҳида хизматдан ташқари вақтда риоя этиши шарт бўлган маънавий ва ахлоқий принциплар, хулқ-атвор меъёрлари белгиланган. Парламент палаталари одоб қоидаларида "Хизматдан ташқари вақтдаги депутатлик

(сенаторлик) одоби" номли 7-боб мавжуд. Депутатнинг юксак мақоми унинг ўз фаолиятдан ташқари вақтда ҳам барчага намуна бўлишини талаб қилади, шу туфайли бундай меъёрларнинг белгиланиши ўринли ҳисобланади<sup>18</sup>.

Бир қарашда, Парламент палаталари одоб қоидалари ва хорижий мамлакатлардаги хулқ-атвор кодекслари тузилишининг ўхшашлигини кўриш мумкин. Бироқ, ўрганишлар улардаги одоб принциплари ва бошқа меъёрларни аниқлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Очиқ ҳукумат учун ҳамкорликнинг қонунчилик очиқлиги бўйича ишчи гуруҳи томонидан бундай принциплар сифатида демократия, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилиш, жамоатчилик олдида ростгўйлик, малакали фаолият кўрсатиш, хилма-хиллик ва плюрализмни қадрлаш тавсия этилган<sup>19</sup>. Масалан, Буюк Британияда парламент аъзолари ва давлат хизматчилари фаолиятининг одоб принциплари сифатида фидоийлик, ростгўйлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик, ҳалоллик, етакчилик белгиланган<sup>20</sup>. Бошқа давлатларда ҳам шу мазмундаги принциплар белгиланган.

Юқоридаги принципларнинг айримлари Ўзбекистонда қабул қилинган одоб қоидаларида ҳам мустаҳкамланган. Масалан, Қонунчилик палатаси одоби қоидаларининг 7-бандида депутат ўз касбий фаолиятини: фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; қонун ҳужжатларига риоя этиш; сайловчиларнинг манфаатларини ифодалаш; депутатлик фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралиги принциплари асосида амалга ошириши кераклиги белгиланган. Сенат одоб қоидаларининг 7-бандига, ушбу принциплардан ташқари, умумдавлат ва минтақавий манфаатлар уйғунлиги принциплари киритилган. Уларни маънавий ва ахлоқий ёки одоб принциплари дейиш ҳамда Намунавий қоидаларга киритиш тўғри бўлади.

Хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда Намунавий қоидаларни фидоийлик, ҳисобдорлик, холислик, ўз вазифаларини виждонан ва ҳалол амалга ошириш, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилиш каби одоб принциплари билан

тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки инсон ҳаётининг барча соҳаларида яхшилик ва ёмонликни аниқловчи маънавий ва ахлоқий нормалар сифатида тушунилган одоб сиёсатда, аввало, фидоийлик, ҳалоллик ва жамият манфаатларига хизмат қилишни англатади<sup>21</sup>. Парламент палаталари одоб қоидаларида ҳам ушбу принципларни амалга оширишга қаратилган айрим хулқ-атвор қоидалари мавжудлигини кўриш мумкин.

**Депутатнинг ўз вазифаларини виждонан ва ҳалол амалга оширишини таъминлаш, аввало, уларни аниқлаштириш вазифасини кўяди. Чунки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда депутат вазифалари, шунингдек, ваколатлари ҳам бевосита кўрсатилмаган. Депутат ваколатларини унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар доирасидаги масалаларни ҳал қилиш эса вазифаларини ташкил этади. Демак, депутатлардан нафақат мажбуриятлари ва вазифаларини, балки ҳуқуқларини ҳам амалга оширишлари талаб қилинади. Акс ҳолда депутат одоб қоидаларини бузган ҳисобланади.**

Депутат фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралиги принципини таъминлаш мақсадида Парламент палаталари одоб қоидаларида деярли барча зарур хулқ-атвор қоидалари белгиланган. Фақат уларда депутатнинг ўз сайловчиларига берадиган ахборотида камида тақдим этилиши керак бўлган маълумотларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Булар: депутат сайловолди ва бошқа учрашувларда берган ваъдаларини бажариши, сайловчилардан келиб тушган мурожаатлар билан ишлаши, жумладан, маҳаллий Кенгаш ва унинг доимий комиссияларига, улар кўриб чиқаётган масалалар бўйича киритган таклифлари ва натижалари, юборган депутатлик сўровлари ва бошқа ваколатларини бажариши тўғрисидаги маълумотлар.

Депутат фаолиятининг очиқлигини таъминлаш учун "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонунда зарур меъёрлар белгиланган. Ушбу Қонунда маҳаллий Кенгашлар ўз фаолияти тўғрисидаги очиқ ахборот рўйхатини аниқлаши, уни веб-сайт-

лари ва бошқа усуллар орқали очиқлигини таъминлаши, жумладан, сессия ва комиссиялари мажлисларида ҳар кимнинг иштирокини таъминлашлари белгиланган. Бундай иштирок ва ушбу Қонун бошқа айрим меъёрларининг ижроси таъминланмагани устига маҳаллий Кенгаш очиқ сессиялари баённомалари фақат маҳаллий Кенгаш депутатларининг талабига биноан уларга танишиб чиқиш учун берилиши белгиланган. Хорижий давлатларда нафақат маҳаллий Кенгашлар, балки улардаги комиссиялар мажлисларининг баённомалари очиқ нашр қилиниши депутатларнинг иштирокини бевосита кузатиш имконини беради.

**Парламент одоби қоидаларида манфаатлар тўқнашуви ва унга йўл қўймаслик тўлиқ тартибга солинмаганлиги ҳам кўзга ташланади. Ушбу меъёрлар депутатлар ҳалоллигини таъминлаш, жумладан, коррупцияга қарши курашнинг асосий омили бўлганлиги туфайли<sup>22</sup> уларни Намунавий одоб қоидаларига алоҳида бобда белгилаш зарурати аён бўлади. Хорижий давлатларда бундай меъёрлар депутатнинг парламент, унинг ишчи органларида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлашда, улар юзасидан овоз беришда, депутатлик назоратини амалга оширишда ва бошқа ваколатларини бажаришида ҳам белгиланган. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун бизнес манфаатлари бор ҳудуддан номзодини қўймаслик ҳолатлари ҳам маълум<sup>23</sup>.**

Намунавий одоб қоидаларига депутат мақомига мувофиқ бўлмаган лавозимларга<sup>24</sup> тайинланганлик ёки сайланганлик тўғрисида хабар бериш нормасини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу билан бундай лавозимларга сайловдан кейин тайинланиб, депутатлик фаолиятини ҳам давом эттириш ҳолатларига йўл қўймайди. Хорижий давлатларда бу каби нормалар "номувофиқликлар" деб номланади. Ушбу нормалар баробарида депутат одоби қоидалари мустақиллик (иммунитет), ошқоралик, коррупцияга қарши кураш меъёрлари ва санкцияларга ажратилишига қисман қўшилиш мумкин<sup>25</sup>. Чунки кўпгина давлатлардаги депутатлик одоби қоидаларида

иммунитетга оид меъёрлар йўқлигини кўриш мумкин.

Одоб меъёрларини бузганлик учун Парламент палаталари одоби қоидаларида фақат одоб меъёрларига риоя қилмаганлик учун мажлисда раислик қилувчи: бундай қоидабузарликларга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида депутатни огоҳлантиришга; депутатни сўзлаш ҳуқуқидан маҳрум қилишга; депутатдан мажлислар залини тарк этишни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган. Ушбу меъёрлар Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши намунавий регламентининг 21-моддасида ҳам мустаҳкамланган бўлиб, уларни Намунавий одоб қоидаларига киритиш мумкин. Шунингдек, амалиётда қўлланилган оммавий кечирим сўраш институтини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, депутат деган юксак номга доғ тушириш одоб меъёрларини бузиш билан бевосита боғлиқ бўлишига қарамай, ушбу масалалар Парламент палаталари одоби қоидаларида ҳам, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам тартибга солинмаган. Ваҳоланки, бундай хулқ-атвор маҳаллий Кенгаш ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенат аъзосининг ваколатларини тегишли вакиллик органи томонидан муддатидан илгари тугатилиши учун ҳам, уларни чақириб олиш учун ҳам асос бўлади. Мазкур хулқ-атвор аниқ эмаслиги туфайли ушбу меъёр кам қўлланилади ва унинг суиистеъмол қилиниши учун шароит яратилган. Бу билан "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасидаги меъёр бузилмоқда. Ушбу моддага кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамаларни турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган ягона шаклда қўллаш талаби қўйилган.

Депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги Қонунида<sup>26</sup> қисман очиб берилган, дейиш мумкин. Ушбу Қонун 1-моддасининг учинчи хатбошида депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умумэтироф этилган нормаларини кўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи



ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, ноҳўя ишлар содир этиши депутат ва сенаторни чақириб олиш асосларидан бири сифатида белгиланган. Лекин мазкур меъёрдаги таъриф ҳам аниқлаштиришга муҳтож.

Депутатлик одоби меъёрларини қонун ҳужжатларида белгилашнинг ўзи уларнинг умумэътироф этилганлигини англатади. Агар уларнинг қўпол бузилиши жамият ва давлат манфаатларига зиён етказиш билан ўлчанса, бу депутат номига доғ туширувчи хулқ-атвори белгилашнинг амалий мезонига айланади. Ушбу мезон ва қонун чиқарувчиларимиз мантиғига асосланган ҳолда, юқоридаги Қонундаги депутатни чақириб олиш учун деярли барча асосларнинг номига доғ туширувчи хулқ-атвор дейиш тўғри бўлади. Айниқса, депутатнинг уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдида ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки Қонуннинг 2-моддасига кўра, қонун ҳужжатларини бузиш, ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармасликни бундай асос сифатида кўрсатиш мантиқан тўғри бўлади.

Депутатнинг нолийқ хулқ-атвори учун чақириб олиш кўп вақт ва маблағ талаб қилиши туфайли унинг ўрнига депутат ваколатларини тегишли маҳаллий Кенгаш қарори билан муддатидан илгари тугатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сайловчилар ишончини оқлай олмаган депутат ваколатини жамоавий мурожаат асосида муддатидан илгари тугатиш, яъни чақириб олиш мантиқан тўғри бўлади. Бундай чоралар эркин мандат гоёларига зид бўлса ҳам айрим хорижий давлатларда кенг қўлланилади. Масалан, Буюк Британия Колумбияси, 1995 йилдаги қонунга кўра, сайловчилар провинция қонунчилик органи аъзосини чақириб олиш тўғрисида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу мурожаат сайловчиларнинг 40 фоизи томонидан имзоланса, депутат чақириб олинган ҳисобланади<sup>27</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Намунавий одоб қоидаларини ишлаб чиқиш депутат одоби қоидаларига ҳаволаки меъёр талабидир. Ушбу қоидалар депутатларнинг ўз ваколатларини виждонан ва ҳалол амалга ошириши, жумладан, сайловчилар ишончини

оқлаши ва сиёсий партиялар олдидаги мажбуриятларини бажаришига хизмат қилади. Ўз навбатида, бундай ҳолат маҳаллий Кенгашлар фаоллигининг ошишига ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларнинг самарали ҳал қилинишига хизмат қилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни. NRM.uz*

2. *Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуни. www.lex.uz*

3. *Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни. www.lex.uz*

4. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йил 30 апрелдаги 122-III-сонли Қарори билан тасдиқланган // <https://lex.uz/docs/2668476> (саҳифага 03.12.2019 йилда кирилган).*

5. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 28 мартдаги СҚ-154-III-сонли Қарори билан тасдиқланган / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий архиви.*

6. *Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сонли Қарори билан тасдиқланган.*

7. *Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган // <http://sud.uz>*

8. *Office for the Promotion of Parliamentary Democracy, Parliamentary Ethics: A Question of Trust. 2011. - P. 7. Available at: <https://www.parlament.cat/document/intrade/59368>. Accessed: 03/01/2020.*

9. *Code of ethical conduct and disclosure of members' interests for assembly and permanent council members*

10. *Greg Power, Handbook on Parliamentary Ethics and Conduct: A Guide for Parliamentarians (Global Organization of Parliamentarians Against Corruption and Westminster Foundation for Democracy, 2009). P. 10*

11. Badie, D. Berg-Schlosser, & L. Morlino (Eds.), *International Encyclopedia of Political Science Sage Publications. SAGE Publications, Inc.* 2011. - P. 824.

12. Горелов А.А. *Этика: учеб. пособие / А.А.Горелов, Т.А.Горелова. - 5-е изд., стереотип. - М.: ФЛИНТА, 2016. - С. 9.*

13. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. 3-Ж. / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ.; ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. - Б. 77.*

14. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. *Одоблар хазинаси. Имом Бухорийнинг "Ал-адаб Ал-Мufrад" китобларининг шарҳи. 1, 2, 3, 4 - жузлари. - Т.: Hilol Nashr, 2019.*

15. Ниёзов Г. *Одоб-ахлоқ асослари. - Т.: Алоқачи, 2012, -Б.7.*

16. Felix Ekardt, Susanne Stoll-Kleemann, *Environmental Humanities: Transformation, Governance, Ethics, Law. Springer International. Springer Nature Switzerland AG, 2020. - P. 3*

17. *Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Шарқ, 2001. - Б. 97.*

18. Аверьянова Н. Н., Локтионова Е. О. *Морально-этический облик депутата парламента // Изд. Саратов. ун-та. Нов. сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2015. Т. 15, вып. 1. - С. 102.*

19. *Common Ethical Principles for Members of Parliament // https://www.ndi.org/publications/common-ethical-principles-members-parliament.*

20. *Мисол учун қаранг: The Code of Conduct for Members of Parliament // https://publications.parliament.uk/pa/cm201719/cmcode/1882/188201.htm*

21. Апресян Р.Г. *Этика: учебник / Р.Г. Апресян. - Москва: КНОРУС, 2017. - С. 17-19.*

22. Керимов А.А. *Морально-этические аспекты депутатской ответственности: характеристика основных направлений регулирования проблемы // СОЦИУМ И ВЛАСТЬ № 4 (66) 2017. - С. 77.*

23. Rick Stapenhurst, Rasheed Draman, Brooke Larson, Anthony Staddon, *Anti-Corruption Evidence: The Role of Parliaments in Curbing Corruption. Springer International.*

*Springer Nature Switzerland AG, 2020. - Pp. 171, 203.*

24. *Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 90-моддасини қўллаш ҳақида"ги 2019 йил 19 сентябрдаги 937-сонли Қарори // https://lex.uz/docs/4542341 (саҳифага 03.12.2019 йилда киритилган).*

25. *European Parliament (2011). Parliamentary Ethics a Question of Trust. Office for Promotion of Parliamentary Democracy. - P. 15-19. Available at: https://www.parlament.cat/document/intrade/59368. Accessed: 06/03/2020*

26. *Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги Қонуни // https://lex.uz/docs/503992 (саҳифага 08.12.2019 йилда киритилган).*

27. *Caroline Morris Parliamentary Elections, Representation and the Law, Oxford, Hart Publishing, 2012. - P. 145-146.*

#### **Маҳаллий Кенгаш депутати одоби қоидаларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати ва истиқболлари**

**Азизжон Йўлдошев,**

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Халқаро оммавий ҳуқуқ ва давлат-ҳуқуқий фанлар" кафедраси доценти в.б.*

**Аннотация:** мақолада маҳаллий Кенгаш депутати одоби намунавий қоидаларини ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилган. Бу борада мавжуд миллий амалиёт ва хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда муаллиф томонидан депутатнинг одобига ва депутат деган юксак номга доғ туширийдиган хулқ-атворга таъриф берилган, одоб принциплари, хулқ-атвор қоидалари ва санкцияларни белгилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** депутат, одоб, меъёр, принцип, хулқ-атвор, қоидалар, чақириб олиш, маҳаллий Кенгаш.

**Состояние и перспективы  
правового регулирования этики депутата  
местного Кенгаша**

**Азизжон Йулдошев,**  
*и.о. доцента кафедры "Международное  
публичное право и государственно-право-  
вых дисциплин" Университета мировой  
экономики и дипломатии*

**Аннотация:** в статье обосновывается необходимость разработки примерных правил этики депутата местного Кенгаша. С учетом существующей отечественной практики и опыта зарубежных стран автором даны определения депутатской этике и поведению, порочащих высокое звание депутата, разработаны рекомендации по определению этических принципов, правил поведения и санкций.

**Ключевые слова:** депутат, этика, норма, принцип, поведение, правила, отзыв, местный Кенгаш.

**State and prospects of legal regulation of  
ethics of deputy of Local Kengash**

**Azizjon Yuldoshev,**  
*Associate Professor, Department of  
International Public Law and State Law  
Disciplines, University of World Economy and  
Diplomacy*

**Abstract:** in the article is substantiated the need to develop model ethical rules for a Local Kengash's member. Taking into account the existing domestic practice and the experience of foreign countries, the author defined deputy ethics and behavior that defame the high rank of a deputy, developed recommendations for determining ethical principles, rules of conduct and sanctions.

**Keywords:** deputy, ethic, norm, principle, behavior, rules, recall, Local Kengash.

**Шухрат БЕРДИЯРОВ,**  
юримдик фанлар доктори, доцент,  
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи

## **НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЮРИДИК ТЕХНИКАНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Ж**аҳонда ривожланган мамлакатлар норма ижодкорлиги жараёнида юримдик техникани самарали қўллашнинг ўзига хос йўналишларини аниқлаш, мазкур соҳани такомиллаштириш ва қонун устуворлигини таъминлашга оид илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларининг сифатини ошириш, норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, норма ижодкорлигида "ақлли тартибга солиш" модели элементларини қўллаш, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва унификациялаш, ҳуқуқни қўллаш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш"<sup>1</sup> вази-фаси назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августда "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5505-сонли Фармони<sup>2</sup> қабул қилиниб, унда қўйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;

- норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

- норма ижодкорлигида "ақлли тартибга солиш" модели элементларини қўллаш;

- норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

Мазкур Концепцияни мамлакатимизда норма ижодкорлиги соҳасида учраётган айрим камчилик ва муаммоларни барта-раф этишга қаратилган, дейиш мумкин. Бизнингча, бугунги кунда мамлакатимизда норма ижодкорлиги соҳасида қўйидаги муаммолар ёки ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кузатилмоқда:

- ижтимоий муносабатлар кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга

солинаётгани боис уларни тизимлаштириш ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш зарурати кучайиб бормоқда;

- қонун ҳужжатларида учраётган тафовутлар уларни баргараф этиш заруратини вужудга келтирмоқда;

- айрим қонун ҳужжатларининг нормаларида ҳаволаки норма ва муқобил шартларнинг кўплиги уларни татбиқ этишда муаммоларни келтириб чиқармоқда;

- қонунчиликда атамаларни ишлатиш билан боғлиқ муаммолар, жумладан, бир атаманинг турли қонунчилик ҳужжатларида турлича маъноларда қўлланилаётганлиги чалкашликларни юзага келтирмоқда;

- қонун ҳужжатларини битта тилда, яъни давлат тилида тайёрлаш ва қабул қилиш амалиётига ўтиш билан боғлиқ муаммолар учрамоқда;

- қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш зарурати сезилмоқда;

- қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг тобора либераллашиб бораётганлиги (масалан, Жиноят кодексига жазо турлари ва муддатларининг қисқариб бориши ва ҳ.к.) боис қонунчиликда янги таъсирчан механизмларни шакллантириш, норма ижодкорлиги фаолиятига оид илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ва мазкур фаолиятни бугунги давр талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Бу каби муаммоларни ҳал этишда юридик техника муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда юридик техника масалалари хориж давлатларда жуда кенг ўрганилган бўлса-да, мамлакатимизда ушбу масала кўп ўрганилмаган. Шу боис, хорижий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хорижлик олимларнинг юридик техниканинг моҳияти хусусидаги ёндашувларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) соф амалий; 2) соф илмий; 3) илмий-амалий (методологик)<sup>3</sup>.

Шу сабабли, "юридик техника" тушунчасига таъриф беришда ҳам ёндашувлар турли хил. Хусусан, юридик техниканинг моҳиятини ҳуқуқ назариясининг моҳияти билан

тенглаштириш ҳолатлари ҳам мавжуд<sup>4</sup>. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса уни ҳуқуқий тизимни ташкил этиш воситаси<sup>5</sup> сифатида талқин этадилар. Яна бир гуруҳ олимлар юридик техникани норма ижодкорлигида фойдаланиладиган усуллар, қоидалар, воситалар<sup>6</sup> эканлигини таъкидлашади.

Юқоридагилардан хулоса чиқарган ҳолда "юридик техника" тушунчасини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода, юридик техника - бутун ҳуқуқий тизимдаги таркибий тузилмаларнинг ташкилий қурилиши ва алоқадорлигини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндиси. Тор маънода, юридик техника - юридик ҳужжатларнинг аниқ, тушунарли ва мавжуд ҳуқуқий тизимга мос тарзда ишлаб чиқилиши ва самарали қўлланилиши ҳамда уларга тўғри ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндиси.

**Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олимлар томонидан юридик техника ҳақида сўз юритилганда ҳуқуқий тизимни тартибга келтириш ёки юридик ҳужжатларни тайёрлашнинг "восита", "услуг", "усул" ва "метод"лари мажмуи тушунилиши ҳақида сўз юритилади. Бироқ юридик техниканинг "восита", "услуг", "усул" ва "метод"лари нималардан иборатлиги адабиётларда ёритилмаган.**

Бизнингча, юридик техниканинг восита, услуб, усул ва методларига қуйидагича изоҳ бериш мумкин:

- юридик техниканинг воситалари - кенг маънода - ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода - юридик ҳужжатларнинг мукамал бўлишини таъминлаш учун зарур бўладиган элементларнинг (атамалар, юридик конструкциялар кабилар) мажмуи ҳисобланади;

- юридик техниканинг услуби - кенг маънода - ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода - юридик ҳужжатларнинг мукамаллигини таъминлаш учун фойдаланиладиган муайян ҳаракатларнинг йўналишлари ҳисобланади (масалан, ҳар бир рассомнинг расм чизишдаги ўз услуби бўлгани каби);

- юридик техниканинг усули - кенг маънода - ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода -

юримдик ҳужжатларнинг мукамаллигини таъминлаш учун ишлатиладиган усуллар мажмуи ҳисобланади.

Юримдик техниканинг методи деганда, кенг маънода - ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода - юримдик ҳужжатларнинг мукамаллигини таъминлашнинг йўли тушунилади.

Бугунги кунда юримдик техниканинг восита, услуб, усул ва методларига асосланиб, қуйидаги айрим муаммоларни ҳал этиш лозим:

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ концептуал ёндашув масаласига оид муаммолар. Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдан олдин, дастлаб, унинг концепцияси ишлаб чиқилиши лозим. Бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга нисбатан концептуал, тизимли ёндашув ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг муҳим омили ҳисобланади<sup>7</sup>.

Айниқса, қонун лойиҳаларининг концепцияси қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилгунга қадар тайёрланиши, унда бўлғуси қонунни амалга ошириш механизми белгиланиши, қайси масалалар қонунлар даражасида ва қайсилари қонуности ҳужжатлари доирасида ҳал қилиниши кўрсатилиши лозим. Бу бутун ҳуқуқий тизимни, ҳеч бўлмаса, турдош ёки боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи норматив ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш маҳсули бўлиши даркор. Лойиҳаларни тайёрлашда баъзан тегишли муносабатларни бошқа давлатларда қонун йўли билан тартибга солиш тажрибаси лозим даражада таҳлил қилинмайди, ўрганилмайди ва ҳисобга олинмайди. Ёки лойиҳа ишлаб чиқилиб, сўнг концепция шунчаки расмиётчилик учун тайёрланади. Шунингдек, бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш амалиёти жуда тезлашиб кетган, бунинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлари мавжуд. Ижобийси, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқ тезроқ тўлдирилади. Салбий томони, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тез тайёрланиши натижасида унинг оқибатлари етарлича прогноз қилинмай қолади. Бундан ташқари, қонунчиликда ўзгаришларнинг тез-тез амалга оширилиши уларнинг барқарорлигини йўқотади,

айни вақтда, фуқаролар ва инвесторларнинг ҳуқуқий тизимга ишончсизлигини келтириб чиқариши мумкин.

**Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси концепциясида, авваламбор, тегишли қонунни қабул қилиш асослари ва зарурияти, бунинг мақсадга мувофиқлиги қандай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий омиллар билан белгиланиши; қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад, уни амалга ошириш механизмининг умумий манзараси; қонун ҳужжатларининг умумий таҳлили; ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда қандай камчиликлар мавжудлиги; янги қонун қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларининг қайси нормаларини қайта кўриб чиқиш лозимлиги; қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар бўйича олган мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиниши лозим ҳамда қонунни амалга оширишда талаб этиладиган қонуности ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ.**

Бу масалада юримдик техниканинг прогнозлаш вазифаларини ҳам эътироф этиш жоиз ва у қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим: ижтимоий муносабатларнинг қайси соҳаси тартибга солиниши лозим; бу муносабатларни тартибга солиш учун қайси тушунча ва атамалар зарур; мазкур муносабатларга ҳуқуқий тартибга солишнинг қайси усули кўпроқ мос келади, тегишли равишда, ҳуқуқ нормалари ва умуман, ҳуқуқий ҳужжатнинг тузилиши қандай бўлади; чет эл ҳуқуқ тизимларида шунга ўхшаш муносабатлар қандай тартибга солинган; қабул қилиш мўлжалланаётган ҳуқуқий новелла амалга жорий этилса, қандай коллизиялар ёки камчиликлар вужудга келиши мумкин; лойиҳа қабул қилиниши натижасида ҳуқуқ тизимида қандай ўзгаришлар кутилмоқда.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги. Баъзи ҳолатларда қонунларга мувофиқ белгиланган нормаларни қандай вазиятда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берадиган ҳуқуқий меха-

низмлар, яъни қонуности ҳужжатларини, амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни қабул қилиш кечикиши мумкин. Бу эса ижтимоий муносабатларнинг ўз вақтида ҳуқуқий тартибга солинишини кечиктиради ёки умуман, тартибга солинмасдан қолишига сабаб бўлади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, 2012 йил 25 декабрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонунларнинг ижросига қаратилган қонуности ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари) мавжуд эмас. Шу боис, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлашдаги муаммолар. Бугунги кунда ҳам, афсуски, айрим қонун ҳужжатларининг нормаларида мантиқан номувофиқ нормалар, тафовутлар учраб турибди. Уларни ўз вақтида бартараф этишимиз зарур. Масалан, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги (12-модда), "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги (7-модда), "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги (12-модда) қонунларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади, яъни конституциявий нормага кўра, қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш масаласи фақат прокуратура органларига берилган бўлиб, ички ишлар органларининг ваколати доирасига кирмайди. Шу боис, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси, "Ўзбекистон Рес-

публикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаларига тегишли ўзгартириш киритиш талаб этилади.

Бундай ҳолатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда юқори турувчи қонун ҳужжатлари, турдош ёки боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар томонлама чуқур ўрганишнинг заруратини кўрсатади.

4. Қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни<sup>8</sup> 24-моддаси талабларига мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Ушбу моддада тил, мантиқ, реквизитлар билан боғлиқ қоидалар, ҳаволаки нормаларни қўллашга оид талаблар белгиланган. Масалан, биргина ҳаволаки нормалар билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратсак, юқоридаги норманинг талабига риоя этиш қанчалик муҳим эканлигини англаш қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлда қонунчиликни янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқларни тўлдириш, қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш мақсадида "Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-2003-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унда қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш жараёнида қонунларда амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари билан таъминланмаган қатор ҳаволаки нормалар аниқлангани ва бу қонунларни шарҳлаш ҳамда қўллашда субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув учун шартшароит яратаётгани таъкидланади<sup>9</sup>.

Ҳаволаки нормалар бир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар такрорланишининг олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа нормаси, моддаси ёки боби, бўлимига ишора қилиш учун ишлатилади. "Амалдаги

қонун ҳужжатларига мувофиқ", "қонун ҳужжатларининг нормаларига биноан" каби умумий ҳаволалар<sup>10</sup> ҳам мавжуд бўлиб, улар, одатда, қонун ҳужжатларига ишора қилиш учун қўлланилади.

**Бироқ ҳаволаки нормаларни юридик техника талабларига номувофиқ қўллаш натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нуфузи ва хусусиятига путур етиши мумкин. Масалан, 23 моддадан иборат "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунда 20 дан ортиқ ҳаволаки норма мавжуд<sup>11</sup>. Ҳаволаки нормаларни ҳаддан зиёд қўллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятини камайтириб, тартибга солишни белгиловчи ҳужжатга айланишига олиб келади.**

Бу ҳаволаки нормаларни умуман қўлламаслик керак, дегани эмас, албатта. Ҳаволаки нормаларсиз қонун ҳужжатлари йўриқномага ўхшаш ҳужжатга айланиб қолиши мумкин. Шу боис, қонун ҳужжатининг хусусиятидан келиб чиқиб, юридик техника талабларига асосланган ҳолда ҳаволаки нормаларни қонун ҳужжатларида келтириш мақсадга мувофиқ.

5. Бир ижтимоий муносабатнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши билан боғлиқ муаммолар. Ижтимоий муносабатларнинг имкон қадар бир қонунчилик ҳужжатида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Бир турдаги ижтимоий муносабатларнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши улардан фойдаланишни қийинлаштиради ва баъзан турлича талқин қилишга ёки уни нотўғри қўллашга ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, биргина суғурта билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар қуйидаги бешта: "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги<sup>12</sup>, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги<sup>13</sup>, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги<sup>14</sup>, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғри-

сида"ги<sup>15</sup>, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги<sup>16</sup> қонунлар билан тартибга солинган.

Ижтимоий муносабатларнинг бу каби кўплаб қонун ҳужжатларида тартибга солиниши қонунларнинг ҳам сон жиҳатидан кўпайишига олиб келади. Бу, академик А.Х. Саидов таъкидлаганидек, "қонунлар инфляцияси"<sup>17</sup> деган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу боис, бундай қонунларни кодификация қилиш мақсадга мувофиқ.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишдаги муаммолар. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни 21-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Мазкур Қонуннинг 22-моддасига кўра, ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек, ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий экспертиза жараёнида амалиётда баъзан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш билан чекланилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини юридик техника қоидаларига мувофиқлигини текшириш юридик экспертизанинг муҳим жиҳати ҳисобланади<sup>18</sup>.

Экспертларнинг қонун ҳужжатларининг лойиҳаларига хулоса беришида лойиҳани тайёрлаган органдан мустақиллигини таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда, лойиҳа қабул қилинишидан манфаатдор бўлган шахс экспертиза жараёнида, зарурат бўлмаганда, қатнашмаслиги лозим. Шунингдек, экспертиза ўтказувчи шахснинг малакаси ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этади.

8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини илмий-назарий жиҳатдан асослан-тиришдаги муаммолар. Норматив-ҳуқуқий



ҳужжатлар лойиҳасида юридик нормаларнинг мантиқий боғлиқлигини таъминлаш ва илмий хулосалар билан асослантириш масалаларида ҳам муаммолар учраб туради. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таққослаш жадвалларини ишлаб чиқиш амалиёти бугунги кунда яхши йўлга қўйилган бўлса-да, уларни илмий асослантириш масалаларида айрим камчиликлар кузатилмоқда. Бу масалада замонавий ҳуқуқий доктринага, яъни янгича демократик ҳуқуқий тафаккур, илгор ҳуқуқий қарашлар, назарий умумлашма ҳамда қоидалар тизимига асосланиш муҳим аҳамиятга эга<sup>19</sup>.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш заруратини илмий асослантириш давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологик ғояларига таянган ҳолда ҳозирги замон нуқтаи назаридан ёндашишни талаб этади.

Шунингдек, замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг қоидалари, усуллари ва методларини янада такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

9. Юридик лингвистика талабларини таъминлаш. Бугунги кунда ҳуқуқ ижодкорлигидаги долзарб масалалардан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида тил қоидаларига асосланиш ҳисобланади. Юридик техника нуқтаи назаридан тил қоидаларининг бузилиши норма хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши ҳаммамизга аён бўлган ҳақиқат ҳисобланади. Бундан ташқари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат тилида тайёрлаш методологиясини яратиш эҳтиёжи мавжуд.

**Тил муттасил ривожланиб борувчи ҳодиса бўлгани боис, сўзларнинг маъноси ўзгариши мумкин. Шу сабабли сўз ва атамаларни норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган пайтдаги маъносида қўллашни назарда тутувчи қоидага қатъий риоя этиш лозим.**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чет тилларидан кирган сўзларни имкон қадар кам-

роқ ишлатиш зарур, чунки бу қонундаги нормаларни тушунишни қийинлаштиради. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, чет тилидан кириб келган баъзи сўзлар (масалан, "процесс", "кодекс", "инкорпорация") атама сифатида қабул қилинган бўлиб, бундай сўзларни ишлатиш мақсадга мувофиқ, яъни муомаладан мустаҳкам ўрин олган ва муваффақиятли қўлланилаётган эски атамалардан воз кечиш ва янги атамаларни асоссиз равишда муомалага киритиш зарарли. Айни бир ҳуқуқий тушунчани ифодалаш учун янги атамалар киритиш, атамаларнинг мазмунини ўзгартириш ноаниқликлар ва англашилмовчиликларни келтириб чиқаради. Бу соҳада турғунликка йўл қўйиш, ҳуқуқий атамаларнинг барқарорлиги деб ўринсиз атамаларни сақлаб қолиш ҳам ярамайди. Шу билан бирга, қонунчилик ҳужжатларида ўзбекчасига алмаштирса бўладиган "декувер", "актуарий" ва "негоция" каби сўзларни кўп ишлатиш номақбулдир.

Умуман олганда, норма ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашнинг самарасини ошириш объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, республика миқёсида аниқ вазибалар ҳамда чора-тадбирларни белгилаш тақозо этилади. Хусусан, норма ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллаш самарадорлигини ошириш қўйидаги омиллар билан боғлиқ: биринчи омил - юридик техника талабларидан иборат қонунчиликни такомиллаштириш; иккинчи омил - юридик техника талабларини қўллаш тизимини такомиллаштириш; учинчи омил - ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўлловчи субъектларнинг билими ва малакасини юксалтириш; тўртинчи омил - ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни тизимли мониторинг қилиб бориш; бешинчи омил - ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашни такомиллаштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб бориш; олтинчи омил - хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини мунтазам ўрганиб бориш ва миллий ҳуқуқий тизимимизга мос жиҳатларидан фойдаланиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамият, давлат ва шахс ҳаётига таъсир этиб, иж-

тимойи воқеликда муайян ўзгаришларни вужудга келтиради. Шу боис, уларни тайёрлаш ўта мураккаб ва масъулият талаб қиладиган иш ҳисобланади. Бу жараёнда кучли тафаккур ва маҳоратнинг ўзи камлик қилади. Олиб борилган таҳлилларнинг натижаларига асосан шундай хулосага келиндикки, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўлловчилар қанчалик профессионал даражада ишламасинлар, илмий асосланган фикр ва хулосаларга таянмас экан, ҳар томонлама мукамал қонун ҳужжатлари яратилишига умид боғлаб бўлмайди. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишида ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақбуллиги, мукамаллиги, халқчиллиги ва самардорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис ҳам бу фаолият ижодий илмий ёндашувни тақозо этади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.*
2. *ҚХММБ, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.*
3. *Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. - Т.: ТДЮИ, 2008. - Б.7.*
4. *Шугрина Е.С. Техника юридического письма. - М., 2001. - С.8.*
5. *Сандевуар П. Введение в право. - М.: 1994. - С. 136.*
6. *Теория государства и права / Под ред. В.М. Корельского и В.Д. Первалова - М.: 1998. - С. 313.*
7. *Муҳамедов Ў. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истиқболли вазифалари // Ҳуқуқ-Право-Law. - 2005. -№ 4. - Б.6-7.*
8. *Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни. www.lex.uz*
9. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда.*
10. *Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т., Муҳамедов Ў.Х. Икки палатали парламент. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси. 2004. - Б.171.*
11. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда.*
12. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2015. 21-сон. 268-модда.*
13. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 197-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.*
14. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда.*
15. *Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 128-модда.*
16. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда.*
17. *Саидов А.Х. Қонун ижодкорлиги стратегияси ва қонунчилик техникаси ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти тизимида // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари. - Т.: ТДЮУ. 2005. - Б. 15.*
18. *Сайдман А., Сайдман Р., Абейесекере Н. Руководство по законодательной технике: законотворчество в интересах демократических социальных перемен в обществе. Издание на русском языке. Пер.: Г.Сергунина, А.Кашпура. - Бишкек: ПРООН, 2001. - С.35.*
19. *Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У., Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. - Т.: SMI-ASIA, 2010. - Б. 6.*

**Норма ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашни такомиллаштириш истиқболлари**

**Шухрат Бердияров,**  
юридик фанлар доктори, доцент,  
Ўзбекистон Республикаси  
Миллий гвардияси бўлим бошлиғи

**Аннотация:** мақолада ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, ўзаро алоқадорлиги ва қонун нормаларининг ҳаётга татбиқ этилишидаги аҳамияти ёритилган.

**Шунингдек,** мақолада юридик техникани қўллаш билан боғлиқ тажриба норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда нашр этилган монография, рисола ва ўқув қўлланмаларини ўрганиш асосида илмий таҳлил этилган. Таҳлиллар асосида қонун ҳужжатларининг тузилиши ва юридик конструкциясини ишлаб чиқишининг замонавий юридик-техник қоидалари, воситалари, принциплари ва усуллари асослантирилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий фаолият, ҳуқуқни амалга ошириш, ҳуқуқий хатти-ҳаракат, ҳуқуқий амалиёт, юридик техника, ҳуқуқий тизим, юридик ҳужжат, юридик техника қоидалари.

### **Перспективы совершенствования применения юридической техники в процессе нормотворчества**

**Шухрат Бердияров,**

доктор юридических наук, доцент,  
заведующий отдела Национальной гвардии  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** в статье раскрываются особенности взаимосвязи нормотворчества и правоприменительной деятельности, а также значимость применения законодательных норм в жизни.

А также в статье на основе изучения правовой системы, нормативно-правовых

актов, научной литературы, правотворческой и правоприменительной практики и применения юридической техники, исходя из анализа обоснованы современные юридико-технические правила, средства, принципы и методы разработки юридической конструкции и структуры законодательных актов.

**Ключевые слова:** реализация права, правовая деятельность, применение права, правовое действие, правовая практика, юридическая техника, правовая система, юридический документ, правила юридической техники.

### **Prospects for improvement application of legal techniques in the process of rulemaking**

**Shukhrat Berdiyarov,**

DSc (Law), Associate Professor,  
head of the Department of the National guard  
of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** the article reveals peculiarities and interrelation of department rule-making and enforcement activities, as well as the importance of the application of legislation on life.

The article based on the study of the legal system, legal acts, scientific literature, law-making and law-enforcement practice experience of legal technique. From the analysis it is modern legal and technical rules, means, principles and methods of structure and legal structure of legislative acts are substantiated.

**Keywords:** realization of law, legal activity, application of law, legal action, practice of law, legal technique, legal system, rules of legal technique, types of legal technique.

**Ақида ДАДАШЕВА,**  
юридик фанлар номзоди,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси "Давлат тўзилиши ва  
бошқарувнинг ҳуқуқий асослари" кафедраси доценти

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Хозирги даврда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар доирасида давлат органлари фаолиятининг очиклигини кучайтиришга қаратилган механизмларни жорий қилиш, унинг норматив-ҳуқуқий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ижроия ҳоқимияти органлари билан кенг жамоатчилик ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштиришни таъминлаш долзарб масалалардир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузада қайд этилганидек: "Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

**Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: "Халқ қонунларга эҳтиёж сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди". Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.**

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда"<sup>1</sup>.

Жамоатчилик назоратининг бевосита, яъни тўғридан-тўғри шакллари анча илга-

ри шаклланган. Масалан, фуқаролар йиғини - энг қадимги оммавий - ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, у орқали халқ бевосита, тўғридан-тўғри, шу жумладан, ҳоқимият вакиллари устидан ўз ҳоқимиятини амалга оширган. Хозирги замонавий ҳуқуқда фуқаролар йиғини - тегишли ҳудудда истиқомат қиладиган фуқаролар томонидан ижтимоий муҳим аҳамиятга эга масалаларни биргаликда муҳокама қилиш ва ҳал этишни назарда тутадиган оммавий ҳуқуқ институтидир. Турли даврларда мазкур институт амалий жиҳатдан барча халқларга маълум эди. Фуқаролар йиғини қадимги Хоразм, Греция ва Римнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган.

2018 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуни<sup>2</sup> кучга кирди. Қонундаги қўшимча ўзгартиришларга мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларига қуйидаги соҳаларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқлари берилди, яъни: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш; озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш; ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, кўпайтириш, такрорий кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш; радиациявий хавфсизликни таъминлаш; психиатрия муассасалари, шунингдек, психиатрия ёрдами кўрсатувчи

шахслар фаолияти устидан амалга оширилиши ҳамда ушбу тузатишларнинг бир қисми бюджет жараёнининг очиқ-ошкоралигига тааллуқлидир. Хусусан, маҳаллий бюджетларнинг параметлари ҳамда улар ижроси ҳақида ҳисоботларни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнлари оммавий ахборот воситаларида ёритилади. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетларининг лойиҳалари Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин уларнинг жамоатчилик муҳокамасини таъминлаш вазифаси Молия вазирлиги зиммасига юклатилган. Башорат йили учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалар бюджетларининг лойиҳалари ҳамда келгуси икки йилга оид бюджет мўлжаллари юзасидан Ҳисоб палатасининг хулосалари мажбурий равишда эълон қилинади. Вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан, бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланиш, ўтказилган танловлар, яъни тендерлар ва олинган товарларнинг етказиб берилиши тўғрисидаги тегишли ахборотни расмий веб-сайтларига жойлаштириш лозим.

Жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи асосий омил ҳисобланади. Мазкур институт инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эга бўлишини таъминлайди ва бунда жамоатчилик назоратининг мавжудлиги сиёсий ҳокимиятнинг том маънода халқ қўлида эканининг кўрсаткичи ҳисобланади ва ҳокимият томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг асосий сабабчиси халқ эканлигини инобатга олган ҳолда Конституция ва қонун устуворлигига эришишда Жамоатчилик назоратининг мазмун ва моҳиятини қуйидаги йўналишлар асосида тавсифлаш мумкин:

- биринчидан, ҳокимият органлари фаолиятининг доимий тизимли мониторингини олиб бориш, оммавий ахборот воситаларининг барча турлари қўлланилишининг инобатга олиниши;

- иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қабул қилинаётган умуммажбурий характердаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинишида доимий равишда иштирок этиб бориш;

- учинчидан, ижтимоий муҳим бўлган қарорлар қабул қилишда жамоатчиликнинг иштироки.

**Умумий тушунча сифатида жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг зарурлиги, энг аввало, мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида Ватанимизга хавф солаётган турли хил коррупция, таъмагирлик, маҳаллийчилик, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик, одамлар онгини турли унсурлар билан заҳарлаш каби таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришга хизмат қилиши билан белгиланади.**

Жамоатчилик назоратининг мавжудлиги - демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шarti. Айнан жамоатчилик назорати орқали фуқаролар ва жамоат тузилмалари жамият ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топишга эришадилар. Демак, жамоатчилик назорати институтини қайсидир маънода жамият ҳаётидаги камчиликларни бартараф этишнинг, мавжуд муаммолар ечимини топиш, давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим усули сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сонли Қарори билан "Давлат органи ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисида"ги Намунавий низом тасдиқланди. Ушбу Низом илк қадамлардан бири сифатида эътироф этилиши ва ушбу кенгаш фаолияти халқ учун хизмат қилиши ҳамда халқнинг ишончини қозониши даркор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги "Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4551-сонли Қарори ғоят муҳим ва долзарб масалаларни қамраб олганлиги, республикани

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда кўплаб янги қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинаётгани муҳим аҳамиятга эга. Аини вақтда, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, қонун бузилиши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши самарали кураш ҳамда бундай ҳолатларнинг барвақт олдини олишга қаратилган таъсирчан тизимни шакллантириш талаб этилмоқда.

Бир қатор хорижий давлатларда "жамоатчилик назорати" ўрнига "фуқаролик", "демократик назорат" ва ҳоказо каби тушунчалар кенг қўлланилиб, кенгроқ алоқаларни қамраб олади.

**Хориж тажрибасини ўрганиш шунини кўрсатдики, хорижий мамлакатларда камдан-кам ҳолатларда, одатда, жамоат назоратини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича муносабатларни ҳар томонлама ва мунтазам равишда тартибга солувчи алоҳида қонунчилик ҳужжати йўқ. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг турли соҳаларида ижтимоий, фуқаролик назоратини ҳуқуқий тартибга солиш тизими ишлаб чиқилган, мудофаа, хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот ва ҳоказо (Буюк Британия, Бельгия, АҚШ, Франция, Финляндия, Эстония ва бошқалар).**

Таҳлиллар шунини кўрсатадики, айрим мамлакатларда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти кўпинча жамоатчилик назорати объекти сифатида кўрсатилади. Шу билан бирга, айрим соҳаларда жамоатчилик назорати объекти, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, давлат функцияларини бажарадиган юридик шахсларнинг ва бошқа ташкилотларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва мулк шаклидан қатъи назар, фаолият юритади.

Германияда жамоатчилик назорати объектлари: давлат органлари, жамоат ташкилотлари, жамоалар ва уларнинг ассоциациялари, илмий муассасалар, марказий илмий ташкилотлар, мактаблар, давлат органлари сифатида фаолият юритадиган хусусий юридик институтлар фаолияти ҳисобланади. Францияда жамоат-

чилик назорати кенгашлари давлат бошқаруви, судлар, банклар ва ҳоказоларга бўйсунитиш мумкин. Америка Қўшма Штатларида фуқаролик назорати институти полиция фаолиятига нисбатан қўлланилади. Бироқ Буюк Британияда, қоида тариқасида, судлар, хавфсизлик хизматлари ва разведка жамоатчилик назорати остида бўлиши мумкин эмас. Агар сир сақланадиган маълумотлар ОАВ орқали эълон қилинса, фавқулодда ушбу ҳолат юзасидан матбуот хизмати фаолияти дарҳол изоҳ бериб ўтиши даркор.

Шунини таъкидлаш жоизки, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни татибиқ этиш яхши, лекин ўзимизнинг буюк мутафаккирларимизнинг жаҳон тан олган асарларини ўрганиш ва уларни келажак авлодларимизга етказиш, жаҳонда "ўзбек модели"ни танитишни давом эттириш, "Ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" шиори остида давомий тадқиқотлар олиб боришга, изланишга ундайди. Халқ қабулхоналари, ҳукуматга халқ хизмати эмас, балки халққа ҳукумат хизмати муҳимлиги, қонун чиқарувчи ҳокимиятга вазирларнинг ҳисобдорлиги, маҳаллий ижро ҳокимиятига битта мактаб бириктирилиши ва мансабдор шахс томонидан очиқ дарслар ўтказилиши ва ҳ.к.лар шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида Ўзбекистон халқи: "ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб" ва "инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб"<sup>3</sup> ушбу Конституция қабул қилингани қайд этилган. Бинобарин, мукамал давлат ва жамият, яъни ҳуқуқий давлат ва фозил жамият барпо этишнинг асослари ўтмиш манбаларида ҳам етарлича баён қилинган.

Ўтказилган сўровномадаги жавобда "Сўнгги даврларда жамиятда қандай омиллар ўзгарди (кўпайди ёки камайди)?" деган саволга фуқароларнинг фаоллиги, эркинлик, кишилар орасидаги бирдамлик масалаларига кўпроқ эътибор қаратилганини кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда давлат назорати ижро ҳокимияти тизимида қонунийлик инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашга йўналтирилганлиги самарали эканлиги билан бирга, аини пайтда, жамиятни янада демократлаштириш вазифалари ушбу ҳокимият тар-

моғи фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати олиб борилишини тақозо этади.

**Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратининг зарурлиги яна бир қатор омиллар таъсири билан тавсифланади. Хусусан, ижро ҳокимияти фаолияти бошқа ҳокимият тармоқларига жамият томонидан кўпроқ назорат қилинишни тақозо этади<sup>4</sup>. Зотан, ижро ҳокимияти ўз тизими ва таркибининг кенглиги билан бошқа ҳокимият тармоқларидан ажралиб туради. Бу ҳокимият тармоғининг жуда катта бошқарув ва молиявий ресурсларга, ташкилий имкониятларга ҳамда кўп сонли ходимлар мажмуасига эгаллиги, шунингдек, қонунда белгиланган асос ва тартибларда куч ишлатиш ваколатига эга бўлган давлат органларини ҳам ўз ичига олганлиги ижро ҳокимиятининг давлат механизмида тутган ўрнини белгилаб беради.**

Ижро этувчи ҳокимият - манбасига кўра, ягона ва яхлит бўлган давлат ҳокимиятининг ҳокимиятлар бўлиниши принципага мувофиқ бўлинган тармоғи бўлиб, у қонунларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятини амалга оширадиган давлат органлари ва бошқа давлат тузилмалари мажмуидан иборат<sup>5</sup>.

Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги миллий тараққиёт андозасига, стратегик мақсадларига, тадрижий-ислоҳий сиёсатига мос келувчи давлат бошқаруви ва ҳокимият институтлари, асосан, шаклланиб бўлди. Лекин такомиллашув жараёни қизгин давом этмоқда ва у муаммолардан холи эмас. Муаммоларнинг асосий қисми бевоқиф давлат ва жамият қурилиши жараёнларини эркинлаштириш билан боғлиқ. Зотан, давлат бошқаруви институтларининг функционал вазифалари тизими ҳам шундан далолат беради<sup>6</sup>. Яъни, давлат бошқаруви институтлари: давлатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлайди; Асосий қонунда кўзда тутилган мақсадларга эришишда ва конституциявий вазифаларни бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнайди; демократик барқарорликни таъминлайди; фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашда асосий масъулиятни ўз зиммасига олади ва ҳоказо. Ўз навбатида, бун-

дай вазифа давлатнинг ҳуқуқий моҳиятини, сиёсий тизимнинг етакчи бўғини сифатидаги аҳамиятини тушуниш орқали ҳал қилиниши лозим. Бунда давлат ислохотларнинг хусусияти ва йўналишини аниқлаш борасидаги ўрни доирасидан четга чиқмаслиги даркор.

Бинобарин, бу миллий тараққиёт йўли - "ўзбек модели"нинг беш тамойилида ҳам ўз ифодасини топган. Демократик ислохотлар янада чуқурлашган ҳозирги босқичда ҳуқуқий фан олдида давлат қурилиши соҳасида, хусусан, маҳаллий ижро ҳокимияти органларига ҳам оид тегишлича янги вазифалар юзага келмоқда. Зеро, уларнинг ечимини топмасдан туриб, демократия йўлида самарали илгарилаб бўлмайди. Бунда оммавий ахборот воситаларида маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятига доир туркум кўрсатувлар, уларнинг режаларида кўрсатилган вазифалари тўлиқ ёритилиши билан чекланмасдан, ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида "Электрон ҳукумат" тизимини ва замонавий-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш зарур.

Сайёр учрашувлар, фуқаролар билан йиғилишлар олиб борилиши ва муаммони бориб ўрганишга ҳаракат қилиниши даркор, тўғри, бу вазифалар вақт меъёрига тўғри келмаслиги мумкин, иш ҳажмидаги юкни оғирлаштириб юборади, лекин ушбу фаолиятда вакиллик органларининг майдонга чиқиши ва ушбу вазифани масъулият билан ёндашган ҳолда бажара олиши зарур. Чунки ушбу ҳудудда фуқаролар томонидан сайланган депутат мазкур ҳудуднинг муаммоларини ўрганиб чиққан, ҳудуддаги вазиятларни сайловолди дастурига киритган бўлиши мумкин ва ҳ.з.

Шу билан бирга, амалиётда ҳали маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг аҳоли билан ишлашда мавжуд самарали шакл ва услублардан етарлича фойдаланмаётгани билан боғлиқ муаммолар учрамоқда, муаммоларни самарали бартараф этиш мақсадида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш зарурияти мавжуд, ушбу жараёнда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари "мулоқот майдони"га чиқиши даркор,

чунки мазкур органлар давлат органлари тизимида муҳим ўрин эгаллаганлиги ва сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этувчи бўғин бўлганлиги боис улар орқали, асосан, мамлакат олий сиёсий раҳбарияти қарорларининг амалга татбиқ этилиши таъминланади. Шу тариқа, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг умумдавлат вазифаларини бажаришдаги ўрни ва ролини тўғри белгилаш, улар фаолиятига энг самарали шакл ва услубларни жорий этиш, шунингдек, мазкур органлар ҳуқуқий мақомининг кейинги ривожланиш истиқболини аниқлаш давлат қурилишининг ҳозирги босқичдаги долзарб вазифаларидан саналади.

Буюк мутафаккир аллома Форобий тасаввуридаги мукамал жамият ва давлатнинг олий мақсади - инсонларни том маънода бахт-саодатга эришуви йўлидаги вазифаларидан келиб чиқади. Шу боис, унинг фикрича, баркамол шаҳарлар - фазилатли, мукамал ижтимоий уюшма; ўрта аср реал воқелигидаги шаҳарлар эса - у ёки бу даражада жоҳиллик хусусиятларини ўзида мужассам этган "кичик жамият" бўлиб, агарда шаҳар - давлат оқиллик ҳамда ижтимоий ривожланишнинг зарурий ва ҳақиқий қонунларини англашга асосланган экан, уни, албатта, такомиллаштириш ва фозил жамият, шаҳар- давлат билан алмаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Олдимиздаги муҳим масала - "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, роли ва ўрни қандай бўлиши лозим?" деган саволга жавоб топишдан иборат. Жамоатчилик назорати ўз мазмунига кўра, жамоат бирлашмалари, яъни ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, ижтимоий фондлар, федерациялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга ошириладиган назорат шаклидир. Демак, мазкур демократик жараённинг асосий субъектлари нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳисобланади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари асосий ўринни эгаллайди. Жамоатчилик назоратини амалга оширадиган энг етакчи куч фуқаролик жамияти институтларидир.

Ушбу масалаларда кўпроқ эътибор қаратиладигани ва аҳамиятлиси, фикрнинг генезиси ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятдир. Амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини кучайтириш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, ҳуқуқшунос маслаҳати хизматларини ташкил этиш ва ноюримдик йўналишларда ҳуқуқшунослик фанлари ўтишининг муҳимлиги, уларни тиклаш, амалда жорий этиш эътиборга лойиқлиги, фуқаролик жамиятини тараққий топтиришда жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш ҳамда бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг иштирокини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Давлат ва жамият бошқарувида, давлат органларининг кундалик фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини кучайтириш, ушбу механизмни ишлаб чиқиб, йўлга қўйиш даркор.

### *Манба ва адабиётлар*

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2019 йил 7 декабрь. <http://uza.uz/oz/politics/konstitutsiya-va-onun-ustuvorligi-07-12-2019>
2. Ўзбекистон Республикасининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.04.2018 й., 03/18/474/1062-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018. - 80 б.
4. Мухамедходжаева Х.Р. Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти юзасидан жамоатчилик назорати ўрнатилишининг айрим муаммовий жиҳатлари // Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. - Тошкент, 2008. - Б. 3-5.
5. Туракулов М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда маҳаллий давлат ҳокимиятининг роли. - Т.: ДЖҚА, 2005.
6. Рузметов Х.И. Хокимияты: проблемы теории и практики организации деятельности местных органов исполнительной власти. Монография. - Т.: ТГЮИ, 2010. - С. 226.



**Ўзбекистонда маҳаллий ижро  
ҳоқимияти фаолияти устидан  
жамоатчилик назоратини амалга ошириш  
масалалари**

**Ақида Дадашева,**

юримдик фанлар номзоди,

Ўзбекистон Республикаси Президентини  
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
"Давлат тузилиши ва бошқарувининг  
хуқуқий асослари" кафедраси доцентини

**Аннотация:** ушбу мақолада жамоатчилик назоратининг фуқаролик жамияти институтида муҳим ўрин эгаллаши ва мавжуд институционал назорат тизимига жалб қилиши масалалари кўриб чиқилган. Зеро, инсоннинг сиёсий фаолиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислохотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси ва хуқуқий фаолиги давлатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришининг муҳим омилларидан биридир.

**Калит сўзлар:** жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти, маҳаллий ижро органлари, ҳоқим, таълимотлар, назариялар, нодавлат ташкилотлар.

**Вопросы осуществления общественного  
контроля над деятельностью местной  
исполнительной власти в Узбекистане**

**Ақида Дадашева,**

кандидат юридический наук,

доцент кафедры "Правовые основы  
государственного устройства и  
управления", Академия государственного  
управления при Президенте Республики  
Узбекистан

**Аннотация:** в данной статье рассматривается роль общественного контроля в институте гражданского общества и участие существующей системы институционального контроля. В конце концов, политическая активность человека, его подлинное гражданское отношение, его чувство причастности к демократическим реформам и его правовая деятельность являются важным фактором в достижении великих целей, поставленных нашим государством.

**Ключевые слова:** общественный контроль, гражданское общество, местные исполнительные органы, хоким(мэр), учения, теории, неправительственные организации.

**Issues of public control over the activities of  
local executive authorities  
in Uzbekistan**

**Akida Dadasheva,**

PhD (Law), Associate Professor of the  
Department of Legal basis of public  
administration and structure

**Abstract:** this article discusses the role of public control in a civil society institution and the participation of the existing institutional control system. In the end, the political activity of a person, their genuine civic attitude, their sense of participation in democratic reforms and his legal activities are an important factor in achieving the great goals set by our state.

**Keyword:** public control, civil society, local executive bodies, hokim, teachings, theories, non-governmental organizations.

**Хамидулло ИНОМОВ,**  
*Фарғона вилояти Бандлик бош бошқармаси*  
*Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи,*  
**Ўткир НОМОЗБОЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Судьялар*  
*олий кенгаши етакчи инспектори*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШКИЛИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Сўнгги вақтларда Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар давлат бошқарувини демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлигини таъминлаш, эркин касб танлаш ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилмоқда. Ўз ўрнида, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида давлат хизматчилари учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида сўз борди. Хусусан, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароити яратиш ва даромадини кўпайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилиши кераклиги таъкидланди<sup>1</sup>. Бундан ташқари, Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган туб ўзгаришлар ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деди: "Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари жаноб Ал-Хусайннинг ташрифи яқунлари бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди"<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган ислоҳотлар,

чора-тадбирлар марказида ташкилий ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу, айниқса, мамлакатнинг яқин истиқболда ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши билан боғлиқ.

**Маълумот учун: 1991 йил 10 октябрда Меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига айлантирилди. 1992 йилда Ўзбекистон Халқаро Меҳнат Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. 1993 йил 14 июлда Меҳнат муҳожирлари ишлари бўйича республика агентлиги ташкил этилди. 2001 йил 13 февралда Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги негизда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги тузилди. 2001 йил 6 апрелда Меҳнат муҳожирлари ишлари бўйича республика агентлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига айлантирилди. 2017 йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига айлантирилди. 2018 йил 27 ноябрда Ўзбекистон Миграция бўйича халқаро ташкилотга аъзо бўлди<sup>3</sup>.**

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг: "Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимизга қўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда "Сен - менга тегма, мен - сенга тегмайман", деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Биз "вазият ёмон, вазият оғир", деб баҳона қидиришга ўрганиб қолганмиз.

Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни, келинг, ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди"<sup>4</sup>, деган фикри ҳар бир муаммони ҳал этишда жиддий ёндашув талаб этилишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикасида Мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 349-сонли Қарори билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ваколатлари кенгайтирилди<sup>5</sup>. Шу ўринда, жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш борасида ташкилотлардаги касаба уюшмалари бошланғич бўғинларининг жавобгарлик чораларини кучайтириш белгиланди. Шунингдек, мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда улар тўғрисида прокуратура органларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига зудлик билан маълум қилиш белгиланган. Бундан ташқари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликда ушбу соҳадаги жамоатчилик назоратини фаоллаштириш ҳам назарда тутилди.

Мавжуд маълумотлар таҳлилига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги "Меҳнат органлари тузилмасини такомиллаштириш ва фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3913-сонли Қарори билан мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган бир қанча ташкилий ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, мажбурий меҳнатга йўл қўймасликда ва унга тўлиқ барҳам беришда, меҳнат муносабатлари доирасида ходимлар ва иш берувчиларга маслаҳат ва услубий ёрдам

беришда меҳнат органлари салоҳиятини янада кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг (кейинги ўринларда - Меҳнат вазирлиги) тугатилган Давлат меҳнат ҳуқуқий инспекцияси ҳамда Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциялари негизида Меҳнат вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси (кейинги ўринларда - Инспекция) тузилди<sup>6</sup>.

Ўз ўрнида, Инспекциянинг қарорга кўра белгиланган бир қанча вазифаларидан ташқари манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва унга тўлиқ барҳам бериш чораларини, шу жумладан, айбдор бўлган мансабдор шахсларни қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиш йўли билан ташкил этиш белгиланган. Маълумотларга кўра, охириги уч йилда ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисалар сони 1214 тани ташкил этганлиги, шулардан 241 таси ўлим билан тугаганлиги, 21 мингдан зиёд фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлиги ва мажбурий меҳнатга жалб этилганлиги тўғрисида мурожаат этганликлари қайд этилган<sup>7</sup>.

**Қарор билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш, ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек, ўрнатилган тартибда хорижга вақтинчалик ишга жойлашиш учун кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш мақсадида масъулияти чекланган жамият шаклидаги банд бўлмаган аҳолига хизматлар кўрсатувчи "Ишга марҳамат" мономаркази тажриба сифатида ташкил этилди.**

Ўз навбатида, Малайзия комплекс бизнес коллежи (Malaysian Integrated Business college) билан биргаликда Ўзбекистон - Малайзия касбга ўқитиш маркази ташкил этилиб, унинг асосий вазифаси этиб, банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик, бухгалтерлик, ресторан менежменти ва кулинария, ижтимоий медиа-маркетинг ва бошқа

йўналишларда қисқа муддатли курсларда ўқитиш ва битирувчиларни кейинчалик ишга жойлаштиришга, шу жумладан, хорижда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш тўғрисидаги таклифлари ҳам қабул қилинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Тошкент шаҳар ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш маркази (кейинги ўринларда - Марказ) Меҳнат вазирлиги тасарруфига ўтказилган касб-хунар коллежлари ва улар ҳузурида ташкил этилган касбга ўқитиш марказлари ишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва ўқув-методик таъминлаш учун масъул бўлган бош муасаса этиб белгиланди.

Шу билан бирга, Марказ тузилмасида бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига молиялаштирилладиган касб-хунар-техник ўқитишни ташкил этиш бошқармаси 5 та штат бирлигидан иборат таркибда ташкил қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1066-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган ПҚ-3913-сонли Қарорини ижро этиш мақсадида қабул қилинди.**

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига кўра, Меҳнат вазирлигига мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам бериш, шу жумладан, айбдор мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш бўйича манфаатдор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда чоралар кўриш, ходимларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, бирор-бир шаклда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш эҳтимолларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари амалга оширилишини назорат қилиш, мониторинг яқунлари бўйича фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда оммавий эшитувларни, шу

жумладан, ҳудудларда ўтказиш, эшитувларда мажбурий меҳнатдан фойдаланилган ҳар бир ҳолат, бундай ҳолларга йўл қўймаслик мақсадида, танқидий ўрганиб чиқиш каби ваколатлари белгиланган.

Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш борасидаги қатъий чора-тадбирлар туфайли 2019 йилда пахта терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйган ва теримчиларга меҳнат шароити яратмаган мансабдор шахсларга қонуний чоралар кўрилган.

Жумладан, ўтган йили вазирликнинг Давлат меҳнат инспекциясига "176" қисқа рақамли ишонч телефони, "www.dmi.mehnat.uz" сайти, "@mehnatuquqbot" телеграмм боти орқали мажбурий меҳнат билан боғлиқ 1282 та хабар келиб тушган. Уларнинг 259 тасида ҳақиқатан фуқаролар мажбурий меҳнатга жалб этилгани, шундан 118 таси пахта терими мавсумида рўй бергани аниқланган. Мазкур ҳолатлар бўйича айбдорлар жавобгарликка тортилиб, уларга 772 миллион сўм миқдорида жарима тайинланган. Шунингдек, 3 мингдан зиёд фуқаро пахта мавсумида мажбурий меҳнатга жалб этилгани аниқланиб, айбдорлар қонунда кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортилган.

Давлат меҳнат инспекцияси томонидан мажбурий меҳнатнинг олдини олиш мақсадида республика ва вилоят ташкилотлари раҳбарлари номига жами 225 та ёзма кўрсатма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларига 13 та огоҳлантириш, вазирлик ва идораларга 80 та тақдимнома киритилди<sup>8</sup>.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (кейинги ўринларда - ХМТ) Бош конвенцияси 14-сессиясида қабул қилинган "Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида"ги 29-сонли Конвенция (Женева, 1930 йил 28 июнь) 1932 йил 1 майдан кучга кирган бўлиб, мамлакатимиз ушбу ҳужжатни 1997 йилда ратификация қилган<sup>9</sup>.

2014 йил 11 июнда Женевада қабул қилинган Баённомада ХМТ аъзоларининг мажбурий меҳнатни қўллашнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўриш, унинг қурбонлари

ҳимояланишини, шу жумладан, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланиши - зарар қопланиши ва ҳуқуқбузарларга нисбатан санкциялар қўлланишини таъминлашга доир мажбуриятлари назарда тутилган давлатлардан мажбурий ёки мажбурий меҳнатнинг барча шаклларида фойдаланишининг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўриш ва унинг қурбонларини ҳимоя қилиш, самарали ҳимоя воситалари ҳамда зарарлардан фойдаланишни таъминлашни талаб қилади.

Давлатимиз томонидан 2019 йил 25 июнда ХМТнинг "Мажбурий меҳнат тўғрисида"ги 29-сонли конвенциясига Баённома ратификация қилиниб, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинган<sup>10</sup>:

- шахсларни, хусусан, ўта заиф ҳисобланадиган шахсларни зўраки ёки мажбурий меҳнат қурбонларига айланишига йўл қўймаслик учун ўқитиш ва хабардор қилиш;

- иш берувчиларни зўраки ёки мажбурий меҳнат амалиётида иштирок этишларига йўл қўймаслик учун ўқитиш ва хабардор қилиш;

- зўраки ёки мажбурий меҳнатга оид қонун ҳужжатлари, шу жумладан, меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг қамров соҳасини барча ходимлар ва иқтисодиётнинг барча секторларига татбиқ этиш ҳамда унга риоя этилишини таъминлаш;

- мазкур қонун ҳужжатлари ижро этилиши учун масъул бўлган меҳнат инспекцияси органлари ва бошқа хизматларни мустаҳкамлаш;

- шахсларни, биринчи навбатда, меҳнат мигрантларини ишга жалб этиш ва ёллаш жараёнида эҳтимолий суиистеъмолчилик ва фирибгарликлардан ҳимоя қилиш;

- давлат ва хусусий секторнинг зўраки ёки мажбурий меҳнат хатарларини бартараф этиш ва тегишли жавоб чораларини кўришга йўналтирилган фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;

- зўраки ёки мажбурий меҳнат хатарини оширувчи асосий сабаблар ва омилларни фош этиш.

ХМТ маълумотларига кўра, дунёда 24,9 миллион киши мажбурий меҳнатнинг қурбонлари бўлиб, улардан фойдаланиш ҳар

йили тахминан 150 миллиард доллар ноқонуний даромад келтиради. Ушбу ҳодиса иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат ишлаб чиқариши ва тоғ-кон саноати, шунингдек, ички меҳнат соҳаларида анча кенг тарқалган<sup>11</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5775-сонли Фармони билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссияси (кейинги ўринларда - Миллий комиссия) этиб қайта ташкил қилингани одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш йўлида қилинган яна бир муҳим қадам бўлди.

Миллий комиссия зиммасига эса бир қанча вазифалар юклатилди.

Хусусан, давлат органлари ва ҳудудий органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг фаолияти самардорлигини, яқин ҳамкорлиги ва баҳамжиҳат ишлашларини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси белгиланган. Шунингдек, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилиш, баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш, ушбу соҳадаги жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, олдини олиш ва уларга чек қўйиш амалиётини ўрганиш назарда тутилган. Шу билан бирга, Миллий комиссия зиммасига одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида самарали халқаро ҳамкорлик ва баҳамжиҳат ҳаракатни ташкил

этиш, шунингдек, мазкур соҳада ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва маърузалар тайёрлаш ҳам юклатилган.

Мана шундай ислохотларнинг яна бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар назарда тутилган 8 та моддасига ўзгаришлар киритилиб, янги ҳуқуқбузарлик таркиблари киритилгани бўлди.

Хусусан, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (МЖТКнинг 49-моддаси) — базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдордаги жаримани ташкил қилади (илгари энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача эди);

**ушбу моддага қўшимча таркиб киритилиб, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, бундан била туриб гайриқонуний ишдан бўшатиш мустасно, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача жарима солинишига сабаб бўлади;**

вояга етмаганларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини бузганлик учун жарималар икки бараварга - базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 20 бараваригача оширилди (илгари энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача эди);

вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги талабларни бузиш (МЖТКнинг 491-моддаси) - бунда жарима базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 20 бараваригача оширилди (илгари энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача эди). Такроран содир этилган ҳуқуқбузарлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан 30 бараваригача жарима жорий этилди;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаганлик учун (МЖТКнинг 492-моддаси) фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга 10 бараваридан 15 ба-

раваригача (илгари тегишинча энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача ва 7 бараваридан 10 бараваригача эди) жарима солинади;

шунингдек, такроран содир этганлик учун жавобгарлик жорий этилади - бунда фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача ва мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан 30 бараваригача жарима солинади;

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан такроран бўйин товлаш (МЖТКнинг 493-моддаси) маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан 30 бараваригача жарима солишга сабаб бўлади. Биринчи марта содир этганлик учун жарималар ўзгартирилмади (базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача);

хорижий ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузганлик учун модда жорий этилди - биринчи марта содир этилганда: фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга - базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 25 бараваригача, такроран содир этилганда: фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача, мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан 50 бараваригача жарима солинади;

аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик (МЖТКнинг 50-моддаси) учун жарималар тенглаштирилди - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини яратишга доир қарорларини бажармаганлик (илгари энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача эди), маҳаллий меҳнат органлари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этганлик (илгари энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 7 бараваригача эди), шунинг-

дек, иш ўринларининг белгиланган энг кам сони ҳисобидан иш ўринларига ишга жойлаштиришни асоссиз равишда рад этганлик (илгари мавжуд бўлмаган), худди шунингдек, аввал талабнома берилган, касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз равишда рад этганлик (илгари энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача эди) учун жарима биринчи марта содир этилганда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 20 бараваригача, такроран содир этилганда 20 бараваридан 30 бараваригача миқдорни ташкил қилади;

меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик (МЖТКнинг 51-моддаси) учун жарималар 10 мартага оширилди, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача, такроран содир этганлик учун 30 бараваридан 100 бараваригача жарималар жорий этилди. Вояга етмаганларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан 50 бараваригача (илгари энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача эди) жарима солинишига сабаб бўлади;

**бўш иш ўринларини яширганда (МЖТКнинг 229-моддаси) айбдорлардан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 25 бараваригача ундирилади (илгари энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача эди). Ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан 50 бараваригача жарима ундирилиши белгиланди<sup>12</sup>.**

Бундан ташқари, Меҳнат вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш вақтида тазйиққа учраган, мажбурий меҳнатга мажбур қилинган ва таҳқирланган, меҳнат ва бошқа ҳуқуқлари бузилган, мураккаб молиявий аҳволда қолган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат-

ларсиз, тирикчилик учун маблағсиз қолган фуқароларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилади, шунингдек, уларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган вақтда, мажбурий меҳнатнинг олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳаётий муҳим манфаатга айланиб бормоқда.

Агарда яқин истиқболда мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатларга барҳам берилмаса, мамлакат иқтисодиёти катта зарар кўриши (ўзбек пахтасига бўлган бойкот кенгайиши ва инвестиция оқимининг тушиши), бундан ташқари, аҳоли орасида давлатга бўлган ишончнинг пасайиши ва норозиликларнинг ошиб бориши башорат қилинади.

Юқоридаги фикрлар ва улар асосида қилинган хулосадан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни ҳаётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деган умиддамиз:

1) мамлакат имижини кўтариш ҳамда олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишда мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатларга барҳам бериш долзарб аҳамият касб этиб, бу борада, касба уюшмаларининг ҳуқуқий ваколатларини кенгайтириш (ишдаш озод қилиш ҳолатларидан хабардор этиш ва судларда кафил сифатида иштирок этиш);

2) мажбурий меҳнатга қарши курашиш сифатини назорат қилишни янада такомиллаштириш, расмий бандлик сектори улушини ошириш, иш жойларида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар сонини камайтириш каби функцияларнинг самарадорлигини ошириш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган низоларнинг ҳолисона баҳоланишини назорат қилиш мақсадида, мазкур соҳаларда ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспек-

цияси негизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат меҳнат инспекцияси ташкил этиш;

3) Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари ваколатларини кенгайтириш (ўз йўналиши бўйича суриштирув ваколатини бериш, маъмурий ва жиноий иш қўзғатиш учун тақдимнома киритиш);

4) мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан ваколат доирасида ваколатли органлар билан келишмаган ҳолда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказиш.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. ЎЗА. 2017 йил 19 сентябрь.

3. <http://old.mehnat.uz/cyrl/page/xalqaro-mehnat-tashkiloti-bilan-hamkorlik>.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон. 2017. - Б. 52-53.

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2018 й., 09/18/349/1205-сон.

6. <https://www.mehnat.uz/uz/pages/uzbekiston-respublikasi-prezidentining-farmon-va-qarorlari>.

7. <http://old.mehnat.uz/cyrl/newnews/reviews>.

8. <https://uza.uz/uz/society> / Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайди. 03-02-2020.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 248-модда.

10. [https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda\\_yangi](https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi).

11. [https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS\\_667141/lang--ru/index.htm](https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_667141/lang--ru/index.htm).

12. [https://www.norma.uz/qonunchilikda\\_yangi](https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi).

### **Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган ташкилий ислоҳотлар**

**Хамидулло Иномов,**

*Фарғона вилояти*

*Бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи,*

**Ўткир Номозбоев,**

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши етакчи инспектори*

**Аннотация:** мазкур мақола Ўзбекистонда мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган ислоҳотлар марказида ташкилий ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этиб бораётганлиги билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Шунингдек, ҳозирги кунда иқтисодий интеграция жараёнларидан наф кўришига интилиш, мамлакатни модернизация қилиш, иқтисодиётни ривожлантиришида хорижий инвестицияларни жалб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган вақтда мажбурий меҳнат билан боғлиқ ҳолатларга барҳам берилишида янада самарали натижаларга эришиш учун амалга ошириши лозим бўлган таклифлар баён қилинади.

**Калит сўзлар:** мажбурий меҳнат, интеграция, иқтисодиёт, давлат меҳнат инспекцияси, бандлик, маъмурий жарима, бойкот, меҳнат миграцияси, касаба уюшмаси, маъмурий ҳуқуқбузарлик, иш билан таъминлаш, мажбурий суғурта.

### **Организационные реформы по предотвращению принудительного труда в Республике Узбекистан**

**Хамидулло Иномов,**

*начальник Государственной инспекции труда Главного управления занятости*

*Ферганской области,*

**Ўткир Номозбоев,**

*ведущий инспектор Высшего судебного совета Республики Узбекистан*

**Аннотация:** данная статья о возрастающем значении организационных реформ, в центре которых предотвращение принудительного труда в Узбекистане, что особен-



но связано с достижением поставленных целей страны в обозримом будущем. В статье даны предложения по достижению более эффективных результатов в направлении предотвращения принудительного труда, а также совершенствованию организационно-правовых норм в данной сфере, привлечения иностранных инвестиций, развития и модернизации экономики с целью получения выгоды в процессе экономических интеграций.

**Ключевые слова:** обязательный труд, интеграция, экономика, государственная инспекция труда, занятость, административные штрафы, бойкоты, трудовая миграция, профсоюзы, административные правонарушения, обязательное страхование.

### **Organizational reforms aimed at preventing forced labour in the Republic of Uzbekistan**

**Hamidullo Inamov,**

*Head of the State Labor Inspectorate  
of the Main Employment Directorate of  
the Ferghana Region,*

**Utkir Nomozboev,**

*leading inspector of the Supreme Judicial  
Council of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *this article is about the growing importance of organizational reform at the center of reforms to prevent forced labor in Uzbekistan, which is especially related to achieving the country's goals for the foreseeable future. At the same time, proposals have been made to achieve more effective results in preventing the situation of forced labor at the time of improving the organizational and legal norms in the field of forced labor, attracting foreign investment, developing and modernizing the economy in order to obtain benefits in the process of economic integration.*

**Keywords:** *compulsory labor, integration, economy, state labor inspection, employment, administrative fines, boycotts, labor migration, labor unions, administrative offenses, compulsory insurance.*


## Иқтисодий соҳани ривожлантириш истиқболлари / Перспективы развития экономической сферы / Perspectives of development of economic sphere

Ботир УСМОНОВ,

*заместитель министра экономики и промышленности  
Республики Узбекистан***РОЛЬ УНИВЕРСИТЕТОВ В РАЗВИТИИ  
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ НАВЫКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ**

Начиная с появления новых технологий в XX веке, в том числе электронных вычислительных машин, высшее образование теряет свои элитарные позиции, являясь узконаправленной отраслью получения знаний. Появление глобальной экономики, развитие техники и технологий, рост и экономическое значение производства знаний превратили высшее образование в необходимое массовое явление, которое непосредственно становится ответственным за устойчивое развитие общества<sup>1</sup>.

В Узбекистане массовое высшее профессиональное образование было создано 20 лет спустя, т.е. в 1960-х годах было охвачено около 7% соответствующей возрастной группы университетами. Сегодня в Узбекистане этот показатель равен - 17%. Например, к концу 1980-х годов более 14% молодых людей в этом возрасте обучались в университетах Узбекистана (см. Рис.1).



**Рис.1. Охват выпускников вузами РУз (в процентах).**

*Составлено автором.*

В начале 1960-х годов один преподаватель оказывал "услуги" восьми студентам, а 40 лет спустя - 21 студенту. Удвоение соотношения с 9:1 до 17:1 произошло в период с 1980 по 1999 год<sup>2</sup>. Тем не менее, количество студентов росло быстрее, чем количество преподавателей. Например, в Германии число студентов увеличилось на 232% с 1975 по 1995 год, а количество академических должностей - только на 130%<sup>3</sup>. В постсоветский период экономические реформы проходили медленно и постепенно, в отличие от быстрой перестройки экономики в Казахстане. Приватизация малых предприятий в сельскохозяйственном и финансовом секторах была разрешена, в то время как стратегически важные предприятия и сектор высшего образования оставались под контролем государства<sup>4</sup>. Расходы на образование сократились с 9% ВВП в 1990 году до 7% ВВП в 1995 году<sup>5</sup>.

Со времени обретения независимости макроэкономическая стабилизация и экономический рост, достигнутые в середине 1990-х годов, составили рост ВВП на 1,6 и 5,2% в 1996 и 1997 годах, соответственно. 1999 год также "характеризовался макроэкономической стабильностью с устойчивым ростом ВВП (4,4%), небольшим дефицитом бюджета (1,8%), контролируемой инфляцией и профицитом внешней торговли (125,1 млн. долл. США)"<sup>6</sup>. Более того, с середины 2000-х годов экономика Узбекистана показала и ежегодный рост около 8%.

В конце XX-го века произошли трансформационные явления в содержании и

месте высшего образования. Университет становится частью экономической структуры государства, внося изменения в свои социально - экономические функции. Быстро растущая сфера предпринимательских и экономических взаимоотношений стала возникать рядом с ее обычными образовательными и научными задачами. Новыми сферами деятельности в университетах стали: разработка и передача технологий, коммерциализация продуктов научных кругов и их выход на рынок, создание новых предприятий, управление интеллектуальной собственностью для получения прибыли<sup>7,8</sup>.

На переднем крае сегодня для всех стран, в том числе Узбекистана, - переход от модели таких бизнес-инкубаторов к распределенному партнерству с университетами. Инновации и предпринимательские усилия студентов являются ключевым фактором конкурентоспособности среди университетов.

**Например, Кембриджский университет превратил Кембриджское графство в инновационный кластер, он породил десять компаний с капитализацией доходов в миллиарды долларов<sup>8</sup>. Они стремились к максимальной выгоде от инноваций и обучению студентов на уровне, превышающем общий уровень на рынке труда.**

Социальное пространство современного университета проникает в сферы жизни, связанные с экономикой знаний. Успешный университет представляет себя как творческая, сетевая и деловая организация. Модель университета с этими функциями также называется "Университет 3.0". Цифра в ее названии относится к числу миссий университета: Университет 1.0 - только образовательная миссия, Университет 2.0 - образование и научные исследования, Университет 3.0 - коммерциализация знаний добавлена в последние две миссии.

Целью данной статьи является анализ модели Университета 3.0 как движущей силы устойчивого экономического роста в рамках концепции Университета 3.0 как корпоративного субъекта предпринимательства. Для этого необходимо раскрыть

содержание основных социально-экономических задач и моделей в контексте социальной реальности и политики управления, а также приведены примеры научного развития проблем Университета 3.0.

С точки зрения методологии исследование делится на два уровня - контекст и модель. Социально-экономическая реальность современного высшего образования и стратегические системы концептуализации общественного развития анализируются на первом уровне, и эти системы показывают общие преобразования университета в контексте политики управления<sup>9</sup>. На этом уровне в качестве методологических инструментов используются методы социально-экономического анализа развития институциональных систем. Описание Университета 3.0 построено на втором уровне как набор взаимосвязанных моделей с ключевыми характеристиками, выявленными на этапе контекстного анализа. Используются методы социально-экономического моделирования межведомственного взаимодействия и теория инновационных процессов, культурно-историческая реконструкция, структурно-функциональный анализ институциональных систем и социальных действий. Сравнительный анализ исходной информации используется на протяжении всего исследования.

На рубеже 1970-х и 1980-х годов значительный государственный сектор, оправданный доминирующей концепцией государства всеобщего благосостояния, потерпел серьезную неудачу под влиянием экономических ограничений и политических решений. Правительство попросило университеты обеспечить экономическую эффективность развития отраслей экономики с учетом потребностей рынка труда. Правительство внедряло стратегическое планирование в университетах, аудит и оценки на основе показателей эффективности.

В результате университеты участвуют во взаимосвязанных региональных, национальных и международных сетях; формируются гетерогенные сети управления образованием, которые влияют на образование, наряду с государством. Таким образом, университеты претерпевают организационные изменения в кур-

се, что делает их автономно управляемыми организациями<sup>10</sup>.

Концептуализации в модели управления государством дают приоритеты рынку, высокой эффективности и предпринимательскому управлению.

Применительно к сектору образования они интерпретируют его как объект рыночных реформ, где образование приобретает статус услуги, а студент - статус клиента. Предполагается, что университеты должны конкурировать за студента, а студенты - "покупать" образование с упором на экономические выгоды: доходы и должности выпускников, рейтинг университета, а также с учетом цен, которые студент может заплатить, или считает, что может оплатить за предложенную образовательную услугу.

Как полагают сторонники этой модели управления, конкуренция в этих условиях должна стимулировать улучшение качества образования, а правительство должно поощрять частные высшие школы, вытеснять неэффективные государственные университеты и вкладывать значительные средства в наиболее эффективные из них.

**Таким образом, стратегические системы концептуализации социального развития демонстрируют общие трансформации, которым подвергается современный университет. Модель Университета 3.0 берет свое начало из этих систем и расширяет свою социальную миссию как корпоративного субъекта экономики знаний и ключевой движущей силы экономического роста. В этой модели университет задуман, прежде всего, как сетевой, креативный, инновационный и предпринимательский университет.**

### **Сетевой университет**

Сетевой университет представляет собой модель межведомственных взаимоотношений, обеспечивающих стратегические исследования и превосходное образование, а также эффективные методы производства знаний. Предметом концепции "сетевой университет" являются научно-образовательные партнерства, междисциплинарные исследования, программы сетевого обучения, виртуальные учебные среды, прак-

тики электронного обучения, академическая мобильность, матричные структуры управления и т. д.

Формирование модели сетевого университета обусловлено генетическими особенностями общества, направленными на развитие общества знаний.

Среди целей, стоящих перед университетскими партнерствами: разработка эффективных схем связи, расширенный доступ к исследованиям и разработкам для компаний, активизация инвестиций в технологические исследования, инженерные разработки и процессы коммерциализации знаний, освоение новых рынков на основе инженерных достижений, развитие новых учебных программ, в том числе корпоративных программ.

Поэтому современный университет, конструирующий свое пространство как сетевую систему научно-образовательных партнерств, является глобальной коммуникационной связью в экономике знаний. Партнерство с университетами может предоставить не только новые идеи, технологии и возможности для промышленных компаний, но и дать им многообещающую творческую индивидуальность вместе с продуктами, разработанными этим человеком, или будущими интеллектуальными продуктами.

### **Творческий университет**

Творческий университет - это модель социальной системы, создающей человека будущего как с точки зрения социально-экономической, так и экзистенциальной. Предметом концепции "творческого университета" является система творческих пространств, генерирующих синергизм познавательной деятельности, а также среда для вовлечения и централизации талантов. Среди них - новые виды творческого образования (в том числе исследовательские), разработка индивидуальных образовательных программ по воспитанию талантов (управление талантами), подготовка абитуриентов для мотивации к научной и профессиональной деятельности, психолого-педагогические методы формирования научно-педагогического творчества и т.д.

Доклад "Креативная экономика", выпущенный ООН в 2008 году, свидетельству-

ет о появлении новой парадигмы развития, которая связывает экономику и культуру, охватывая экономические, культурные, технологические и социальные аспекты развития как на микро-, так и на макроуровне.

Творческая функция университета как социального института, трансформирующего общество, обеспечивается его творческой структурой, которую можно описать как систему творческих пространств. Творческое пространство в первом подходе представляется как модель среды, окружающей процессы образования и творческой деятельности; творческое пространство при втором подходе интерпретируется как модель когнитивных процессов; творческое пространство в третьем (комплексном) подходе рассматривается как модель когнитивной среды в системе отношений, связывающей процессы приобретения и создания знаний с окружающей средой, изучаемой в широком социокультурном контексте.

В конце XX -го века с появлением экономики, основанной на знаниях, экономические требования привели к необходимости лучшего понимания творческих процессов, микротеорий знаний и создания технологий. Креативное пространство используется для обозначения концептуального инструмента, обеспечивающего интеграцию теорий создания знаний.

Используя комплексный подход, были проанализированы концепции и методологии, направленные на изучение инновационных пространств современного университета как системы творческих пространств (в рамках НИР 2015-2017 года, проекта А-1-121). В рамках данного проекта был проведен структурный и функциональный анализ основных творческих пространств современного университета, которые формировали его важные подсистемы: научно-образовательные, исследовательские, предпринимательские, специализированная, кластерная сеть и т. д. Сравнение этой модели с реальностью любого университета выявило возможности для его модернизации. Конкретные результаты завершеного исследования опубликованы авторами<sup>1-3,7</sup>.

### **Инновационно-предпринимательский университет**

Инновационно-предпринимательский университет - это модель корпорации знаний, обеспечивающая быстрый технологический и экономический рост общества. Важнейшей функцией этого вуза является повышение компетенций студентов в социально-экономической сфере и их непосредственное участие в экономической деятельности.

**Предмет концепции "инновационно-предпринимательский университет" включает инновационную предпринимательскую экосистему (институциональная гибкость), технологические кластеры (промышленная интеграция), корпоративные сети коммерциализации знаний (экономическая интеграция), формирование рынков передовых технологий и инновационных механизмов (экономическое развитие)<sup>8</sup>.**

В начале 2000-х годов улучшение качества и производительности научных исследований в западных университетах сделали их ведущим агентом в коммерческом развитии научных знаний. В результате сотрудничества между университетами и промышленностью научные открытия были преобразованы в инновационные продукты и коммерциализированы с использованием соответствующих бизнес-моделей. Следовательно, была создана система высшего образования 3.0, которая интегрировала коммерциализацию образования, науки и знаний.

Расширение миссии и институциональной базы университетов было закреплено в концепциях постакадемической науки. В 1994 году группа авторов писали о переходе производства знаний из режима 1 в режим 2, т.е. из монодисциплинарных исследований, слабоориентированных на практическое использование их результатов, в трансдисциплинарные исследования, решающие социально значимые проблемы. Модель режима 2 характеризовалась социально распределенной системой производства знаний. В 1995 году Эцковиц и Лейдесдорф в своей ра-

боте, посвященной концепции тройной спирали, указали на растущее взаимодействие между университетами, промышленностью и государством и интерпретировали его как создание новых социальных и институциональных структур для производства, передачи и применения знаний, основанной на знаниях, развитие экономики<sup>11</sup>. Университет, связанный с моделью производства знаний в режиме 2, концептуально близок к модели предпринимательского университета, где знания производятся с точки зрения применения. Университет, связанный с моделью производства знаний в режиме 3, работает в совместной эволюции и в сочетании с моделями режима 1 и режима 2, т.е. объединяет образовательную функцию с фундаментальными и прикладными исследованиями и коммерциализацией знаний. Согласно Эцковиц, это именно то, что представляет предпринимательский университет, который выполняет также функции классического исследовательского университета<sup>12</sup>. Следует отметить, что ранее Х. Эцковиц указывал на гражданское общество в качестве основы тройной спирали и важнейшего элемента его социальной структуры<sup>12</sup>.

В стратегии перехода от модели Университета 2.0 (образование и наука) к модели Университета 3.0 (образование, наука, коммерциализация знаний) автор выделяет следующие ключевые компоненты:

(1) социальная и академическая - трансформация структуры университета; изменения в академическом сообществе, учебных процессах и педагогической деятельности; опережающий рост научных исследований и образования;

(2) исследования и инновации - создание научно-технических центров передового опыта, разработка системы открытых инноваций, внедрение концепции "университет в основе инновационной и предпринимательской экосистемы";

(3) экономическая - гибкое реагирование на рынках труда (диалог с отраслью), акцент на принципы сетевой экономики, управление интеллектуальной собственностью,

перспективные для экономики элементы корпоративных моделей и моделей университетского городка.

**Сектор высшего образования 3.0 является социально-экономической ценностной системой современного общества. Университеты, формирующие этот сектор, выполняют три основные социальные задачи - образование, исследования и коммерциализация знаний. Они основаны на моделях сетевого, креативного, инновационного и предпринимательского университета. Все модели взаимосвязаны. Сетевая модель создает межведомственную среду для творческого обучения и создает рентабельные структуры научного и образовательного сотрудничества. Креативная модель обеспечивает когнитивно эффективную подготовку научного и экономически эффективного работника умственного труда, заполняя предпринимательскую экосистему университета. Инновационная и предпринимательская модель создает структуры и процессы, обеспечивающие конкурентоспособность между сетевыми инновационными партнерствами и обеспечивающие социально-экономический результат индивидуального творчества.**

Университет 3.0 развивается как основа глобальной конкурентоспособности национальных экономик, а его предпринимательская экосистема создает новые, быстрорастущие отрасли, перспективные технологические рынки и административно-территориальное пространство экономических лидеров.

### **Источники и литература**

1. Усмонов Б, Қодиров М., Элтазаров Ж. *Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли.* - Самарқанд: СамДУ, 2015. - 83 б.

2. Usmonov B., *Innovative scientific-educational cluster for information technology.* *International Journal of Eurasia Social Sciences*, 2019, Volume 10, Issue 35, Pages 19-30.

3. Etzkowitz, H. (2008), *Тройная спираль: университет - промышленность - правительство. Инновация в действии*. Нью-Йорк и Лондон: Routledge. p 164.

4. Ruziev, K., & Rustamov, D. (2016). *Higher education in Uzbekistan: Reforms and the changing landscape since independence*. Economics Working Paper Series, 1604, 1-27.

5. Weidman, J. C., & Yoder, B. (2010). *Policy and practice in education reform in Mongolia and Uzbekistan during the first two decades of the post-Soviet era*. Excellence in Higher Education, 1, 57-68.10.5195/EHE.2010.16

6. Asian Development Bank. (2004). *Education reforms in countries in transition: Policies and processes six country case studies: Azerbaijan, Kazakhstan, Kyrgyz Republic, Mongolia, Tajikistan, and Uzbekistan*.

7. Etzkowitz, H., Leydesdorff, L. (1995). *Тройная спираль: отношения университет-индустрия-правительство: лаборатория экономического развития, основанного на знаниях*. EASST (Европейская ассоциация по изучению науки и техники), 14 (1), 14-19.

8. Ferlie E., Musselin C., Andresani, G. (2009), *Управление системами высшего образования: перспектива государственного управления*. Управление университетами: западноевропейские сравнительные перспективы. Дордрехт: Springer Science & Business Media. стр. 1-20.

9. Гринуэй Д., Хейнс М. (2003). *Финансирование высшего образования в Великобритании: роль сборов и займов*. Экономический журнал, Королевское экономическое общество, 113, 150-166.

10. Usmonov B. *The Educational and Research Centres in Universities*. Journal Higher Education Research, Volume 3, Issue 1, Pages 1-5. 2018. <http://www.sciencepublishinggroup.com/journal/paperinfo?>

11. Усмонов Б. *Олий таълимнинг инновацион фаолияти ва уни иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни*. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2018, Issue 3, Pages 1-13.

12. Paradeise, C., Reale, E., Goastellec, G., Bleiklie, I. (2009), *Университеты, управляющие историями и историей*. В кн.: Управление университетами: западноевропейские

*сравнительные перспективы*. Дордрехт: Springer Science & Business Media. p227-290.

### **Роль университетов в развитии предпринимательских навыков в Узбекистане**

**Ботир Усмонов,**

заместитель министра экономики и промышленности  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** создание предпринимательской модели университета в рамках "Университет 3.0" в системе высшего образования страны выполняет социальные задачи образования, исследований и коммерциализации знаний. Данная статья нацелена на изучение Университета 3.0 как совместного субъекта экономики. Для этого автор раскрывает содержание основных социально-экономических задач и моделей в контексте устойчивого развития и политики управления. Приведены обзор и примеры научных исследований по модели Университета 3.0. На основе взаимосвязанных моделей сетевых, творческих, инновационных и предпринимательских университетов построена модель "Университет 3.0". Университет 3.0 становится основой глобальной конкурентоспособности национальных экономик и геополитических альянсов.

**Ключевые слова:** университет 3.0, экономика, исследования, коммерциализация, знания, предпринимательство.

### **Ўзбекистонда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришда университетларнинг роли**

**Ботир Усмонов,**

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва саноат вазири  
ўринбосари

**Аннотация:** олий таълим тизимида "Университет 3.0" доирасида университетларнинг тадбиркорлик моделини яратиш билим-

нинг тижоратлашувини, таълим ва тадқиқотларнинг ижтимоий вазифасини бажаради. Ушбу мақола "Университет 3.0" моделини иқтисодиётнинг қўшма субъекти каби ўрганишга йўналтирилган бўлиб, муаллиф томонидан барқарор ривожланиш ва бошқарув сиёсати доирасида асосий ижтимоий-иқтисодий моделлар ва вазифаларнинг моҳияти ёритиб берилган. "Университет 3.0" модели бўйича илмий изланишлардан намуналар ва шарҳлар келтирилган. "Университет 3.0" модели ўзаро боғлиқ, тизимлашган, ижодий, инновацион ва тадбиркорлик университетлари моделлари асосида яратилган. "Университет 3.0" модели миллий иқтисодиётларнинг глобал рақобатбардошлиги ўсишида ва геосиёсий альянсларнинг ривожланишида асосий омилига айланмоқда.

**Калит сўзлар:** "Университет 3.0", иқтисодиёт, натижа, тижоратлаштириш, билим, тадбиркорлик.

**The role of universities in the development of entrepreneurial skills in Uzbekistan**

**Ботир Усмонов,**

*Deputy Minister of Ministry of Economics and Industry the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *Creating an entrepreneurial model of the university in the context of "University 3.0" in the country's higher education system fulfills the social tasks of education, and research and the commercialization of knowledge. The purpose of this article is to study University 3.0 model as a joint subject of economics. For this, the author reveals the content of the main socio-economic problems and models in the context of sustainable development, and management policies. A review and examples of scientific research based on the University 3.0 model are provided by author. The University 3.0 model is created on the base of the interconnected models of networked, creative, innovative, and entrepreneurial universities. University 3.0 is becoming the foundation of the global competitiveness of national economies and geopolitical alliances.*

**Keywords:** *university 3.0, economics, research, commercialization, knowledge, entrepreneurship.*



**Ҳабибахон ЖЎРАБЕКОВА,**  
*сийсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Андижон машинасозлик институти доценти*

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ИСЛОҲОТЛАРИ

**XX** асрнинг охирига келиб, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши натижасида давлат бошқаруви жараёни янада мураккаб-лаша бошлади. Шунингдек, давлат бошқаруви тизимини номарказлаштириш бўйича ислохотлар ўтказиш натижаларининг самарали, камхарж, аҳолига яқинлаштирилган бўлиши эҳтиёжлари рақамли иқтисодиёт ва "электрон ҳукумат" тизимини бошқарувда қўллаш заруратини келтириб чиқарди. Қолаверса, рақамли иқтисодиёт самарали бошқарув мақсадида "электрон ҳукумат" тизими орқали ҳар қандай фуқаро ёки ташкилотнинг тўғридан-тўғри юқори давлат органлари билан мулоқотга чиқиши имкониятини беради.

**Номарказлаштириш принциплари бошқарувда тезкорлик, ошкоралик, халқчиллик, фуқароларнинг манфаатлари ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини ўз вақтида аниқлаш каби омиллар доимий тарзда ишлаб туришини талаб этади. Бу вазифаларни фақат "электрон ҳукумат" тизими воситасида амалга ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам барча ривожланган давлатларда бошқарувда "электрон ҳукумат" тизимини қўллашга номарказлаштириш ислохотларининг таркибий қисми сифатида қаралди.**

Мутахассис олимлар томонидан рақамли иқтисодиётга қўйидагича таъриф берилган: "Рақамли иқтисодиёт - жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон

ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни кўзда тутувчи инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир"<sup>1</sup>.

Ҳозирги даврга келиб, дунё давлатлари юқори даражада рақамлаштирилган давлатлар ва Интернетдан фойдаланиш паст ҳолатда бўлган давлатларга ажралиб қолганлигини кузатишимиз мумкин. БМТнинг 2019 йил давомида Рақамли иқтисодиёт тўғрисидаги маърузасида таъкидланишича, агар унча ривожланмаган мамлакатларда Интернет тармоғидан ҳар 5 кишидан бири фойдаланаётган бўлса, ривожланган давлатларда ҳар 5 кишидан 4 таси Интернет тармоғининг фаол фойдаланувчиси ҳисобланади. Дунёдаги иккита мамлакат рақамли иқтисодиётнинг ривожидида катта улушга эга бўлиб, улар АҚШ ва Хитойдир. Улар ҳисобига блокчейн технологияси билан боғлиқ бўлган патентларнинг 75%, Интернет буюмларига бўлган 50% харажатлар ва дунё бозоридаги 75% очиқ технологиялар булутли ҳисоблаш (Cloud Computing) ҳиссасига тўғри келади. Эътиборлиси шундаки, дунёдаги 70 та йирик рақамли платформаларнинг 90% бозор капиталлашуви уларнинг улуши ҳисобланади. Бунда Европанинг улуши 4 % га тўғри келса, Африка ва Лотин Америкаси биргаликда 1% улушга эга. 7 та йирик "суперплатформа"лар ҳисобланган "Microsoft", "Epple", "Amazon", "Google", "Facebook", "Tencent", "Alibaba" компаниялари ҳисобига дунёдаги бозор капиталлашувининг учдан икки қисми тўғри келади.

Ривожланаётган давлатлар ўртасида бу соҳадаги кўпроқ улуш Ҳиндистонга тегишли. Компьютер хизматлари индустрияси барча минтақаларда йилдан-йилга ўсиш суръатига эга бўлган ҳамда АКТ секториди бандликни таъминлашнинг ягона манбаи ҳисобланади. АКТдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарга қўшимча қиймат топиш кўпроқ Шарқий Осиё давлатлари (энг аввало Хитой) ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>2</sup>.

Баъзи глобал рақамли платформалар маълум йўналишларда дунё бозориди салмоқли ўринни эгаллашга улгурган. Масалан, Интернетдаги бозор муносабатларидаги қидирувлар тизими соҳасида хизматлар кўрсатишнинг 90%и "Google" компанияси ҳиссасига тўғри келса, "Facebook" компанияси ҳиссасига жаҳон бозори ижтимоий тармоқларининг учдан икки қисми тўғри келади, унинг платформаси 90 % дан ортиқроқ мамлакатларда машҳур ҳисобланади. Дунёдаги чакана онлайн-сотувларнинг қарийб 40% "Amazon" компанияси орқали амалга оширилади.

"Tencent" компаниясига тегишли бўлган Хитойдаги "Вичат" алоқа тармоғи ҳисобига миллиарддан ортиқ фаол фойдаланувчилар тўғри келиб, ундаги тўлов тизими "Alibaba" компаниясига тегишли бўлган "Alipay" тизими билан биргаликда, уяли алоқа орқали амалга ошириладиган бутун Хитой бозориди тўловларни қамраб олган.

Интернет маълумотларига кўра, Эстония, Финляндия, Исроил, Канада, Жанубий Корея бугунги кунда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун энг қулай имкониятлар яратилган мамлакатлар деб ҳисобланмоқда. Эстония давлати Интернетга чекланмаган кириш ва дунёдаги биринчи "рақамли ҳукумат" рейтингида голибликни қўлга киритган. Мамлакатда мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан рақамли инфраструктурага фаол равишда инвестиция киритилиб, бугунги кунда e-Estonia деб номланган электрон ҳукумат дастури овоз бериш, тиббиёт дастурлари, банкинг ва миграция сиёсатини онлайн-форматга ўтказган.

Финляндия эса "рақамли ҳаёт" кўрсаткичи бўйича иккинчи, нақд пулсиз тўлов

бўйича эса биринчи ўринни эгаллаган. Мамлакатда Интернет тизими кишилар ҳаётида жуда муҳим ўрин тутишини эътиборга олган ҳолда, 2010 йилда ҳукумат томонидан ҳар бир фуқаронинг юқори тезликдаги алоқадан фойдаланиш ҳуқуқи қонун билан мустақамлаб қўйилган.

**Исроил давлати дунёдаги инновацион технологиялар марказининг бири ҳисобланиб, "Стартаплар миллати" деган номга сазовор бўлган. Исроилда яшовчи "Inter Nations" халқаро ҳамжамиятининг элчиси Мария Пинелиснинг таъкидлашича, "Бу ерда ҳаттоки ёши катта фуқаролар ҳам смартфонлар ва Facebookдаги аккаунтларига эга ва бир-бирларига WhatsApp ёки бошқа мессенжерлар орқали хабарлар ва видеохабарлар жўнатиб туришади"<sup>3</sup>.**

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг бугунги кунда ЯИИМдаги улуши 2,2% ни ташкил этиши қайд этилган бўлиб, бунда ўртача мақбул кўрсаткич 7-8% деб қабул қилинган. Масалан, Буюк Британияда бу кўрсаткич 12,4%, Жанубий Кореяда - 8%, Хитойда - 6,9%, Ҳиндистонда - 5,6%, Россияда - 2,8%, Қозоғистонда - 3,9% ни ташкил этади.

Ўзбекистонда "Электрон ҳукумат" Концепцияси лойиҳаси доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда 2025 йилга келиб, АКТ хизматлари улушини 5 % гача, 2030 йилга келиб эса, 10 % гача кўтариш режалаштирилган<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикасида "электрон ҳукумат" тизимини давлат ижроия ҳокимияти органларини номарказлаштириш ва бизнес бошқарувида юксак ўрин тутишидан келиб чиқиб, давлатимиз томонидан "электрон ҳукумат" тизимини жорий этишга номарказлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг асосий негизларидан бири сифатида эътибор қаради. Мамлакатда марказий ва маҳаллий ижроия ҳокимияти бошқаруви тизимига, бозор иқтисодиётининг барча соҳаларига, кундалик ҳаётга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш, "электрон ҳукумат" тизимини татбиқ этиш борасида илғор мамлакатлар сафига қўшилиш мақсадида муҳим қадамлар қўйилди. 2018 йилнинг 19

февралида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5349 сонли Фармони республикада ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда муносабатларни тартибга солиш, "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш, ахборот жамияти ва рақамли иқтисодиётни шакллантириш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини белгилаб берди<sup>5</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сонли Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги рақамли иқтисодиётни жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ваколатли орган этиб белгиланди<sup>6</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5598-сонли Фармонида эса "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиши белгилаб қўйилди<sup>7</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жорий йилнинг 24 январь кунги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат - коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин"<sup>8</sup>лигини таъкидлаб ўтди.

Ривожланган ва ўтиш даврини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда давлат

хизмати билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар самарадорлигини кескин равишда оширишдан туриб, фуқаролик жамиятига хос бўлган бошқарув тизимини шакллантириш мушкул масала эканлиги учун ҳам бошқарув тизимига мижозлар билан ўзаро муносабатлар жараёнига CRM (Customer Relationship Management) ва "электрон ҳукумат" технологиялари жорий қилина бошлади.

**"Электрон ҳукумат" – мамлакат миқёсида бошқарув жараёнларини комплекс тарзда автоматлаштиришга асосланган давлат бошқаруви тизими бўлиб, у ҳар бир фуқарога ахборот олишида енгиллик ва ортиқча сарф-харажатни камайтиришга хизмат қилади. "Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш ҳокимият органлари ҳужжатларини умумдавлат миқёсидаги тармоқланган бошқарув тизимига киритиш билан узвий равишда боғлиқ. "Электрон ҳукумат" тизими самарали давлат бошқарувини ташкил этиш мақсадида тузилади ва бу тизим давлат ҳокимияти бошқарувидаги ошкораликни таъминлайди ҳамда маълумотларга эга бўлган мансабдорларнинг ахборот манбаларига нисбатан монополиясига барҳам берилади.**

Ҳозирги даврда жаҳонда ҳукумат бошқаруви электрон тизимининг қуйидаги даражалари шаклланди:

**биринчидан**, ҳукумат фаолиятининг баъзи жиҳатларига ёки унинг баъзи бўлинмаларига доир ахборотларни тақдим этиш учун шакллантирилган бир йўналишли коммуникация;

**иккинчидан**, фуқароларнинг жавоб таъсирини олишни таъминлашга имкон берадиган икки томонлама коммуникация;

**учинчидан**, ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган транзакциявий тизим;

**тўртинчидан**, давлат идоралари билан фуқаролар ўртасидаги барча транзакцияларни амалга оширишга имконият берадиган махсус порталлар.

Кўриниб турибдики, "электрон ҳукумат" технологиялари кенг ёйилишининг ўсиб бориши билан давлат хизматидаги бюрократизм ҳолатлари камаяди, давлатнинг аҳоли

учун хизматини қандай кўринишда бўлиши ёки қандайдир давлат дастури учун қандай аниқ расмий шахслар гуруҳи масъуллигининг фуқаролар учун аҳамияти камаяди. Ҳар бир шахсга тақдим этиш учун қилинадиган хизматлар ва ахборотлар индивидуал ҳолатлар ва одамларнинг эҳтиёжлари давлат тузилмалари, яъни расмий муассаса ва корхоналар нуқтаи назаридан эмас, балки фуқароларнинг муносабатларидан, яъни уларнинг ҳаётидаги қандайдир ҳодисаларга тегишли равишда амалга оширилди. Бу каби ҳолатларга фарзанднинг туғилиши, никоҳга кириш, яқин кишиларининг оламдан ўтиши, ўз яшаш жойини ўзгартириши, ўқув юртига кириши, ўз шахсий ишини йўлга қўйиши кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

**Давлат органлари хизматларидан фойдаланишнинг ягона манбаларда мужассамлашиши натижасида фуқаролар маҳаллий жамоатчилик фаолиятида ва демократик жараёнларда бемалол иштирок этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилади. Давлат органларининг фуқаролар билан бу каби коммуникацияларни ўрнатиши бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий ва муҳим шартидир. Шунингдек, бу жараён бизнес, ахборот технологиялари ва коммуникацияларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.**

Давлат миқёсида Интернет технологияларидан кенг фойдаланишга ўтиш ҳукумат муассасалари ва идоралари фаолиятининг барча шакллари амалда трансформациялашганини англатади ва у мураккаб ташкилий, технологик ва ижтимоий жараён сифатида анча молиявий харажатлар ҳамда фаол маъмурий қўллаб-қувватлашларни тақозо этади. Бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар "электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш дастурини жорий этишнинг ҳар бир босқичида тўғри ва истиқболли стратегиялар ҳамда тактикаларни қўллашни, жараённи оқилона ташкил этишни талаб этади, бу жараёнда ижроия, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятларининг барча даражаларини, шунингдек, бизнес, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларни ўзаро ҳамжиҳатлик ва

ҳамкорлик асосида мувофиқлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида янги жамият куриш ислохотлари чуқурлашиб боришига ҳамоҳанг равишда давлат томонидан "электрон ҳукумат" тизимини шакллантиришга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон сиёсий тизимидаги давлат бошқарувида ахборот ва коммуникация технологияларидан (АКТ) фойдаланиш ҳукуматнинг фуқаролар, бизнес ва бошқа турли ташкилотлар билан ўзаро алоқалари ҳамда ҳамкорлигини таъминлашга кенг имкониятлар яратиш бермоқда, шунингдек, давлат органларининг бошқарув фаолияти, унинг самарадорлик асосида кечиши учун қулай шароитлар яратиш бермоқда.

Айни пайтда, давлат "электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш мақсадида электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этишни амалга оширишга катта аҳамият бермоқда.

Умуман олганда, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, бошқарув тизими ва муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган қарорларда халқ иродасини ифодалашга эришишда "электрон ҳукумат" тизимини жорий этишнинг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, "электрон ҳукумат" тизимининг қуйидаги йўналишлардаги муҳим роли уни тадқиқ этишнинг долзарблигини ифодалади:

**биринчидан**, фуқароларнинг давлат органлари ахборотларини очиқ олиш эркинлигини таъминлаш;

**иккинчидан**, жамоатчилик ва фуқароларга давлат ҳокимияти органлари очиқ фаолиятига доир объектив ва ишончли ахборотлар етказиш натижасида давлатга ва унинг сиёсатига фуқаролар ишончини янада мустаҳкамлаш;

**учинчидан**, давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг доимий мулоқотлари ҳамда ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, давлат идоралари устидан доимий равишда жамоатчилик назоратини олиб боришга шарт-шароитлар яратиш;

**тўртинчидан**, давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари ахборот ресурсларини бирлаштириш, умумлашти-

риш асосида умуммиллий ахборот кенгликларини мустақкамлаш;

**бешинчидан**, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, давлат аппарати тузилмаларини оптималлаштириш, улар фаолияти учун молиявий ва моддий харажатларни камайтириш, давлат хизматларининг бир қисмини босқичма-босқич мустақил мақомга эга бўлган тузилмаларга ўтказиш, уларни фуқаролар ва ташкилотларнинг аниқ талабларига яқинлаштириш;

**олтинчидан**, марказий давлат органлари билан маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги мулоқотлар, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг манфаатларини минтақавий ва ягона давлат миқёсида умумлаштириш, миллий манфаатларнинг аниқ ва ҳақиқий равишда шаклланишини таъминлаш учун технологик шарт-шароитлар яратиш;

**еттинчидан**, давлат ҳўжалик субъектларининг умуммиллий ва жаҳон иқтисодий кенгликларида самарали интеграция бўлишига доир иқтисодий фаолиятини самарали равишда қўллаб-қувватлаш;

**саккизинчидан**, давлат органларини хорижий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигини таъминлашга қўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида "Электрон ҳукумат"нинг давлат ҳокимияти органларини модернизациялашда муҳим аҳамият касб этиши, давлат хизмати кўрсатишни самарали амалга оширишга шарт-шароитлар яратишини инобатга олиб, қуйидаги вазифалар белгиланди: "Маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш, ҳудудлар ва бутун мамлакатда юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ҳамда муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида "Электрон ҳукумат" тизими ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш"<sup>9</sup>.

"Электрон ҳукумат лойиҳаларининг асосий мақсади - ҳукуматнинг бошқарув ва маъмурий фаолиятида иш унумдорлиги

ҳамда самарадорлигини ошириш, шу асосда фуқароларга юқори даражадаги давлат хизматларини тақдим этиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун қулай муҳит яратиш ҳисобланади. Бу мақсадларга эришиш учун, энг аввало, ҳукумат идоралари фаолиятида инновацияларни жорий қилиш, кераксиз бизнес-жараёнлар ва регламентларни ислоҳ қилиш ёки бекор қилиш, ҳужжатларни қисқартириш, қарорларни электрон тарзда қабул қилиш, стандартлашган ҳужжат алмашинуви орқали давлат идоралари ўртасида маълумотлардан умумий фойдаланишни йўлга қўйиш, "ягона ойна" тизимига ўтишни амалга ошириш керак бўлади"<sup>10</sup>. Бу ишларнинг амалга оширилиши фуқароларга қулайлик яратиб, уйда ҳам хоҳлаган мурожаатни қилиш, керакли ҳужжатларни олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш имкониятини берадиган инновацион давлат хизматлари кўрсатишни таъминлайди.

**Давлат интерактив хизматлари ягона портали жисмоний ва юридик шахслар учун "ягона ойна" хизматларини тақдим қилувчи портал сифатида "фронт офис" (front office) функцияларини бажаради. "Бэк офис" (back office) ҳар бир вазирлик ва идорада бошқарув фаолияти самарадорлиги ва унумдорлигини ошириш ва фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга ихтисослашган бир қанча ахборот тизимларидан ташкил топган.**

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, "электрон ҳукумат" тизимини жорий этиш давлат ҳокимияти органларини аҳоли билан доимий равишда мулоқот олиб боришига шарт-шароитлар яратиб беради, унинг воситасида аҳолининг манфаатлари, муаммолари ва эҳтиёжлари ўрганилади. Бу ҳолат самарали бошқарув қарорлари қабул қилишни таъминлаб беради. Кўриниб турибдики, давлат хизмати кўрсатиш жараёнларига рақамли иқтисодиётни жорий этиш бу соҳани модернизациялаш кафолатларидан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни тақлиф этамиз:

1. Мамлакатимизда Интернет тезлигини таъминловчи механизмлар ишлашини

таъминлаш, Интернетдан фойдаланувчилар сонини кўпайтириш.

2. Интернет хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирувчи дастурлар учун имтиёзли кредитлар бериш тизимини шакллантириш. Бу соҳада монополия ривожланишининг олдини олиш.

3. Малакали мутахассислар тайёрлаш тизимининг мукамал бўлишини таъминловчи дастурлар ишлаб чиқиш. Бу борада Таълим тизимида АКТни ўргатувчи махсус дарслар соатини кўпайтириш.

4. Хизмат кўрсатиш соҳаларини (таълим, тиббиёт, маиший хизмат, банк) электрон хизмат кўрсатиш билан қамраб олинишини таъминлаш.

5. Тақдим этилаётган хизматлар, берилаётган ахборот ва маълумотлардан фойдаланиш имкониятини марказий ва чекка ҳудудларда бир хил бўлишини таҳлил қилиб бориш ва сифатли хизмат кўрсатилишини ташкил этиш.

Рақамли иқтисодиёт аҳолининг хизматлар соҳасидаги эҳтиёжларини тез ва қулай қондиришлари учунгина хизмат қилиб қолмай, балки самарали давлат бошқарувини ташкил этиш, энг асосийси, коррупциянинг турли кўринишларига барҳам берилишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Гулямов С.С. ва бошқ. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия. 2019. 8-бет.

2. Доклад о цифровой экономике, 2019 год - UNCTAD. [https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019_overview_ru.pdf)

3. Дзюба А. Какие особенности цифровой экономики имеет каждая из стран рейтинга? (<https://tech.liga.net/technology/novosti/pyat-samyh-privlekatelnyh-stran-s-tsifrovoy-ekonomikoy>).

4. Қутбитдинов Ю. ЦЭИР. Цифровая экономика в цифрах и сопоставлениях. // Экономическое обозрение. №10 (238). 2019.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари со-

ҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5349-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5598-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

9. Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2015. 49-сон. 611-модда.

10. "Электрон ҳукумат" тизими мамлакат имкониятларини максимал даражада оширади // [http://andijan.uz/regional\\_government/elektron-hukumat/kim-nam-sok-elektron-hukumat-tizimi-mamlakat-imkoniyatlarini-maksimal-darajada-oshiradi](http://andijan.uz/regional_government/elektron-hukumat/kim-nam-sok-elektron-hukumat-tizimi-mamlakat-imkoniyatlarini-maksimal-darajada-oshiradi).

### **Рақамли иқтисодиёт ва самарали бошқарув ислохотлари**

**Ҳабибахон Жўрабекова,**  
сиёсий фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD),  
Андижон машинасозлик  
институтининг доценти

**Аннотация:** мақола Ўзбекистон Республикасида самарали бошқарувни рақамли иқтисодиёт ва "электрон ҳукумат" тизими асосида амалга ошириши бўйича олиб борилаётган ислохотларни ўрганишга бағишланган. Шунингдек, ахборот технологиялари ёрдамида фуқароларга давлат хизматлари кўрсатишини яхшилаш масалалари кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** "электрон ҳукумат", рақамли иқтисодиёт, давлат бошқаруви, ахборот технологиялари, аҳоли эҳтиёжлари.

**Реформы цифровой экономики и  
эффективного управления**

**Хабибахон Журабекова,**  
*доктор философии (PhD)*  
*по политическим наукам,*  
*доцент Андижанского института*  
*машиностроения*

**Аннотация:** *статья посвящена изучению реформ по осуществлению эффективного управления на основе цифровой экономики и "электронного правительства" в Республике Узбекистан. Также рассматриваются вопросы улучшения государственных услуг при помощи информационных технологий.*

**Ключевые слова:** *"электронное правительство", цифровая экономика, государственное управление, информационная технология, потребности населения.*

**Reforms of the digital economy and  
effective management**

**Habibaxon Djurabekova,**  
*PhD (Political Sciences),*  
*Associate Professor of Andijan Institute*  
*of mechanical engineering*

**Abstract:** *the article is devoted to the study of reforms for the implementation of effective governance based on the digital economy and "electronic government" in the Republic of Uzbekistan. The issue of improving the welfare of the population with the help of information technology is considered.*

**Keywords:** *"electronic government", digital economy, public administration, information technology, population needs.*

**Данияр КАРШИЕВ,**  
*соискатель кафедры "Финансы и налоги",  
Ташкентский государственный экономический университет*

## **ЭФФЕКТЫ ВЛИЯНИЯ ЭКСПОРТА НА НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ**

**К**ак отмечено в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг., приоритетами развития страны являются либерализация и упрощение экспортной деятельности, диверсификация структуры и географии экспорта, расширение и мобилизация экспортного потенциала отраслей экономики и территорий. Важная роль в реализации этих задач отводится вопросам повышения эффекта влияния экспорта на экономический рост в национальных экономиках, анализ современного состояния и переосмысление важных задач, которые диктует само время<sup>1</sup>.

За короткий период в стране проведена последовательная работа по интеграции в международное экономическое сообщество и созданию благоприятных условий для повышения экспортного потенциала страны. Вместе с тем действующая система государственной поддержки экспорта не стимулирует развитие рыночных принципов повышения возможностей экспорта<sup>2</sup>.

**В отдельных эмпирических исследованиях представлены оценки влияния количественных и качественных изменений экспорта на экономический рост для отдельных развитых и развивающихся стран.**

Существенная неоднородность регионов Республики Узбекистан, связанная с социально-экономическими и географическими особенностями развития, предопределяет необходимость оценки эффектов роста экспорта на экономический рост на региональном уровне.

Таким образом, представляется особенно актуальной оценка эффектов влияния экспорта с учетом количественных и качественных изменений в экспорте на темпы экономического роста в регионах Республики Узбекистан.

Исследования влияния расширения экспорта на экономический рост регионов национальных экономик представлены в первых работах в этой области Дж. Хендерсона, Дж. Рауча, продолжаются в рамках моделей Новой экономической географии и монополистической конкуренции П. Кругмана, Р. Элизондо, Ж. Тисса, Ж. Оттавиано, К. Беренса, М. Брюлхарта, Ф. Трионфетти. Эмпирические оценки эффектов влияния экспорта на экономический рост регионов национальных экономик представлены большим набором работ, среди которых следует выделить ряд страновых и межстрановых исследований, в том числе Г. Хэнсона, П. Эггера, К. Йанга, В. Мартинкуса, А. Родригез-Посе, Р. Эзкурра.

Подходы к оценке и анализу интенсивного и экстенсивного роста экспорта содержатся в работах С. Эвенетта, Э. Вейнблса, А. Амурго-Пачико, М. Пиероллы, Т. Биседеса, Т. Прусы, Д. Хаммельса, П. Клиноу, Г. Фильбермайера, В. Колера.

Результаты о влиянии интенсивного роста экспорта на экономический рост могут рассматриваться на основе эмпирического тестирования гипотезы экономического роста под влиянием экспорта, представленной в работах Т. Авукесе, Л. Конья, А. Тивари, А. Людвиг, а также на основе оценки продолжительно-



сти существования на рынке фирм-экспортеров по сравнению с фирмами-неэкспортерами, что представлено в работах Дж. Болдуина, Э. Бернарда, Дж. Йенсена, Д. Гриневей, Р. Кнеллера.

Влияние экстенсивного роста экспорта на экономический рост может рассматриваться в работах, исследующих динамику производительности фирм-экспортеров и неэкспортеров, в гипотезе самоотбора и гипотезе обучения от экспорта таких авторов, как Р. Лопес, Э. Бернард, Дж. Йенсен, Д. Гриневей, Р. Кнеллер, Й. Вагнер.

Высоко оценивая результаты, полученные вышеперечисленными исследователями, важно отметить, что эффекты влияния интенсивного и экстенсивного роста экспорта на экономический рост в регионах национальных экономик остаются недостаточно изученными. Это справедливо и для экономики Республики Узбекистан. Нам неизвестно о существовании оценок эффектов влияния роста экспорта на экономический рост регионов Республики Узбекистан.

Во-первых, требуется предложить методику и провести эмпирическое оценивание эффектов влияния роста экспорта на экономический рост в регионах Республики Узбекистан. Методика эмпирического оценивания должна учитывать существование проблемы эндогенности эконометрической модели, связанной с двунаправленной зависимостью экспорта и экономического роста, а также существованием независимых от времени пространственных фиксированных эффектов.

Во-вторых, крайне важным представляется эмпирическое оценивание факторов роста экспорта за счет расширения объемов в рамках существующих торговых потоков, поскольку такой рост экспорта преобладает в общих темпах роста экспорта мировой экономики, является менее рискованным по сравнению с увеличением товарного или географического разнообразия экспорта, а также значительно менее затратен, поскольку не требует издержек на исследования и разработки нового экспортного товара, вывода нового товара на рынок, а также на поиск новых экспортных рынков. Требуется уточнить методику

эмпирической оценки и оценить факторы, оказывающие влияние на интенсивный рост экспорта в регионах Республики Узбекистан.

Для этой цели в данной статье на основе анализа теоретических и эмпирических исследований нами выделяются основные эффекты влияния расширения экспорта на экономический рост в мировой экономике. При этом акцент делается на исследовании двух основных типов роста экспорта:

1. Рассматриваются эффекты влияния роста экспорта, возникающие вследствие увеличения объемов и стоимости торговли в рамках существующих экспортных потоков, что может являться следствием, например, торговой либерализации. К этой группе эффектов отнесены также эффекты от возникновения международной торговли в результате перехода страны от автаркии к открытой экономике.

2. Рассматриваются эффекты влияния роста экспорта вследствие процесса экспортной диверсификации и возникновения новых экспортных товаров и экспортных рынков под воздействием структурных изменений в экономике.

**В рамках моделей международной торговли следует выделять эффекты повышения эффективности в национальной экономике, возникающие в зависимости от разных допущений в производственном и потребительском секторах и распределении ресурсов.**

Первый тип эффектов - повышение эффективности национальной экономики вследствие перераспределения ресурсов при допущении постоянной отдачи от масштаба в производственном секторе.

Такие эффекты представлены в рамках классических и неоклассических моделей международной торговли. В модели А. Смита международная торговля рассматривается как механизм увеличения благосостояния посредством мобильности труда между секторами экономики. Переход страны от состояния автаркии к международной торговле и возникновение экспорта связано с перераспределением единствен-

ного фактора производства (труда) между отраслями. Специализация в производстве в модели А. Смита рассматривается как источник выгод от повышения эффективности производства. При этом А.Смит выделяет единственное ограничение для мобильности труда - размер рынка.

Модель Д.Рикардо с двумя странами, двумя товарами и одним фактором производства расширяет модель А.Смита для случая, когда одна страна более эффективна по производству обоих товаров. Международная торговля, согласно Д.Рикардо, возникает вследствие международных различий в относительной производительности труда. Аналогично модели А.Смита, в модели Д.Рикардо переход к специализации и экспорт одного из товаров приносит выгоды и рост благосостояния для обеих экономик.

Таким образом, как отмечается, свободная торговля и переход к специализации в моделях А.Смита и Д.Рикардо может рассматриваться как способ достижения производственной эффективности на глобальном уровне<sup>3</sup>.

Это также соответствует результатам,<sup>4</sup> где отмечается, что валовой мировой выпуск может увеличиться в случае внешне-торговой специализации стран на товарах их сравнительного преимущества.

Если в классических теориях международной торговли допущения об однородности и единственности производственного фактора (труда) обуславливают получение выгод всеми участниками международной торговли, то допущение о множественности и специфичности факторов, сделанные в неоклассических моделях, позволяют получить несколько иные выводы в отношении распределения выигрыша международной торговли.

В соответствии со стандартной моделью Хекшера-Олина с двумя странами, двумя отраслями и двумя факторами производства стимулом для торговли является различие между странами в относительной избыточности факторов производства, переход от автаркии к свободной торговле сопровождается эффектами перераспределения выгод: относительно избыточный

- в стране фактор производства выигрывает, а относительно дефицитный - проигрывает.

Распределение выгод и потерь от международной торговли в случае модели Хекшера-Олина аналогично результату модели со специфическими факторами, предполагающей, что каждая отрасль имеет один специфичный фактор производства, который не может быть перемещен и использован в другой отрасли. В результате международной торговли изменения относительных цен приводят к изменению распределения дохода между секторами, при этом владельцы одного из факторов производства выигрывают, а владельцы другого несут потери. Размер выигрыша от торговли, как правило, превышает размеры потерь, что приводит к совокупному выигрышу для экономики.

Второй тип эффектов - повышение эффективности национальной экономики вследствие перераспределения ресурсов при допущении о возрастающей отдаче от масштаба в производственном секторе.

**Подход моделей монополистической конкуренции Новой теории торговли, предполагающий возрастающую отдачу в производственном секторе, существенно превзошел существующие традиционные аргументы теорий, основанных на сравнительном преимуществе<sup>5</sup>.**

Действительно, модели Новой теории торговли предсказывают больший размер выгод от торговли, чем модели, основанные на сравнительном преимуществе.

Модель, включающая в базовой версии 1 фактор производства (труд), несовершенную конкуренцию на рынках,  $n$  дифференцированных товаров и потребительские предпочтения к разнообразию потребляемых товаров, рассматривает в качестве выгоды от международной торговли увеличение размера рынка. При переходе к международной торговле, вновь, как и в моделях Смита и Рикардо, происходит товарная специализация производства, при этом на более емком рынке будет наблюдаться снижение средних цен и увеличение дос-

тупного набора разновидностей товаров. Как следствие, рост благосостояния национальной экономики происходит вместе с ростом доступных для потребления разновидностей товара и повышением эффективности, вызванной снижением удельных издержек при возрастающей отдаче от масштаба.

Третий тип эффектов - повышение эффективности национальной экономики вследствие перераспределения ресурсов внутри отраслей от наименее производительных фирм к более производительным. Такие эффекты предствлены в Новейших моделях теории торговли. Как отмечается, Новейшие модели торговли с гетерогенными фирмами стали существенным прорывом в объяснении выгод от международной торговли, что оказалось связано с перемещением акцента анализа с уровня отрасли на уровень фирмы. Так, М.Мелитц рассматривает новый вид выгод от международной торговли и показывает, что международная торговля позволяет только наиболее производительным фирмам выходить на экспортный рынок (в то время, как менее производительные фирмы продолжают производить только для внутреннего рынка), при этом наименее производительные фирмы выходят с рынка<sup>6</sup>.

В целом, вследствие перераспределения ресурсов внутри отраслей от наименее производительных фирм к более производительным, а также роста продаж наиболее производительных фирм увеличивается валовая производительность в экономике.

Дополнительные эффекты от международной торговли на экономический рост также можно выделить в недавних работах А.Бернарда и С.Реддинга, что одновременное внутри- и межотраслевое изменение экономической деятельности сопровождается существенными изменениями в занятости в этих отраслях даже в случае, когда наблюдается чистый прирост занятости в отраслях со сравнительным преимуществом и чистое снижение занятости в отраслях без сравнительного преимущества. Авторы показывают, что относительный рост высокопроизводительных фирм повышает

валовую производительность во всех отраслях, при этом рост производительности наиболее высок в отраслях сравнительного преимущества. Снижение цен, связанное с ростом производительности, существенно повышает реальное вознаграждение относительно избыточного фактора производства и значительно снижает реальное вознаграждение относительно дефицитного ресурса<sup>7</sup>.

**Таким образом, как было рассмотрено выше, расширение международной торговли в теоретическом анализе моделей международной торговли связывается с ростом эффективности производства при постоянной и возрастающей отдаче от масштаба, а также с ростом производительности и выпуска. Кроме того, ряд работ утверждает рост размера рынка и, соответственно, доступ к более широкому товарному разнообразию по более низким ценам как дополнительный источник выгоды от международной торговли.**

Выгоды от расширения международной торговли могут быть разделены на статические и динамические, что соответствует, например к статическим выгодам от международной торговли, как правило, относят выгоды в моделях Смита и Рикардо - выгоды от перераспределения ресурсов между отраслями вследствие возросшей специализации в соответствии со сравнительным преимуществом. Динамические выгоды от торговли смешают кривую производственных возможностей в случае, если расширение международной торговли сопровождается ростом инвестиций и ростом производительности на основе возрастающей отдачи от масштаба, эффектов обучения от деятельности и приобретения новых зарубежных технологий, в том числе через внешние эффекты от прямых зарубежных инвестиций<sup>8</sup>.

Динамические эффекты, как было показано, представлены в рамках Новейшей теории торговли и ее расширениях.

В современных эмпирических исследованиях не существует однозначного вывода о существовании разных типов вы-

год от расширения международной торговли на экономическое развитие. С одной стороны, утверждается, что выгоды не могут ограничиваться только статическими выгодами, основанными на сравнительном преимуществе. Так, Х.Берг и Ж.Левевер предполагают, что наиболее существенными являются долгосрочные динамические выгоды, возникающие от положительного эффекта расширения торговли на экономический рост посредством нескольких каналов, среди которых, например, трансферт технологий. Следовательно, наиболее полный анализ выгод должен основываться на комбинировании теории торговли и теории экономического роста<sup>9</sup>.

Четвертый тип эффектов - повышение эффективности национальной экономики вследствие перераспределения труда, накопления опыта и обучения рабочей силы при переходе к специализации на более сложные товары.

Такие эффекты представлены в моделях эндогенного роста, рассматривающих наличие двух типов капитала (физического и человеческого), а также существование положительных внешних эффектов, обусловленных аккумулярованием капитала любого типа.

**В одной из первых моделей теории эндогенного роста А.Янга предполагается, что труд может накапливать опыт или человеческий капитал посредством обучения от процесса работы, что приводит к возникновению положительных внешних эффектов. В работе рассмотрена развитая страна, вступающая в свободную торговлю с менее развитой страной, в условиях торговли темпы роста менее развитой страны снижаются (по сравнению с условием автаркии), а темпы роста развитой страны увеличиваются. Таким образом, в терминах динамических эффектов менее развитая экономика несет динамические потери от торговли, а развитая экономика - динамические выгоды<sup>10</sup>.**

Р.Лопес отмечает, что интуитивное объяснение данного результата заключается в следующем: статическое сравнитель-

ное преимущество подразумевает, что менее развитая страна специализируется на традиционных товарах, обучение производству которых ограничено, в то время, как развитая страна специализируется на более сложных товарах, представляющих широкие возможности для обучения трудовых ресурсов<sup>11</sup>.

Наконец, пятый тип эффектов - расширение мирового рынка знаний и технологий, доступ к которым обуславливает экономический рост в стране.

В качестве примера существования таких эффектов рассмотрим две следующие модели. В работе Л.Ривьера-Батиса и П.Ромера модель эндогенного роста используется для анализа эффектов от экономической интеграции двух похожих стран или регионов на экономический рост. Технологический прогресс в модели определяется внедрением нового типа капитала, создаваемого посредством НИОКР. Расширение торговли (в результате экономической интеграции) при допущении о возрастающей отдаче от масштаба, которое и является драйвером экономического роста, позволяет заключить, что интеграция ведет к долгосрочному увеличению темпов экономического роста вследствие увеличения размера рынка<sup>12</sup>. Авторы выделяют два эффекта от расширения международной торговли. Первый, возникающий вследствие расширения рынка эффект масштаба, позволяющий увеличить мировой объем исследовательской деятельности и, второй, расширение межграницных технологических внешних эффектов, которые улучшают производительность исследовательской деятельности.

Рассмотренные выше эффекты влияния экспорта на экономический рост представлены в таблице 1.

В последнее десятилетие активное развитие получила гипотеза о нелинейном характере взаимоотношений между диверсификацией (и, напротив, специализацией) экспорта и экономическим развитием. В работе Ж.Имбса и Р.Вацарга утверждается существование U-образной зависимости между диверсификацией и ВВП на душу населения.

Таблица 1

## Эффекты влияния экспорта на экономический рост в теоретических исследованиях

Тип моделей	Тип эффекта	Эффект
Классические модели международной торговли Смита, Рикардо	Статический	эффекты повышения эффективности национальной экономики вследствие перераспределения ресурсов при допущении постоянной отдачи от масштаба в производственном секторе
Неоклассические модели международной торговли Хекшера-Олина, Рикардо-Вайнера		
Модели монополистической конкуренции, основанные на подходе Кругмана	Динамический	эффекты повышения эффективности национальной экономики вследствие перераспределения ресурсов при допущении возрастающей отдачи от масштаба в производственном секторе
Модели международной торговли с гетерогенными фирмами, основанные на подходе Мелитца	Динамический	эффекты повышения эффективности национальной экономики вследствие перераспределения ресурсов внутри отраслей от наименее производительных фирм к более производительным
Модели эндогенного роста, представленные работами Янга, Ривьера-Батис и Ромера	Динамический	эффекты повышения эффективности национальной экономики вследствие перераспределения труда, накопления опыта и обучения рабочей силы при переходе к специализации на более сложные товары
		эффекты расширения мирового рынка знаний и технологий, доступ к которым обуславливает экономический рост в стране.

Как отмечается авторами, выявленная динамика существенно лучше отражает распределение ресурсов между отраслями, при этом каждое распределение ресурсов отражает уровень экономического роста и открытости торговли, что соответствует ряду существующих теорий, объясняющих структуру международной торговли стран<sup>13</sup>.

Одна из недавних работ подтверждает справедливость U-образной зависимости аргументами аккумуляции капитала неоклассической теории торговли Хекшера-Олина. Согласно аргументам, менее развитые избыточные трудовыми ресурсами страны в процессе развития аккумулируют капитал и диверсифицируют выпуск, перемещая производство от трудоемких к капиталоемким отраслям, при этом богатые капиталом избыточные страны продолжают аккумулировать капитал и концентрируют производство на ярко выраженных капиталоемких товарах<sup>14</sup>.

Реализуемая в стране Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах заложила фундамент решения основных задач по расширению и укреплению экспортного потенциала в целях достижения экспортноориентированного индустриального развития страны.

Экспорт в 2018 году составил 14,3 млрд долл. США, по сравнению с 2017 годом вырос на 13,6%, в т.ч. сельскохозяйственной продукции - 0,9 млрд долл. США, 6,2% от всего экспорта. Экспорт услуг в 2018 году - 3,0 млрд долл. США или 21,3% от всего экспорта<sup>15</sup>.

Несмотря на последовательное увеличение количественных и качественных показателей экспорта Республики Узбекистан и либерализацию внешней торговли, анализ экспортной деятельности выявил ряд факторов, оказывающий значительное сдерживающее влияние на развитие экспорта республики:

- высокие финансовые расходы на экспортные операции и неудовлетворительное финансовое положение экспортёров;

- избыточная налоговая нагрузка на бизнес (в 2017 году Узбекистан занял 113 место из 189 в Total Tax Rate - рейтинге налоговой нагрузки на бизнес, который составляют Всемирный банк совместно с аудиторской компанией Price water house Coopers);

- высокие ставки по коммерческим кредитам;

- высокие риски финансовых потерь экспортеров.

Экспорт товаров и услуг в Узбекистане вырос в 2019 году на 28%.

За 2019 год республика экспортировала товаров и услуг на \$12,3 млрд (на 28% выше пошлогоднего показателя). Число предприятий-экспортеров увеличилось на две тысячи. Сейчас Узбекистан экспортирует свои товары в 42 страны, причем 59 видов продукции продаются за рубеж впервые<sup>16</sup>.

В стране создана Национальная система поддержки экспорта, работает Агентство продвижения экспорта, действует механизм компенсации 50% расходов на транспортировку при экспорте товаров 205 наименований.

**До конца 2021 года в республике должны быть созданы 45 агрологистических комплексов, 205 перерабатывающих мощностей, не менее 36 тысяч гектаров интенсивных садов. На эти цели будет направлено почти \$1 млрд. Президент поручил в 2021 году вдвое увеличить экспорт плодоовощной продукции и в течение двух лет на 20% увеличить производство локализованных товаров во всех регионах и отраслях<sup>17</sup>.**

"Повышение конкурентоспособности национальной экономики, либерализация внешнеторговой политики, расширение географии экспорта, переход лидерства в структуре экспорта от сырья и промежуточной продукции к экспорту готовой продукции, повышение позиций национальной экономики на мировом рынке путем присоединения к ВТО с наименьшими

потерями" являются важнейшими задачами стратегии развития внешней торговли и обеспечения устойчивости платежного баланса, отмеченного Концепцией комплексного социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года.

Целевые показатели экспорта в 2030 году достигнут 38 млрд. долл. США. В структуре экспорта объем плодоовощной продукции вырастет более, чем в 5 раз, экспортных услуг - более, чем в 3 раза по сравнению с 2018 годом<sup>18</sup>.

Важным приоритетным направлением развития экспортного потенциала страны является экономическое сотрудничество и расширение внешнеэкономических связей посредством привлечения иностранных инвестиций, создания совместных предприятий, международных объединений и организаций, кредитных соглашений, переработки дачвальческого сырья, международного туризма и др.

Основными направлениями сотрудничества Узбекистана с зарубежными партнерами на ближайшую перспективу следует считать:

1. Объективные предпосылки развития сотрудничества с государствами СНГ определяются наличием общей границы, схожей транспортной и хозяйственной инфраструктуры, культурных традиций и языка.

2. Активизация торгово-экономического сотрудничества с развивающимися странами Азии.

3. Интеграции отечественных предприятий в крупные транснациональные корпорации для формирования глобальных производственных цепочек.

Вместе с тем, одним из важнейших и новых перспективных направлений для Республики Узбекистан является межрегиональное сотрудничество во внешнеэкономической деятельности с зарубежными государствами.

В расширении экспортного потенциала республики и определении приоритетных направлений в отраслях необходимо определить, в первую очередь, направления, где Узбекистан обладает конкурентными преимуществами.

### Источники и литература

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан".

2. Постановление Президента Республики Узбекистан от 29.06.2018 г. N ПП-3818 "О мерах по дальнейшему упорядочению внешнеэкономической деятельности и совершенствованию системы таможенно-тарифного регулирования Республики Узбекистан".

3. Sen, S. *International trade theory and policy: what is left of the free trade paradigm?* [Text] / S. Sen // *Development and Change*. - 2017. - Т. 36. - №. 6. - P. 1011-1029.

4. Krugman, P. *The increasing returns revolution in trade and geography* [Text] / P. Krugman // *The American Economic Review*. - 2018. - Т. 99. - №. 3. - P. 561-571.

5. Krugman P. *The increasing returns revolution in trade and geography* // *The American Economic Review*. - 2017. - Т. 99. - №. 3. - P. 564.

6. Melitz M. *The impact of trade on intra?industry reallocations and aggregate industry productivity* // *Econometrica*. - 2013. - Т. 71. - №. 6. - P. 1695.

7. Bernard A.B., Redding S.J., P.K. S. *Comparative advantage and heterogeneous firms* // *Review of Economic Studies*. - 2017. - Т. 74. - P. 31.

8. Thirlwall, A. P. *Trade, trade liberalisation and economic growth: theory and evidence*. African Development Bank. - 2018. -Т. 63. - P. 6.

9. Berg H. Van den, Lewer J. *International trade and economic growth*. - M.E. Sharpe, Armonk, New York. - 2017. - P. 253.

10. Young A. *Learning by Doing and the Dynamic Effects of International Trade* // *The Quarterly Journal of Economics*. - 2011. - Т. 106. - № 2. - P. 369.

11. Lipez, R. A. *Trade and growth: Reconciling the macroeconomic and microeconomic evidence* // *Journal of Economic Surveys*. - 2015. - Т. 19. - №. 4. - P. 626.

12. Rivera-Batiz L., Romer P. *Economic Integration and Endogenous Growth* // *The Quarterly Journal of Economics*. - 2011. - Т. 106. - № 2. - P. 550.

13. Imbs J., Wacziarg R. *Stages of diversification* // *American Economic Review*. - 2018. - Т. 93. - № 1. - P. 84.

14. Batista C., Potin J. *Stages of diversification in a neoclassical world* // *Economics Letters*. - 2018. - Т. 122. - P. 280

15. *Узбекистан за 2018 год: статистический ежегодник*. - Т.: 2019. - С. 45.

16. "Концепция комплексного социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года", утвержденная Указами Президента Республики Узбекистан от 08.01.2019 г. №УП-5614, от 10.01.2019 г. №УП-5621.

17. Там же.

18. Там же.

### Эффекты влияния экспорта на национальный экономический рост

Данияр Каршиев,

соискатель кафедры

"Финансы и налоги", Ташкентский  
государственный экономический  
университет

**Аннотация:** в статье рассмотрены вопросы исследования эффектов влияния экспорта на экономический рост в национальной экономике в условиях трансформации рыночной среды, их факторы, проанализированы основные современные концепции разработки стратегии повышения эффекта влияния экспорта на экономический рост, в соответствии с чем выявлены направления, по которым государство может активно влиять на процесс поддержки уровня и эффективности экспорта.

**Ключевые слова:** экспорт, экономический рост, количественный рост экспорта, качественный рост экспорта, влияние экспорта на экономический рост, экстенсивный рост экспорта, интенсивный рост экспорта, эффект влияния экспорта на экономический рост.

**Миллий иқтисодий ўсишга экспорт таъсирининг самаралари**

**Дониёр Қаршиев,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг "Молия ва солиқлар"  
кафедраси тадқиқотчиси

**Аннотация:** мақолада бозор муҳити трансформацияси шароитида миллий иқтисодиётда экспортнинг иқтисодий ўсишга таъсири самараларини тадқиқ этиш масалалари, унинг омиллари кўриб ўтилган, экспортнинг иқтисодий ўсишга таъсири самарасини ошириш стратегияларини ишлаб чиқишнинг асосий замонавий концепциялари таҳлил этилган ва шу асосида давлатнинг самарали экспорт даражасини қўллаб-қувватлаш жараёнига фаол таъсирининг йўналишлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** экспорт, иқтисодий ўсиш, экспортнинг миқдоран ўсиши, экспортнинг сифат жиҳатидан ўсиши, экспортнинг иқтисодий ўсишга таъсири, экспортнинг экстенсив ўсиши, экспортнинг интенсив ўсиши, экспортнинг иқтисодий ўсишга таъсири самараси.

**Effects of exports on national economic growth**

**Daniyar Karshiev,**  
researcher of the department  
"Finance and taxes" of Tashkent  
state university of economics

**Abstract:** the article deals with the study of the effects of exports on economic growth in national economies in a transformation of the market environment, their factors, analyzes the main modern concepts of developing a strategy to increase the effect of exports on economic growth, in accordance with which the directions in which the state can actively influence on the process of maintaining the level and effectiveness of exports.

**Keywords:** export, economic growth, quantitative growth of exports, qualitative growth of exports, the impact of exports on economic growth, extensive export growth, intensive export growth, the effect of exports on economic growth.



**Нилуфар ШАРИПОВА,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти*

## **ЖАҲОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА КРИПТОВАЛЮТАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

**Ж**аҳон иқтисодиёти доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб бориш характерига эга, технологиялар, моддий қийматликлар, бошқариш усуллари вақт ўтиши билан маълум ўзгаришларга учрайди. Бу жараён замонавий жаҳон бозор иқтисодиётининг фундаментал асосларини ўзгартирувчи янги омиллар сабабли янада тезлашиши мумкин. Ҳозирги пайтда ушбу омил сифатида иқтисодиёт барча тармоқлари ўзгаришига таъсир қилувчи глобал рақамлаштириш жараёни майдонга чиқди. Натижада, иқтисодиётда рақамли бозор, рақамли биржа, рақамли имзо, криптовалюта, биткоин, блокчейн каби янги атамалар юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832-сонли Қарори мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга бўлган муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонуни билан электрон пуллар, электрон пулларни эмиссия қилувчи органлар, электрон пул ўтказмалари иштирокчилари, электрон пул ўтказмалари тизимига ҳуқуқий асос яратилди.

Дастлаб, криптовалютанинг иқтисодий моҳияти ҳақида тўхталиш зарур. Чунки рақамлаштириш - мамлакатнинг макро-иқтисодий барқарорлиги ва интеграциянинг ривожланишига таъсир қилувчи иқтисодиётнинг анъанавий моделларидаги ўзгариш.

Криптовалюта - рақамли белги (токен) тури бўлиб, маълумотлар базасида акс этирилган транзакциялар блоки рўйхати (блокчейн)даги ёзувдир, у алмашинув воситаси сифатида, ҳисоб бирлиги сифатида ва (ёки) қимматликларни сақлаш (жамғариш) воситаси сифатида қабул қилинади.

**Натурал хўжалик иқтисодиёти шароитида пул вазифасини ҳар хил товарлар бажарган бўлса, кейинги босқичларда олтин пул вазифасини бажаргани, олтин стандарти бир неча йиллаб амал қилганини кузатамиз, кейинги босқичда қоғоз пуллар ва пластик карточкалардаги нақдсиз маблағлар пул функциясини бажариб келди. Рақамли иқтисодиётда пул функциялари аввалгича қолади, эндиликда биз учун янги бўлган электрон пуллар ва криптовалюталар ҳам пул вазифасини бажармоқда.**

Биз 1-жадвалда криптовалюталарнинг жаҳон амалиётида электрон пуллар, анъанавий пуллар ва олтинга нисбатан қиёсий таҳлилини келтираамиз.

**Криптовалюталарнинг жаҳон амалиётида электрон пуллар, анъанавий пуллар ва олтинга нисбатан қиёсий таҳлили<sup>1</sup>**

	Криптовалюта (биткоин мисолида)	Электрон пуллар	Анъанавий пуллар	Олтин
Тасниф	Баъзи мамлакатларда қонунчиликка қараб қимматлик; баъзиларида товар ёки биржа товари; мулк; номоддий актив; қонуний тўлов воситаси; кўрсатиладиган хизмат сифатида эътироф этилади.	Қонуний тўлов воситаси	Қонуний тўлов воситаси	Товар
Муомалага чиқариш кўриниши	Рақамли ёзув	Рақамли ёзув	Қоғоз/пластик картадаги банкнота	Товар
Ҳисоб-китобларда қўлланилиши	Ҳозирги пайтда чегараланган	Жуда юқори	Жуда юқори	Ҳисоб-китобларда қўлланилмайди.
Тўловни орқага қайтариш	Мумкин эмас	Мумкин	Мумкин	Ҳисоб-китобларда қўлланилмайди.
Тўлов тизими	Марказлашмаган, очиқ тўлов тизими	VISA CARD, MASTER CARD, МИР ва бошқалар. Марказлашган, ёпиқ тўлов тизими бўлиб, ушбу тўлов тизимлари молиявий ташкилотларга тегишли.	VISA CARD, MASTER CARD, МИР ва бошқалар. Марказлашган, ёпиқ тўлов тизими бўлиб, ушбу тўлов тизимлари молиявий ташкилотларга тегишли.	Ҳисоб-китобларда қўлланилмайди.
Ўтказмаларнинг тезлиги	Биткоин тизимида 10 минут	Бир неча секунддан 5 банк иш қунигача	Бир неча секунддан бир неча кунгача	Жуда паст
Ўтказмалар учун комиссия	Тизим иштирокчилари томонидан мустақил белгиланади, тўлов юқори бўлса, комиссия қимматлашади.	Тўлов тизимлари ва банклар томонидан белгиланади.	Тўлов тизимлари ва банклар томонидан белгиланади.	Баланд, банклар ва биржалар томонидан белгиланади.
Анонимлик	Жуда юқори	Чегараланган	Юқори	Чегараланган
Эмитент	Тизимнинг исталган иштирокчиси	Марказий/Миллий банклар ва тижорат банклари	Марказий/Миллий банклар	Қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар.
Эмиссия усули	Ҳисоблаш усули	Рақамли ёзув	Босма	Қазиш ва қайта ишлаш.
Эмиссия чегараси	Биткоин мисолида эмиссия чегараланган	Чегараланмаган	Чегараланмаган	Ер юзидаги табиий манбаларга боғлиқ.

Юқоридаги маълумотлар криптовалюта-ларнинг ўзига хослиги, электрон пуллар, анъанавий пуллар ва олтиндан қайси функциялари билан фарқланишини аниқ кўрсатиб берди. Энди криптовалюталарга



оид бўлган тез-тез ишлатиладиган атама-лар - токен ва блокчейнга тўхталиб, аниқ-роқ маълумот келтирамиз.

Маълумотлар базасида акс эттирилган "транзакциялар блоки рўйхати (блокчейн)"

тушунчасига изоҳ берадиган бўлсак, блокчейн - маълум маълумотлар базасида белгиланган алгоритмлар асосида ишловчи, ушбу тизимда амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумотларнинг бирибирига боғланган блокларининг кетмакетлиги.

Рақамли белги ёки токен - мажбурият ёки бошқа ҳуқуқларни тасдиқлаш воситаси бўлган рақамли актив тури, масалан, маҳсулот ёки хизматларга эга бўлишга бўлган ҳуқуқ, маълум бир маҳсулот ёки хизматларга бўлган ҳуқуқ, фойдадан белгилаб қўйилган улуш ёки фоиз олишга бўлган ҳуқуқ, келажакда белгиланган активни белгиланган нархда сотиб олишга бўлган ҳуқуқ. Токен смарт-шартноманинг ҳуқуқларни тасдиқловчи шартларини ўз ичига олган бўлиши ҳам мумкин.

Токенлар тўғрисида муҳокама юритилганда, ICO лойиҳалар, яъни токенларнинг маълум бир лойиҳалар учун бирламчи эмиссия қилиниши масалаларига тўхталиб ўтиш лозим. ICO (ингл. Initial coin offering - "бирламчи пул(танга) таклифи") - инвесторларга бир марталик ёки тезлаштирилган эмиссия орқали чиқарилган янги криптовалюта бирликларини белгиланган миқдорда эмиссия қилиб сотиш кўринишидаги инвестиция жалб қилишнинг бир кўриниши<sup>2</sup>. Мамлакатлар кўламида ICO эмиссияларининг амалга оширилиши улуши криптовалюталарнинг ушбу мамлакатлардаги ривожланиш ҳолатини тасдиқлайди. Қуйидаги диаграммаларда ICO географик тизимларининг 2017 йил ва 2018 йилларда дунёнинг рақамли иқтисодиёт ривожланган давлатларида қандай улушларда ўзгарганлигини кўришимиз мумкин.



1-диаграмма. 2017 йил ва 2018 йил учун ICO географик структурасининг ўзгариши<sup>3</sup>

2017 йилда ICO эмиссияларида АҚШ етакчи давлат бўлиб ҳисобланган (32%), Швецария ундан кейинги ўринда (27%) эмиссияни амалга оширганини кузатиш мумкин. 2018 йилга келиб, ICO географик структураси тубдан ўзгарган, эндиликда ICO эмиссиялари бўйича етакчи давлатлар бўлиб, Кайманов ороллари (40%) ҳамда Виржиния ороллари (21%) майдонга чиқди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, рақамли активлар ва рақамли белгилар (токенлар) билан ишлашда ушбу фаолиятга юқори мобиллик хосдир. Шунинг учун

ҳам бошқаришнинг қаттиқ кучайтирилиши тадбиркорларнинг бошқа ҳуқуқий шароитлари қулайроқ давлатларга кўчиб ўтишига олиб келади. Масалан, диаграммдан кўринадикки, рақамли белгилар (токенлар) муомаласини бошқариш чоралари қатъийлаштирилиши сабабли АҚШда ICO лойиҳаларини молиялаштириш 2017 йилдаги 32 %дан 2018 йилда 10%га тушган.

Ўзбекистон Республикасидаги рақамли активларнинг фаолиятига тўхталадиган бўлсак, мамлакатимизда криптовалюталар, криптобиржалар, блокчейн технологияла-

ри билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги томонидан 2019 йил 22 январда қабул қилинган "Криптовалюта фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги 3127-сонли Низом қоидалари бўйича амалга оширилади. Ушбу Низомда, дастлаб, биткоинлар республика ҳудудида тақиқланмаган бўлсада, биткоинлар билан боғлиқ операциялар амалга оширилмаган эди. Ушбу Низомга 2019 йил 6 декабрда киритилган ўзгаришларга асосан, криптоактивлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин эмас. Республика ҳудудида криптобиржалар миллий қонунчиликка асосан фаолият юритиши мумкин, фуқаролар чет элликларга ўзларининг криптоактивларини сотиш ҳуқуқига эга бўлиб, криптоактивларни сотиб олиш мумкин эмас. Аноним битимлар криптобиржаларда тақиқланади. Лойиҳаларни бошқариш миллий Агентлигининг 2019 йил декабрь ойидаги хабарига кўра, криптобиржа фаолиятини юритиш учун илк лицензия Кобеа Групп (Корея Республикаси ташкилоти) компаниясига берилган ва ушбу криптобиржа ҳозирда мамлакатимиздаги илк криптобиржа бўлиб ҳисобланади<sup>4</sup>.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни кўзда тутаётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган криптоактивлар, электрон тўлов тизимлари билан боғлиқ бўлган жуда кўп долзарб вазифалар турибди. Юқоридаги жаҳон иқтисодиётида криптовалюталар, электрон пуллар, анъанавий пуллар, ICO токенлар ҳолати, мамлакатимизда йўлга қўйилаётган қонунчилик асослари таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги хулоса ва таклифлар илгари сурилмоқда:

1. Таваккалчиликларни назорат қилиш ва иқтисодий ривожланишнинг инновацион лойиҳаларини амалиётга жорий этишда балансни сақлаш. Бундай лойиҳалар юқори даражадаги риск даражасига эга.

2. Бошқа давлатлар ва халқаро молия ташкилотлари билан рақамли активлар, рақамли белгилар (токен), криптовалюталарни бошқаришда ҳамкорлик ўрнатиш ва

илғор стандартларни амалиётга жорий қилиш. Жиноий фаолиятдан олинган ёки терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларни легализация қилишга қарши курашда халқаро молия ташкилотлари маълумотларини ҳисобга олиш лозим.

### **Манба ва адабиётлар**

1. [https://eurasiancom-mission.org/Доклад\\_FINAL.pdf](https://eurasiancom-mission.org/Доклад_FINAL.pdf) Евразийская Экономическая Комиссия: "Криптовалюты и блокчейн как атрибуты новой экономики". - Москва: 2019. -С. 8-9.

2. *Initial Coin Offerings (ICOs): Risks, Regulation, and accountability. Regulation of Financial Institutions Journal: Social Science Research Network (SSRN). Accessed 6 December 2017.and www.wikipedia.org*

3. [https://eurasiancom-mission.org/Доклад\\_FINAL.pdf](https://eurasiancom-mission.org/Доклад_FINAL.pdf) Евразийская Экономическая Комиссия: "Криптовалюты и блокчейн как атрибуты новой экономики". - Москва: 2019 г.

4. <https://theworldnews.net/uz-news/koreiskaia-kobe-group-otkroet-pervuiu-kriptobirzhu-v-uzbekistane-23.12.2019-g>

5. "Криптовалюты и блокчейн как атрибуты новой экономики". Разработка регуляторных подходов: международный опыт, практика государств-членов ЕАЭС, перспективы для применения в Евразийском экономическом союзе, - Евразийская Экономическая Комиссия, - Москва: 2019.-С. 8-9. Электрон манба: [http://www.eurasiancom-mission.org/Доклад\\_FINAL.pdf](http://www.eurasiancom-mission.org/Доклад_FINAL.pdf)

6. *Initial Coin Offerings (ICOs): Risks, Regulation, and accountability. Regulation of Financial Institutions Journal: Social Science Research Network (SSRN). Accessed 6 December 2017.and http://www.wikipedia.org*

7. "Криптовалюты и блокчейн как атрибуты новой экономики". Разработка регуляторных подходов: международный опыт, практика государств-членов ЕАЭС, перспективы для применения в Евразийском экономическом союзе, - Евразийская Экономическая Комиссия. Москва: 2019. -С.18. Электрон манба: [http://www.eurasiancom-mission.org/Доклад\\_FINAL.pdf](http://www.eurasiancom-mission.org/Доклад_FINAL.pdf)

8. <https://theworldnews.net/uz-news/koreiskaia-kobe-group-otkroet-pervuiu-kriptobirzhu-v-uzbekistane-23.12.2019-g>

9. Ўзбекистон Республикасининг "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги

Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 03/19/578/3986-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3832 сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.07.2018 й., 07/18/3832/1452-сон.

11. "Крипобиржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги 3127-сонли Низом. 22.01.2019 й. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3127/2525-сон; 22.02.2019 й., 10/19/3127-1/2657-сон, 08.07.2019 й., 10/19/3127-2/3389-сон; 20.12.2019 й., 10/19/3127-3/4185-сон.

**Жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётида  
криптовалюталарнинг  
ривожланиш тенденциялари**

**Нилуфар Шарипова,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
хузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси таянч докторанти

**Аннотация:** мақолада ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг энг долзарб масалалари ҳисобланган криптовалюталар, блокчейн, электрон пуллар ва уларнинг анъанавий пуллар ҳамда олтинга нисбатан қийсий классификацияси, ICO токенлар, Ўзбекистондаги криптовалюталарнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, криптовалюта, блокчейн, электрон пуллар, ICO токенлар.

**Тенденции развития  
криптовалюты в экономике мира и  
Узбекистана**

**Нилуфар Шарипова,**  
базовый докторант Академии  
государственного управления при  
Президенте Республики Узбекистан

**Аннотация:** в статье анализируются актуальные вопросы в мировой экономике касательно криптовалюты, блокчейн, электронных денег и их сравнительная классификация с традиционными деньгами и золотом, ICO токены, проанализированы законодательные основы криптовалют в Узбекистане, даны необходимые заключения.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, криптовалюта, блокчейн, электронные деньги, ICO токены.

**Trends in the development of  
cryptocurrency in the economy of the world  
and Uzbekistan**

**Nilufar Sharipova,**  
PhD student in Academy  
of Public Administration under the President  
of the Republic of Uzbekistan

**Abstract:** this article analyzes principle of operation with cryptocurrencies, blockchain, electronic currencies and its comparative classification related to the traditional money, as well as related to the gold, ICO tokens; legal basis for cryptocurrencies in Uzbekistan giving necessary conclusions.

**Keywords:** digital economy, cryptocurrency, blockchain, electronic money, ICO tokens.

**Темирбай ЖИЕМУРАТОВ,**  
*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,  
Қорақалпоқ давлат университети  
"Молия" кафедраси доценти,*  
**Улбийке АЙТМУРАТОВА,**  
*Қорақалпоқ давлат университети  
"Молия" кафедраси ассистенти,*  
**Камила МАМУТОВА,**  
*Қорақалпоқ давлат университети  
3-курс талабаси*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Ж**аҳонда глобаллашув ва кескин рақобатчилик жараёнлари кечаётган бир шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари дунё мамлакатлари иқтисодиётининг драйвери сифатида майдонга чиқмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий бўғин ва амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Республикамизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек: "... фаол тадбиркорликнинг асосий шарти инновацион фаолият тури билан шуғулланиш ҳисобланади. Бу эса тадбиркорлик фаолиятида замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усулларидан фойдаланишни кўзда тутади"<sup>1</sup>.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг умумий жиҳатлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги самарадорлигини ошириш йўллари ва уларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари иқтисодчи олимларнинг бир қатор илмий ишларида баён этилган.

**Хусусан, иқтисодчи олимлардан А. Ўлмасов ва М.Шарифхўжаевлар: "Тадбиркорлик фақат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти орқали даромад олиш омилidir"<sup>2</sup>, деб таъкидлаб, тадбиркорликнинг даромад топишга мўлжалланган иқтисодий фаолият, яъни инновацион фаолият эканлигини қайд этсалар, У. Гафуров эса: "Кичик бизнес субъектлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шакл ва воситалари кичик бизнес соҳасининг ривожланиш даражасига кўра ўзгариб, унга мос тушувчи воситаларни қўллаб бориш лозим"<sup>3</sup>, деган фикрни илгари сурганлар.**

Маълумки, тадбиркорлик назариясига кўра унинг қўйидаги икки модели фарқланади:

- анъанавий (классик) тадбиркорлик;
- инновацион тадбиркорлик.

Анъанавий (классик) тадбиркорлик - иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш, унинг рентабеллигини ошириш ва хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришда хўжалик юритишнинг анъанавий усуллари билан фойдаланган ҳолда, ресурслардан максимал даражада самара олишга йўналтирилган анъанавий, консерватив тадбиркорлик. Анъанавий тадбиркорлик мамлакатда ҳозиргача маълум бўлган ва кенг тарқалган, фаолиятни ташкил этиш ва юритишда ижодкорлик, янгича ёндашув ва усуллари тақозо этмайдиган, иқтисодий юксалишнинг кўпроқ конъюнктуравий ўзгаришларга хос вазиятлардан унумли фойдаланиш орқали таъминланишига асосланган фаолият турлари билан шуғулланиш орқали амалга оширилади.

Инновацион тадбиркорлик - янгилик яратиш мақсадида иқтисодиётдаги ҳали маълум бўлмаган ёки кенг тарқалмаган омиллардан фойдаланиш ёки уларни анъанавий омиллар билан янгича тарзда уйғунлаштириш орқали янгича ёндашув асосида олиб бориладиган тадбиркорлик фаолияти. Инновацион тадбиркорликнинг устун жиҳати унинг анъанавий тадбиркорликка нисбатан кўпроқ натижа олиб келиши ҳисобланади.

Инновация - инсон ақли эришган ютуқлардан (кашфиётлар, ихтиролар, илмий ва конструкторлик лойиҳалари) у ёки бу фаолият соҳасида самарадорликни ошириш учун фойдаланиш тушунилади. Мос равишда технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, ҳуқуқий ва бошқа инновацияларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Инновациялар ҳар қандай фаолият соҳасига киритилувчи янгиликдир<sup>4</sup>.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида инновацион технологиялардан фойдаланиш бу соҳаларда меҳнат ва иш унумдорлигини оширишга кўмак беради. Ҳозирги вақтда тадбиркор деган шарафли номга бозор иқтисодиётида янгилик излашга мойил, рақобатли курашда муваффақиятга эришиш учун бирон тадбирни амалга оширишга тайёр бўлган корхона ёки ташкилот раҳбари сазовор бўла олади<sup>5</sup>.

Одатда, тадбиркорлик фаолияти замирида янги эҳтиёжларни қондиришга имкон берувчи, янги бозорни барпо этиш, маҳсулот ёки хизматлар соҳасига янгилик киритиш ётади. Тадбиркорлар фикрлашнинг инновацион турини фарқлайди, инновацион фаолият эса ўзида тадбиркорликнинг алоҳида қуролини акс эттиради.

**Бугунги кунда жаҳон миқёсида рақобат ва истеъмолчилар талабининг кучайиши, тармоқлар ишлаб чиқаришидаги диверсификациялашув ва ихтисослашувнинг чуқурлашуви жараёнлари таъсири остида кичик бизнес фаолиятининг ўзгариши кузатилмоқда. Бундай жараён кичик бизнеснинг иқтисодий моҳияти ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнига нисбатан кенгроқ ёндашув зарурлигини талаб этмоқда.**

2019 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 54% ни ташкил қилди (2018 йилнинг январь-июнида 58,4%). ЯИМ таркибида кичик тадбиркорлик улушининг пасайиши йирик корхоналар улушининг ошиши билан изоҳланади.

2019 йилнинг январь ойидан июнигача 54 мингтадан ортиқ кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки мартага кўп демакдир. Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (39,1%), саноат тармоғида (22,7%), қурилиш тармоғида (9,8%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (7,7%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида (7,2%), ташиш ва сақлашда (3,1%) ташкил этилган (1-жадвал).

2019 йилнинг январь-июнь ойидан иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода - 21143 та, шунингдек: саноатда - 12245 та, қурилишда - 5283 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 4153 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 3905 та кичик корхона ва микрофирмалар фаолият юритмоқда (2-жадвал).

1-жадвал

2019 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари\*

	Ўлчов бирлиги	2018 й.	2019 й.	(+,-)
Фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар				
Сони	Бирлик	247700	309724	62024
Янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар	Бирлик	25929	54007	28078
ЯИМ	%	58,4	54,0	-4,4
Саноат	%	31,1	32,8	1,7
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	%	98,4	97,5	-0,9
Инвестиция	%	48,3	40,3	-8,0
Қурилиш	%	72,8	75,7	2,9
Савдо	%	88,2	85,4	-2,8
Хизматлар	%	55,3	51,6	-3,7
Юк ташиш	%	53,5	52,2	-1,3
Юк айланмаси	%	80,2	78,5	-1,7
Йўловчи ташиш	%	90,7	91,1	0,4
Йўловчи айланмаси	%	95,2	95,2	-
Экспорт	%	26,2	26,1	-0,1
Импорт	%	58,1	59,8	1,7

\*www.stat.uz

<http://www.stat.uz>. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


2-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил топган кичик корхона ва микрофирмалар, бирликда

	2018 й.	2019 й.
	январь-июнь	январь-июнь
<b>Жами</b>	<b>25929</b>	<b>54007</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3222	4153
Саноат	5746	12245
Қурилиш	3344	5283
Савдо	6021	21143
Юк ташиш ва сақлаш	1011	1696
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1961	3905
Ахборот ва алоқа	666	904
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа	654	643



2019 йилнинг январь-июнида иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорликнинг саноатдаги улуши - 32,8%, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 97,5 %, қурилишда - 75,7 %, инвестицияда - 40,3 %, савдода - 85,4 %, экспортда - 26,1 %, импортда - 59,8 % ва хизматлар соҳасида - 51,6%ни ташкил этган (1-расм).



1-расм.

**Январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг сони (ҳар 1000 аҳолига, бирликда)**

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазият яхшиланишини ижобий баҳолаётганларини айтиш мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичи инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва кўламини ошириш билан характерланади. Бундай шароитда кичик бизнес самарадорлиги ўз фаолиятини фан ютуқларига асосланган ишланмалар, саноатда кенг кўламли илм-фан сифими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш, шунингдек, илмий ихтиро натижаларини тижоратлаштиришга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Ушбу омиллар иқтисодиётда инновацион тадбиркорликнинг шаклланишига асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, жаҳон ва мамлакат миқёсидаги рақобатнинг кучайиши шароитида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаш-

тириш, фикримизча, қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим:

- тадбиркорликни институционал қўллаб-қувватлаш, бунда мамлакатда индустриал-инновацион йўналтирилган ва мослашувчан ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжалик юритишнинг янги моделини шакллантириш;

- инновацион тадбиркорликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замонавий молия-кредит механизми билан кўмаклашаётган тизимларга рағбатлантириш механизми яратиш, инновацион тадбиркорлик фаолиятини молиялаштираётган тижорат банкларига махсус имтиёз ва периференциялар тизимини ўрнатиш;

- тадбиркорликни бозорлардаги "муҳит" ва "сотиш" ўртасидаги муносабатни кенгайтириш, бунда уларнинг қимматли қоғозлар, биринчи навбатда, корпоратив бозорда, меҳнат ва ресурслар бозорларида, шунингдек, биржалар, сотувларда, ярмаркалар ва аукционларда фаол қатнашини таъминлаш;

- инновацион фаол корхоналар учун консалтинг хизматлари бозори инфратузилмасини шакллантириш, маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўйича бозор институтларини ривожлантириш, профессионал инновацион менежмент тизими, инновацион лойиҳаларни мустақил илмий экспертиза қилиш стандартини яратишда давлат иштирокини таъминлаш;

- кичик саноат корхоналарининг инновацион кластерлар билан ҳамкорлигини рағбатлантириш. Ушбу йўналиш тадбиркорликни илмий тадқиқот ташкилотлари, йирик саноат корхоналари, молиявий тузилмалар ва ҳукумат органлари билан кластер бўғинлари доирасида кооперация алоқаларини ўрнатиши ҳисобланади;

- ташқи бозорларга чиқиш учун тадбиркорларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- кичик корхоналар учун улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро стандартлар бўйича лицензиялаш, берилган қарзларни давлат томонидан кафолатлаш шarti билан экспорт фаолиятини кредитлаш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ сиёсий, тижорат, молиявий ва бошқа ха-

тарларни суғурта қилишни таъминлаш, экспортёрларга ахборот-маслаҳат кўмагини ташкил қилишда махсус имтиёзлар тизимини тақдим этиш.

Шундай қилиб, давлат ва бозор иқтисодиётнинг инновацион тармоғи фаолиятини кенгайтиришга кўмаклашиши, самарали миллий саноат сиёсатини олиб бориш, кичик ишлаб чиқариш корхоналари инновацион фаоллигини рағбатлантириш, биринчи навбатда, жамиятдаги инновацион тараққиётга туртки бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, давлат кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятига янги инновацион усулларни жорий этиб, ўз хусусий секторига инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш ҳамда жамғармаларни кенгайтиришда солиқ дастагидан унумли фойдаланиши келгусида иқтисодий ўсишни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабон қўлланма.* - Т.: Маънавият, 2018. - 112-113-б.

2. *Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси.* - Т.: Меҳнат, 1995. 192 бет.

3. *Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дис. авт. реф. ик. фан. д-ри.* -Т., 2017. 30 бет.

4. *Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research.* Springer., UK, 2013, English.

5. *Ходиев Б.Ю. Стратегия развития малого бизнеса. //Деловой партнер Узбекистана, 2000. № 18. - С. 5.*

### **Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари**

**Темирбай Жиёмуратов,**  
*иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент,  
Қорақалпоқ давлат университети  
"Молия" кафедраси доценти,  
Улбийке Айтмуратова,  
Қорақалпоқ давлат университети  
"Молия" кафедраси ассистенти,  
Камила Мамутова,  
Қорақалпоқ давлат университети  
3-курс талабаси*

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг таҳлили ёритилган. Кичик бизнесни янада кенгайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, экспорт, бандлик, кредит, инвестициялар.

### **Пути совершенствования экономических механизмов развития предпринимательства в Узбекистане**

**Темирбай Жиёмуратов,**  
*кандидат экономических наук, доцент,  
Каракалпакский государственный  
университет, кафедра "Молия",  
Улбийке Айтмуратова,  
ассистент кафедры "Молия"  
Каракалпакского государственного  
университета,  
Камила Мамутова,  
студентка 3 курса Каракалпакского  
государственного университета*

**Аннотация:** в статье рассматриваются меры, предпринимаемые по развитию малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане и проведен анализ их деятельности. Рассмотрены предложения и рекомендации по дальнейшему развитию малого бизнеса и частного предпринимательства.

**Ключевые слова:** *малый бизнес, частное предпринимательство, экспорт, занятость, кредит, инвестиции.*

**Ways of improvement of the economic mechanisms of entrepreneurship development in Uzbekistan**

**Amirbai Jiemuratov,**  
*PhD (Economic Sciences), Associate Professor, Karakalpak state University,*

**Ulrike Aitmuratov,**  
*Assistant Professor, Karakalpak state University,*

**Kamila Mamutova,**  
*3rd year student of Karakalpak state University*

**Abstract:** *the article examines the measures taken to develop small business and private entrepreneurship in Uzbekistan and their activities. The proposals and recommendations on further development of small business and private entrepreneurship development are considered.*

**Keyword:** *small business, private entrepreneurship, export, employment, credit, investments.*



**Хасанбой ДЖАМАЛОВ,**

*кандидат экономических наук, доцент кафедры  
"Налоги и налогообложение" Ташкентского финансового института*

## **МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ РЕЗЕРВОВ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ СТРУКТУР**

Малый бизнес и частное предпринимательство - важный фактор развития экономики, повышения занятости и доходов населения. С целью всесторонней поддержки субъектов этой сферы за последние два с половиной года в Республике Узбекистан были приняты более 50 указов и постановлений Президента.

В "Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах", утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947, отдельное внимание обращено на вопросы обеспечения здоровой конкуренции предпринимательских структур в экономике.

Важнейшими задачами обеспечения здоровой конкуренции предпринимательских структур в экономике республики признаны углубление структурных реформ, ускоренное развитие реального сектора экономики, укрепление экономической безопасности страны, увеличение экспорта и импортозамещаемого производства<sup>1</sup>.

Проблема повышения эффективности производства становится все более очевидной с объективными процессами глобализации экономических отношений, когда конкурентная среда приобретает международный характер. Сложившаяся практика международной торговли, формально регламентирующаяся договоренностями в рамках Всемирной торговой организации (ВТО), стремление расши-

рять рынки и зоны присутствия позволили существенно расширить возможности выбора покупателями товаров и услуг, производимых предпринимательскими структурами<sup>2</sup>.

**Позитивный опыт реформирования экономики Узбекистана признан мировым сообществом. Это неоднократно отмечено в мировых СМИ. Так, Узбекистан занял 76-е место среди 190 экономик мира в рейтинге Группы Всемирного банка "Ведение бизнеса-2019" (Doing Business 2019), опубликованном 31 октября 2018 года, потеряв две позиции по сравнению с рейтингом прошлого года. При этом по показателю благоприятности условий ведения бизнеса (рассчитывается по 100-балльной шкале) страна набрала 67,4 балла, что на 1,08 балла больше, чем годом ранее.**

Малый бизнес производит почти 60 процентов валового внутреннего продукта, треть промышленной продукции, 98 процентов сельскохозяйственной продукции, а также обеспечивает половину инвестиций. Во многих областях на долю малого бизнеса приходится 70-90 процентов экспорта. В течение 2019 года число субъектов предпринимательства выросло на 60 тысяч.

Динамика показателей доли малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике имеет общую тенденцию роста (табл.1).

Таблица 1

Доля малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике Республики Узбекистан за 2000-2019 годы (в % к общему объему)\*

Годы	ВВП	Промышленность	Строительство	Занятость	Экспорт	Импорт
2000	31,0	12,9	38,4	49,7	10,2	27,4
2001	33,8	12,5	40,4	51,8	9,3	26,9
2002	34,6	15,4	42,0	53,5	7,5	24,9
2003	35,0	10,8	39,9	56,7	7,3	33,7
2004	35,6	11,0	49,6	60,3	7,3	32,7
2005	38,2	10,0	50,9	64,8	6,0	33,7
2006	42,1	10,9	52,1	69,1	10,7	34,0
2007	45,7	13,2	55,4	72,1	14,8	32,0
2008	48,2	14,6	58,4	73,1	12,4	35,7
2009	50,1	17,9	42,4	73,9	14,6	42,5
2010	52,5	26,6	52,5	74,3	13,7	35,8
2011	54,0	28,6	67,6	75,1	18,8	34,3
2012	54,6	29,7	70,0	75,6	14,0	38,6
2013	55,8	33,0	70,6	76,7	26,2	42,4
2014	56,1	36,8	69,5	77,6	19,8	45,4
2015	54,5	40,6	66,7	77,9	27,0	44,5
2016	57,3	45,3	66,9	78,2	26,0	46,8
2017	54,3	41,2	64,8	78,0	27,2	50,2
2018	60,9	37,3	72,3	78,7	28,1	51,4
2019	57,2	34,5	75,6	80,9	25,4	52,1

\* <https://dividends.nuz.uz/2020/01/26/dolja-malogo-biznesa-v-vvp-uzbekistana-snizilas-s-60-9-do-57-2-procenta>

В результате принимаемых мер по формированию деловой среды, всесторонней поддержке и дальнейшему стимулированию развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан в 2019 году было вновь создано 72,4 тыс. новых малых предприятий и микрофирм (без дехканских и фермерских хозяйств), что на 25,6 % больше аналогичного периода 2018 года.

Наибольшее количество малых предприятий и микрофирм было образовано в сфере торговли (23,2 %), отраслях промышленности (22,0 %), строительстве (12,7 %), сельском, лесном и рыбном хозяйстве (12,4 %), услугах по проживанию и питанию (7,7 %), перевозке и хранению (3,9 %).

В 2019 году в региональном разрезе наибольший показатель количества субъектов малого предпринимательства (на 1000 человек населения, ед.) составил в городе Ташкент - 29,5 ед., в Сырдарьинской области - 19,9 ед., Джизакской области - 17,4 ед. В Ташкентской области этот показатель был равен 18,0 ед., в Навоийской области

- 15,6 ед. и Кашкадарьинской области - 14,2 ед. В Бухарской, Андижанской, Хорезмской, Ферганской областях, Республике Каракалпакстан и Самаркандской области этот показатель отмечен на среднем уровне, в интервале 12-14 ед. На низком уровне данный показатель находится в Наманганской - 10,4 ед. и Сурхандарьинской областях - 10,0 ед.

Проблема обеспечения конкурентоспособности предпринимательских структур в условиях развивающейся экономики изучена недостаточно, что определяется отсутствием комплексных разработок, отражающих особенности организационного механизма управления конкурентоспособностью предприятия в современных условиях. Проявление проблемы выражается в возникающих затруднениях при выборе конкурентных преимуществ в процессе разработки приоритетной рыночной стратегии. Научно-методические основы, которые позволяли бы в полной мере идентифицировать необходимые конкурентные преимущества в условиях трансформации

рыночной среды, разработаны в недостаточной мере. Современная научно-методологическая основа управления конкурентоспособностью должна быть ориентирована на определении механизма, позволяющего выявить индивидуальные особенности предпринимательской структуры, на основе которых могут формироваться собственные конкурентные преимущества. Лишь в этом случае конкурентоспособность будет определять перспективы развития, а не констатировать достижения конкретного предприятия в рыночной среде; управление конкурентоспособностью будет проходить неотрывно от процессов стратегического и тактического управления, что, в свою очередь, приведет к интеграции целей этих внутриорганизационных процессов, позволит полно оценивать затраты, связанные с формированием конкурентных преимуществ, и сократить расходы, связанные с реализацией рыночной стратегии. Решение этой проблемы связано с технологиями принятия оптимальных решений в сфере управления конкурентоспособностью, в основе которых предложен структурно-композиционный подход, предполагающий выявление элементов конкурентоспособности, определение оптимального их сочетания. Реализация концепции управления конкурентоспособностью позволяет оценить эффективность принимаемых инвестиционных управленческих решений с учетом их влияния на стоимость материальных и нематериальных активов предприятия, создающих конкурентные преимущества предпринимательским структурам. Обоснованное определение рыночной стоимости как материальных, так и нематериальных активов позволяет реально судить о величине введенного в экономический оборот капитала, а мониторинг стоимости бизнеса - о целесообразности выбора стратегических и тактических управленческих решений и ходе реализации этих решений на практике<sup>3</sup>.

Растущая потребность в обеспечении конкурентоспособности предприятий и специфика развития рыночного механизма в Республике Узбекистан, усиление конкурентной борьбы, с одной стороны, а также потребность развития научных под-

ходов в области теории и методики управления конкурентоспособностью предпринимательских структур определили актуальность темы данной статьи.

В современных контурах экономики Республики Узбекистан предпринимательство приобретает новую роль. И предприниматели, и государство должны вместо доноров стать друг для друга партнерами при условии, что каждый из участников осознает и принимает свою новую роль.

**Тогда взаимоотношения будут выстраиваться по принципу "выиграл/выиграл", то есть "сильное, конкурентоспособное предпринимательство" тождественно понятию "сильное, конкурентоспособное государство". В современном мире ключевым понятием является конкурентоспособность<sup>4</sup>.**

В общем виде в экономической литературе под конкурентоспособностью понимают способность конкурировать на рынках товаров и услуг. Многие экономисты, как например М. Портер, М. Гельвановский, Р.А. Фатхутдинов, М. Мескон и др., трактуют понятие "конкурентоспособность" как "экономическое соревнование", опираясь на категорию "конкуренция". Конкурентоспособность, по нашему мнению, является результатом реакции предпринимательской структуры на возникновение прямых и косвенных экономических отношений с другими экономическими и предпринимательскими структурами в процессе реализации идей и целей развития предпринимателя.

Конкурентоспособность предпринимательской структуры - это комплексное понятие, которое предполагает наличие конкурентоспособной продукции и конкурентных преимуществ перед конкурентами

Конкурентоспособность формируется по разным элементам предпринимательской системы<sup>5</sup>.

Конкурентоспособность предпринимательской структуры формируют в совокупности конкурентоспособности идеи, продукции, производственной системы и системы реализации продукции (товаров и услуг). Комплексное управление данными элементами позволит обеспечить общую

конкурентоспособность предпринимательской структуры.

Конкурентоспособность предпринимательской структуры определяется наличием у нее таких свойств, как адаптивность и инновационность.

Адаптивность - это свойство, позволяющее приспособиваться к условиям внешней (конкурентной) среды, то есть использовать инновационный потенциал; инновационность - свойство, позволяющее обновляться, генерировать и реализовывать инновации, то есть непосредственно сам инновационный потенциал. Под инновационным потенциалом мы понимаем наличие конкурентных преимуществ, позволяющих достичь поставленных целей за счет реализации инноваций. Это процесс постоянных изменений, преобразования различных сторон деятельности предпринимательской структуры<sup>6</sup>.

Всю совокупность конкурентных преимуществ предлагаем разделить на три группы: ресурсные (факторы производства), операционные (факторы структуры и конкуренции), стратегические (стратегия развития). Нами была проведена систематизация факторов конкурентоспособности предпринимательских структур, исходя из уровня инновационности фактора. Под уровнем инновационности в данном случае будем считать способность к созданию, распространению и реализации инноваций<sup>7</sup>.

Проблема управления конкурентоспособностью для конкретного предприятия и экономики, в целом, является комплексной, сложной и многогранной, что связано со сложностью механизма функционирования предприятия, постоянной трансформацией условий и факторов среды предпринимательства.

Существенные признаки предпринимательства заключаются в том, что это особый вид экономической активности, которая основана на самостоятельной инициативе, ответственности и инновационной предпринимательской идее.

Предпринимательство определяется как сложный социально-экономический институт, представленный совокупностью самостоятельно хозяйствующих субъектов, направляющих свою активность на удов-

летворение общественных потребностей, получение дохода, увеличение стоимости собственного капитала и получение разнообразных социально-экономических и технологических эффектов путем рационального использования ресурсов производства, минимизации рисков, восприятия материальной и социальной ответственности.

При этом важнейшим свойством современной предпринимательской структуры является ее конкурентоспособность, которая проявляется: в гармоничном сочетании процессов потребления и накопления, инвестиционной привлекательности, кредитоспособности, в обеспечении благосостояния акционеров и работников, населения, в формировании имущественной ответственности у субъектов рынка, выработки правильных стратегий развития бизнеса, выплате налогов и сборов, в формировании корпоративной культуры, финансовой устойчивости, стоимости бизнеса.

**Для развития предпринимательства требуется выработка нового подхода к управлению конкурентоспособностью, который базируется на управлении структурой капитала и стоимостном мышлении, направлен на развитие конкурентных преимуществ, выступающих ориентирами как для получения прибыли, так и для создания стоимости компании.**

В современной теории предпринимательства используются несколько взаимосвязанных понятий применительно к конкурентоспособности предприятия: "конкурентоспособность", "конкурентная позиция", "конкурентные преимущества", "компетенции".

Такое разнообразие терминов обусловлено развитием и усложнением рыночных отношений, укрупнением предпринимательства, ростом взаимозависимости компаний, повышением роли стратегического планирования и прогнозирования будущего состояния рынков, а также развитием постиндустриальной экономики, где в качестве конкурентных преимуществ доминируют знания. Конкурентоспособность является категорией динамической, причем ее динамика обусловлена, прежде всего, внешними факторами, значительная часть

которых может рассматриваться как управляемые параметры. Контекстный анализ использования термина "конкурентоспособность" не в состоянии исчерпывающим образом определить специфику и основные вопросы, связанные с указанной проблемой.

В этих целях мы рассматриваем соотношение понятий конкурентоспособность предприятия, конкурентные преимущества и компетенции.


Конкурентоспособный бизнес-субъект может не обладать конкурентными преимуществами, если не имеет результатов, превышающих результаты конкурента. Конкурентоспособное предприятие характеризуется своей способностью выживать в рыночной среде, то есть воспроизводить свою деятельность. При этом результаты этой деятельности могут иметь средние рыночные значения и даже ниже. Главное, чтобы предприятию хватало данных средств на поддержание такого уровня конкурентоспособности, который гарантирует воспроизводство.

Однако такое понимание конкурентоспособности подходит только для уровня исследования, где конкурентоспособность предприятия приравнивается к конкурентоспособности товара.

Если же речь идет об инвестиционной привлекательности предприятия, должна оцениваться способность предоставить более высокую стоимость для своих инвесторов и собственников (акционеров), чем другие предприятия, иначе инвестиции будут переданы конкуренту. Следовательно, для стратегической конкурентоспособности предприятия, проявляющейся в его инвестиционной привлекательности, обладание конкурентными преимуществами, позволяющими создавать более высокую стоимость предприятия, становится необходимым условием конкурентоспособности.

Конкурентоспособность напрямую связана с такой категорией, как компетенция. Развивая взаимосвязь компетенций и нематериальных ресурсов, можно утверждать, что нематериальные ресурсы и компетенции соотносятся как ресурсы и их качественные характеристики. Но поскольку реализация компетенций связана с наличием материальных ресурсов, то существует

тесная взаимосвязь между ресурсами бизнес-субъекта, его компетенциями и конкурентными преимуществами, которые трактуются авторами как реализованные на практике компетенции (рис. 1).



**Рис.1. Ресурсный подход к трактовке компетенций и конкурентных преимуществ.**

Одной из главных проблем конкурентоспособности предприятия является возможность удерживать конкурентное преимущество. Рассматривая систему конкурентных преимуществ, учитывая их природу, выделим два вида:

1. Конкурентные преимущества, сформированные на основе преобразования, "производные" конкурентные преимущества. Этот вид конкурентных преимуществ отражает способность предпринимательской структуры качественно преобразовывать доступные ей ресурсы. Конкурентные преимущества проявляются в использовании новейших технологий производства, наличии у предприятия квалифицированного персонала, ведением долговременных НИОКР, развитым маркетингом, современным менеджментом, наличием у предприятия солидной репутации и бренда. Данные преимущества дольше сохраняются и позволяют достигать более высокой прибыльности.

2. Конкурентные преимущества, сформированные по средствам рационального потребления, "родовые" - связаны с доступностью источников сырья и наличием дешевой рабочей силы и т.д. Эти преимущества не столь устойчивы, так как могут быть скопированы конкурентами.



Совокупность родовых и производных конкурентных преимуществ определяет конкурентные позиции предпринимательской структуры.

Результаты анализа методологии управления конкурентоспособностью, показали особенности ресурсного, институционального, стратегического, стоимостного подхода и других подходов (табл.1).

Таблица 1

**Сравнительный анализ методологических подходов к управлению конкурентоспособностью предпринимательских структур**

Методологический подход	Предмет исследования и сфера формирования конкурентных преимуществ	Особенности процесса формирования конкурентных преимуществ	Целевая функция и критерий конкурентоспособности	Методы оценки конкурентоспособности
Ресурсный подход (ранняя версия)	Материальные ресурсы	Необходимость обладания в достатке наиболее важным ресурсом и его эффективное использование	Рост ресурсоотдачи: рост рентабельности бизнеса, рыночной доли, рентабельности инвестиций, фондоотдачи и т.п.	- финансовый анализ - маркетинговые исследования - анализ ресурсного потенциала - SWOT-анализ - оценка стоимости ресурсов и т.п.
Ресурсный подход (современная версия)	Нематериальные ресурсы	Развитие нематериальных ресурсов и компетенций компании	Развитие компетенций, стоимость нематериальных активов	- экспертные оценки - сбалансированная система показателей - финансовые методы оценки стоимости нематериальных ресурсов
Стратегический подход	Стратегия	Разработка долгосрочной стратегии развития компании	Не имеет самостоятельного целевого критерия, требует использования дополнительной методологии управления (ресурсной, стоимостной и т.п.), которая и определит целевой критерий	- все имеющиеся методы исследования, которые можно использовать на стратегическом уровне, - оценка стратегии как актива (влияние стратегии на рентабельность и на стоимость компании)
Институциональный подход	Формальные и неформальные институты	Сокращение внешних рисков за счет институционализации среды взаимодействия	Сокращение или оптимизация транзакционных издержек	- оценка рисков внешней среды - анализ рыночной устойчивости предприятия - анализ транзакционных издержек
Сетевой подход	Отношения с партнерами (в основном с покупателями и поставщиками)	Процесс взаимодействия с партнерами позволяет создавать долгосрочный спрос на продукцию и повышать экономическую эффективность предприятия	Рост лояльности партнеров	- методы оценки поведенческой и воспринимаемой лояльности партнеров - оценка экономической эффективности долгосрочных взаимоотношений
Когнитивный подход	Процессы познания, в том числе усвоения знаний	Конкурентные преимущества формируются в процессе управления знаниями и изменениями	Рост нематериальных активов (в основном технологических)	- аттестация персонала - оценка затрат на обучение - оценка стоимости нематериальных активов - оценка стоимости интеллектуального и человеческого капитала и т.п.
Символический подход	Обмен символами	Преимущества формируются за счет умелого создания символов	Рост маркетинговых активов (стоимости брендов), рост узнаваемости	- методы оценки стоимости брендов - метод оценки узнаваемости бренда
Стоимостный подход	Процесс создания стоимости предприятия	Преимущества формируются за счет оптимизации цепочки создания стоимости на базе цепочки создания ценности	Рост стоимости предприятия	- методы оценки стоимости предприятия

Стоимостный подход может претендовать на роль ведущей методологии управления конкурентоспособностью предпринимательских структур, поскольку не только не противоречит ни одной из рассматриваемых методологий, но и помогает оценивать эффективность управления, приводя все измерения к единому знаменателю - стоимости.

Согласно стоимостному подходу, оценка стоимости компании базируется на предполагаемых будущих доходах предприятия или генерируемых им денежных потоках. В свою очередь, эти потоки зависят как от финансового состояния предприятия, рентабельности его деятельности и других финансовых показателей, так и от рыночной доли предприятия, конкурентоспособности его продукции и многих других факторов. Таким образом, стоимость предприятия можно рассматривать как интегрированный показатель его инвестиционной привлекательности или стратегической конкурентоспособности.

Важнейшими элементами управления являются цели и критерии конкурентоспособности.

Цели управления конкурентоспособностью предпринимательских структур рекомендуется структурировать в виде пяти групп целей и критериев их достижения:

1. Рыночные цели (критерии - доля риска, объем продаж, изменение пропорций, приоритетов в продуктовой политике). Типичные целевые установки: увеличить объем продаж за счет новых перспективных видов продукции.

2. Производственные цели (критерии: объем производства, показатели качества).

Типичные целевые установки: обеспечить своевременное выполнение требований рыночных целей, увеличить объем производства в целом, обеспечить улучшение потребительских качеств продукта.

3. Финансово-экономические цели (критерии: прибыль, рентабельность, финансовая устойчивость, прирост собственности и др.). Типичные целевые установки: стабильное обеспечение финансовыми ресурсами программы развития приоритетных направлений, увеличение прибыли, рост рентабельности, увеличение собственного капитала за счет строительства новых предприятий и реконструкции старых.

3. Социальные цели (критерии: уровень жизни работников, зарплата, социальная защищенность и др.). Типичные целевые установки: повышение средней зарплаты, уровня жизни за счет льгот и доплат, мотивация и стимулирование работников.

4. Управленческие цели, связанные с решением первоочередных проблем и развитием приоритетных направлений, приводящих к изменениям конкурентных позиций.

Определение целей управления конкурентоспособностью предпринимательской структуры и выбор целевого критерия (показателя) конкурентоспособности связаны с обоснованием и выбором методологии управления конкурентоспособностью.

Для обоснования целевой функции управления конкурентоспособностью предпринимательских структур определены особенности методологических подходов к формированию конкурентных преимуществ (табл.2).

Таблица 2

Уровни конкурентоспособности предприятия и их характеристика

Уровни конкурентоспособности предприятия	Объект управления конкурентоспособностью	Организационный уровень, осуществляющий управление	Критерий конкурентоспособности	Методы анализа конкурентоспособности
Оперативный	Товар	Линейные менеджеры	Оптимальное соотношение «цена-качество»	-анализ конкурентоспособности продукции
Тактический	Финансовая устойчивость	Функциональные менеджеры	Финансовые показатели устойчивости	- анализ финансовой устойчивости
Стратегический	Инвестиционная привлекательность	Топ-менеджмент	Стоимость компании	- методы расчета стоимости компании

Ценностно-стоимостный подход к управлению конкурентоспособностью предпринимательских структур выражается в том, что для создания максимальной стоимости следует создавать максимальную ценность для потребителей и оптимизировать издержки.

В систему целевых критериев конкурентоспособности стратегического уровня должен быть включен показатель стоимости бизнеса.

Применение стоимости как цели системы управления конкурентоспособностью формирует новый подход к созданию системы управления капиталом, в основе которого находится два принципа:

1) управление капиталом направлено на создание экономической прибыли, которая учитывает альтернативные варианты вложения капитала с определенным риском и соответствующим риску экономическим эффектом;

2) цель развития компании выражается в виде наращивания стоимости компании, в которой суммированы потоки денежных средств с учетом риска и альтернативности вложения средств.

Анализ современного состояния предпринимательства Республики Узбекистан определяет его территориальный и структурный дисбаланс, позволяет определить поле проблем, создающих ограничения и препятствующих его сбалансированному развитию. Основными проблемами выступают:

1. Низкая конкурентоспособность предпринимательских структур Республики Узбекистан, ограничивающая перспективы их развития.

2. Неэффективное взаимодействие государства, общества и предпринимательских структур; принимаемые законодательные акты недостаточно стимулируют развитие предпринимательства, повышение его социальной ответственности.

3. Современный менеджмент предпринимательских структур не использует в полной мере интеллектуальный капитал и инновационную инфраструктуру, не уделяет должного внимания развитию корпоративной культуры и формированию оптимальной организационной структуры,

эффективному управлению нематериальными активами.

4. Недостаточно учитывается влияние современного состояния мировой экономики, тенденций развития рыночных отношений на результаты хозяйственной деятельности предприятий.

5. При принятии управленческих решений ставка делается на получение дохода немедленно, а не на долгосрочную перспективу, что приводит к отсутствию инвестиций в инновационную деятельность компаний. Развитие предпринимательства направлено на максимизацию прибыли, игнорируются критерии увеличения стоимости собственного капитала как необходимого условия для устойчивого развития. Необходимо развивать стратегическое управление, основанное на стоимостном подходе.

Следовательно, при формулировании методологии исследования и управления конкурентоспособностью предпринимательских структур необходимо учесть как существующие наработки в области понимания сущности конкурентоспособности предприятия, так и современную тенденцию проявления конкурентоспособности предпринимательской структуры в условиях трансформации конкурентного окружения.

#### **Источники и литература**

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Указ Президента Республики Узбекистан от 8 января 2019 года № УП-5614 "О дополнительных мерах по обеспечению дальнейшего развития экономики и повышению эффективности экономической политики". [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Абрамова Е.С.. Контрольный пакет акций предприятия (влияние на величину премии) // Российский научный журнал "Экономика и управление", № 1, 2015. - С.12-17.

4. Воронкова З.Х. Конкурентоспособность предпринимательства на расширяющемся рынке страховых услуг // Российский научный журнал "Экономика и управление", № 4, 2018. - С.23-28.

5. Галкин С.П. Контрольный пакет акций - экономическая основа организационной структуры предприятия // Российский научный журнал "Российское предпринимательство", № 12, 2018.- С.16-19.

6. Давыденко П.Л. Инновационный механизм управления конкурентоспособностью предприятия на основе стоимостного подхода // Российский научный журнал "Экономика и управление", № 5, 2017.- С. 17-21.

7. Тарасова Ф.Ш. Стоимость предприятия: создание, управление, оценка. - СПб.: НПФ "Астерион", 2017.- 248 с.

**Методологические аспекты  
исследования резервов повышения  
конкурентоспособности  
предпринимательских структур**

**Хасанбой Джамалов,**

кандидат экономических наук,  
доцент кафедры

"Налоги и налогообложение"

Ташкентского финансового института

**Аннотация:** в статье рассмотрены вопросы управления конкурентоспособностью предпринимательских структур в условиях трансформации рыночной среды, их факторы, проанализированы основные современные концепции управления конкурентоспособностью, в соответствии с чем выявлены направления, по которым государство может активно влиять на процесс поддержки здоровой конкуренции в экономике. Значительное внимание в статье уделяется вопросам обеспечения эффективности государственного управления конкурентоспособностью предпринимательских структур.

**Ключевые слова:** предпринимательские структуры в экономике, конкурентоспособность, конкурентоспособность предпринимательских структур, управление конкурентоспособностью, государственная политика по управлению конкурентоспособностью предпринимательских структур.

**Тадбиркорлик шакллари  
рақобатбардошлигини ошириш  
имкониятлари тадқиқининг  
методологик жиҳатлари**

**Хасанбой Джамалов,**  
иқтисодиёт фанлари номзоди,  
Тошкент молия институти  
"Солиқ ва солиққа тортиш"  
кафедраси доценти

**Аннотация:** мақолада бозор муҳити трансформацияси шароитида тадбиркорлик шакллари рақобатбардошлигини бошқариш масалалари, унинг омиллари ўрганилган, рақобатбардошликни бошқаришнинг асосий замонавий концепциялари таҳлили натижалари асосида давлатнинг иқтисодиётда соғлом рақобатни қўллаб-қувватлаш жараёнига фаол таъсир кўрсатиш йўллари ёритилган. Шу билан бирга, мақолада тадбиркорлик шакллари рақобатбардошлигини давлат томонидан самарали бошқаришни таъминлаш масалаларига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодиётда тадбиркорлик шакллари, рақобатбардошлик, тадбиркорлик шакллари рақобатбардошлиги, рақобатбардошликни бошқариш, тадбиркорлик шакллари рақобатбардошлигини бошқариш юзасидан давлат сиёсати.

**Methodological aspects of research reserves  
of increasing competitiveness of  
entrepreneurial structures**

**Hasanboy Jamalov,**

PhD (Economic Sciences),

Associate Professor of the Department  
"Taxes and taxation" of TFI

**Abstract:** the article discusses the issues of managing the competitiveness of business entities in a transformation of the market environment, their factors, analyzes the main modern concepts of competitiveness management, in accordance with which the directions in which the state can actively influence the process of supporting healthy competition in the economy are identified. Also, considerable attention is paid to the effectiveness of state management of the competitiveness of business entities

**Keywords:** entrepreneurial structures in the economy, competitiveness, competitiveness of entrepreneurial structures, competitiveness management, state policy on managing the competitiveness of entrepreneurial structures.

Давлат бошқарувида замонавий тенденциялар /  
Современные тенденции в государственном управлении /  
Modern trends in public administration

**Худойқул АЗИЗОВ,**  
юримдик фанлар номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси Биринчи проректори

**КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ КУРАШ ДАВРИДА БОШҚАРУВ  
КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИ**

**Ж**аҳон миқёсида коронавирус пандемияси дунё мамлакатларини кутилмаганда чуқур ижтимоий-иқтисодий инқироз ёқасига олиб келиб қўйганлиги ҳамда инсоният саломатлигига катта хавф туғдираётгани ҳеч кимга сир эмас.

Инсоният тарихида ер юзининг турли жойларида турли даврларда қора ўлат, вабо ва бошқа ўта хавфли юқумли касалликлар тарқалгани ва беҳисоб кулфат ва офатлар келтиргани маълум. Қора ўлат ва вабо касалликлари келиб чиқиши ва тарқалишида:

- иқлимдаги ўзгаришлар (асосан қурғоқчилик);

- ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий вазият;

- йирик шаҳарлар ва аҳоли масканларининг санитар ҳолати, тозаллиги талабга жавоб бермаганлиги катта ўрин тутганлигини кўриш мумкин.

Бу касалликлар ҳақида маълумот мавжуд ёзма манба ва қўлёзмаларда биз эътибор қаратишимиз керак бўладиган қуйидаги икки ҳолат қайд этилган:

1. Касаллик келтириб чиқарувчи манба каламушлар ва бошқа кемирувчилар ҳисобланади;

2. Кемирувчиларнинг териси, мўйнаси ва гўшти учун ов қилиш кенг тарқалган Хитой ва Ички Мўғулистон ҳудудлари касаллик тарқалган илк ҳудуд сифатида кўрсатилади.

Ўрта асрларда ҳам Хитойда бошланган ўлат касаллиги Буюк ипак йўли ва халқаро сув йўллари орқали Европага кириб борган.

**XXI асрнинг 20 йили энг мудҳиш йиллардан бири сифатида жаҳон тарихига киради. Хитойда бошланган ва мисли кўрилмаган тезликда жаҳон бўйлаб тарқалган коронавирус (Covid-19)га қарши курашда бу соҳада тўпланган тарихий тажрибаларга мурожаат қилиш, аждодларимиз томонидан эпидемиялар тарқалган ҳолатларда амалга оширилган ишлар, ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирларни ўрганиш ҳам амалий аҳамият касб этмоқда. Бу Ўзбекистон раҳбари — муҳтарам Президентимиз бошчилигида мазкур офатга қарши олиб борилаётган кураш доирасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш фуқароларимизнинг тиббий билимларини, фуқаролик масъулиятини оширишга хизмат қилади.**

Ўзбекистон Республикаси биринчилардан бўлиб, бошқа мамлакатлар каби коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш, аҳолининг эпидемиологик хавфсизлигини таъминлаш, глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тезкор чора-тад-

бирлар кўрмоқда. Қисқа фурсатда корона-вирус инфекциясига қарши кураш тизими яратиш борасида бир неча ҳуқуқий асослар қабул қилинди.

Дастлабки ҳуқуқий асос 2015 йил 26 августдаги Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни ҳисобланади.

Коронавирус пандемиясининг бутун дунёга тарқалиши муносабати билан мамлакатимизда унинг тарқалишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида Президентимизнинг фармон, қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги Ф-5537-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика Махсус комиссияси шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5969-сонли Фармонида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида 10 трлн. сўм миқдордаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди. Унда солиқ ва йиғимлар бўйича тадбиркорлик субъектларига бир қанча енгилликлар берилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари доираси кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4649-сонли Қарорида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш назарда тутилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги "Коронавирус инфекцияси тарқалишига

қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4652-сонли Қарорида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссалари ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 мартдаги "Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва энг зарур товарларга бўлган эҳтиёжини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4662-сонли Қарорига мувофиқ зарур дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника, уларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган хом ашё, материаллар ва субстанцияларга нисбатан божхона божлари ундирилмаслиги, уларнинг нархларини сунъий ошириш, сунъий танқислик ва юқори талабни вужудга келтиришга йўл қўймаслик чоралари белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5978-сонли Фармонида иқтисодий-ижтимоий бошқарув механизмларини коронавирусга қарши курашга мослаштириш кучайтирилди.**

Карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалишида айбдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида 2020 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартдаги 8-2020/Б-сон буйруғига асосан карантинга оид чоралар амал қилиши даврида мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим муассасаларининг фаолиятига тўхтатилганда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим муассасалари бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига йиллик меҳнат таътили беришнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги Низом асосида мамлакатимизда барча турдаги мактабгача ва умумтаълим мактабларида масофавий таълим бериш тизими жорий этилди.

Юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб, барча давлат идоралари, олий таълим ва халқ таълими муассасалари масофадан туриб ўқитиш тизимида фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда икки йиллик магистратура ҳамда 10 ойлик қайта тайёрлаш курси тингловчилари учун 2019 йил сентябрь ойидан буён масофавий таълим платформаси орқали дарс машғулоти олиб борилмоқда. Бу амалиёт ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда икки йиллик (2-курс) ва бир йиллик магистратура тингловчилари ҳамда қайта тайёрлаш курслари (4 ойлик кундузги) тингловчилари учун жорий этилиб, бу фаолият янада кучайтирилди, ушбу тизим асосида таълим жараёни тўлиқ олиб борилмоқда.

Ҳозирда магистратура ва қайта тайёрлаш курсларида 20 га яқин предметлар бўйича дарс машғулоти давом этмоқда. Уларнинг аксариятида машғулоти Академия профессор-ўқитувчилари томонидан масофадан - уйдан туриб олиб борилмоқда.

Академияда ўқитилаётган фанлар бўйича масофавий таълим платформаси ([www.estudy.dba.uz](http://www.estudy.dba.uz))дан самарали фойдаланилмоқда.

Академия тингловчилари учун Ахборот-ресурс марказининг махсус электрон кутубхона дастури яратилган ([library.dba.uz](http://library.dba.uz)) бўлиб, адабиётларни электрон каталогдан

қидириш ҳамда ундан масофадан туриб фойдаланиш имконияти мавжуд. Ушбу электрон кутубхонада икки мингдан ортиқ электрон китоб, Академияда ҳимоя қилинган битирув малакавий ишлари, магистрлик ва докторлик диссертациялари электрон шакли жойлаштирилган.

**Ушбу таҳликали вазиятда амалга оширилаётган чора-тадбирларни Давлат бошқаруви академияси профессор-ўқитувчилари томонидан социологик нуқтаи назардан кузатиш, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш ҳамда уларга илмий баҳо бериш бўйича вазифалар берилиб, назорат тартибида топшириқларнинг жавоблари таҳлил қилинмоқда.**

Ҳозирги кунда Академияда якуний назорат ишларини қабул қилиш, давлат аттестацияси ўтказиш, битирув малака ишлари ва магистрлик диссертацияси ҳимояларини масофадан ташкил этиш тартиби ўрганилмоқда ҳамда ўқув жараёнига жорий этиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистонда ижтимоий масофани сақлаш ва жорий этилган карантин ҳолати ижтимоий ҳаёт, айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим ва маънавий-маърифий муҳит, одамлар онгини позитив томонга ўзгартириш бўйича ижобий натижаларини келтириб чиқаришини ҳам инкор этмаслик даркор. Қаттиқ интизом ва ижтимоий масофани чекловчи тадбирлар мамлакат турмуш тарзида қуйидаги ўзгаришларга олиб келмоқда:

- оилаларда фарзандлар билан ота-оналар ўртасида меҳр-оқибат ришталари ошиб, болалар тарбияси кучли назоратга олинмоқда;

- таълим-тарбиянинг масофавий тизими йўлга қўйилганлиги давлат ҳокимияти органларида "электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш ҳамда фуқароларда АКТни амалда қўллаш бўйича кўникмаларини шакллантирмоқда;

- унча-бунча мафкура амалга ошира олмайдиган ҳолатлар, яъни фуқаролар ягона мақсад сари бирлашмоқда ва уларнинг яхлитлиги таъминланмоқда;

- фуқароларда ватанпарварлик ҳисси кучаймоқда;

- жамиятда давлат хизматчилари (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар), тиббиёт ходимларига бўлган муносабат тубдан ижобий томонга ўзгармоқда;

- ҳуқуқ ва қонун устуворлиги, уларга оғишмай амал қилиш пировард мақсадда инсонлар ҳаёти ва манфаатларига хизмат қилаётгани фуқаролар ҳамда мансабдор шахслар томонидан англамоқда;

- жаҳонда тўсатдан вужудга келган инқирозли вазият Ўзбекистон Республикасининг бошқарув тизими, айниқса, соғлиқни сақлаш ва санитария тизимини бошқаришдаги камчилик ва йўл қўйилган хатоларни тузатиш имконини бермоқда;

- мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги бундай инқирозли вазиятларда нақадар муҳим эканлиги кўринмоқда ҳамда иқтисодиётнинг бардошлиги синалмоқда;

- халқаро муносабатларда, айниқса, қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ниҳоятда муҳимлиги исботланмоқда. Миллатлараро тотувлик учун ижобий замин яратилмоқда.

Академия томонидан қилинган таҳлиллар мазкур инфекция кенг тарқалишининг олдини олишда аҳоли ўртасида ижтимоий масофа иммунитетини шакллантириш, карантин даврида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, касаллик ўчоқларини ўз вақтида аниқлаш, масофадан туриб онлайн ишлаш ва таълим бериш борасида айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Уларни ўз вақтида бартараф этиш, ушбу инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш ва йўл қўймаслик мақсадида қўйдаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ҳар бир ҳудуддаги мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, МФЙ кесимида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

иккинчидан, маҳаллаларда фидоий ёшлар иштирокида ишчи гуруҳлар ташкил этиб, аҳоли ваҳимага тушмаслигини таъминлаш мақсадида тарғибот тадбирларини ташкил этиб, ижтимоий масофа иммунитетини шакллантириш;

учинчидан, болаларга онлайн одобахлоқ, Интернетдан фойдаланиш қоидалари ва фойдали иловаларни барча оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш;

тўртинчидан, ҳар бир МФЙ ҳудудида касалликни дастлабки аниқлаш имконини берувчи кўчма тиббиёт шаҳобчалари ташкил қилиш, уларни зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

бешинчидан, иш фаолиятини давом эттираётган баъзи давлат ва нодавлат муассасаларида кунлик дезинфекция қилинишини ташкил қилиш ва бу борадаги маъсулиятни ушбу муассасалар раҳбарларига юклаш;

олтинчидан, ўзида касаллик аломатларини сезиб, ўз ихтиёри билан шифокорга мурожаат қилган фуқароларни "Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш (Хитойда қўлланилган тизим);

еттинчидан, телевидение орқали умумий мактабларнинг 1-11-синфлари учун берилаётган онлайн дарсларни карантин режими тугагандан кейин ҳам сақлаб қолиш;

саккизинчидан, барча таълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқувларни ташкил этиб, такомиллаштириш, уни юқори даражага етказиш.

**Қайд этилган тадбирларнинг бажарилиши ҳар бир ҳудуд кесимида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга, карантин даврида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, иқтисодиёт қийинчиликларини тез муддатда ижобий ҳал этишга, кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.**

Коронавирус пандемияси халқимизни янада жипслашишига, бирлашиб турли офатларга қарши курашишга, давлат ва жамият ҳаётига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга, вақтдан унумли фойдаланишга, вақт қадрини ҳис этишга, ҳар бир инсон ўз соғлиги учун қайғуришга, яқинларига меҳроқибатли бўлишга, Аллоҳнинг берган ҳар бир неъматига шукр қилишга ўргатди. Булар ҳар бир инсоннинг бошига тушаётган офатлардан чиқарган хулосалари десак хато бўлмайди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий



тилли давлатлар Ҳамкорлик кенгашининг навбатдан ташқари саммитидаги нутқида таъкидлаганидек, "Биз бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик тамойиллари асосида иш тутишимиз лозим. Биз биргалликда кўп нарсага қодирмиз".

### **Коронавирусга қарши кураш даврида бошқарув кадрларини тайёрлаш жараёни**

**Худойкул Азизов,**

*юридик фанлар номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Республикаси Президентини  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
Биринчи проректори*

**Аннотация:** мақолада коронавирус пандемияси, юқумли касалликлар, уларнинг тарихдаги салбий оқибатлари, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири, унинг олдини олиш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг моҳияти ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳамда таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** коронавирус, иқлимдаги ўзгаришлар, йирик шаҳарлар, бирдамлик, ҳамкорлик ва ўзаро ғамхўрлик.

### **Процесс подготовки управленческих кадров в период борьбы против коронавируса**

**Худойкул Азизов,**

*кандидат юридических наук, доцент,*

*первый проректор Академии  
государственного управления при  
Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** в статье изучены и проанализированы пандемия коронавируса, инфекционные болезни и их негативные последствия в истории, влияние на социально-экономическое развитие Узбекистана в современное время, нормативно-правовые документы, принятые для его предотвращения, изучены их значение, а также даны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** коронавирус, изменения климата, крупные города, единство, сотрудничество и взаимопомощь.

### **The process of training management personnel in the period of the fight against coronavirus**

**Khudoyqul Azizov,**

*PhD (Law), Associate Professor,  
First deputy rector of the Academy of Public  
Administration under the President of the  
Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** the article examines and analyzes the pandemic of "coronavirus", infectious diseases, their negative consequences in history, their impact on the socio-economic development of Uzbekistan, the normative-legal acts adopted for its prevention and their essence, as well as, gives recommendations and suggestions.

**Keywords:** "coronavirus", climate change, big cities, solidarity, cooperation and mutual care.

**Мансур БЕКМУРОДОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси профессори,*

**Фарход ПАРМАНОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси докторанти*

## **ИЧКИ МИГРАЦИОН МОБИЛЛИКНИ ИНСТИТУЦИОНАЛ БОШҚАРИШДА УРБАНИЗАЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Б**угунги кунда инсоният тараққиёти босқичи глобал саноатлашиш ва индустриал марказлар ҳамда шаҳарларнинг жадал ривожланиши билан белгиланади. Индустриализация, ўз навбатида, инсон хўжалик фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олиб, ишчи кучига бўлган эҳтиёжнинг ўсишига сабаб бўлмоқда. Ишчи кадрларга бўлган эҳтиёж нафақат шаҳар аҳолиси ҳисобига, балки қишлоқ аҳолисининг ички миграцияси ҳисобига ҳам қондирилмоқда, бу эса шаҳар аҳолиси улушининг ошиб боришига таъсир ўтказди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қайд этганидек: "Урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак. Ана шу ишлар доирасида етти та йирик шаҳар - Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ бўлган 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Ана шу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими - ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат"<sup>1</sup>.**

Ўтган асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган ва мобилликка бағишланган кўплаб ишларда урбанизация сифатидаги социал

ҳаракатчанлик, бандлик ва моддий фаровонлик соҳаларидаги мобилликка урғу берилди. Айнан шу сабабли мобилликка оид кўрсаткичлардан фойдаланган С.Липсет ва Р.Бендикс Фарб жамиятининг олға боровчи ҳаракатини таъкидлаб, унда шаҳар аҳолисининг кўпайиши, ҳаёт даражасининг ўсиши, таълимнинг илғор шакллари кенгайишини кўрсатди. Биз россиялик тадқиқотчиларнинг: "Мобиллик - нафақат социал зинапоядан юқорига чиқиш, нафақат аграр жамиятларни модернизацияловчи урбанизация, балки сиёсий тақсимотга, фуқароларнинг сиёсий афзалликлар ҳақидаги тасаввурларига жиддий таъсир этувчи омилдир"<sup>2</sup>, деган фикрига қўшиламыз.

Бундай жараёнлар, аслида, ҳар бир давлатда содир бўлмоқда ва улар бутун жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Иқтисодиётнинг ўсиб, ривожланиб бориши билан шаҳарларнинг саноат марказлари сифатидаги роли ҳам ошиб, унда урбанизация жараёнлари табиий тарзда кечмоқда. Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори фикрича, Ўзбекистон Президенти Мурожатномасида эътиборни тортган яна бир жиҳат - аҳолининг турар жойда рўйхатга олиш, прописка масаласининг ислоҳ этилишидир. Боиси иш ва яшаш учун одамларга танлаш ҳуқуқи ва мамлакат бўйлаб бемалол ҳаракатланиш имкони берилиши керак. Ушбу масалалар узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутаёт-

ган эди. Буни кун тартибига олиб чиққани учун Президент Шавкат Мирзиёевга миннатдорчилигимизни билдирамиз<sup>3</sup>. Ўзбекистон мустақил бўлганидан бошлаб, то ҳозирги кунга қадар мамлакатда аҳолини рўйхатга олиш ишлари умуман олиб берилмади. Охирги рўйхатга олиш жараёни собиқ Иттифоқ даврида (1989 й.) амалга оширилган бўлиб, бугунги кунда аҳолининг ижтимоий-демографик ҳолати билан боғлиқ маълумотлар Республика Давлат статистика қўмитасининг ахборотларига асосланган ҳолатда эълон қилинади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра 33905,8 минг кишини ташкил этиб, 2019 йил бошидан 650,3 минг кишига ёки 2,0 фоизга ўсди<sup>4</sup>.

Мамлакат мустақилликка эришган йиллари Ўзбекистоннинг жами аҳолиси 20 млн. 608 кишини ташкил этиб, 90 йилларда ҳар йили ўсиш суръати ўртача 2,4 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу тенденция кейинги йилларда кескин пасайган, ҳозирги вақтга келиб 1,2 фоизга тушган. Аҳоли ўртача мутлақ сонининг кўпайиши йилга 310,4 минг кишини ташкил этади. Урбанизация жараёни 1991 йили 40,4 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда у 35,9 фоизга тушиб қолди<sup>5</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5623-сонли Фармонида "Йирик қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар посёлкаларига айлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, бугунги урбанизация даражаси шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича замонавий талабларга жавоб бермайди ва жаҳон тенденцияларидан сезиларли даражада қолиб кетмоқда. Бунда урбанизация даражаси ҳанузгача барқарор хусусиятга эга эмас",<sup>6</sup> дейилади.

Собиқ иттифоқ тузуми даврида шаҳарсозлик ўзининг иқтисодий, социал, маданий инфратузилмасига кўра, пойтахт шаҳарлар, катта шаҳарлар, ўртача катталиқдаги шаҳарлар ва кичик шаҳарларга бўлинган эди. Мамлакатнинг барча 14 та республикаси ўз пойтахтига эга бўлиб, имкон қадар пойтахт инфратузилмаси бошқа ша-

ҳар турларидан ажралиб турарди. Шу сабабли руслар Москвага, украинлар Киевга, қозоқлар Олмаотага, озарбайжонлар Бакуга ва табиийки, ўзбеклар Тошкентга интилардилар. Пойтахт шаҳарлар, бир томондан, фан, таълим ва маданият маркази сифатида гавдаланса, иккинчи томондан, унга баланс сифатида саноат ва қурилиш тармоғи рақобатбардошлик қиларди. Халқаро стандартларга кўра, маиший-савдо хизмат кўрсатиш тури анча орқада қолган бўлса-да, коммунал хизмат турларининг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам аҳолининг, айниқса, ёшларнинг пойтахтга интилишини кучайтирарди. Қисқача айтганда, анъанавий иттифоқ урбанизацияси шу каби ташкил этилганди.

**Мамлакатда урбанизация даражасининг ҳолати тўғрисида мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрдаги Мурожаатномасида шундай деди: "Бугунги кунда мамлакатимизнинг урбанизация даражаси 35,5 фоизни ташкил этади ва ҳозирдан бошлаб зарур чоралар кўрилмаса, ушбу кўрсаткич яқин келажакда пасайиши мумкин. Бу борада фақат пойтахт ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларни эмас, аввало, ҳудудларда жойлашган шаҳар ва посёлкаларни комплекс ривожлантириш эътибор марказида туриши керак. Қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш дастурларидан босқичма-босқич шаҳар ва посёлкаларда кўп қаватли уйлар қуришга ўтишимиз лозим"**<sup>7</sup>.

Урбанизация (лотинча urbanus - шаҳарлик) жамият ривожидида шаҳарлар, шаҳар маданияти ва шаҳарларга хос бошқа муносабатларнинг ривожланиш жараёни ҳисобланади. Урбанизация қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарларга айланиши, шаҳар атрофи зоналарининг кенгайиши ва қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб бориши ҳисобига юз беради. Урбанизациянинг ўзига хос жиҳати давлат томонидан тартибга солиб борилишидир. Урбанизациянинг қай даражада ижобий ёки салбий аҳамиятга эга бўлиши унинг давлат томонидан тартибга солиниши ёки солинимаслиги билан боғлиқ<sup>8</sup>.

Урбанизация дунё бўйлаб жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган жараён бўлиб, уни ҳаракатлантираётган куч мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалаётганлигидир. Ер юзида шаҳарлар ва улар аҳолисининг сони ўсиб, майдони кенгайиб бормоқда. Турли миқёсдаги шаҳарларнинг мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги аҳамиятининг кундан-кунга ортиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Шаҳарлар нафақат кенгаймоқда, балки уларнинг ўз атрофидаги бошқа шаҳарлар билан интеграциялашуви кучайиб, ўзаро алоқадорликда ривожланувчи аҳоли манзилгоҳлари гуруҳлари пайдо бўлмоқда.

**Жамият аъзолари, хусусан, мигрантлар социал мобиллигини ҳаракатлантирувчи омиллар тизимида унинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжни қондиришнинг индивидуал мотивацияси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ҳар қандай мигрантнинг социал мобиллиги (шакли ва йўналишидан қатъи назар) умумийликнинг конкретлашган, персонафикациялашган шакли ҳисобланади. Шунинг учун алоҳида олинган мигрантлар типи мобиллигини таъминлашга доир саъй-ҳаракатлар, уларнинг корреляцион алоқадорлиги натижасида, жамиятнинг барча ижтимоий бирликлари мобиллигини юксалтиришга асос бўлади.**

Бу омилларни комплекс-тизимли ўрганиш: бир томондан, уларнинг мигрантлар социал мобиллигини оширишга қандай йўналишларда таъсир қилишини, қандай натижаларга олиб келишини башорат қилишга имконият яратади; иккинчи томондан, социал мобилликнинг конкрет шакли ва йўналишини ўзгартиришда вазифани қандай бажариш "технологияси" аниқланиб, давлат миграция сиёсати стратегияси белгиланади.

Ҳар бир инсон нафақат яхши ҳаёт тарзига эга бўлишга, балки жамиятда ўз ижтимоий мақомини ижобий томонга ўзгартиришга интилади. Бироқ бу интилиш фақат очиқ, демократик жамиятлардагина амалга ошиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бундай мотивация ва саъй-ҳаракатларсиз индивидуал социал мобиллик

ўз ижтимоий мазмуни ва аҳамиятини йўқотади. XXI асрда жамиятнинг энг катта бойлиги - инсон, деб эътироф этилган бўлиб, унинг ривожланиш мақсади ҳам фуқароларнинг яшаш жойи, ҳаёт тарзини эркин танлашини таъминлашдан иборат бўлиб бормоқда. Жамият тараққиётининг ўзгариш қонуниятлари парадигмал йўналишларни босқичма-босқич рационал бошқариш механизмларини тизимли тартибга солиш, бошқариш ва назорат қилишга олиб келди.

Умуман, Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар миллий манфаатлар асосида ички ва ташқи миграция жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга йўналтирилган изчил ижтимоий-иқтисодий демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, ривожланган давлатлар сафига қўшилиш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш борасидаги стратегик мақсадларга эришиш имконини беради.

XX асрнинг 70-йилларидаёқ дунёнинг барча мамлакатларида миграция жараёнида инсонийлик тамойилини қарор топтиришда, аҳолининг турли социал қатламлари муносабатларида янги босқичнинг вужудга келишида инсоншунослик назариясини яратиш зарурлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилгани ҳам тасодифий эмас<sup>9</sup>. Инсон объектига комплекс ва тизимли ёндашиш методологияси мутахассисларидан бири Е.М.Макаровнинг фикрича, инсоншунослик назарияси бир бутун тизим бўлиб, уни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин. Ушбу назариянинг биринчи қисми инсонни объект сифатида ўрганиш қоида ва усуллари, тушунча ва категориялари, функцияси ва шаклланиш тарихи каби масалаларни ўз ичига олса, иккинчи қисми инсон ҳақидаги билимлар таснифига доир эмпирик, махсус илмий, социологик ва фалсафий қарашларни қамраб олади<sup>10</sup>.

Бу жараёнда ҳар бир халқнинг миграция натижасида маънавий интеграциялашуви ва унификациялашувига қарамасдан ментал хусусиятларини сақлаб қолиши ҳам алоҳида аҳамият касб этишини назарда тутиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони урбанизация даражасини ҳар томонлама пухта ўйлаб, ақл билан тартибга солиш учун қабул қилинди. Унда қуйидаги фикрлар алоҳида аҳамият касб этади: "Миграция жараёнларини маъмурий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўли билан аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳарларга эркин ҳаракатланиши учун шарт-шароитлар яратиш". Ҳар қандай жамият структурасини ташкил қилган муайян ижтимоий элементнинг функционал роли, мобиллиги нуқтаи назаридан: бир томондан, жамиятнинг (хусусан, "очиқ жамият") ҳаракатлантирувчи мотиви, ривожлантирувчи омили; иккинчи томондан, ижтимоий муносабатлар тизими ўзгаришида асосий детерминлаштирувчи сабаб бўлиши мумкин ҳамда уларнинг динамик ўзгараётган жараёнларга кетма-кетлик асосидаги таъсири, изчиллиги, ривожланишининг доимийлигини таъминлайди.

Америкалик тадқиқотчилар Р.Бендикс ва С.Липсет "Индустриал жамиятда социал мобиллик" (1960) номли ишларида социал мобилликни индивидларнинг бир позициядан бошқасига ўтишини ифодаловчи жараён сифатида тушунтирадilar. Улар географик мобиллик ва унинг сабабларини батафсил ўрганишган<sup>11</sup>. Социал мобилликнинг кучайишига таъсир этувчи омилларни ажратиб таҳлил этишади. Улар қуйидаги омиллар билан белгиланади: а) муайян қатлам ёки мақомга оидлик учун берилган енгилликларнинг ҳуқуқий жиҳатдан бекор қилиниши; б) фуқароларнинг қонун олдида тенглигини ва иқтисодий соҳада имкониятлари тенглигини тан олувчи конституциянинг қабул қилиниши; в) индивиднинг ижтимоий жиҳатдан олға боришига имкон берувчи иқтисодий ўсиш; г) таълим тизимининг ривожи. Янги корхоналар яратилиши, уларнинг кенгайиши ва янгиланиши юқори ҳақ олувчи малакали ишчи ёки ходимларнинг кўпайишига олиб келади. Социал мобилликка таълим омилининг таъсири ҳақида гапирганда, муаллифлар, энг аввало, омманинг ижтимоий юксалишига имкон берувчи олий таълим ти-

зимига эга бўлиш билан боғлиқ ички миграцияни кўзда тутган эдилар.

Ички миграцион мобиллик имкониятларидан ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш учун фойдаланишда: миллий иқтисодиёт соҳалари барқарор ривожланишини таъминлашда давлат миграция сиёсатининг ўрнини аниқлаш; ишчи кучи миграцияси имкониятларидан: саноат, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантиришда фойдаланиш; миграция соҳасини оптималлаштиришга йўналтирилган инвестициялардан манзилли ва самарали фойдаланиш; ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишда, ички ва ташқи меҳнат бозорларида мигрантлар рақобатбардошлигини таъминлаш; ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун миллий меҳнат бозорида ишчи кучи миграцияси ривожланишига қулай шарт-шароит яратиш; миграциянинг тармоқлараро кооперациясини кенгайтириш ва рағбатлантириш; миграция хавфсизлигини таъминлашда бозор механизмлари самарадорлигини оширишнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш; мигрантларнинг интеллектуал салоҳиятидан моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳалари коммуникацияси ва инфратузилмасини, инновацион технологияларини ривожлантиришда фойдаланиб, уларнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш; миграциянинг таркибий тузилмасини диверсификация қилиш ва географиясини кенгайтириш; замонавий миграция талаблари асосида йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида мигрантлар меҳнатидан фойдаланиш имкониятлари ва йўналишларини ривожлантириш: мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун соҳада ишлаб чиқариш таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш; қишлоқ аҳолисининг ижтимоий ва миграцион мобиллигини ошириш; мигрантлар ҳисобига аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш; аграр секторда мигрантларга зарур хизматлар кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш;

мигрантларни замонавий корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилишга жалб қилиш; мигрантларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур билимлари ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;<sup>12</sup> мигрантлар меҳнатидан суғориладиган янги ерларни ўзлаштириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектларини ривожлантиришда фойдаланиш; мигрантларни глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ҳамда аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш фаолиятига жалб қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўришни тақозо қилади.

**Социал иқтисодий ўзгаришларга олиб келувчи ички миграцион мобиллик меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифининг характерини белгиловчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Хусусан, у урбанизация жараёнларида, саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойлари яратиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида сифат ўзгаришларига асос бўлади. Бундай шароит, бир томондан, меҳнат бозорининг янги инфраструктурасини, кўп меҳнат талаб қиладиган соҳалари ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини қамраб олса, бошқа томондан, иқтисодиётнинг анъанавий соҳаларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожлантиради.**

Шунингдек, ички миграция ва урбанизация жараёнлари етарлича тартибга солинмаса, шаҳарлар аҳолисининг сони ва у ерда мавжуд инфратузилма, уй-жой, иш ўринлари сони ўртасида катта тафовут пайдо бўлади. Бу эса, шаҳарнинг умумий қиёфаси ўзгаришига олиб келиши билан бир қаторда, жуда кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, масалан, ишсизлик, нарх-навонинг ошиши, уй-жой танқислиги, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг етишмаслиги кабиларни келтириб чиқаради.

Мамлакатда кечаётган реал ислоҳотлардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, миграция жараёнларини, айниқса, ички миграция жараёнларини тартибга солишда марказий шаҳарларга бўлган миграция омиллари билан тўлиқ урбанизацияга эришиб бўлмайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида давлат дастурининг амалга оширилиши мамлакатдаги миграция жараёнларини тартибга солишга хизмат қилади.

Қўйилган муаммо таҳлилидан қуйидаги хулосаларни илгари сурамиз:

биринчидан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан республика миллий тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларига мос ислоҳотлар концептуал асосларининг ишлаб чиқилиши ички миграция жараёнини эркинлаштириш ва демократиялаштиришнинг янги тарихий босқичини бошлаб берди;

иккинчидан, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар комплексини амалга ошириш ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнларда, умуман, инсон омили ролининг устуворлиги қонуниятига, хусусан, инсон социал мобиллигининг ривожланиш даражасига боғлиқ;

учинчидан, давлат томонидан инсон социал мобиллигининг асосий шарт бўлган миграция жараёнини миллий манфаатларга мос оптимал ташкиллаштириш ва бошқариш, муайян объектив шарт-шароитларни, субъектив омиллар тизимини ҳамда уларнинг интеграциясини тақозо қилади;

тўртинчидан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар республикада ички ва ташқи миграция сиёсатига мутасадди ташкилотлар "Йўл харитаси"ни белгилашга асос бўлиб, фаолият натижасини таъминлаш имкониятидир;

бешинчидан, Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда ички миграцион мобиллик фаолияти самарадорлиги - урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш, илмий фаразларни, математик моделлар ва режаларни ҳаётга жорий қилишнинг назариялари ҳамда методологияси мукамаллигига боғлиқ.

### Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Социальная мобильность в усложняющемся обществе: объективные и субъективные аспекты. - М.: ФНИСЦ РАН. 2019. - С. 22.
3. "Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 30 январь.
4. <https://kun.uz/uz/news/2019/10/15/toskent-sarining-doimij-aolisi-soni-malum-kilindi>
5. [www.gazeta.uz/uz/2013/02/26/demography/](http://www.gazeta.uz/uz/2013/02/26/demography/).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони / манба: <http://uza.uz/uz/documents/urbanizatsiya-zharayenlarini-tubdan-takomillashtirish-chora-a-11-01-2019>.
7. <https://www.gazeta.uz/uz/2018/12/28/urbanizatsiya/>.
8. Эргашев Б., Ахмерова А. Будущее урбанизации Узбекистана в руках бизнеса. // №10, 2010 год. Источник - Экономическое обозрение, адрес статьи- <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1296639000>.
9. Қаранг: Ананьев Б.Г. О проблемах современного человека. - М.: Наука. 1977. - С. 6-7.
10. Қаранг: Макаров Е. М. Методология комплексного исследования человека. - М.:Наука, 1991. - С. 47 - 48.
11. Қаранг: Шеллер М. Новая парадигма мобильностей в современной социологии / М. Шеллер // Социологические исследования. - 2016. - №7. - С. 4.
12. Koser Khalid. International Migration: A Very Short Introduction. Oxford. 2007. P.P. 22.

**Ички миграцион мобилликни институционал бошқаришда урбанизациянинг аҳамияти**

**Мансур Бекмуродов,**

социология фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат бошқаруви академияси,

**Фарход Пармонов,**

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Давлат бошқаруви  
академияси докторанти

**Аннотация:** мақолада ички миграцион мобилликни бошқаришда урбанизация жараёнларини оптималлаштиришга бевосита ёки билвосита мутасадди ташиқлотларнинг институционал модернизациялаштиришни 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси асосида ташиқлотлаштиришга оид методик тавсиялар, амалий таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** ички миграцион мобиллик, урбанизация жараёни, миграция социологияси, социал мобиллик, ҳаракатлантирувчи мотив, интеграциялашув тенденциялари, маданий жараёнлар, инсон ресурси, ички миграция, индивидуал мотивация.

**Значение урбанизации в институциональном управлении внутренней миграционной мобильностью**

**Мансур Бекмуродов,**

доктор социологических наук, профессор,  
Академия государственного управления при  
Президенте Республики Узбекистан,

**Фарход Пармонов,**

докторант Академии государственного  
управления при Президенте  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** в статье даются методические, а также практические рекомендации по организации институциональной модернизации организаций на основе Стратегии действий, запланированной на 2017-2021 гг, прямо или косвенно ответственных за оптимизацию процессов урбанизации в управлении внутренней миграцией.

**Ключевые слова:** мобильность внутренней миграции, процесс урбанизации, социология миграции, социальная мобильность, мотивация, интеграционные тенденции, культурные процессы, человеческие ресурсы, внутренняя миграция, индивидуальная мотивация.

**The importance of urbanization of institutional management on internal migration mobility**

**Mansur Bekmuradov,**

doctor of sociology, professor,  
Academy of Public Administration under the  
President of the Republic of Uzbekistan,

**Farxod Parmonov,**

DSc researcher of the Academy of Public  
Administration under the President of the Republic  
of Uzbekistan

**Abstract:** the article provides methodological as well as practical recommendations for organizing the institutional modernization of organizations based on the "Action Strategy" planned for 2017-2021, which are directly or indirectly responsible for optimizing the processes of urbanization in managing internal migration.

**Key words:** internal migration mobility, urbanization process, migration sociology, social mobility, motive, integration trends, cultural processes, human resources, internal migration, individual motivation.

**Боту АЛИМОВ,**

*юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси Проректори,*

**Нодира ҚУРБОНОВА,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси докторанти*

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган жадал ислохотлар давлат бошқарувини такомиллаштириш ва унда сифат ўзгаришларини амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу вазифа давлат ва жамият тараққиётига туртки бўладиган омиллардан оқилона фойдаланиш, илғор мамлакатлар тажрибасида синалган ёндашувларни қўллашга ундайди. Тан олиш керакки, давлат бошқарувидаги ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маданий-маърифий соҳалар билан узвий боғлиқликда амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан, давлат бошқаруви соҳасининг самарадорлигини ошириш учун ушбу уйғунликни тизимлаштириш зарурати юзага келади. Бунинг учун давлат бошқарувини мантиқан ўзаро боғлиқ тармоқларни ўз ичига қамраб олган яхлит соҳа сифатида илмий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса давлат бошқарувининг моҳияти ва унинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, таркибий қисмлари ҳамда улар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш асосида соҳага оид муаммоларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш имкониятларини кенгайтиради.

Жаҳон тажрибасида давлат бошқаруви соҳаси узоқ даврлар мобайнида тадрижий ривожланиб, шу асосда дунё илмий жамоатчилиги орасида оммалашган. Илмий манбаларда давлат бошқаруви назариясининг вужудга келиши давлатчилик тарихи билан чамбарчас боғлиқ равишда ўрганилсада, унинг алоҳида фан соҳаси сифатида ривожланиши XVII асрда Австрия ва Германия олий таълим муассасаларида маъмурий ва иқтисодий фанларни ўз ичига олувчи

камерал курсларнинг<sup>1</sup> вужудга келиши билан боғланади. Камералистлар таълимоти коллегиял органлар орқали амалга ошириладиган бошқарувни назарда тутиб, ўз даврида давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилган<sup>2</sup>.

**XVIII-XIX асрларда Германияда коллегиял шаклдаги бошқарувга асосланган идоралар ташкил этилиб, бундай бошқарув услуби сиёсий ҳокимиятнинг марказлаштирилишига олиб келган. Бироқ XIX асрга келиб, камералистика назарияси таназулга юз тутди. Айнан шу даврдан эътиборан, ижтимоий-сиёсий фанлар, айниқса, давлат бошқаруви алоҳида соҳа сифатида ривожлана бошлади<sup>3</sup>, ушбу жараёнларнинг маркази географик нуқтаи назардан АҚШга кўчди. Америкада бу фан соҳасига В. Вильсон асос солган бўлиб, у ўзининг тадқиқотларида "давлат бошқаруви", "давлат маъмурияти" каби тушунчаларни илк бор илмий муомалага киритди ва давлат бошқарувининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди<sup>4</sup>.**

Таъкидлаш жоизки, бу даврда Америка ва Европадаги давлат бошқаруви соҳасини тадқиқ этиш билан боғлиқ ёндашувлар бир-биридан тубдан фарқ қилган. Сабаби Европада ушбу соҳани тадқиқ этишнинг анъанавий услуби фақат маъмурий ҳуқуқни ўз ичига олган бўлса, Америкада вужудга келган янги назарияда давлат бошқаруви сиёсий фан, маъмурий ҳуқуқ, социология ва давлат молияси элементларининг синтези сифатида намоён бўлди<sup>5</sup>. Мисол учун,



Д. Лишинг давлат бошқаруви назарияси мактабларининг ривожланиш босқичларини даврлаштириб<sup>6</sup>, уни 120 йиллик ривожланиш тарихига эга, деб баҳолайди ҳамда ушбу соҳа инструментал рационаллик<sup>7</sup> асосида ривожланиб бориши мумкин деган хулосага келади<sup>8</sup>.

Дарҳақиқат, давлат бошқаруви соҳаси инсон ва жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, турли мамлакатларда турли омиллардан келиб чиққан ҳолда ривожланади, давлат ва жамият эҳтиёжларига мос равишда турли шаклда намоён бўлади. Мазкур эҳтиёжлар асосида соҳани ривожлантириш учун уни тадқиқ этувчи алоҳида фан тармоғи зарур бўлади.

Бугунги кунда дунё миқёсида давлат бошқаруви ихтисослиги доирасида тадқиқотлар олиб бориш ва илмий даражалар бериш амалиёти Валден, Балтимор, Либерти, Дьюк университетлари (АҚШ), Плимут университети (Буюк Британия), Женева халқаро университети (Швейцария), Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси, "Иқтисодиёт олий мактаби" Миллий тадқиқот университети (Россия), Филиппин политехника университети, Беларусь Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув академияси, Украина Президенти ҳузуридаги Миллий бошқарув академияси, Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида йўлга қўйилган.

АҚШ тажрибасида ушбу илмий йўналиш давлат бошқаруви ахлоқи, давлат секторида ахборотларни бошқариш, лидерлик (тамойиллар, назарий-концептуал қонуниятлар ва амалиёт), илмий тадқиқот методологияси асосида давлат бошқарувидаги муаммоларнинг ечимини топиш, турли аҳоли қатламлари эҳтиёжларини қондириш, давлат бошқарувида қарорлар қабул қилиш каби қатор муҳим масалалар бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширишни назарда тутгани ҳамда мазкур масалалар доирасида изланишлар олиб борган шахсларга Doctor of Public administration (DPA) - давлат бошқаруви фанлари доктори (ДБД) илмий даражаси берилди<sup>9</sup>.

Буюк Британиянинг Плимут университети ва Швейцариянинг Женева халқаро университети ҳамкорлигида давлат бош-

қаруви ихтисослиги доирасида докторлик даражаси учун кадрлар тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган. Мазкур дастур бошқарув кадрлари ва келгуси лидерларни тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, у таълим олувчиларнинг давлат бошқаруви оид билим ва кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу дастур бўйича таълим ишдан ажралмаган ҳолда икки босқичда амалга оширилади: "Назария ва тадқиқот усуллари" босқичи – 18-24 ой, "Давлат бошқарувини тадқиқ этиш ва диссертацияни якунлаш" босқичи – 12-36 ой давом этади. Таълимнинг дастлабки даврида давлат бошқаруви оид назария ва амалиётнинг ўзаро уйғунлиги, илмий-услубий ёндашувлар, маълумотлар тўплаш жараёни ва баҳсли масалалар парадигмасини ҳосил қилиш, таҳлил қилиш ва илмий тадқиқот методлари ўргатилади. Ушбу босқични муваффақиятли тамомлаган тингловчилар ўз тадқиқотларини давом эттириб, Плимут университетида олимлар раҳбарлигида диссертация устида иш олиб борадилар. Уларнинг тадқиқотлари бевосита амалиёт билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Яъни докторлик диссертациясида тадқиқотчи ўзи фаолият юритадиган ташкилотдаги муаммоларни илмий тадқиқ этиб, уларнинг ечими юзасидан лойиҳа ёки янги тартиб-таомиллар ишлаб чиқади. Тадқиқотчи илмий изланишлари давомида давлат бошқаруви соҳасини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт, бозор муносабатлари, давлат ресурсларини самарали бошқариш, давлат, шу жумладан, маҳаллий бошқарув органлари ва фуқаролик жамиятининг истиқболдаги роли каби масалаларга урғу беради<sup>10</sup>.

Россия Федерацияси тажрибасига эътибор берилса, "Иқтисодиёт олий мактаби" Миллий тадқиқот университети давлат бошқарувини тадқиқ этиш назарияси ва методлари, давлат ва муниципал органлар, ижро ҳокимияти органлари ваколатлари ва вазифалари, давлат ва муниципал хизмат, давлат ташкилотларида персонални бошқариш, давлат бошқарувининг ахлоқий тузилмаси, коррупцияга қарши кураш, соҳавий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат секторидаги ташкилотларни бошқариш, давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги,

давлат бошқарувида ахборот технологиялари, молиявий менежмент каби йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар учун "Давлат ва муниципал бошқарув" ихтисослиги бўйича илмий даража берилади<sup>11</sup>.

**Бундан ташқари, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва давлат хизмати академиясида 2019 йилда Doctor of Public administration (DPA) - давлат бошқаруви фанлари доктори (ДБД) ихтисослиги бўйича илмий таълим дастури йўлга қўйилган бўлиб, унинг доирасида давлат бошқарувининг замонавий муаммолари, қонун асосидаги бошқарув, давлатни стратегик бошқариш, инсон капитални ривожлантириш ва жамоатчилик назорати, барқарор иқтисодий ўсиш, шахсий бренд капиталлашуви ва сиёсий лидерлик, бошқарув жамоаси, рақамли давлат, давлат ва бизнес ҳамкорлиги доирасида самарали маҳаллий ва муниципал бошқарув, рақобатбардош иқтисодиётда давлат молияси каби масалалар ўрганилади<sup>12</sup>.**

Шунингдек, қўшни Қозоғистон Республикасида ҳам ривожланган хорижий мамлакатлар сингари ушбу йўналишда ислохотлар амалга оширилиб, "Давлат ва маҳаллий бошқарув" номли таълим дастури доирасида давлат бошқаруви фанлари доктори илмий даражасини бериш амалиёти жорий этилган. Ушбу дастурнинг мақсади давлат бошқаруви назариясини замонавий илмий тадқиқот методологияси асосида ўрганиб, инновацион лойиҳаларни бошқариш ва соҳада вужудга келадиган янги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишда самарали натижаларга эришиш салоҳиятига эга бўлган илмий-педагог кадрлар тайёрлашдан иборат<sup>13</sup>.

Бундан ташқари, Украинада ҳам ушбу амалиёт жорий этилган бўлиб, "25.00.02 - Давлат бошқаруви механизмлари" ва "25.00.03 - Давлат хизмати" каби ихтисослик шифрлари мавжуд<sup>14</sup>. "Давлат бошқаруви механизмлари" ихтисослиги давлатнинг маъмурий ва ташкилий соҳаларини, барча даражадаги давлат органларининг функциялари, таркиби, ваколатлари ва хусусиятларини назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этишни назарда

тутади. "Давлат хизмати" ихтисослиги доирасида эса давлат ва маҳаллий ҳокимиятдаги хизмат, давлат секторида инсон ресурсларини бошқариш, давлат ҳокимиятини амалга ошириш, ижтимоий-сиёсий институтларнинг вазифалари, ижтимоий соҳани эътиборга олган ҳолда қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилади.

Таъкидлаш керакки, давлат ва жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ривожининг бугунги тенденцияси алоҳида "Давлат бошқаруви" ихтисослиги бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни тизимли йўлга қўйиш заруратини юзага келтирмоқда. Давлат бошқаруви сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, фалсафий, социологик ва шу каби бошқа соҳаларнинг муҳим элементларини ўз ичига олиб, давлат ва жамият ҳаётидаги муаммоларни айнан "давлат бошқаруви" призмасида чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш имконини беради, соҳадаги муаммоларни яхлит бир ихтисослик доирасида чуқур ўрганиш ва ечимларини илмий асослаш орқали давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, концептуал, назарий-методологик ва чуқур илмий тадқиқотларни назарда тутувчи давлат бошқаруви соҳасига ихтисослашган узлуксиз таълимни яқин келажакда йўлга қўйиш масаласини муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади<sup>15</sup>. Жаҳон тажрибасига назар солсак, кўплаб мамлакатларда (Жанубий Корея, Хитой, Малайзия, Россия, Беларусия, Қозоғистон) давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш таълимнинг бошланғич босқичларидан бошлаб амалга оширилади. Яъни мактаб, ўрта махсус таълим ва олий таълим муассасаларида бериладиган таълим доирасида бошқарув кадрлари тайёрланади. Ушбу "занжир"нинг охириги бўғинлари сифатида Doctor of Public administration (DPA) - давлат бошқаруви фанлари доктори (ДБД) ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим тизими йўлга қўйилган.

Демак, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашдек илғор стратегик мақсадларни ўз олдига қўйган янгиланаётган Ўзбекистонда давлат бошқаруви со-

ҳасида кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш борасида туб ислохотларни амалга ошириш, давлат бошқаруви соҳасида фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни тизимли йўлга қўйишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Янгича ёндашувнинг мамзун-моҳияти шундан иборатки, давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизими доирасида босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. Бошқарув кадрлари тайёрлаш жараёнининг бундай тизимга солиниши, энг аввало, "Давлат бошқаруви" ихтисослиги бўйича илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини яратишни шартлаб қўяди. Негаки, айнан шу соҳага ихтисослашган юқори малакали илмий-педагог кадрларни тайёрламай туриб, давлат бошқаруви йўналишида узлуксиз таълим тизимини жорий қилиш мантиқан нотўғри бўлар эди.

Юқорида билдирилган мулоҳаза ва таклифлар ҳаётга жорий этилишининг аҳамиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, янгиланаётган Ўзбекистонда давлат бошқаруви ҳамда давлат хизматини алоҳида ташкилий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий институт сифатида шакллантириш ва ривожлантириш жараёни мураккаб кечмоқда. Соҳада малакали кадрларнинг етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар мамлакатнинг ривожланиш суръатларига сезиларли даражада салбий таъсир этмоқда. Бундай ҳолат давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, тамойиллари ва функцияларининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб боришнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги оқибатида юзага келди. Бу эса, ўз навбатида, бошқарув кадрларининг билим, кўникма ва компетенциялари замон талабларига жавоб бермаслигида намоён бўлади.

Иккинчидан, бугунги кунда Ўзбекистонда давлат бошқарувини номарказлаштириш билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш, ҳудудларни бошқаришни самарали ташкил этиш заруратини юзага келтиради. Бошқача айтганда, маҳаллий бошқарув тизимида шаклан ва мазмунан мутлақо янги ўзгаришларни амалга ошириш зарур. Шунинг учун ҳам давлат

бошқаруви тизимининг ажралмас қисми сифатида маҳаллий бошқарувнинг назарий-методологик ва илмий-амалий жиҳатларини тадқиқ этишга йўналтирилган алоҳида тизимни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Учинчидан, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси зиммасига давлат ва жамият бошқаруви соҳасида фундаментал ҳамда илмий-амалий тадқиқотларни амалга ошириш вазифаси юклатилган бўлиб<sup>16</sup>, ушбу муассасада давлат бошқарувининг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва социологик жиҳатларига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, 7 та ихтисослик<sup>17</sup> бўйича олий таълимдан кейинги таълим институти мавжуд. Бироқ ушбу тажриба давлат бошқарувининг долзарб муаммоларига қаратилган илмий тадқиқотларни комплекс ҳамда тизимли амалга ошириш имконини бермайди.

Тўртинчидан, Ўзбекистонда давлат бошқарувининг муаммоларига доир тадқиқотлар 2010 йилга қадар ҳуқуқий фанларнинг таркибида, яъни 12.00.02 – "Давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молиявий ҳуқуқ" ихтисослиги доирасида амалга оширилган. Сўнг ушбу ихтисослик "Конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ва божхона ҳуқуқи" номини олган, натижада, "Давлат бошқаруви" илмий йўналиш сифатида олий ўқув юртидан таълим ихтисосликлари предмети доирасидан чиқиб кетган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, мамлакатимизда узоқ йиллар давомида шакланган стереотиплардан воз кечилмоқда, давлат бошқарувини замон талаблари асосида босқичма-босқич янгилаш муҳити шаклланмоқда. Айни пайтда, давлат бошқарувини такомиллаштириш вазифаси қатор муаммоларнинг ҳал қилинишини талаб этади. Жумладан, давлат ва жамиятда юз бераётган ўзгаришлар шиддати бошқарув кадрлари тайёрлаш жараёнида сифат ўзгаришлари яшашни, аниқроғи, таълим босқичларидаги мавжуд узилишни бартараф этишни тақозо этади. Бундан ташқари, давлат бошқаруви йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни тизимга солиш мазкур йўналишда илмий мактаблар яратилишига, соҳа экспертлари, олим ва

тадқиқотчиларнинг кўпайишига туртки бўлади. Бу эса, ўз навбатида, давлат бошқаруви соҳасида юзага келаётган муаммоларнинг илмий ечимларини топишга хизмат қилади. Муҳими, бундай ёндашув давлат бошқаруви йўналишидаги илмий тадқиқотларнинг ҳозирги амалиётдан илгарилловчи табиат касб этишини таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, трансформацион жараёнларга ҳалақит берувчи кўз илғамас тўсиқлар юзага келишининг олдини олиш, мазкур жараёнларга янгича жўшқинлик бахш этиш, давлат бошқаруви соҳаси муаммоларини тадқиқ этиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибасини мамлакатимизда жорий қилиш мақсадида олий таълимдан кейинги таълим тизими учун "25.00.00 - Давлат бошқаруви"<sup>18</sup> ихтисослигини киритиш ҳамда мазкур йўналишда босқичма-босқич фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини беришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Натижада, давлат бошқаруви назарияси, методологияси ва тарихини чуқур ўрганиш, давлат ва маҳаллий бошқарувнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш, давлат хизмати ва давлат секториди кадрлар сиёсатининг самардорлигини оширишга йўналтирилган тизимли илмий тадқиқотларнинг кўпайиши ва жадаллашувига эришилади. Бу эса, давлат бошқаруви соҳасида амалиёт, илмий тадқиқот ишлари ва таълим жараёнининг интеграциясини кучайтиришга хизмат қилади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Камерализм бошқарув ҳақидаги фан сифатида маъмурий хизматлар тузилмалари ва уларнинг фаолиятини яхшилаш масалаларини тадқиқ этган.* Қаранг: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Камерализм>

2. Wakefield A. *Books, Bureaus and the Historiography of Cameralism // European Journal of Law and Economics*, 19: 311-320, 2005 (- P. 314).

3. *Бирор соҳада таназзул юзага келадиган бўлса ёки муаммолар кўп бўлса, уни алоҳида фан соҳаси сифатида тадқиқ этиш доимо ўз самарасини берган (Б.А.).*

4. Шафритц Д., Хайд А. *Классики теории государственного управления: Американская школа.* -М.: МГУ, 2003.

5. *Ўша манба.* -Б. 14-15.

6. Lisheng Dong (Beijing, China). *Public Administration Theories.* New York. Palgrave Macmillan. 2015. - P. 15-16.

7. *Бирор вазифани амалга оширишда қўтилаётган устувор натижага олиб келувчи ҳаракатни танлаш.* Қаранг: [https://lesswrong.ru/w/Что\\_такое\\_рациональность](https://lesswrong.ru/w/Что_такое_рациональность)

8. *Ўша манба.* -Б. 270.

9. *Мазкур маълумотлар Валдон (www.waldenu.edu), Балтимор (www.ubalt.edu), Либерти (www.liberty.edu), Дьюк (Санфорд Давлат бошқаруви мактаби (sanford.duke.edu)) университетлари расмий сайтларида Doctor of Public administration (DPA) - давлат бошқаруви фанлари доктори (ДБД) илмий даражаси учун мўлжалланган таълим ҳақида эълон қилинган ахборотлар асосида тайёрланди.*

10. *Мазкур маълумотлар 2018-2019 ўқув йилига мўлжалланган Плимут университети ва Женева халқаро университети ҳамкорлигида ишлаб чиқилган давлат бошқаруви фанлари доирасидаги Doctor of Public administration (DPA) илмий даражасига ўқитиш дастури ҳақидаги рисоладан олинди. Ушбу рисола Женева халқаро университети расмий сайтида эълон қилинган. Қаранг: <https://www.iun.ch/iun/en/en-en/file.cfm?contentid=1824>*

11. *"Иқтисодиёт олий мактаби" Миллий тадқиқот университетининг расмий сайти маълумотлари (https://www.hse.ru/).*

12. *Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва давлат хизмати академияси расмий сайти маълумотлари (www.ranepa.ru).*

13. *Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси расмий сайти маълумотлари (www.apa.kz).*

14. *Украина Олий аттестация комиссияси президиумининг 2006 йил 14 декабрдаги 46-06/11-сон Қарори. Қаранг: [https://zakononline.com.ua/documents/show/441109\\_441174](https://zakononline.com.ua/documents/show/441109_441174)*

15. *Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Давлат бошқаруви" мутахассислиги бўйича магистратура ва қайта тайёрлаш курслари мавжуд, холос.*

16. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги*

ПФ-5139-сонли Фармони. Қаранг: <https://lex.uz/docs/3300784>

17. 08.00.07, 08.00.13, 12.00.01, 12.00.02, 22.00.02, 22.00.03, 23.00.03.

18. Таклиф этилаётган ихтисослик шифрлари: 25.00.01 - Давлат бошқаруви назарияси, тарихи ва методологияси; 25.00.02 - Давлат бошқарувининг ташкилий асослари ва механизмлари; 25.00.03 - Маҳаллий бошқарув; 25.00.04 - Давлат хизмати.

**Давлат бошқаруви соҳасида  
илмий тадқиқотлар самарадорлигини  
оширишнинг айрим масалалари**

**Боту Алимов,**

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори  
(PhD), Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси Проректори,  
**Нодира Курбонова,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси докторанти

**Аннотация:** ушбу мақолада давлат бошқаруви йўналишида илмий тадқиқотларни ташкил этиш бўйича ислохотлар ўтказиш эҳтиёжи юзага келганлиги назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан, давлат бошқаруви кўп тармоқли фан сифатида тадқиқ этилиши лозимлиги ва мамлакатимизда ушбу йўналишида олиб бориладиган тадқиқотларга Doctor of Public administration (DPA) илмий даражасини беришни йўлга қўйиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги жаҳон тажрибаси мисолида асослаб берилган. Шунингдек, илмий таҳлиллар асосида назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** давлат бошқаруви, давлат хизмати, камерализм, иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, Doctor of Public administration (DPA), илм-фан, назария, инсон капитали.

**Некоторые вопросы повышения  
эффективности научных исследований в  
области государственного управления**

**Боту Алимов,**

доктор философии по  
юридическим наукам (PhD),  
Проректор Академии государственного  
управления при Президенте  
Республики Узбекистан

**Нодира Курбонова,**

докторант Академии  
государственного управления при  
Президенте Республики Узбекистан

**Аннотация:** в данной статье теоретически анализируется необходимость проведения реформ в организации научных исследований в области государственного управления. В частности, на примере мирового опыта обосновано, что государственное управление должно изучаться как междисциплинарная наука, актуальность присуждения в нашей стране учёной степени Doctor of Public administration (DPA) для исследований, проводившихся в этой области. Также в статье на основе научного анализа даны соответствующие выводы, разработаны теоретические, практические предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** государственное управление, государственная служба, камерализм, экономика, политика, право, Doctor of Public administration (DPA), наука, теория, человеческий капитал.

**Some issues of increasing the effectiveness of  
researches in the field of public  
administration**

**Botu Alimov,**

PhD (law), deputy rector of Academy of  
Public Administration under the President of  
the Republic of Uzbekistan,  
**Nodira Kurbanova,**  
PhD student of Academy of Public  
Administration under the President of the  
Republic of Uzbekistan

**Abstract:** this article theoretically analyzes the need for reforms in the organization of scientific research in the public administration sphere. In particular, by the example of world experience it is proved that the theory of public administration should be studied as an interdisciplinary science, and relevance of awarding Doctor of Public administration (DPA) degree for research, which is conducted in this area. In addition, relevant conclusions, theoretical, practical proposals and recommendations which were based on scientific analysis were developed at the end of the article.

**Keywords:** public administration, public service, cameralism, economics, politics, law, Doctor of Public administration (DPA), science, theory, human capital.

**Жахонгир ЭРГАШЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси қошидаги  
Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли  
кадрларни тайёрлаш институти таянч докторанти*

## **ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВДА РАҲБАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ КРІ ТИЗИМИ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Замонавий давлат бошқарувини босқичма-босқич жорий қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида: давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг мезонлари ва услублари ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини (КРІ) жорий қилиш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш. Бунда ойлик иш ҳақини давлат хизматчиси томонидан қилинаётган ишлар, уларнинг натижадорлиги, сифати, мураккаблиги, амалиётда тўғри ишлаётганлиги ва бошқа мезонлардан келиб чиқиб белгилаш; меҳнатга ҳақ тўлашнинг замонавий тизимини яратиш эвазига ижтимоий ҳимоя ва қайта тайёрлаш чораларини кўрган ҳолда давлат хизматчиларининг сонини қисқартириш; вазирлик ва идораларнинг, айниқса, иқтисодиёт комплексига кирган ташкилотларнинг такрорланаётган функцияларини аниқлаш ва уларни тегишли идораларга ўтказиш ёки бекор қилиш; давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини синов тариқасида жорий этиш назарда тутилади",<sup>1</sup> деб белгиланган.

2004 йилда "Garvard Business Review" тадқиқот маркази муваффақиятли ходимларни саралаш ва энг яхши рағбатлантириш тажрибаларини аниқлаш учун

ўтказилган тадқиқот натижаларини эълон қилди. Бу тадқиқотда мингдан ортиқ компаниялар раҳбарлари ва ходимлари иштирок этган. Тадқиқот натижаларига кўра, ўртача ҳар бир компаниядаги ходимларнинг 5 фоизи, доимий равишда, юқори даражада самарали фаолият олиб боради, яна 5-7 фоиз ходимлар эса, доимий равишда қониқарсиз фаолият олиб боради, қолган 88 фоиз ходимнинг мақсад ва вазифаларни тўғри ва самарали бажариши устидан мажбурий назорат талаб қилинади<sup>2</sup>.

Ходимларнинг натижага эришишга бўлган қизиқишини кучайтириш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш жараёни уларни натижаларга эришганида тўланадиган пул мукофотлари билан боғлаш орқали амалга оширилади.

**Ҳозирги вақтда натижаларни аниқлаш ва пул мукофотларини белгилаш механизмларини яратиш методологияси КРІга асосланган рағбатлантириш тизими (фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари) деб номланади<sup>3</sup>.**

Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари (КРІ) - ташкилотга ўз мақсадларига эришиш ёки жараёни оптималлаштиришга ёрдам берадиган фаолиятнинг рақамли кўрсаткичлари, яъни натижадорлик ва самарадорлик.

Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари ба- жарилган фаолият самарадорлигини баҳо- лашга имкон беради. КРІ тизимидан бу- тун компания, унинг алоҳида бўлинма- лари ва ходимлари ишини баҳолаш учун фойдаланиш мумкин. КРІ тизимидан фой- даланиб, биз нафақат амалга оширилган ишлар самарадорлигини кузатиб баҳолай оламиз, балки самарали тўлов тизимини яратишимиз мумкин. Фаолиятнинг асосий кўрсаткичларидан фойдаланишнинг асо- сий шарти бу - уни ўлчаш имконияти.

Компания барча ходимларининг компа- ния ўз мақсадларига эришгандагина хо- димлар ҳам мақсадларига эришиши мум- кинлигини тушунишлари жуда муҳим. Компаниянинг мақсадга эришиши қўшимча фойдани юзага келтиради. Қўшимча фойда эса ходимларнинг энг муҳим мақсадларидан бири бўлган молия- вий рағбат учун молиявий манба ҳисобла- нади. Агар компания ўз мақсадларига эри- ша олмаса, аниқки, ҳеч бир томон ўз мақ- садига эришмайди.

**КРІ нафақат кўрсаткич, агар ушбу ти- зим мақсадларни бошқариш тизими си- фатида эмас, балки мотивация тизими си- фатида қабул қилинса, асосий қийинчи- ликлар КРІни амалга ошириш босқичида юзага келади. Мақсадлар бўйича бошқа- риш (Management by Objectives, МВО) бизнес ва ходимларни бошқаришнинг ил- гор усули ҳисобланади. Бу ходимларни стратегик корпоратив мақсадларга эри- шиш жараёнида фаол жалб қилишни ўз ичига олади, бу эса ўзгарувчан бозор ша- роитида корхонани муваффақиятли ри- вожлантириш истиқболларини кафолат- лайдиган асосий омиллардан биридир.**

КРІ ҳар қандай бизнеснинг асосий мақ- садларига эришиш учун қўлланилади, ма- салан, истеъмолчиларни (мижозларни) жалб қилиш ва ушлаб туриш, ходимларнинг кас- бий маҳоратини ошириш, даромадларни кўпайтириш ва харажатларни камайтириш. Ушбу қадриятларнинг барчасини сифатни умумий бошқариш тизими ўз ичига олади.

Умуман олганда, КРІ моделларини аниқлаш ғоялари жуда кўп бошқарув кон- цепцияларини ўз ичига олади:

- Питер Друкернинг "Мақсадлар бўйи- ча бошқарув" (Management by Objectives, МВО) концепсияси (1954 йил);

- француз олими J.L.Малонинг "Кўрсат- кичлар тизими (жадвал). (Tableau de bord) (1932 йил);

- Рамперсад Хубертнинг "Универсал ишлаш кўрсаткичлар тизими - Умумий кўрсаткичлар тизими". (Total Performance Scorecard) (2003 йил);

- "Мувозанатли кўрсаткичларнинг таш- килий тизими". (OBSC - Orgnizational Balanced Scorecard);

- "Сифатга асосланган умумий бошқа- рув" (Total Quality Management, TQM), (йигирманчи асрнинг 70-йиллари);

- "Самарадорлик ва компетенцияни бош- қариш". (Performance and competence management), (XX асрнинг 90-йиллари);

- Стюрт Стерннинг (Economic value added) EVA "Иқтисодий қўшилган қиймат" индикаторга асосланган бошқарув тизими, (1990 йиллар боши);

- К.МакНайр, Р.Линча ва К.Кросснинг (The development pyramid of companies) "Компаниялар ривожланиш пирамидаси" тизими, (1990 йиллар);

- L. Мейселянинг (Strategic mapping model) "Стратегик хариталар модели", (1992 йил);

- К. Робертс ва П. Адамснинг (Measuring effective development and efficiency) "Сама- рали тараққиёт ва самарадорликни ўлчаш" (самарадорлик ва ўсишни баҳолаш) тизи- ми (1993 йил);

- Нортон Капланнинг (Balanced system of indicators) "Мувозанатли кўрсаткичлар тизими" (1992 йил)<sup>4</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, менеж- мент технологияларининг ривожланиши билан юқорида келтирилган концепциялар олимлар ҳамда мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган. Ҳозирги кунда эса улар энг яхши ва амал- да қўлланиладиган ғояларни бирлаштир- ган замонавий КРІ тизимига айланди.

КРІнинг асосий ғояси - корхонанинг стратегик мақсадларини ходим даражаси- да аниқлаш. Стратегик мақсадлар, қоида тариқасида, молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлардир. Фаолиятнинг миқдорий кўрсаткичларига асосланган КРІнинг бир нечта кичик гуруҳлари мавжуд:

1. Харажатлар - қиймат кўринишида.
  2. Ҳосилдорлик - ускуналар юкланиши-нинг фоизи.
  3. Самарадорлик. Кўпинча - даромаднинг харажатларга нисбати.
  4. Натижалар. Масалан, ишлаб чиқариш ҳажми.
- Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари тезкор ва стратегик бўлиши мумкин:

**1-жадвал**

**Самарали КРІ тизими қуйидаги хусусиятларга эга**

1.	<b>Манзилга йўналганлик</b>	Ҳар бир муҳим кўрсаткич тегишли соҳадаги муайян шахсга ёки гуруҳга берилади, улар ўзларига тегишли вазифалар натижасига жавобгардир.
2.	<b>Тўғри йўналиш</b>	Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари доимо корпоратив стратегик мақсадлар, асосий бизнес-жараёнлар ва ривожланиш лойиҳалари билан боғлиқ.
3.	<b>Мақсадга эришиш имконияти</b>	Белгиланган вазифалар ва кўрсаткичларга эришиш керак. Мақсадга эришиш эҳтимоли камида 70-80 фоиз бўлиши керак.
4.	<b>Харакатларга очиқлик</b>	Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари қийматлари жорий маълумотлар асосида ҳисобланади, яъни вақтни ўтказиб юбормаган ҳолда фойдаланувчилар иш натижаларини яхшилаш жараёнларига аралаштиришлари мумкинлиги.
5.	<b>Прогноз қилишни таъминлаш</b>	Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари бизнес қийматига таъсир қилувчи омиллар, яъни улар келажақдаги исталган натижаларни аниқлайдиган кўрсаткичлар бўлиши керак.
6.	<b>Чекланганлик</b>	Фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари ходимларнинг эътибори ва кучларини бир нечта аниқ устувор вазифаларни бажаришга қаратиши керак.
7.	<b>Қабул қилишнинг қулайлиги</b>	Фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини тушуниш осон бўлиши керак.
8.	<b>Мувозанат ва ўзаро боғлиқлик</b>	КРІлар мувозанатли ва бир-бирини “қўллаб-қувватловчи” бўлиши ва бир-бирига зид келмаслиги керак.
9.	<b>Ўзгаришларнинг бошланиши</b>	Фаолиятнинг асосий кўрсаткичларини ўлчаш, айниқса, бу жараён компания раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган бўлса, ташкилотдаги ижобий ўзгаришларнинг занжирли боғланишини келтириб чиқаради.
10.	<b>Тегишли индивидуал имтиёзлар билан кучайтириш</b>	Кўрсаткичлар ходимларни рағбатлантиришга ёрдам бериши керак. Ташкилот маълум бир ходимни рағбатлантириш асосида асосий фаолият кўрсаткичларига таъсир қилиши мумкин.
11.	<b>Боғланиш</b>	Ҳатто жуда мукамал ва сифатли КРІларнинг таъсири ҳам вақт ўтиши билан заифлашади, шунинг учун уларни вақти-вақти билан кўриб чиқиш ва янгилаш керак.
12.	<b>Оқилоналик</b>	Ҳар бир кўрсаткич мазмунли ва таҳлил қилиш учун осон бўлиши керак. Бир қарашда, бу принцип одатий, аммо принципиал жиҳатдан жуда муҳимдир.

- операцион кўрсаткичлар корхона ва унинг бўлинмаларининг жорий фаолиятини тавсифлайди. Улар технологик жараёнларни, моддий таъминот, маҳсулот сифати ва назорат параметрларини ўзгарувчан шароитларга мос равишда онлайн режимида кузатишга имкон беради;

- стратегик кўрсаткичлар сизга бир ой, чорак, олти ой давомида корхонанинг умумий натижаларини кузатиб бориш ва ушбу режалаштирилган натижаларга мувофиқли-

гини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради. Бўлимларнинг қисқа муддатли прогнозлари келгуси давр учун рентабеллик ҳисобланади.

КРІ бу - аниқ мақсадлар бажарилганлик даражасининг рақамли кўрсаткичлари. Бу сизга КРІ тизимини ишчиларни рағбатлантирувчи бошқарув асоси сифатида ишлатишга имкон беради.

Баҳолашда раҳбарнинг асосий фаолият кўрсаткичлари (КРІ) муҳим роль ўйнайди.



Бу кўрсаткичлар раҳбарнинг бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолашда ба- тафсил таҳлил қилишга имкон беради.

Ишлаш кўрсаткичларини икки турга бўлиш мумкин:

- савдо (даромад, фойда, дебиторлик ва ҳ.к);


- нотижорат ёки сифат.

Буларга: раҳбарнинг касбий ривожла- ниш, ташкилий маданиятини шакллантириш, тизимни бошқариш ва бошқалар киради.

Аммо келажакда муваффақиятга эри- шиш учун молиявий бўлмаган кўрсат- кичларни ҳисобга олиш керак (масалан,

мижозларга хизмат кўрсатиш сифати, ҳамкорларга содиқлик). Бунинг учун ташкилотлар KPI (Key Performance Indicators) ва BSC (Balanced Score Cards) учун мувозанатли кўрсаткичлар тизими- дан фойдаланади.

KPI ва BSCни ишлатиш сабаблари, асо- сан, ишлаб чиқариш ва бошқарув тизими- даги энг янги технологияларни қўллаш орқали рақобатбардош устунликка эга бўлиш ва умуман, ташкилотнинг самара- дорлигини оширишдир. 1- чизмада келти- рилган вазифалар раҳбарнинг фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган:



1-чизма. Раҳбар фаолиятини баҳолаш модели

Ушбу кўрсаткичлардан фойдаланиш- нинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат: замонавий технологияларни қўллашнинг ўзига хослиги ва самарадор- лигини тасдиқлаш зарурлиги; бошқарув қарорларини қабул қилиш учун юқори сифатли ва ўз вақтида ахборот олиш ис- таги; стратегик мақсадларга эришиш си- фатини таҳлил қилиш учун ахборот оқимини кенгайтириш зарурияти; иш ҳақи ва компенсация тизимини такомил- лаштириш зарурати.

KPI ёрдамида замонавий менежер хо- димларини баҳолаш мумкин. Тизимнинг асосий мақсади турли бўлимлардан келган ходимларнинг хатти-ҳаракатлари бир- бирига қарама-қаршилигини ва бошқа хиз- матлар мутахассисларининг ишига тўқин-

лик қилмаслигини таъминлаш, чунки уларнинг ҳар бири ташкилотнинг фаолия- тига ҳисса қўшади, унинг мақсадларига эришиш учун ишлайдилар ва мақсадларга эришганлари учун мукофот оладилар. Ушбу тизимни амалга ошириш учун тўловларни тўлаши мумкин бўлган катта миқдордаги ресурс харажатлари талаб қилинади. BSC баҳолаш тизими ташкилотдаги деярли барча жараёнларга катта таъсир кўрсатади. Ушбу тизим ташкилот ходимларининг амалий фаолиятини жадал ривожлантириш учун кучли рағбатдир. Бироқ менежернинг ушбу кўрсаткичларга эришишдаги ҳиссаси аниқ эмас.

Юқоридагиларга асосланиб, умумлаш- ган ҳолда хулоса қилиб шуни айтиш му- кинки, манфаатлар мувозанати барқарор

компаниянинг асосидир. Ташкилот самарадорлигини ошириш учун ходимлар ва раҳбарлар фаолияти самарадорлиги баҳолаб борилиши зарур эканлигини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўришимиз мумкин. Самарадорликни баҳолаш жараёнида КРІ тизимидан фойдаланиш ташкилот ва ходим фаолиятини бир мақ-

садга йўналтириш, ходимнинг иш фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда бу орқали раҳбар бошқарув фаолиятини ҳам баҳолаш имкониятини беради. Яъни, раҳбар қўл остидаги ходимларнинг самарали фаолият олиб бориши бевосита раҳбар ва унинг бошқарув салоҳиятига боғлиқдир.

2-жадвал

**КРІ ва BSC ўртасидаги асосий фарқлар<sup>5</sup>**

Мезонлар	КРІ	BSC
<b>Фаолиятнинг шаффофлиги тамойили</b>	Шаффоф рейтинг тизими менежерни кузатиб бориш билан бир вақтнинг ўзида ҳар бир ходимнинг фаолиятини баҳолаш имконини беради	Стратегияни амалга оширишнинг тўлиқ тасвири билан бошқарувни таъминлайди
<b>Аниқлик тамойили</b>	Маълум мақсадлар, иш режаси, вазифаларни бажаришда четга чиқишларни тўлиқ бартараф қилишга, масъулиятни аниқ тақсимлашга ва муайян иш соҳасига аниқлик олиб келади	Ташкилот даражасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўяди, барча ходимларга корхона стратегияси ва стратегик мақсадларни аниқлик билан тушунтиради
<b>Адолат тамойили</b>	Шахсий имтиёзлар ва мотивлар ҳисоблаш осон бўлган баъзи имтиёзлар учун мукофотлар эълон қилинганда бутунлай чиқариб ташланади	Ҳодимларнинг ишини баҳолашда ҳолисликни таъминлайди, аммо ўз вақтида хабардорлик камлиги ходимларнинг иш фаолиятини қисқартириши мумкин
<b>Истиқболли тамойиллар</b>	Ташкилотнинг якуний мақсадларига эришиш орқали иш хақи ва акцияларни ошириш имконияти	Ташкилот ходимларининг барча кучларини бирлаштира олиш ва уларни корпоратив мақсадларга эришиш учун йўналтириш; ходимларнинг ташаббуслари ва янги ғояларини қўллаб-қувватлаш учун шароит яратиш

Мамлакатимизда замонавий давлат бошқарувини амалга оширишда раҳбарлар фаолиятини КРІ тизими орқали баҳолашни йўлга қўйиш қўйидаги афзалликларга эга:

1. Давлат бошқарувидаги раҳбарлар бошқарув фаолиятини баҳолаш орқали бевосита раҳбар, унинг қўл остидаги ходимлари иши самарадорлиги ошади.

2. Раҳбарлар самарадорлигини, яъни давлат бошқаруви самарадорлигига айнан раҳбарнинг шахсий ҳиссасини баҳолаш имконини беради.

3. КРІ тизимидан фойдаланиш орқали меҳнатга ҳақ тўлашнинг янгича тизимини ишлаб чиқиш мумкин.

4. Давлат бошқарувида ҳам раҳбарларнинг фаолияти самарадорлигини аниқ кўрсаткич ва мезонлар асосида кўриш имконини беради.

**Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 йил. <http://uza.uz/>*
2. *Global Human Capital Trends 2014: Engaging the 21st-century workforce. <https://www.deloitte.com/>*
3. *Вишнякова М. В. Мифы и правда о КРІ / Худож. А. Васильева. - М.: ЛЕТОПИСЬ,*

2017. - 274 с. - 2000 экз. - ISBN 978-5-91051-096-2, УДК 65.01.005, ББК 65.9(4Рос)29-21.

4. <https://www.businessstudio.ru/>

5. <https://www.gd.ru/articles/3584-kpi>

**Замонавий бошқарувда раҳбар фаолияти самарадорлигини КРІ тизими орқали баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари**

**Жаҳонгир Эргашев,**

*Ўзбекистон Республикаси*

*Президенти ҳузуридаги Давлат*

*бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар*

*муаммоларини ўрганиш ва истиқболли*

*кадрларни тайёрлаш институти*

*таянч докторанти*

**Аннотация:** ушбу мақолада замонавий бошқарувда раҳбар фаолияти самарадорлигини баҳолашда КРІ тизимидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти, унинг назарий асослари ҳамда бошқарув фаолиятини баҳолашдаги ўрни ва роли назарий жиҳатдан очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** бошқарув, самарадорлик, баҳолаш, фаолият, мотивация, сифат, раҳбар.

**Особенности использования системы КРІ при оценке современной управленческой деятельности**

**Жаҳонгир Эргашев,**

*базовый докторант Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** в этой статье теоретически объясняются особенности и важность использования КРІ для оценки эффективности управления в современном управлении, его теоретические основы, а также его роль в оценке эффективности управления.

**Ключевые слова:** менеджмент, эффективность, оценка, активность, мотивация, качество, лидер.

**Features of using the KPI system in the assessment of modern management activities**

**Jahongir Ergashev,**

*Phd student of the Institute for Research of Youth Problems and Training Prospective Personnel at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** this article theoretically explains the features and importance of using KPI to evaluate management effectiveness in modern management, its theoretical foundations, as well as its role in assessing management effectiveness.

**Keywords:** management, efficiency, evaluation, activity, motivation, quality, manager.

**Акрам ОЧИЛОВ,**  
*иқтисодиёт фанлари доктори,  
Қарши давлат университети "Иқтисодиёт ва сервис"  
кафедраси профессори в.б.*

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ: УСТУНЛИК ВА ИМКОНИАТЛАР**

**Ж**аҳондаги глобаллашув даврида юртимизда замонавий олий таълим ва иқтисодиётнинг бошқа етакчи тармоқ (соҳа)ларида салмоқли муваффақиятларга эришиш иқтисодиётимизни юксалтириш, унинг куч-қудрати ва халқимиз фаровонлигини оширишнинг кафолатидир. Республикаимизнинг замон талабларига мос равишда тараққий этишини бошқаришда мустақиллик йилларидан ҳозирга қадар мамлакатимизнинг улкан илмий, ижодий ва интеллектуал меҳнат салоҳиятининг таркибий қисми бўлган олий таълим муассасаларини битириб, меҳнат бозори талабларига амал қилиб, ташкилот ва корхоналарда самарали фаолият кўрсатаётган юқори малакали кадрларнинг ўрни катта. Олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқаришдаги муаммолар, жумладан, узлуксиз таълим тизимида ўқитиш ва таълим сифатининг пастлиги ОТМдаги таълим сифатига ҳам таъсир қилаётганлиги, академик лицей (АЛ), касб-ҳунар коллежлари (КХК) ва ОТМда айрим фанларнинг такрорланаётгани, ёшларнинг ҳақиқий билим олиши, тажриба эгаллашига бўлган иштиёқига нисбатан олий маълумот (диплом) олишга бўлган интилишлари ортиб бораётгани, сўнгги йилларда ОТМ илмий салоҳияти даражасининг ўсиш тенденциясига нисбатан талабалар сонининг кескин ошаётганлиги сабабли "бир қатор олий таълим муассасаларида ҳали ҳам илмий-педагогик салоҳиятнинг пастлиги, таълим жараёнларини ахборот-услубий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш замонавий талабларга жавоб бермаслиги, уларнинг

моддий-техник базасини тизимли янгилашга эҳтиёж мавжудлиги"<sup>1</sup>, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг самарадорлиги амалда кўринмаётганлиги, битирувчиларнинг ишга жойлашиши ва меҳнатга мослашувининг мураккаблашганлиги ва бошқалар шулар жумласидан. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жамиятдаги муаммоларни бартараф этишда республикаимизда юқори малакали кадрлар сони ва салмоғини ошириш масаласига тўхталиб: "Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли, биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш - муҳим вазифамиздир. Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим. ... Чунки жамиятимизда олий маълумотга эга, юксак малакали мутахассислар қанча кўп бўлса, ривожланиш шунча тез ва самарали бўлади"<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Демак, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида қўлга киритилган муваффақиятларни таълим тизимига йўналтириш асосида малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш-

нинг мукамал тизимини яратиш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан биридир. Ваҳоланки, олий таълим муассасаларида таълим сифатини тубдан такомиллаштириш, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ), тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд вазирлик ва идораларнинг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалаврият ҳамда камида бир йил бўлган магистратурани жорий этиш, бунда магистратурада мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқариш (амалий) (камида бир йил) ва илмий-педагогик (камида икки йил) йўналишларга ихтисослашган дастурлар асосида ташкил этиш вазифаси<sup>3</sup> белгиланган эди. Бу борада ОЎМТВнинг буйруғи<sup>4</sup> эълон қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибининг шахсий иш режасини тартибга солиш ва тизимлаштириш мақсадида ОТМ профессор-ўқитувчилари таркибининг ўқув юкмаси ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини белгилаш қоидалари ва ОТМ профессор-ўқитувчиларининг ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларининг турлари белгиланди. Бунда асосий эътиборни таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усулларини, шу жумладан, муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этишга қаратиш; 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, ОТМ профессор-ўқитувчиларининг вақтини ўқув жараёнига

хос бўлмаган ишларга сарфлашнинг олдини олиш ҳамда уларни талабалар билан кўпроқ ишлашга йўналтириш, шу жумладан, "устоз-шогирд" тизимини жорий этиш мақсадида ўқув юкмасларини ҳисобга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар "вақт меъёрлари"нинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалдаги тартибда тасдиқлаш белгиланган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, икки ой муддатда олий таълим муассасалари талабаларини илмий фаолиятга йўналтиришга ва уларда инновацион фикрлашни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалдаги тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш, унда қуйидагилар назарда тутилиши: ўқув машғулотларини талабаларни инновацион фикрлашга йўналтирадиган ўқитиш технологиялари ва интерфаол услубларни жорий этиш асосида ташкил этиш, асосий эътиборни талабаларнинг мустақил таълим олиши билан боғлиқ механизмларни амалга оширишга қаратиш вазифаси белгиланган.**

Агар ўтган асрларда билимларнинг эскириши юз йилдан 50-20 йилга қисқарганлиги, ҳозирги шароитларда уларнинг ҳаётий даври 3-5 йилдан ошмаётганлиги эътиборга олинса, замонавий инновацион иқтисодиёт тараққиётида "умрга етадиган таълим" концепциясидан "бутун умр давомида таълим" концепциясига ўтиш зарурати, шубҳасиз, мавжуд. Б.Х. Рахимов, И.У. Мажидовларнинг мазкур масала юзасидан фикрлари қуйидагича: "Узлуксиз таълим гоёси ўқишга позитив муносабатни амалга оширувчи, унинг амалий мақсадга мувофиқлиги ва ўзини мустақил тўлдириш заруратига қатъий ишонишга олиб келувчи "Бутун умр давомида таълим" концепциясини амалга оширишни назарда тутди"<sup>5</sup>. Чунки, олимларнинг фикрича, "таълим ва инсон капиталининг ривожланиши фақат расмий таълим доирасида амалга ошмасдан, бутун ҳаёт давомида рўёбга чиқиши лозим (life long learning)<sup>6</sup>; "Таълим пировардида инсон ҳаёти давомида унга турли таълим хизматлари тўпламини тақдим этишга қодир бўлган ижтимоий-ма-

даний институт бўлиши лозим. "Бир умрга таълим" принциpidан "бутун умр давомида таълим" принципига ўтишни таъминловчи таълим тизими ва унинг муассасалари тузилиши зарур"<sup>7</sup>; "Бир неча ўн йиллар аввал таълимнинг расмий жараёни кўпчилик инсонлар учун олий таълим дипломини олиш билан яқунланар эди. Ҳозир университет дипломини олиш умр давомида таълим жараёнидаги қадамлардан фақат биттасидир"<sup>8</sup>; "Ҳозирги даврда "таълим институти" "бутун умр давомида таълим"га айланиб, анъанавий таълим тизими доирасидан чиқмоқда"<sup>9</sup>; "Замонавий Россия жамиятининг муҳим хусусияти бутун умр давомида таълимнинг аҳолининг кўпчилик қисми учун бош шиорлигидир. ... талабаларнинг барча ўсиб боровчи талабаларини қондириш зарурати билан бирга олий таълимнинг бош вазифаси уларни бутун ҳаёт давомида ўқишга ўргатиш заруратидир"<sup>10</sup>. Бу эса, ўз навбатида, мавзунинг илмийлик даражасини янада оширади ва назарий асосини кучайтиради.

"Умрга етадиган таълим" концепциясида глобаллашув, даврнинг ўзгариши, янгиланиши ва бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ юқори малакали кадр иш ўрнининг қисқариши, ўзгариши, эскириши, кадрларнинг "эслаб қолиш" тамойили содир бўлмоқда, иккинчидан, фақат битта таълим йўналиши (мутахассислик) бўйича фаолият олиб бораётган ходим (мутахассис, раҳбар) кўпинча ўз соҳасидаги билимлар билан чегараланади. "Бутун умр давомида таълим" концепциясида эса мавжуд билимлар тез эскирмаслиги учун кадрлар малакасини ошириш, касбий қайта тайёргарлик, иккинчи олий таълимда ўқиш, бир соҳадан бошқа соҳага ўтиб ишлаш натижасида дунёвий билимлар ўзлаштирилади, янги билимлар яратилади, фан-техника тараққиёти, замонавий назарий ва амалий билимлар ҳамда янгилеклар ўрганилади, тажриба алмашилади ва амалиётга татбиқ этилиши самарали бошқарилади. Чунончи, юқори малакали кадрларнинг узлуксиз равишда замонавий билимлар билан таъминланишида олий таълим тизимининг биринчи босқичида ислохотлар ўтказиш, яъни хорижий мамлакатлардагидек, бакалаврият таълим йўналишида та-

лабаларни ОТМда уч йил ўқитиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу масалага давлат миқёсида аҳамият берилаётганлигига эътибор қаратсак, унинг нақадар долзарблигини тушунамиз. Ваҳоланки, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда жуда муҳим вазифалар амалга оширилмоқда, яъни ҳозирги даврда республика иқтисодиётининг барқарор ва жадал тараққиётини таъминлашда келажагимиз учун кенг қамровли, оқилона асосланган устувор вазифалар ва йўналишлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режа ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Булардан энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"<sup>11</sup>дир. Мазкур соҳага масъул этиб тайинланган раҳбар ва соҳа мутахассислари томонидан "Ҳаракатлар стратегияси"нинг Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш вазифаларининг амалга оширилиши ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш борасида тараққиётнинг янги "ўзбек модели" деб номланаётганлиги бу дастурнинг долзарблик даражаси ва аҳамиятини янада оширади.

"Ҳаракатлар стратегияси"нинг IV бўлим, 4.4-бандида таълим ва фан соҳасини ривожлантиришнинг вазифалари, жумладан, узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; шунингдек, 8-илованинг 259-бандида: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш Дастурини ишлаб чиқиш; ...миллий кадрларнинг рақобатбардошлиги ва умумжаҳон амалиётига асосланган олий таълим миллий тизими-

нинг сифати ошишига, Болонья жараёни иштирокчи - мамлакатлари дипломларини ўзаро тан олиш, ўқитувчи ва талабалар билан алмашув дастурларини амалга оширишга кўмаклашувчи 1999 йил 19 июндаги Болонья декларациясига қўшилиш масаласини кўриб чиқиш<sup>12</sup> режалаштирилган. Бу вазифаларнинг босқичма-босқич, ўз вақтида ва оқилона амалга оширилиши ижтимоий соҳалардаги, жумладан, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги мавжуд ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш учун хизмат қилади.

Мазкур соҳа юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, ЕИ, Канада, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг олий таълим муассасаларида бакалаврлар тайёрлаш муддати уч-тўрт йил, тиббиёт йўналишларида беш-олти йил. ЕИ ва Шимолий Америкада кўпгина ОТМ битирувчилари бакалавриятни тўлиқ олий таълимнинг тасдиғи эканлиги туфайли магистратурада ўқишни давом эттирмайдилар. Буюк Британияда кўпроқ тарқалган бакалаврият даражалари - санъат бакалаври; бухгалтерия иши бакалаври, архитектура бакалаври, муҳандислик иши бакалаври, фан бакалаври, тиббиёт бакалаври, ҳуқуқ бакалаври, таълим бакалаври. Бу мамлакатда бакалавриятда беш тоифали диплом: 1) биринчи даражали диплом - (I); 2) 2-тоифа: иккинчи юқори - (2:i) ва 3) иккинчи қуйи - (2:II); 4) учинчи даражали диплом - (III); 5) оддий диплом - ҳеч қандай муваффақиятга эришмаган талабаларга берилади<sup>13</sup>. Францияда ва олий таълимнинг Франция тизимини қўлловчи мамлакатларда эса олий таълим тузилиши - "қисқа" ва "узун" бўлиб, қисқа давр - икки йил, технологик диплом ёки олий техник таълимнинг университет дипломи оммабопдир.

Узун давр эса уч қисмдан иборат: 1-давр - икки йиллик базавий тайёргарлик; 2-даврда ўқиш муддати бир йил бўлиб, бу даврда ўтган икки йиллик билимлар такомиллаштирилиб, битирувчига лицензиат дипломи берилади; 3-давр бир йил давом этиб, Master 1 дипломи билан яқунланади<sup>14</sup>. Швецияда бакалавр (Hogskole-examen) дипломи учун университетда икки йил, Европада умумқабул қилинган бакалавр

эквиваленти бўлган "Kandidatexamen" дастури бўйича уч-уч ярим йил ўқийди<sup>15</sup>. Норвегия олий таълим муассасаларида бакалавр уч йил давомида мутахассислик бўйича базавий ва факультатив предметларни ўрганади ҳамда диплом иши ёзади<sup>16</sup>.

Африка мамлакатларида иқтисодиёт тармоқлари талабларига кўра, кўпроқ дипломли мутахассислар тайёрланмоқда<sup>17</sup>.

Республикамиз олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини оширишда кўпгина таклифлар ва тавсиялар қаторида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- олий таълим муассасаларининг биринчи босқичидаги жорий фанларни, узлуксиз таълим тизимида даврий йўналиш ва мавзулари такрорланаётган фанларни академик лицейлар ва мавжуд касб-ҳунар коллежаларининг, шунингдек, ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув режаларига кўчириш ҳамда олий маълумотли юқори малакали кадрларнинг ОТМни битиргач, ҳар уч йилда бир марта онлайн тизими орқали бир ойлик муддатда малакасини ошириб, аттестациядан ўтказишни ташкил этиш йўли билан ўқув муддатларини қисқартириб, ОТМда ҳар бир босқичда олинган билимларнинг "маънавий эскириши"ни пасайтиришни амалга ошириш;

- узлуксиз таълим тизими билан "бутун умр давомида таълим" концепцияси ўртасидаги алоқадорликни мунтазам равишда баҳолаб боришни ташкил этиш, мақсадларга эмас, натижаларга йўналтирилган менежмент тамойилларига риоя қилиш, академик лицейлар фаолиятининг натижадорлиги бўйича мунтазам равишда таҳлил ўтказиб, ҳар йили битирувчиларининг неча фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга қираётганлиги даражасига қараб, уларнинг раҳбарияти ва ўқитувчиларига баҳо бериш; академик лицейлар, мавжуд касб-ҳунар коллежалари ва мактаб ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилиш;

- ОТМни бошқаришнинг "дивизион-функционал модел"ини амалиётга жорий этиб, таълим сифатини таъминлашга йўналтирилган замонавий ташкилий тузилмада "курслар" ўрнига "босқичлар" тизимини қўллаш ва модулларни ўқитишда уларни вертикал мувофиқлаштириш (ко-

ординацияси)ни таъминлаш ҳамда ўқув дастурларини оддийликдан мураккаблик, хусусийликдан умумийлик, айримликдан комплекслилик томон йўналтирган ҳолда амалга ошириш, яъни ривожланган мамлакатлардаги сингари "Introductory-intermediate-advanced" тарзида ўқитишни ташкил этиш;

- ОТМда юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида "устоз-шогирд" тизимини жорий этиш;

- иш жойларини паспортлаштиришни такомиллаштириш, талаб этиладиган билим, кўникма ва маҳоратларга тайёрланган юқори малакали кадрларнинг сифат кўрсаткичларини талабга мувофиқлаштиришдаги муаммолардан бири бўлган вақт "лаг"ини қисқартириш, таълим жараёнида интерактив, интенсив усулларнинг фаол қўлланилиши, "умрга етадиган таълим"дан "бутун умр давомида таълим" концепциясига ўтиш заруратини эътиборга олган ҳолда яқин келажакда ОТМда бакалавр ва магистр тайёрлаш муддатларини мос равишда 3 ва 1 йилгача муддатга қисқартириш кераклиги тўғрисидаги таклифлар муҳим аҳамиятга эга.

Таклифларимиздан бирининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти шундаки, олий таълим муассасалари фаолиятини модернизациялаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида ОТМнинг бакалаврият таълим йўналишларида талабаларнинг ўқиш муддатлари тўрт йил (тиббиёт соҳасида 7 йил)дан уч йил (тиббиёт соҳасида олти йил)га ўзгартирилса, жамиятда қандай ҳолат юз беради? Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра<sup>18</sup>, барча олий таълим муассасалари битирувчилари сони 2017 йилда 68494 нафарни ташкил этиб, улардан 62900 нафари бакалаврият таълим йўналишларини, 5594 нафари магистратура босқичини тугатган. Битирувчилардан 67326 нафари кундузги, 1168 нафари эса сиртқи таълим шаклини, шунингдек, 20630 нафари давлат грантлари асосида таълим олиб, бакалавр ҳамда магистр даражасига эга бўлган. 2018-2019 ўқув йилида ОТМни жами 66173 нафар бакалавр ва

магистрлар, шундан 60057 нафар талаба бакалаврият таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклини битирган. Мазкур ўқув йилида 10000 нафар аҳолига мос келувчи талабалар сони 82,2 ни, битирувчилар сони эса 20 нафарни ташкил этмоқда. "Ҳаракатлар стратегияси" дастури вазифаларига мувофиқ 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида қабул квоталарини босқичма-босқич оширилиши муносабати билан ҳозирги ўрнатилган тартибга биноан оширилган квоталар доирасида ОТМни тўрт йилдан кейин, яъни 2020-2021 ўқув йили якунида бакалаврлар битирадилар. Агар республикамизнинг барча ОТМда ёки эксперимент тариқасида "Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ" билим соҳасининг айрим бакалаврият таълим йўналишларида ўқиш муддати уч йил қилиб белгиланса, янги тартиб бўйича 2019-2020 ўқув йили якунидан бошлаб, ҳар ўқув йили якунида 70-75 минг нафар бакалаврлар ОТМни битириб, юқори малакали кадр сифатида жамиятга хизмат қилиш учун корхона ва ташкилотларда меҳнат фаолиятини бошлаши мумкин. Бу таклифимиз қабул квотаси ва битирувчилар сонига таъсир қилмайди, ОТМда педагог ходимлар ва ўқув ёрдамчи ходимларнинг иш ўринлари қисқармайди, фақат кам талабалар бириктирилган факультетлар фаолияти мувофиқлаштирилиши мумкин.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасидаги ОТМни ҳар ўқув йилида ўртача 19 минг нафар талаба давлат гранти асосида, 46 минг нафар талаба контрактация шартномалари асосида битираётгани эътиборга олинса, бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг ОТМда тўрт йилнинг ўрнига уч йил ўқишлари қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самарадорликка олиб келади: биринчидан, ОТМда давлат гранти асосида ўқиётган 19 минг нафар талабанин ҳар бирига сарфланаётган ўртача 8,0 млн. сўм чегирилиб, яъни  $C_1 = 19000 \times 8000000 = 152,0$  млрд. сўм давлат бюджетини ҳисобида қолади; иккинчидан, ОТМда контрактация шартномалари шартларига мувофиқ ўқиётган талабалар учун бир йиллик ўқиш харажатлари  $C_2 = 46000 \times 8000 = 368,0$  млрд. сўмни ташкил этиб, ўқишнинг тўртинчи йили бўлмаганлиги туфайли бу



маблағлар тежалган соф даромад сифатида юридик шахслар ёки оила бюджетига қолади. Бундан ташқари, ҳозирги даврда республикамиз ОТМда 26,3 минг нафар педагог ходимлар ва 17 минг нафар ўқув-ёрдамчи ходимлар фаолият кўрсатаётганини, таклифларимизга мувофиқ бакалаврият таълим йўналиши талабаларининг ОТМда бир йил кам муддатга ўқишларини эътиборга олсак, у ҳолда чегирилган харажатлар 25%ни, яъни педагог ходимларнинг ойлик маошлари эвазига тежаладиган маблағ  $S_p = 6575 \text{ нафар} \times 1,4 \text{ млн. сўм} \times 12 \text{ ой} = 110,46 \text{ млрд. сўми}$ , ўқув-ёрдамчи ходимларга берилмай қоладиган бир йиллик ойлик маошлари  $S_x = 4250 \text{ нафар} \times 0,75 \text{ млн. сўм} \times 12 \text{ ой} = 38,25 \text{ млрд. сўми}$  ташкил қилади; учинчидан, бир ўқув йили учун: а) асосий харажатлардан: хизмат сарфлари, болали оилаларга нафақалар, девонхона харажатлари, моддий ёрдам ва рағбатлантиришлар, иш ҳақиға устамалар, нафақа фонди; б) коммунал харажатлардан: электр энергияси, табиий газ, совуқ сув ва оқова сув, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси, ёритиш хизмати, телефон, телеграф ва почта хизматлари, қўриқлаш хизмати, санитария-эпидемиология назорати хизмати, канализация, лифт хизматлари; в) сотиб олиш харажатларидан: ўқув-лаборатория жиҳозлари ва асбоб-ускуналари, канцелярия маҳсулотлари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар, оргтехника ва инвентарлар, хўжалик ва қурилиш материаллари, чойшаб, ўрин-кўрпа, дори-дармонлар; шунингдек, хавфсизлик техникаси, ёнғин хавфсизлиги, фуқаро мудофааси жиҳозлари; ахборот-коммуникация маҳсулотлари; асосий активлар; ўқув адабиётлари; турли бланклар ва б.; г) ўқув илмий ва ишлаб чиқариш харажатларидан: ўқув адабиётлари яратиш, услубий материаллар тайёрлаш; олимпиада, конференция, семинарлар ўтказиш; ишлаб чиқариш амалиётлари; сайёр ДАК ишлари; тингловчиларни саралаш; интеллектуал мулк амортизацияси ва б.; д) талабалар турар жойлари ва хўжалик харажатларидан: яшаш учун тўловлар, имтиёзли хизматлар ташкил этиш, транспорт воситалари ва техникаларни сақлаш, хизмат кўрсатиш; бензин ва ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш; ижара ва уску-

налардан фойдаланганлик; ёнғин хавфсизлиги, хавфсизлик техникаси ва фуқаро мудофаасини таъминлаш; жиҳозлар, инвентарларни сақлаш; асосий активларни ҳисобдан чиқариш; ҳудудни ободонлаштириш ва б.; е) таъмирлаш харажатларидан: бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш; бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш; бино ва аудиторияларни қайта қуриш; жиҳозлар ва инвентарларни таъмирлаш; янги режалаштирилган қурилишлар; оргтехника, ахборот-коммуникация маҳсулотларини таъмирлаш; бинолар электр тармоқларини таъмирлаш; канализация ва сув тармоқларини таъмирлаш; иситиш тармоқларини таъмирлаш; йўлларни жорий таъмирлаш ва бошқа харажатлар тежалади. Бу тежалган харажатлар юқорида келтирилган харажатларнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Тежалган бир йиллик харажатларни ОТМ сонига кўпайтирсак, жуда катта миқдордаги иқтисодий самарадорлик келиб чиқади. Тежалган маблағлар Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилган "Ҳаракатлар стратегияси" дастури вазифаларини амалга оширишга, олий таълим тизимини тараққий эттиришга, ривожланган хорижий мамлакатлар ОТМ билан ҳамкорликда юртимиз олимлари иштирокида замонавий билимлар яратиш ва тарқатишга, "бутун умр давомида таълим" концепциясини ривожлантиришга сарфланса, Ўзбекистон Республикасининг кўпгина кўрсаткичлар бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига кўтарилиш даражаси тезлашади.

Фикримизча, таклифларимизнинг ижтимоий аҳамияти қуйидагича:

- харажатлар тежалган ҳолда мамлакатда олий маълумотли кадрлар сони ошади;

- корхона ва ташкилотларни зарур мутахассислар билан таъминлаш даражаси тўртдан бир улуш муддат (25%)га, яъни бир йилга тезлашади;

- мамлакатда 10000 нафар аҳолига тўғри келувчи битирувчилар сони ошади;

- жамият аъзоларининг фаоллик ва маданиятлилик даражаси юксалади, дунёқараши ижобий томонга ўзгаради, солиқлар ва бошқа давлат бюджетига алоқадор тўловлар ўз вақтида тўланади, шунингдек, фарзандлар ва шогирдлар тарбиясига, ёрдамга муҳтож аҳоли қатламига эътибор кучаяди;

- жамиятда ноҳуш ҳолатлар (хурматсизлик, ноқонуний даромад орттириш, ўғрилик, талончилик, бировларни камситиш, белгиланган тўловларни ўз вақтида тўла-маслик, ичкиликбозлик, норасмий эмигрантлик, жинойтлар содир этиш: диний экстремизм ва қасддан одам ўлдириш, Ватанга ва оилага хиёнат қилиш, ваҳобийлик, одам савдоси, фоҳишабозлик ва б.) кескин камаяди;

- жамият аъзоларининг ЯИМ ҳажмига қўшадиغان ҳиссаси ошади;

- "умр давомида таълим" концепциясини тараққий эттириш эвазига билимлар "эскирмайди", янгиланади, яратилади ва тарқатилади;

- бир йил мобайнида талабаларнинг ОТМга ўқиш ёки малакавий амалиётларга қатнашиш даври қисқаради;

- жисмоний шахслар томонидан фарзандларининг бир ўқув йилида ўқишлари учун тўланиши лозим бўлиб, тўланмасдан чегирилган ва оила бюджетига қолган маблағни тадбиркорлик ёки бошқа фойдали фаолиятга йўналтириш имконияти яратилади;

- аудитория фонди тақчиллиги туфайли икки навбат (смена)да ишлаётган ОТМнинг бир навбат (смена)да ишлаш, бир навбат (смена)да ишлаётган ОТМда эса бўш (бўшаётган) аудиторияларни ўзаро манфатли шартларда ижарага бериш (абитуриентларни ОТМга кириш имтиҳонларига тайёрлаш, касбга ўргатиш, малака ошириш курслари ва б.) туфайли ОТМ ҳисоб рақамига бюджетдан ташқари маблағ тушириш имкониятлари кенгайди ва бошқалар.

### **Манба ва адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909 сонли Қарори.* [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.* 2018 йил 28 декабрь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарори.* [Lex.uz](http://Lex.uz)

4. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг "Олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилар таркибининг ўқув юкларини ҳамда ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва "устоз-шогирд" ишларини белгилаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи.* 20-2018-сон, 2018 йил 10 сентябрь.

5. *Рахимов Б.Х., Мажидов И.У. Роль профессионального образования в модернизации страны // Подготовка образованного и интеллектуально развитого поколения как важнейшее условие устойчивого развития и модернизации страны. Сборник статей международной конференции. 16-17 февраля 2012 года. - Ташкент. - 2012. - С. 41-43.*

6. *Акрамова Ш.Г. Роль человеческого капитала в обеспечении устойчивого инновационного развития // Иқтисодий ва инновацион технологиялар. - 2014. №. 2. - 11 с.*

7. *Шумейко А.А. Интернационализация и регионализация высшего образования как фактор развития конкурентоспособности университета // Современные проблемы науки и образования. - 2015. №. 6.*

8. *Константинов Г.Н., Филонович С.Р. Университеты, общество знания и парадоксы образования // Вопросы образования. - 2005. №. 4. - С. 106-126.*

9. *Таиров Д. Воздействие человеческого капитала на экономический рост // Биржа эксперт. - Ташкент. -2012. №. 5. - С. 56-58.*

10. *Ряховский Д.И. Реализация программ дополнительного профессионального образования в свете нового закона "Об образовании Российской Федерации" // Проблемы современной экономики. - 2013. №. 4 (48). - С. 367-372.*

11. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стра-*

тегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони (иловалари билан). [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

12. Ўша манба.

13. Савина А.К. Ученые степени и звания в зарубежных странах: общее и особенное // Проблемы современного образования. - 2015. №. 3. - С. 13-14.

14. Ўша манба. - С. 16-17.

15. Ўша манба. - С. 14.

16. Ўша манба. - С. 14.

17. Абрамова И.О. Рынок труда в странах Африки: количественные и качественные характеристики // Проблемы современной экономики. - 2013. №. 4 (48). - С. 128-134.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. №01/2-01-22-521 (махсус буюртма асосида тайёрланган). - Тошкент. - 2018 йил 26 сентябрь. - 7 б.

**Олий таълимда ўқиш муддатлари ва харажатларнинг ўзгариши: устулик ва имкониятлар**

**Акрам Очилов,**

иқтисодиёт фанлари доктори,  
Қарши давлат университети кафедраси  
профессори в.б.

**Аннотация:** олий таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш муаммолари "бутун умр давомида таълим" концепциясига мувофиқ мазкур жараёнларнинг мукамал тизимини яратишни тақозо этади. Муаллиф мақолада масаланинг долзарблиги юзасидан олий таълим муассасалари ўқув режасидаги фанларни оптималлаштириш асосида уч йил муддатда бакалаврлар тайёрлашни таклиф этган ва бу таклифнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баён қилган.

**Таянч сўзлар:** юқори малакали кадр, интеграция, олий таълим тизими, таълим сифати, ўқиш муддати, "умрга етадиган таълим", "бутун умр давомида таълим", билимлар, талаба, битирувчи, "устоз-шогирд" тизими.

**Изменение сроков обучения и затрат в высшем образовании: приоритеты и возможности**

**Акрам Очилов,**

доктор экономических наук,  
и.о. профессора кафедры Каршинского  
государственного университета

**Аннотация:** проблемы управления подготовкой высококвалифицированных кадров в высших образовательных учреждениях на основе концепции "образование через всю жизнь" требуют создания усовершенствованной системы этих процессов. В связи с актуальностью задачи, на основе оптимизации предметов учебного плана высших образовательных учреждений автор предлагает подготовить бакалавров в течение трех лет и излагает социально-экономическую эффективность этого предложения.

**Ключевые слова:** высококвалифицированный кадр, интеграция, система высшего образования, качество образования, срок обучения (учёбы), "образование на всю жизнь", "образование на протяжении всей жизни", знания, студент, выпускник, система "учитель-ученик".

**Changes in terms of training and costs in higher education: priorities and opportunities**

**Akram Ochilov,**

DSC (Economic Sciences), Acting Professor  
of the Department of Karshi state University

**Abstract:** the problems of managing the training of highly qualified personnel in higher educational institutions based on the concept of "education through life" require the creation of an improved system of these processes. Due to the relevance of the task, based on the optimization of the subjects of the curriculum of higher educational institutions, the author suggests preparing bachelors for three years and describes the socio-economic effectiveness of this proposal.

**Keywords:** highly qualified personnel, integration, higher education system, quality of education, term of study, "lifelong education", knowledges, student, graduate, teacher-student system.

**Актам ХОЛОВ,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари),*  
 Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги  
 Давлат бошқаруви академияси доценти


## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Дунёда давлат ва жамият бошқаруви асосларининг тубдан ўзгариши давлат органлари ва ташкилотларини малакали мутахассислар билан таъминлашни, давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсати олиб бориш ҳамда малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришни тақозо этади. Буни амалга оширишда хорижий, хусусан, АҚШ, Япония, Франция, Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Хитой ва Россия каби давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва унинг янги механизмларини мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматчиларини танлаш, тайинлаш, захирасини шакллантириш тизимини такомиллаштиришда қўллаш ва уларнинг лавозимини ўзгартиришда субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш орқали самарадорлигини таъминлаш масаласига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Президентимиз Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: "Одамлар орасида яшаш, уларнинг дардига қулоқ солиш, аҳолининг эҳтиёжлари ва қонуний талабларини амалга ошириш учун тезкор чоралар қўриш - ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси", ҳисобланади. Шунингдек, "Кадрлар билан ишлашда йўл қўйиладиган нуқсонлар ушбу камчиликларнинг асосий сабабларидан биридир. Айни вақтда қўйилган вазифаларни масъулият билан ва профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган кадрларнинг амалий захираси яратилмаганлигини афсус билан қайд этиш керак",<sup>1</sup> деган фикрлари бошқарув кадрлари тайёрлаш тизимини бугунги замон

ва давр талабидан келиб чиқиб, қайта ислоҳ этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш борасида дунёда бўлаётган ўзгаришларга Ўзбекистоннинг интеграциялашиши, инновацион тафаккур, бозор конъюнктураси ва рақобатига жавоб берадиган, мустақил ва тезкор қарорлар қабул қиладиган кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади (1-расм).



**1-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1.2. "Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш" деб номланган бандида давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш, иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ҳамда давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш вазифаси белгиланган<sup>2</sup>. Бу Ўзбекистонда бошқарув

кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг назарий-методологик асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, истиқболда давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг самарали усуллари жорий этиш имконини беради.


Ўзбекистонда сўнгги йилларда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5185-сонли, 2017 йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5139-сонли, 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843-сонли фармонлари ва 2018 йил 30 майдаги "Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3755-сонли ва 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожланти-

риш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4472-сонли қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг стратегик мақсадларига эришиш салоҳиятли раҳбар ва бошқарув кадрлари тайёрлаш масаласи билан узвий боғлиқ. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбар кадрларига қўйилаётган янги талаблар, уларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Олдимизга қўйган мақсад-муддаоларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа - бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, масъулиятли ва жавобгарликни ҳис этадиган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган, фидойи раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат. Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиши зарур.



2-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш

Бугун жамият ижтимоий-сиёсий институтларининг трансформациялашиш жараёнида давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш муаммоси хорижий олимлар томонидан турли илмий-амалий мақсадлар негизда ҳам тадқиқ этилган. Хусусан, Фарб олимларидан Р.Чалдини, М.Вебер, А.Файоль, Е.Вильсон, К.Поппер, Ж.Сартр ва бошқалар бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ташқи муҳит таъсирининг роли<sup>3</sup>, фаолиятни функционал тақсимлашнинг аҳамияти<sup>4</sup>, горизонтал таъсирнинг аҳамияти<sup>5</sup> ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмларини шакллантиришга доир масалаларни тадқиқ этганлар.

Юртимиз олимлари томонидан давлат хизмати кадрларини тайёрлаш тизимига оид масалалар билвосита ва бевосита тадқиқ эти-

либ, бу жараён ҳозирги кунда, яъни туб ислохотлар амалга оширилаётган даврда ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Жумладан, Қ.Абдурахмонов, М.Бекмуродов, Қ.Қуранбоев, Ф.Равшанов, Ж. Юсубов, М.Атамуротов каби олимларимиз тадқиқотларида бошқарув кадрлари ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тарихи, миллий ўзига хослиги, унинг маънавий, ахлоқий жиҳатларини ўзида акс эттирган муаммолар ўрганилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Биз бошқарув соҳасида биринчи навбатда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишимиз зарур",<sup>6</sup> деган концептуал фикр давлат фуқаролик хизматида киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланиш тизимини комплекс тадқиқ этишни талаб этади.



3-расм. Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги тизимли муаммолар

Мазкур соҳада юзага келган асосий муаммоларни ҳал этиш мамлакатда раҳбар кадрларнинг маҳоратини намоён этувчи мезонларни белгилаш, профессионал раҳбар кадрлар тайёрлашга ёрдам бериши мумкин:

биринчидан, мамлакатимизда мустақиллик йилларида шаклланган раҳбарлик маҳорати талаблари, унинг мезонлари ва таснифларини миллий ўзига хослик асосида ривожлантириб бориш;

иккинчидан, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш, жумладан, миллий, республика, тармоқ ва ҳудудий даражаларда профессионал тайёрланган самарали кадрлар захирасини шакллантириш;

учинчидан, республикада давлат ва маҳаллий бошқарув тизимини замонавийлаштириш, профессионал қобилиятга эга бўлган кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишни кўзда тутади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: "Яқин истиқболдаги долзарб вазифалардан бири - ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказишдан иборат"<sup>7</sup>,


деб таъкидлаши бундан буён тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, иқтисодиёт, молия бўлимлари, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш туман ҳокими томонидан амалга оширилишини аниқлатади.



4-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш бўйича машғулотларнинг назарий ва амалий тематикаси<sup>8</sup>

Бу, ўз навбатида, кадрларни марказлаштирилган тарзда танлов асосида саралаб олиш, давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз ма-

лақасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини ўрганишни тақозо этади.



5-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг методологик асослари

Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш билан боғлиқ хорижий тажрибаларга таянадиган бўлсак,

уларга миллий бошқарув қадриятларига мос келадиган томонларини ўзлаштириш нуқтаи назаридан эътибор қаратиш керак.

Жумладан, Франция, Япония, Германия, АҚШ, Россия, Хитой, Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея ва БАА давлатларида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимининг концептуал асосларининг яратилиш босқичларини ўрганиш, мамлакатимизнинг бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сиёсатига мувофиқ келадиган томонларини алоҳида ўрганиб чиқиш лозим. Масалан, француз бошқарув кадрлари сиёсати хизмат категорияларига боғланган бўлиб, шахснинг маълумот даражаси (қандай ўқув юртини тугатганлиги) лавозим даражасини (яъни, қандай категориядаги лавозимни эгаллай олишини) аниқлаб беради ёки Япония бошқарув кадрлари сиёсатида лавозимга талабгорлар учун ўнга яқин турдаги имтиҳонлар белгилаб қўйилган бўлиб, биринчи (ўрта мактабни битирганлар учун), иккинчи (олий таълимни битирганлар учун), учинчи (амалда фаолият кўрсатаётганлар учун) даражаларга ажратилган.

**Германияда ҳам бошқарув кадрлари фаолиятини ташкил этишда имтиҳонлар топшириш анъанаси шаклланган бўлса-да, бироқ конкурс (танлов)лар муҳим ўрин тутади. Конкурслар эса бошқа давлатлардан фарқли равишда олий суд инстанцияси томонидан назорат қилинади. Бу мамлакатда раҳбарларни муассаса раҳбарининг ихтиёрига кўра ва сайлаш асосида тайинлаш тамойили ҳам амал қилади.**

Лариса Титаренко немис моделининг хусусиятларини ўрганган бўлиб<sup>9</sup>, давлат хизматчиларини ўқитишнинг немис модели ушбу вазифаларни белгилаш учун ҳуқуқий асосга асосланган сиёсат ва маъмурият ўртасидаги фарқни ўз ичига олади. Германияда давлат хизматчиларига қўйиладиган асосий талаблар касбий таълим ва махсус тайёргарликдир, уларнинг турлари ва фаолияти давлат бошқаруви даражасига кўра фарқланади. Баланд ва юқори даражадаги мансабдор шахслар олий маълумотга эга бўлишлари керак.

Германияда бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда Ички ишлар академияси қошидаги Федерал Давлат

бошқаруви академияси (Federal Academy of Public Administration) ва Херти давлат бошқаруви мактаблари (Hertie School of Governance) етакчи ўринларни эгаллайди. Гумбольт номидаги Берлин университетининг Давлат бошқаруви факультети, Подстам университети, Подстам Электрон ҳукумат илмий тадқиқот марказларида ҳам бошқарув кадрларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Германияда Федерал Давлат бошқаруви академиясида ўқув жараёни давомида тингловчилар ўз назарий билимларини амалиётда олган кўникмалари билан мустақамлаб борадилар. Тўлиқ ўқув курси 36 ойни ташкил этгани ҳолда, ундан вазирликлар ва агентликларда амалиёт ўтиш учун 18 ой ажратилади. Уч йиллик ўқув дастури 2200 соатни ташкил этиб, ундан 720 соати умумметодологик фанларга ажратилади. Умумметодологик фанлар қаторидан конституцион ҳуқуқ, фуқаролик ва маъмурий қонунчилик, сиёсатшунослик, иқтисодиёт ва молия, менежмент, ахборот тизимлари, психология, социология ва педагогика каби фанлар ўрин эгаллаган. Ҳар бир фан бўйича якуний имтиҳон топширилиши кўзда тутилган. Имтиҳонлар ёзма ва оғзаки шаклларда бўлиб, баъзи фанлардан курс иши ва мустақил иш бажарилиши талаб этилади.

Ростислав Ищенко ҳам немис моделининг айрим жиҳатларини ўрганиб қуйидагича хулосага келган<sup>10</sup>: давлат хизматчиларини ўқитишнинг немис модели малака оширишнинг бир нечта шаклларини ўз ичига олади (янги бошловчилар учун малака ошириш, мутахассислик ва лавозим бўйича малака ошириш, юқори даражали хизматга ўтиш учун малака ошириш ва менежерлар учун малака ошириш), уларни икки тоифага бўлиш мумкин: Биринчиси, давлат хизматчилари ўртасида тегишли билим даражасини таъминлашга, иккинчиси – уларнинг ўзгаришга мослашишига қаратилган.

Россия бошқарув кадрлари сиёсатида лавозимларни категориялаштириш, имтиҳон ва конкурслар, ҳужжатлар асосида ўрганиш ва фаолиятни бошқариш тизими, аттестация ва қайта тайёрлаш муҳим роль ўйнайди. Айниқса, губернаторларга қўйил-



ган умумий талаблар ёшларни бошқарувга жалб этиш, раҳбарнинг жавобгарлиги муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Украиналик тадқиқотчи О. Пархоменко-Куцевильнинг фикрича<sup>11</sup>, давлат хизматчилари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларини ўқитиш давлат бошқаруви тизимининг муҳим элементи ҳисобланади, чунки кадрлар тайёрлаш давлат бошқаруви тизимининг профессионал тизимини, уларнинг давлат бошқарувининг мақбул, самарали қарорларини қабул қилиш, ушбу қарорларни самарали амалга ошириш қобилиятини таъминлайди. Жамиятнинг замонавий ривожланиши интернет-технологиялар ва ўқитиш, симуляция ўйинлари ва бошқаларни тақдим эта оладиган давлат хизматчиларининг кадрлар потенциалини доимий равишда тақомиллаштиришни талаб қилади.**

Америкада давлат хизматидаги раҳбарлар очиқ танлов асосида танлаб олинади. Давлат лавозимини эгаллаш учун номзод имтиҳон топширади. Танлов билан бирга, махсус ўқитиш дастурларидан фойдаланилади. Фолиб чиққан номзод лавозимга тайинланади<sup>12</sup>.

Франция Республикасида давлат ва жамият бошқаруви раҳбар кадрлари "давлат хизмати административ кадрлари" (Les cadres de service d'Etat de l'administrative) таркибига киритилади. Давлат ҳокимиятининг ҳар уч йўналишида - қонунчилик, ижро ва суд органларида хизмат қилувчилардан бошлаб, пойтахт ва провинциялардаги барча давлат ходимларигача - мазкур тизим соҳаларига тааллуқли давлат хизмати кадрлари ҳисобланади. Давлат хизмати мамлакат ҳудудий жойлашиш ва белгилардан келиб чиқиб, икки даражага бўлинади: марказий давлат хизмати ва маҳаллий давлат хизмати<sup>13</sup>.

Раймон Шганьоль француз модели ҳақида қуйидагича хулосаларга келган<sup>14</sup>: "узлуксиз таълим" ёки "узлуксиз касбий таълим" каби тушунчалар француз модели учун долзарбдир. Буларга: давлат хизматчисини биринчи лавозимга тайёрлаш (бошланғич касбий тайёргарлик) ва унинг бутун фаолияти давомида тайёргарлик кира-

ди. Амалиёт ўқув жараёнининг муҳим элементи бўлиб, кўп вақт талаб этади. Бўлажак мансабдор шахсга ўз мамлакатидagi ҳақиқий вазиятни қандай баҳолашни, бошқа тизим ҳамда менталитет ва ишлашнинг бошқа услубини ўрганишни ўрганишга имкон берадиган чет эл амалиётидан ўтиш зарур. Францияда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўзининг бир қатор бўғинларига эга. Улар қуйидагилардан иборат:

биринчи бўғин Университет тайёрлови деб аталиб, университетларда, юридик ва политехника институтларида энг юқори тоифага кирувчи давлат хизматчилари тайёрланади. Улар бу ерда фундаментал назарий тайёргарликдан ўтадилар ва бир нечта хизмат поғоналаридан кўтарилгач, давлат бошқарув органларида фаолият олиб борадилар;

иккинчи бўғин ихтисослаштирилган институтларда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш деб аталади. Ушбу институтларга: Давлат бошқаруви институти, Миллий бошқарув мактаби, Политехника мактаби кабилар киради. Бу ҳақда Сорбон университети профессори Жан Клод Тенинг: "Ҳар бир француз ўз фарзандини Миллий бошқарув мактаби ёки Политехника мактабида ўқишини орзу қилади"<sup>15</sup>, деб айтган;

учинчи бўғин ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлаш усули бўлиб, унда тажриба алмашиш, меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиш, бевосита хизмат вазифаларини бажариш давомида билимларни такомиллаштириш ва малака ҳосил қилишга эришилади. Францияда бу борада: мэрлар ўз ишини ана шу лавозимда ишлаб ўрганадилар, деган нақл юради. Бу фикрни ривожлантириб, бошқа ҳар қандай соҳа мутахассисини ҳам бунга мисол қилиш мумкин;

тўртинчи бўғин - тажриба орттириш (стажировка) йўли билан тайёрлаш. Бу жараёнда ходим аниқ дастур асосида тажрибали мутахассислар раҳбарлигида амалиёт ўтади. Бундай тайёрлашнинг мақсади амалиётчига келгусида бажариши лозим бўлган вазифаларни ўргатишдан иборат;

бешинчи бўғин - тўхтовсиз тайёргарлик. Бу бўғин хизмат давомида ўзини доимий мустақил тайёрлашни ўз ичига олади. Бу усул, шунингдек, ўқув таътилида амалга

оширилиши мумкин. Бундай таътил учун маъмурият томонидан ҳақ тўланади ва ходимнинг хоҳишига кўра, унинг бутун хизмат фаолияти давоми учун уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши мумкин. Ходим берилган таътилдан, асосан, ходимларни бошқариш малакасини ошириш, менежмент, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, янги бошқарув технологиялари ва бошқа фанларни чуқурроқ ўрганиш учун фойдаланади.


М. Миненко ўз тадқиқотларида француз моделида малака оширишнинг қуйидаги шакллари тилга олади<sup>16</sup>: 1) касбий фазилатларни сақлаш ёки яхшилашга қаратилган такомиллаштириш тадбирлари; 2) ходимларнинг технология ва маъмурий тузилмалардаги ўзгаришлар, маданий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ва улардан келиб чиқадиган ўзгаришларга яроқлилигини таъминлаш; 3) лавозимда бўлган мансабдор шахслар учун ташкил этиладиган мусобақалар, шунингдек, мақсади лавозимни ўсиши бўлган профессионал имтиҳонлар ва мусобақаларга тайёргарлик кўриш; 4) икки йўналишни қамраб олган мослашув чоралари: биринчи лавозимга мослашиш (давлат хизматида мослашиш) ва янги лавозимга мослашиш (кадрлар таркибини ўзгартириш); 5) тайёргарлик учун таътил (таътилнинг энг кўп давомийлиги - уч йил, лекин уни давлатнинг розилиги билан ўқитиш учун ажратиш мумкин, агар агент маъмуриятда камида уч йил ишласа).

Японияда давлат хизмати кадрларининг қонунчиликка риоя этишига доир назорат фаолиятини амалга ошириш Министрлар Кабинети (Вазирлар Маҳкамаси) ҳузуридаги "Кадрлар ишлари бўйича Миллий Палата" ва "Миллий кадрларни бошқариш Кенгаши" (у Кадрлар ишлари Кенгаши деб ҳам юритилади) ваколатлари сифатида белгиланган. Кадрлар ишлари бўйича Миллий Палатага Кабинет қарори ва парламентнинг ҳар иккала палатаси розилиги билан қўйиладиган учта раҳбар тайинланиб, улардан бири раис вазифасини бажаради. Раис мақоми давлат вазири мақомига тенглаштирилган. Шунингдек, Миллий кадрларни бошқариш Кенгаши аъзоларининг номзоди Император томонидан тасдиқланади<sup>17</sup>.

Япон ташкилотлари ва давлат хизмати мактаб ҳамда олийгоҳлардан махсус тайёргарликни талаб қилмайди. Улар ўзларига керакли малакани ўзлари беради, яъни касбий таълим корхонада берилади. Ҳар бир вазирлик ўз хизматчилари малакасини ошириш бўйича ишлайди ва ўзининг махсус институтларига эга. Юқори лавозимдагиларни ўқитиш мақсадга мувофиқ эмас, уларга ўзини ўзи тайёрлаш ва мустақил ўқиш кифоя, чунки улар шу даражага етгунча пастроқ лавозимларда ротациядан ўтишган, иш жойларида кўп тайёргарлик кўришган ва ташқи ўқув муассасаларида малака оширишган. Маҳаллий ҳокимият давлат хизматчилари Давлат хизмати академиясида тайёрланади (47 та перфектура, 3200 та мэрия). Давлат хизмати академияси ҳар йили минглаб перфектура ва муниципалитетлар давлат хизматчиларини қайта тайёрлайди ва малакасини оширади.

**Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин"**<sup>18</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасида фаолият олиб бораётган 7 та академия, 23 та институт, 16 та факультет, 4 та марказ ва 16 та малака ошириш курслари мавжуд. Мустақиллик йилларида давлат бошқаруви кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ҳар бир соҳанинг хусусиятлари ва бу соҳа хизматчиларига қўйиладиган талаблардан келиб чиққан ҳолда олий ўқув марказлари шаклланди. Булар: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Қуролли Кучлар академияси, Солиқ академияси, Ички ишлар академияси, Ислом академияси, Суд ва адлия ходимларининг малакасини ошириш



**6-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари**

маркази, Божхона олий институти, Тошкент шаҳри ва мамлакат вилоятларидаги педагогик кадрлар малакасини ошириш марказлари, вилоятлар ҳокимиятлари қошида тузилган ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлар малакасини ошириш ўқув марказлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5139-сонли Фармони асосан, Давлат бошқаруви академияси тизимли ва стратегик фикрлаш кўникмаларига эга бўлган бошқарув кадрларини тайёрлаш ва малакасини оширишни самарали ташкил этиш самара-

дорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш йўлида кадрлар захирасини яратиш борасида фаолият олиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги "Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 745-сонли Қарори иловасига мувофиқ, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат таълим стандарти ва талаблари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг

хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-3901-сонли Қарорига асосан Гулистон, Қарши, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида Академиянинг ҳудудий филиаллари ташкил этилган бўлиб, уларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари учун вазирлик, идора ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини жалб этган ҳолда доимий асосда Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институти (НИИ), Корея давлат бошқаруви институти (КІРА), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЦ), Европа менежменти ва технологиялари мактаби (ЕМТМ)<sup>19</sup> билан ҳамкорликда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури (UNDP) доирасида ўқув-амалий семинарлар ташкил этилмоқда.

**Ҳозирги кунда Академияда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш қуйидаги шаклларда амалга оширилмоқда: 1) магистратуранинг икки йиллик таълим дастури бўйича грант ва тўлов-контракт асосида тайёрлаш; 2) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида, давомийлиги бир йилгача бўлган дастурлар бўйича қайта тайёрлаш; 3) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида 3 йилда бир марта, давомийлиги бир ойгача бўлган қисқа муддатли малака ошириш йўналишлари бўйича раҳбар ва бошқарув кадрлари тайёрланмоқда.**

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев "Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун "социал лифт" вазифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак",<sup>20</sup> деб таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги "Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3206-сонли Қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Институт давлат муассасаси бўлиб, Президент хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилди. Муассаса фаолияти ёшлар муаммоларини ўрганиш, бу йўналишда илмий тадқиқот ва таҳлилий фаолият олиб бориш, шунингдек, истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: "Кадрлар билан ишлаш ҳолатини ҳам танқидий таҳлил қилиш зарур",<sup>21</sup> деган фикри давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этади. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсад мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- таълим муассасаларида танлов асосида давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш;

- ёш кадрлар учун давлат органлари ва ташкилотларидаги тажрибали раҳбарлар ва мутахассислар томонидан устозлик институтини жорий қилиш;

- истиқболли кадрларни Миллий кадрлар резервига қўшиш учун танлов саралашларини ташкил қилиш;

- танлов саралашлари натижалари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар захирасини интеграциялаш;

- давлат фуқаролик хизматчиларини қисқа муддатларда (масалан, ҳафтада бир марта) ўз иш жойларида видеоконференциялар орқали малакасини ошириб бориш. Бунда рўй бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили билан боғлиқ маълумотларни таҳлилчилар орқали давлат хизматчиларига етказиб бориш имконияти кенгайтирилади;

- давлат фуқаролик хизматчилари компетентлигидан келиб чиққан ҳолда 3 ойлик ёки 6 ойлик курсларда ўқитиш. Биринчи вазиятда уларни ўз лавозимларига қайта тайёрлаш; иккинчи ҳолатда уларни лавозим ўсишига эришиш мақсадида малакасини ошириш курсларига тавсия этиш;

- давлат хизматчиларининг "карьерга модели" асосида ўсишини таъминлаб берадиган дастур яратиш. Дастурда соҳалар кесимида ўсиб бораётганини аниқ йўлини белгилаш ва бу борадаги зарур кўникмаларни аниқлаш. Мазкур дастур асосида лавозимдан келиб чиқиб ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ва уларнинг "социал лифт" орқали ўсишини таъминлаш. Бу лавозим жиҳатдан қандай билимлар зарур бўлса, шуларни ўзлаштиришни таъминлашга хизмат қилади.

### Манба ва адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамуз. -Т.: Ўзбекистон, 2017. -Б. 481.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-илова. www.lex.uz

3. Allport G.W. *The Nature of Prejudice*, Mass, Addison. Wesley, Cambridge, 1954.

4. Сартр Ж. *Проблемы метода*. - М.: 1994.

5. Клайд Кей Клахон. *Зеркало для человека. Введение в антропологию*. - Санкт-Петербург, 1998.

6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамуз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. -Б. 26-27.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkatmirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

9. Tytarenko L. (2003), "Preparation of a management elite in Ukraine and foreign experience", *Aktual'ni problemy derzhavnoho upravlinnia: zbirnyk naukovykh prats' Odes'koho rehional'noho instytutu derzhavnoho upravlinnia*, vol. 1 (13), p. 206-216.

10. Ischenko O. (2003), "Topical issues of

*personnel policy at the present stage*", *Visnyk UADU*, vol. 1, p. 5-11.

11. <https://cyberleninka.ru/article/n/innovative-approach-to-training-civil-servants-and-local-government-officials>

12. Қаранг: Ахлоқ масалалари билан шуғулланувчи комиссия (Кинг округи). - Вашингтон, 1998. Б. 5-6. (Кўшимча маълумотлар учун Жереми Поупга мурожаат қилиш мумкин: //Jeremy/pope@tiri.org).

13. Снягин Ю., Николаева М. *Законодательное и профессионально-содержательное в психологической диагностике*. Государственная служба. 2010 г. №. 4-5.

14. Қаранг: Ардан Ф. *Франция: государственная система*. -М.: Французское посольство в Москве, 1994. - С.114.

15. "Государственная служба: теория и организация". - Ростов-на-Дону: "Феникс".1998 г.- С. 451.

16. Міненко М. *Пізвищення кваліфікації управлінських кадрів у розвинених європейських країнах: досвід для України / М. Мшенко // Вюн. УАДУ. - 2004. - № 4. - С. 464-470.*

17. Равшанов Ф.Р. *Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. // Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация*. -Тошкент, 2009. 136-бет.

18. Мирзиёев Ш.М. *Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз*. -Т.: Ўзбекистон, 2017. -Б. 120.

19. Германиянинг "Даймлер", "Сименс", "БМВ", "Люфтганза", "Тиссен Крупп", "МАН", "Кнауф" сингари 25 та етакчи компанияси ташаббуси билан 2002 йилда асос солинган.

20. Мирзиёев Ш.М. *Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси*. 2017 йил 12 июль. www.lex.uz

21. Мирзиёев Ш.М. *Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак*. -Т.: Ўзбекистон, 2017. -Б. 33.

**Давлат фуқаролик хизматчиларини  
узлуксиз ривожлантиришнинг  
назарий-методологик жиҳатлари**

**Актам Холов,**  
*PhD (иқтисодиёт фанлари),  
Ўзбекистон Республикаси Президентини  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
доценти*

**Аннотация:** мақолада давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари таҳлил қилинган. Германия, Россия, АҚШ, Франция ва Японияда давлат хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий-услубий ва амалий муаммоларини ечиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** давлат фуқаролик хизматчилари, кадрлар сиёсати, бошқарув кадрлари, касб маҳорати, узлуксиз ривожлантириш, инсон ресурсларини ривожлантириш, раҳбар кадрларга қўйилаётган талаблар, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

**Теоретико-методологические аспекты  
непрерывного развития  
государственных  
гражданских служащих**

**Актам Холов,**  
*PhD (экономических наук),  
доцент Академии государственного  
управления при Президенте  
Республики Узбекистан*

**Аннотация:** в статье анализируются теоретико-методологические аспекты непре-

рывного развития государственных гражданских служащих. Были изучены особенности оценки работы государственных служащих в Германии, России, США, Франции и Японии. Также были разработаны предложения и рекомендации для решения теоретических, методологических и практических проблем непрерывного развития государственных служащих.

**Ключевые слова:** государственные гражданские служащие, кадровая политика, управленческий персонал, профессиональные навыки, постоянное развитие, развитие человеческих ресурсов, требования к менеджерам, обучение, переподготовка и повышение квалификации управленческого персонала.

**Theoretical and methodological  
aspects of continuous development  
of civil servants**

**Aktam Kholov,**  
*PhD (Economic Sciences),  
Associate Professor the Academy of the Public  
Administration under the President of the  
Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** the article analyzes the theoretical and methodological aspects of the continuous development of civil servants. The features of evaluating the performance of public servants in Germany, Russia, the USA, France, and Japan were studied. Also, suggestions and recommendations were developed to solve the theoretical, methodological and practical problems of the continuous development of civil servants.

**Keywords:** civil servants, personnel policy, managerial staff, professional skills, continuous development, human resource development, requirements for managers, training, retraining and advanced training of managerial staff.

Дониёр АБДИВАХОБОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси бош методисти

## БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДА ХОДИМЛАРНИ МОТИВАЦИЯЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ

Сўнгги йиллардаги меҳнатни рағбатлантиришни ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, бу тизим ҳозирги кунгача эски ғоялар билан, яъни ходимлар ўз иш ўрнини сақлаб қолиш керак, деган ғоялар билан шаклланиб қолганлиги, бундай тизим эса замонавий меҳнат мотивациясига мутлақо тўғри келмаслигини яққол кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: "Иш юзасидан талабчанлик қилиш бошқа, одамларнинг шахсиятига тегиш бутунлай бошқа нарса. Одамлар иш юзасидан сизга бўйсунishi мумкин, бошқа ҳар қандай масалада сиз билан теппа-тенг ҳуқуққа эга эканини асло эсдан чиқарманг. ...Барчамиз яхши биламиз, халқимиз ориятли, номусли халқ. Халқимиз барча нарсага чидаши мумкин, лекин такрор-такрор айтаман, адолатсизлик ва ноҳақликка чидай олмайди. Ҳақиқий раҳбар, ҳақиқий етакчи одамларнинг бардошини синаш учун эмас, балки уларга муносиб шарт-шароит яратиш бериш, оғирини енгил қилиш учун раҳбар этиб тайинланади. Барча бўғиндаги раҳбарлар ўзининг одоб-ахлоқи ва маданияти билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиши зарур"<sup>1</sup>.

Мотивация учун ташқи муҳит аҳамиятининг таҳлили анъанавий меҳнатни рағбатлантириш тизимларининг тўлиқ самарасизлигини кўрсатди. Бунинг сабаби эса эски рағбатлантириш тизимлари йўқ қилинмай, янгилари ҳали ҳам шаклланмаганлигидадир. Бундай ҳулосалар ҳозирги босқичда мотивация инқирози ва ходимларнинг ривожланиши ҳамда эҳтиёжларини қондириш учун янги ёндашувни яратиш зарурати ҳақида гапиришга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев шундай деган эди: "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак"<sup>2</sup>.

**Рағбатлантиришнинг янги усуларини излашнинг мураккаблиги, биринчи навбатда, жамиятнинг тобора кучайиб бораётган табақаланишида, бой ва камбағалларга кескин бўлинишида эҳтиёжларнинг катта фарқланишига олиб келади. Иккинчидан, қуйи ижтимоий қатламларнинг қашшоқлашиши соф физиологик эҳтиёжлар даражасининг пасайишига олиб келади, бу кўпинча маънавиятнинг етишмаслиги ва бир кун билан яшаш истагига олиб келишидир.**

Ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мулкчилик шаклларининг ҳар бири алоҳида ташкилотда воситалар ва усулларни танлашда ўз изини қолдирмоқда.

Мотивация иш натижаларига бевосита боғлиқ. Энди у ҳар бир раҳбар ҳаётида ҳар қачонгидан ҳам муҳим роль ўйнайди. Раҳбарлар ўзларига бўйсунувчиларни нима қилиш кераклигини айтадиган вақтлар аллақачон ўтиб кетган. Эндиликда ходимлар аввалгидан кўра кўпроқ иш берувчилардан талабчан бўлиб бормоқда. Улар ташкилотда нималар бўлаётганини билишни, ҳар бир жараёнда иштирок этишни, улар билан маслаҳатлашишни хоҳлашяпти.

Улар, албатта, ишдан қониқиш мақсадида, бажараётган барча вазифалар ҳақиқий аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилишлари керак. Ходимлар ишдан мамнун бўлса, улар вазифаларни яхши бажарадилар. Агар ходимлар етарлича маълумотга эга бўлмасалар, бу турли хил йўллар билан ўзини намоён қилиши мумкин:

ишдан бўшатишлар сони кўпаяди, ходимлар шахсий телефон суҳбатлари ва шахсий муаммоларни ҳал қилишга кўпроқ вақт сарфлайдилар ва тушлик пайтида кечикишлар ортиб боради. Шу билан бирга, бюрократия кундалик фаолиятнинг бир қисмига айланади. Бундан ташқари, қизиқиш ва эътиборнинг етишмаслиги туфайли ишнинг сифати ва суръати пасаяди, ходимларда масъулиятни ўз бўйнига олиш истаги йўқолади.

Санаб ўтилган жиҳатларни ҳисобга олсак, ишнинг барча жиҳати, натижаси мотивация билан чамбарчас боғлиқ, деган хулосага келишимиз мумкин. Етарлича мотивацияга эга бўлган ходимлар ўз олдларига қўйилган барча талабларни виждонан бажаришни хоҳлайдиган ва бажара оладиган самарали ходимлардир.

Рағбатлантириш учун шароит яратиш дегани "одамлар ҳар доим ўз ишини завқ билан бажаришига ишонч ҳосил қилиши", шунда салбий ҳиссиётларни келтириб чиқарадиган омиллар камлиги ва ижобийларни келтириб чиқарадиган омиллар кўпроқ бўлиши керак. Шубҳасиз, мотивация раҳбардан ҳалоллик ва самимийликни талаб қилади. Агар сиз одамларга бефарқ бўлсангиз, самарали мотивацияга ишониш жуда қийин бўлади.

Мотивация концепцияси жуда кўп мотивацион тенденциялардан иборат. Афсуски, "мотивация" тушунчасининг аниқ ва умумэътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Турли муаллифлар мотивация нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда таъриф беришди. Масалан, Г.Г. Зайтсев шундай таъриф беради: "Мотивация муайян эҳтиёжларни қондириш истаги билан боғлиқ бўлган шахслар, жамоалар, гуруҳларнинг фаол ишлаши учун рағбатдир".

Б.Ю. Сербинский нуқтаи назарича: "Мотивация – одамларни ишлашга ундаш"<sup>3</sup>. Бироқ, туртки беришнинг барча таърифлари бу ёки бошқа усуллар билан бир-бирига ўхшаш: мотивация деганда, тирик мавжудотларнинг хатти-ҳаракатларини белгилайдиган фаол ҳаракатлантирувчи кучлар тушунилади. Шуни таъкидлаш керакки, инсоннинг хатти-ҳаракатига ҳар доим туртки бўлиши керак. Ходимларни рағбатлантириш уларнинг муҳим манфа-

атлари ва бирор нарсага бўлган эҳтиёжларига таъсир қилишни англатади. Мотивациядаги бузилишларнинг бир нечта сабаби бўлиши мумкин, улар ходимлар ўртасидаги шахслараро низолаарга асосланади. Ўнлаб, ҳатто, юзлаб одамларни ишлашга тайёр бўлиши ва доимий инновацияларга интилишда муҳим натижаларга эришган намунали компаниялар шуни кўрсатадики, кўпчилик ходимларни голиб деб ҳис қилдиган тизимларни яратиш имконсиздир.

**"Мотивация" тушунчасини кенгроқ очиб берган Э.А.Уткина уни куйидагича тарифлайди: "Мотивация – шахснинг ўзига хос ҳолати бўлиб, у муайян вазиятда одамнинг ҳаракат даражаси ва йўналишини белгилайди"<sup>4</sup>.**

Ҳаракат ҳар доим маълум бир вазият билан боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсоннинг фаолияти ва унинг ишнинг натижалари нисбати эгри чизиқ билан тавсифланади. Дастлаб, фаолият ўсиши билан натижалар кўпаяди, кейинчалик маълум фаолият даражасида натижалар бир хил даражада сақланади. Фаолият оптимал диапазон чегарасидан ошиб кетгандан сўнг, натижалар ёмонлашади. Бундан келиб чиқадикки, менежер қўл остидаги ходимларнинг максимал фаоллигига эришиш учун эмас, балки уларнинг фаолиятини мақбул даражага кўтариши зарур.

Шуни ёдда тутиш лозимки, фаоллар зарур мотивацияни таъминламайди. Бирор киши тиришқоқлик билан ишлаши, фаол бўлиши мумкин, аммо агар у ўз фаолиятини нотўғри йўналишга йўналтирса, ижобий натижалар бўлмайди. Шунга ўхшаш вазият нотўғри йўналтирилган меҳнат туфайли, инсоннинг эҳтиёжлари ва жамоанинг мақсадлари ўртасидаги зиддиятлар келиб чиқиши ҳам ҳақиқат.

Ҳозирги мотивациялар ходимларнинг хусусиятлари, вазифалари ва вақтига қараб ўзгаради, чунки мотивацияни яратиш ва сақлаш жуда мураккаб масала. Шунга қарамай, мотивацияни шакллантириш ва сақлашнинг умумий принциплари мавжуд. Менежер, иложи борича, ишнинг жозибдорлиги, ижодий табиати бўйича ходимларнинг мотивациясини излашга чақирилади. Инсоннинг хулқ-атвори қоида тариқасида



битта сабаб билан эмас, балки уларнинг йиғиндиси билан белгиланади. Улар доирасида инсоннинг ўзаро таъсир даражаси бўйича бир-бирига аниқ муносабатда бўлишади.

Демак, шахснинг мотивацион тузилиши муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун асос бўлиб, мотивация тузилиши маълум барқарорлик билан тавсифланади, лекин, шу билан бирга, у шахснинг тарбияси, ўқиши ва бошқа омилларга боғлиқ равишда ўзгариши мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳаётда "ташқи" ва "ички" мотивация ўртасида аниқ фарқ йўқ. Баъзи мотивлар баъзи ҳолларда "ички" мотивация, бошқаларида "ташқи" мотивация асосида юзага келади. Баъзида мотив бир вақтнинг ўзида турли хил мотивация тизимлари томонидан ҳосил бўлади. Маълумки, мотивация инсоннинг иш бажариши учун катта аҳамиятга эга, аммо мотивация ва меҳнат фаолиятининг якуний натижаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ. Баъзан ўзига ишониб топширилган ишларни сифатли бажаришга эътибор қаратган киши, кам иштиёқли ходимга қараганда ёмонроқ оқибатларга олиб келади. Мотивация ва меҳнатнинг якуний натижаси ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликнинг йўқлиги бошқа омилларга, хусусан, инсоннинг малакаси ва қобилиятига, бажарилаётган вазифани тўғри тушуниш ва бошқаларга таъсир қилиши билан боғлиқ. Мотивация жараёнининг энг зарур элементар моделида фақат тўртта элемент мавжуд (1-расм).



1-расм. Мотивациянинг энг зарур элементар модели

Бошқарувда мотивация даражасини ҳисобга олишга катта аҳамият берилади. Қониқарли хулқ-атвор даражасида ходим-

лар раҳбарият учун мақбул бўлган минимал даражага эришадилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ходимлар, одатда, тўлиқ куч билан ишламайдилар ва озгина кучларини тежайдилар, аммо уларнинг қўшимча ҳаракатлари тўғри баҳоланиши ва мукофотланишига ишончлари комил бўлган тақдирда барча кучларини ишга сарфлайдилар. Менежернинг вазифаси ходимларга иш жараёнида уларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш, бу эса самарали натижага эришишдир. Жараён сифатида таҳлил қилинган мотивацияни кетма-кет босқичлар сифатида ифодалаш мумкин:

МОТИВАЦИЯ босқичлари:
Эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши
Эҳтиёжнинг қондирилиши
Ҳаракатни амалга ошириш
Ҳаракатларнинг мақсади (йўналиши)ни аниқлаш
Эҳтиёжни бартараф этиш

2-расм. Таҳлил қилинган мотивациянинг кетма-кетлиги

Мотивация жараёнининг мантигини билиш бу жараённи бошқаришда ҳал қилувчи афзалликларни таъминламайди. Бу ерда муҳим омил - мотивларнинг ноаниқлиги. Ниятлар нимани аниқлашини тахмин қилиш мумкин, аммо аниқ бир шаклда уларни ажратиш қийин.

Муайян шароитда маълум бир одамнинг мотивацион жараёнида қайси мотивлар етакчи эканлигини аниқлаш жуда қийин.

Ушбу муаммони тизимли ўрганиш XX аср бошларида бошланган. Меҳнат инқирози билан тавсифланган замонавий шароитларда меҳнат мотивацияси феноменини ўрганиш муҳимлиги шубҳасиз.

Ушбу мавзунинг долзарблиги ходимларни самарали рағбатлантириш замонавий ташкилотлар рақобатдошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири эканлиги билан белгиланади. Шунингдек, ўзига хос хусусиятларга мос мотивация механизмларини яратишнинг назарий жиҳатлари янада ривожланишни талаб қилади. Ташкилотлар ходимларини рағбатлантириш механизмларини қўллаш бўйича амалий чоралар ҳали ҳам мукамал эмас.

Сўнгги беш йил давомида ходимларни рағбатлантиришни бошқариш, меҳнатни рағбатлантириш тизимларини яратиш бўйича аниқ иш олиб боришда аниқланган барча муаммолар қаторини қуйидагиларга қисқартириш мумкин: ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-психологик, бошқарув ва ахлоқий. Бирор даражада бу шартли бўлинишдир, чунки амалда мазкур муаммолар кўпинча бир-бири билан боғлиқ.

**Ҳуқуқий масалалар.** Баъзан ташкилот мақсадларига эришиш учун иш берувчи ўзининг бошқарув ваколатини суиистеъмол қилади ва ходимнинг шахсияти бундан азият чекади.

Асосан, бундай муаммолар йирик компаниялар ва йирик шаҳарлар учун хос. Бундай шароитда юқори малакали ходим у ерда ҳар доим иш топишини ва у нега қулай бўлишини тушунади.

Шу сабабли, иш берувчига ўз компани-

ясида ходимни сақлаб қолиш ва максимал фойда олиш учун шароит яратиш вазифаси қўйилади. Бу ҳолда иш ҳақи, бонуслар, махсус ижтимоий ва компенсация тўловларига қадар бўлган кредитлар тизимлари каби чоралар қўлланилади. Ушбу барча чора-тадбирлар натижасида корпорация шахсиятни ўзига сингдиради, иш берувчининг умумий кучи мустаҳкамланади, ходим ташкилотнинг оила аъзосига айланади, унинг ҳиссий бўйсунлигини таъминлаш учун психологик экспериментлар ўтказилади. Бу, айниқса, ходимлар учун ҳуқуқий ҳимоя мавжуд бўлмаган ҳолларда тўғри келади.

**Иқтисодий муаммолар.** Иқтисодий муаммолар қуйидаги ҳолатлар туфайли юзага келади: иш ҳақининг камлиги, натижалар ва иш ҳақи ўртасидаги боғлиқлик, ташкилотларнинг ходимларни ресурсларга қараб ишлашга ундаш имкониятларига қараб табақаланади (1-жадвал).

1-жадвал.

**Ходимларда мавжуд иқтисодий муаммолар**

АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР	
<b>ИШ ҲАҚИНИНГ КАМЛИГИ</b>	<b>ТОВАРЛАР ТАННАРХИНИНГ КЎТАРИЛИШИ</b>
Иш ҳақи пастлиги билан боғлиқ вазият бозор муносабатларига ўтиш даврида қийинчилик туғдиради	Иш ҳақининг қайсидир миқдорга кўпайиши ходим назарида иш ҳақи ханузгача пастлигини ифодалайди

**Ижтимоий-психологик муаммолар.** Ушбу муаммолар ижтимоий ҳимоянинг мотивацияси таъсири билан боғлиқ. Энг асосий эҳтиёжлар энг кучли мотиватор эканлигига ишонилади. Ижтимоий ҳимоянинг юқори даражаси ходимларни ишдан бўшатади. Баъзи давлатлар томонидан белгиланган энг кам иш ҳақи, яшаш даражасидан қарийб 4 баравар паст (шунингдек, фуқаролик меъёрларига кўра жуда кам) универсал демотиватор ҳисобланади. Бу ерда муаммо шундаки, бундай минимумлар иш берувчига иш ҳақини тежаш орқали қўшимча даромад олиш имкониятини беради.

Ушбу муаммонинг тадқиқотчилари таъкидлашича, деформациялар меҳнат шароитлари ва ёшга боғлиқ. Деформациялар ходимларнинг шахсий ҳолатини бузади ва меҳнат унумдорлигини пасайтиради.

**Бошқарув муаммолари.** Таъкидланишича, бошқарувдаги миллий тафовутлар ходим-

нинг ижтимоий-маданий ва ижтимоий-психологик хусусиятлари билан боғлиқ.

Замонавий жамиятда инсон - ҳар қандай компания рақобатдошлигининг асосий манбаи. Шунинг учун, биринчи муаммо - меҳнат жараёнининг мослашувчанлигини ошириш эмас, балки ортиқча қиймат олишнинг энг яхши шакллари танлаб, унинг ишлаш механизмнинг мослашувчанлиги.

Бундан ташқари, нафақат демократлаштиришнинг шартли сифатида ходимларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини кенгайтириш, балки уларнинг капитал ўсиши билан боғлиқ қарорларни қабул қилишдаги иштироки, лекин, аслида, ўз-ўзини эксплуатация қилиш функцияларини ходимларга топшириш муҳим.

Шундай қилиб, меҳнат мотивациясини шакллантириш билан боғлиқ асосий муаммоларни кўриб чиқдик. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш керак. Ходимларни бош-

қариш бўйича менежерлар бу муаммоларни ўз фаолиятида қанчалик тез ҳисобга олишса, ходимларнинг меҳнат мотивацияси шунчалик яхши самара беради. Меҳнат мотивациясининг механизми шундан иборатки, муаммолар доимий равишда пайдо бўлади, ўзгаради ва янги босқичда намоён бўлади.

Кадрларни рағбатлантириш тизимини (интеграл даражани) бошқариш соҳасида ўрганиш жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун чора-тадбирларни амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари таклиф этилади (2-жадвал):

2-жадвал.

**Муаммоларни ҳал қилиш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар йўналишлари**

1.	Тизим бошқарувида инсон аралашувини камайтириш
2.	Ходимлар мотивацияси учун ресурсларни ошириш тизимини жорий этиш
3.	Ходимлар мотивациясини оширишда моддий таъминотни кенг жорий этиш ҳамда уларнинг доимий эҳтиёжларидан хабардор бўлиш
4.	Ходимлар мотивациясини доимий ўрганиб боровчи бўлим ташкил этиш

Шахсга йўналтирилган ва мотивацион тизимнинг функционал қуйи тизимини бошқаришни такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш керак (3-жадвал):

Мотивациянинг муваффақияти - тўғри тузилган корхона сиёсати, корхонанинг қабул қилинган тамойиллари ҳамда вазифаларига ҳалол ва қатъий риоя қилиш, шунингдек, одамларга самимий ҳурмат ва ғамхўрлик. Мотивация тизимини такомиллаштириш ходимларнинг содиқлигини сезиларли даражада ошириш томон ходимларни бошқариш тизими самарадорлигини оширишни ўз ичига олади.

Раҳбарлик хислатлари ва муваффақиятли фаоллик ҳақида олимлар қуйидагича фикрларни билдириб ўтганлар:

- ҳақиқий раҳбарлар деярли ҳеч қачон бақирмайди. Раҳбар шундай муҳит яратадими, унда одамлар раҳбарни хафа қилишдан хижолат бўлади. Айбдорлик ҳисси ва ҳурмат - кўрқувдан кўра анча самарали туртки (Жеймс Коуми);

- муваффақиятнинг ягона сири - одамларнинг кўнгилга йўл топиш (Теодор Рузвелт);

- одамларга чин кўнгилдан беминнат ёрдам бер, бироқ, дангаса ва ишёқмасларга эмас (Жон Рокфеллер);

- болам, амалингни туз, хулқингни ун, деб бил. Яъни, хулқинг шундай зиёда бўлсинки, хулқинг билан амалингни қийинлаштириш орасидаги фарқ туз билан ун қоришмасидагидек бўлсин. Хушхулқлик билан қилинган оз амал, бадхулқлик

билан қилинган кўп амалдан хайрлидир (Абдуфаттоҳ Абу Фудда)<sup>5</sup>.

Меҳнат мотивацияси ҳақидаги замонавий илмий ғояларни ўрганиш қуйидагича хулоса қилишга имкон беради: меҳнат мотивацияси – ходимларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш орқали корхона мақсадларига эришишга қаратилган бошқарув тизими. Бу каби салоҳиятлар ҳозирги кунга келиб ҳар раҳбар лавозимидаги шахслардан талаб этилади. Чунки "Раҳбарлик қилиш учун махсус билимлар, кўникмалардан ташқари одамлар билан муомала қилиш, қўл остидагилар билан тил топишиш, топқирлик, ҳозиржавоблик, аҳил ва жипслашган жамоа тузиш қобилияти каби қирралар бир кишининг ўзида мужассам бўлиши лозим. Уч-тўрт нафар ишчи-ходимга раҳбарлик қилиб, иш буюриш, уларни умумий мақсадга йўналтириш мушкулроқ"<sup>6</sup>.

Корхонада "ходим ишидан қониқиш" бўйича самарали мотивацион комплексни яратиш фойдалидир. Аниқланишича, ходим агар ўз касбини тўғри танлаган бўлса, олинган вазифалар унинг малакасига мос бўлса, ваколатли раҳбари бўлса, жамоада қулай ижтимоий-психологик муҳит яратилса, бажарилган иш жамоат учун фойдали бўлса, унда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлса, ҳамма нарсага қодирлигини кўрсатади. Корхоналарни бошқаришда самарали назорат ва адолатли аниқлик, меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш, ҳаётни тартибга солиш, нормал ва эстетик меҳнат шароитларига олиб келади.

Мотивация усуллари ва уларнинг амалий аҳамиятини ўрганиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мотивлар инсон меҳнатида муҳим роль ўйнайди. Уларсиз меҳнат фаолияти мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилмайди. Аммо мотивлар бошқача ва инсоннинг

йўналтирилган ёки йўналтирилмаган фаолиятига олиб келадиган турли хил кучли томонлар билан ҳаракат қилиши мумкин.

2. Мотивациянинг амалий вазифаси ходимларнинг мотивацион муносабатлари ва уларнинг касбий ҳамда шахсий потенциалларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чи-

3-жадвал.

**Қуйи тизим бошқарувини такомиллаштириш учун чора-тадбирлар**

ҚУЙИ ТИЗИМ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН ЧОРА-ТАДБИРЛАР
❖ Ходимларни рағбатлантиришда функциянал куйи тизимнинг барча элементи учун яхлит меъёрий ва услубий ёрдамни яратиш лозим;
❖ Номоддий мотивация омилларининг аҳамиятини ошириш зарур;
❖ Ташкилотда кучли ташкилий маданиятни яратиш даркор;
❖ Ходимлар учун алоҳида рағбатлантиришнинг иқтисодий асослаш тизимини яратиш керак.

қариш фаолиятига эътиборни қаратиш учун ходимларга самарали таъсир қилишнинг турли усуллари танлашдир.

3. Ҳар доим ва ҳар қандай шароитда ходимларни рағбатлантиришнинг самарали бўлган ягона усули мавжуд эмас. Бироқ менежер томонидан ишлатиладиган ҳар қандай усул компания томонидан танланган инсон ресурсларини бошқариш стратегиясига асосланади. Бу шуни англатадики, мотивациялашнинг ўзига хос усулни танлаш, биринчи навбатда, компания бошқарган ёки кузатмоқчи бўлган ходимларни бошқаришнинг умумий стратегиясини белгилаши керак.

4. Менежментнинг кичик бир қисми - ходимларни рағбатлантиришни кўриб чиқсак, мотивация меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада оширади ва бу даромаднинг ошишига олиб келади.

5. Мотивация муаммоси энг долзарб бўлиб қолмоқда ва афсуски, амалий жиҳатдан ҳал қилинмаган муаммо ҳисобланади.

**Манба ва адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. 2017 йил 15 ноябрдаги видеоселектор йиғилиши. <http://www.uza.uz>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентини Мирзиёев Ш. // <https://www.mana.uz/quote/2111>

3. <https://studfile.net/preview/3994157/page:2/> Теоретические основы мотивации - сайтдан таржима.

4. Уткин Э.А. Основы мотивационного менеджмента. - Москва: 2000. - С. 352.

5. <https://www.mana.uz>

6. Раззоқов Ш. Раҳбарлик санъати/ - Т.: Lesson press, 2017. 5-б.

**Бошқарув жараёнида ходимларни мотивациялашнинг замонавий услублари**

**Дониёр Абдиваҳобов,**

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бош методисти

**Аннотация:** ушбу мақолада бошқарув жараёнида ходимларни мотивациялашнинг замонавий услублари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, бошқарув функцияларини амалга оширишда ходимларни мотивация қилиш шакллари ва воситалари ёритилган. Бошқарув жараёнида ходимларни мотивациялаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** шахсий жавобгарлик, танқидий таҳлил, мотивация, бошқарув психологияси, рағбатлантириш, талабчанлик хусусияти, эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, интеграл даража, мотивация тизими, ижтимоий-психологик муҳит.

**Современные методы мотивации  
сотрудников в процессе управления**

**Дониёр Абдивахобов,**  
*главный методист Академии  
государственного управления при  
Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** в данной статье анализируются современные методы мотивации сотрудников в процессе управления. В то же время рассматриваются формы и средства мотивации сотрудников при реализации функций управления. Предложения и рекомендации были разработаны для мотивации сотрудников в процессе управления.

**Ключевые слова:** личная ответственность, критический анализ, мотивация, психология управления, мотивация, требовательный характер, возникновение потребностей, интегральный уровень, система мотивации, социально-психологическая среда.

**Modern methods of motivation  
employees in the management process**

**Doniyor Abdivakhobov,**  
*chief Specialist of the Academy of Public  
Administration Under the President of the  
Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** this article analyzes modern methods of motivating employees in the management process. At the same time, the forms and means of motivating employees in the implementation of management functions are analysed. Suggestions and recommendations are developed to motivate employees in the management process.

**Keywords:** personal responsibility, critical analysis, motivation, management psychology, motivation, demanding nature, emergence of needs, integral level, motivation system, socio-psychological environment.

**Давлат бошқарувида хавфсизлик ва ахборот технологиялари /  
Безопасность и информационные технологии в государственном управлении /  
Security and information technologies in public administration**

**Хамид АБДУРАМАНОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни  
белгилаш Олий мактаби мустақил тадқиқотчиси*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОГРАФИК  
ХАВФСИЗЛИК ИНДИКАТОРЛАРИ**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналишида аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва улар билан аҳолини қамраб олишни кенгайтириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни муносиб турар жой билан таъминлаш ва фаровонлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар белгиланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган давлат бўлиб, у ташқи босимларга қарамай, иқтисодий хавфсизликка ташқи ва ички таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиб, жаҳонда ўз позициясини мустақамлашда давом этмоқда. Бунда ижтимоий-демографик барқарорлик давлатнинг жадал ривожланиши учун асосий кафолат бўлади. Шу муносабат билан давлатнинг вазифаси чора-тадбирлар мажмуи ва бошқарув тартиб-таомилларини қўллаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатувчи демографик жараёнларнинг олдини олишдан иборат.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида шаклланган замонавий демографик вазият тобора ташвишли кўриниш олмақда. Хусусан, жамиятнинг кексайиши жараёнининг қуйидан кучайиши, меҳнатга лаёқатли аҳолига демографик босимнинг ортиши, иқтисодий ривожланган мамлакатлар ўлчови бўйича аҳоли узоқ умр кўриши ўртача даражасининг

пастиги, ноқонуний миграция жараёнларининг юқорилиги фаолиятнинг турли соҳаларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу салбий тенденциялар демографик хавфсизлик индикаторларини таҳлил қилиш ҳамда таҳдидларни камайтиришни тақозо этади.

**Демографик хавфсизликни комплекс тадқиқ ва таҳлил этиш демографик жараёнларни янада тўлиқ ва чуқур ўрганиш, уларнинг тенденциялари ва ўзига хос хусусиятларини, демографик хавфсизлик даражасини пасайтирувчи салбий демографик ҳодисалар сабабларини аниқлаш имконини беради. Салбий ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, сифатли прогноз асосида демографик жараёнларга бошқарув таъсири дастурлари тузилади. Айниқса, демографик инқироз ва салбий жараёнлар оқибатларини эмас, балки сабабларини бартараф этиш муҳим ҳисобланади<sup>2</sup>.**

Демографик хавфсизликни комплекс таҳлил қилишни таҳлилнинг ташқи муҳит тарафдан баҳолашни (демографик хавфсизликнинг энг устувор индикаторларини аниқлашни) ва ички тарафдан маъмурий-ҳудудий бирликларни ҳудудий табақалашни ўз ичига олувчи алоҳида даражаларининг яхлит ўзаро боғланган тузилмаси сифатида кўриб чиқиш таклиф этилади. Иккала даража ҳам макон ва вақт нуқтаи назаридан таҳлил ўтказишни назарда тутати<sup>3</sup>.

Таҳлилнинг вақт жиҳати демографик хавфсизлик индикаторлари динамикаси-

нинг асосий тенденцияларини, улардаги таркибий ўзгаришларни тавсифлашни талаб этади. Макон нуқтаи назаридан таҳлил эса демографик хавфсизликнинг ҳудудий табақаланишини миқдорий жиҳатдан тавсифлашни, ҳудудий ҳар хилликни белгилаб берувчи омилларни аниқлашни ўз ичига олади (1- ва 2-жадваллар).

Депопуляция демографик хавфсизликка реал таҳдидлардан бири ҳисобланади. Бу жараён, бир томондан, туғилиш даражасининг пастлиги (бу авлодларнинг оддий алмашинувини таъминламайди), иккинчи томондан, ўлим даражасининг ўта юқорилиги туфайли келиб чиқади. Ўзбекистонга депопуляция жараёни хос эмас. Сабаби, ўлганларга қараганда, туғилганлар сони устунлик қилади.

Аҳолининг ёш таркиби барча демографик кўрсаткичларга бевосита таъсир қилади. Масалан, агар аҳолининг ёш таркибида ёшларнинг улуши нисбатан юқори

бўлса, аҳолида оила қуриш ва туғилишнинг юқори даражаси кузатилади. Ўз навбатида, демографик жараёнлар ҳам аҳолининг ёш таркибига бевосита таъсир кўрсади. Туғилганлар сонининг камайиши аҳолининг демографик қариши, яъни аҳоли таркибида кексалар улушининг ортишига олиб келади.

Бутун кўриб чиқилаётган давр мобайнида меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг улуши устунлик қилди, бироқ охириги икки-уч йилда унинг барқарор пасайиши кузатилмоқда. Айни пайтда, аҳоли таркибида кекса инсонлар улуши ортиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг кексайишига олиб келади. Аҳоли кексайган сайин давлат бюджетига босимнинг ортиб бориши, пенсия таъминоти тизимини молиялаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёжнинг кескинлашуви иқтисодиёт учун муҳим муаммога айланади.

**1-жадвал**

**Демографик хавфсизлик индикаторлари**

Худудлар	Й и л л а р									Чегаравий-чекланган киймати
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Депопуляция коэффициенти	0,22	0,23	0,23	0,21	0,21	0,21	0,21	0,22	0,20	1,0 ва ундан юқори
Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати, %	4,0	1,5	1,5	1,6	1,7	1,8	1,7	1,7	1,8	1,3 ва ундан юқори
Аҳолининг кексайиш коэффициенти, %	7,6	7,8	8,1	8,4	8,7	9,0	9,4	9,7	10,1	15,0 ва ундан юқори
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталарнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбати	0,12	0,12	0,13	0,13	0,14	0,14	0,15	0,16	0,17	0,40 ва ундан кўп
Демографик босим, %	63,6	62,5	62,0	62,1	62,9	64,0	65,2	66,5	68,0	60 ва ундан кўп
Туғилишнинг умумий коэффициенти, ‰	22,0	21,2	21,0	22,5	23,3	23,5	22,8	22,1	23,3	16,0 ва ундан кам
Туғилишнинг йиғинди коэффициенти	2,34	2,23	2,19	2,35	2,45	2,49	2,45	2,41	2,60	2,20 ва ундан кам
Ўлимнинг умумий коэффициенти, ‰	4,8	4,9	4,9	4,8	4,9	4,9	4,9	5,0	4,7	10,0 ва ундан юқори
Туғилганлар умумий сонига нисбатан туғилганлар улуши, %	9,7	9,5	9,1	8,9	8,5	8,3	8,3	8,5	7,9	5,0 ва ундан юқори
Ўдаклар ўлими, ‰	11,0	10,4	10,2	9,8	10,8	11,4	10,7	11,5	9,9	20,0 ва ундан юқори
Туғилганда кўтиляётган ҳаёт давомийлиги, ёш	73,0	73,0	73,1	73,4	73,4	73,6	73,8	73,7	74,6	81 ва ундан кам
Эркаклар	70,6	70,6	70,7	71,1	71,1	71,2	71,4	71,3	72,3	77 ва ундан кам
Аёллар	75,1	75,2	75,5	75,8	75,8	76,0	76,2	76,1	77,0	85 ва ундан кам
Аҳолининг табиий ҳаракати сальдоси, киши	496 399	479 582	479 118	533 847	568 275	582 106	571 379	554 796	613 607	ижобий (депопуляциянинг йўқлиги)
Миграцион ўсиш (камайиш), киши	-44 083	-47 584	-40 952	-34 566	-38 562	-29 299	-26 248	-18 599	-14 729	ижобий (аҳолининг ўсиши)

*Манба: жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.*

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг кексайиш коэффициенти мунтазам ортиб, 2018 йилда 10,1 фоизга тенг бўлди. Бу кўрсаткич республиканинг демографик ривожланишига таҳдид солмайди.

Аммо 2-жадвалдаги маълумотларга асосланиб, республика ҳудудлари бўйича таҳлил қилсак, Тошкент шаҳрида аҳолининг кексайиш коэффициенти 15,5 фоизни таш-

кил этади. Бу мамлакат пойтахтининг ривожланишига реал демографик таҳдид ҳисобланади.

Аҳолининг кексайиши ҳозирги даврнинг замонавий демографик ҳодисаси ҳисобланиб, гарчи унинг ривожланиш интенсивлиги турлича бўлса-да, барча мамлакатлар учун хос бўлмоқда. Кишилиқ жамияти ривожланишининг ҳозирги

Демографик хавфсизлик индикаторлари (2018 йил)

Худудлар	Ўзбекистон	Қорақалпоғистон	Андижон	Бухоро	Жиззах	Қашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент	Фарғона	Хоразм	Тошкент ш.	Чекланган кийимати
Депопуляция коэффициенти	0,20	0,21	0,21	0,20	0,17	0,16	0,19	0,18	0,16	0,16	0,21	0,27	0,21	0,20	0,35	1,0
Аҳолининг кексайиш коэффициенти, %	10,1	8,9	9,9	10,9	9,5	8,5	10,1	9,3	9,6	8,3	8,4	12,0	10,5	8,8	15,5	15,0
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталарнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбати	0,17	0,14	0,16	0,17	0,15	0,14	0,16	0,15	0,16	0,13	0,13	0,19	0,17	0,14	0,26	0,40
Демографик босим, %	68,0	65,1	66,0	63,4	68,8	67,9	63,7	64,6	69,5	67,7	63,4	66,7	65,3	64,7	69,5	60
Туғилишнинг умумий коэффициенти, %	23,3	21,6	23,8	21,5	25,2	25,8	22,2	24,4	26,3	26,9	22,3	20,6	22,3	22,0	18,3	16,0
Туғилишнинг йиғинди коэффициенти	2,60	2,42	2,70	2,42	2,69	2,78	2,46	2,66	2,86	2,85	2,32	2,37	2,49	2,44	2,34	2,20
Ўлимнинг умумий коэффициенти, %	4,7	4,6	5,1	4,2	4,2	4,1	4,3	4,5	4,3	4,2	4,6	5,7	4,6	4,5	6,3	10,0
Туғилганлар умумий сонига нисбатан туғилганлар улуши, %	7,9	14,0	9,7	4,6	7,9	9,0	3,2	7,7	3,7	10,7	10,7	9,2	7,0	7,4	7,4	5,0
Ўдаклар ўлими, %	9,9	13,9	14,5	7,4	9,8	9,0	7,0	12,1	7,2	9,3	12,1	9,2	6,0	13,0	12,8	20,0
Туғилганда қутилаётган ҳаёт давомийлиги, ёш	74,6	73,2	73,1	76,6	77,3	74,8	75,8	74,6	74,8	74,4	71,7	74,0	75,4	73,6	75,6	81
Эркаклар	72,3	70,9	71,4	74,7	73,1	72,7	74,0	73,1	72,5	72,5	69,8	71,1	73,4	71,5	71,7	77
Аёллар	77,0	75,6	74,8	78,4	82,1	77,0	77,6	76,2	77,1	76,4	73,5	76,9	77,4	75,7	79,0	85
Аҳолининг табиий ҳаракати сальдоси, киши	613607	31506	57010	32360	28205	68896	17434	54290	82655	57561	14555	42993	64439	31900	29803	ижобий
Миграцион ўсиш (камайиш), киши	-14729	-4045	-1861	-2675	-823	-4220	-965	-959	-3757	-1888	-526	-5733	-1366	-1144	15233	ижобий

Манба: жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

босқичида ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар демографик жараёнларга сезиларли даражада таъсир кўрсатди: туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари кескин камайди, аҳолининг туғилганда қутилаётган ҳаёт давомийлиги узайди. Бунинг натижасида аҳолининг кексайиш жараёни бошланди.

**БМТ демографлари томонидан демографик қариш даражасини баҳолаш мақсадида уч босқичли шкала ишлаб чиқилган. Унга кўра, аҳолининг ёш таркибида 65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг улуши 4,0 фоиздан кам бўлса - демографик ёш, 4,0-7,0% бўлса - қариш бўсағасида, 7,0 %дан ошса, ҳудуд аҳолиси демографик қари ҳисобланади<sup>4</sup>.**

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2018 йилда республика аҳолиси таркибида 65 ва ундан юқори ёшдагилар улуши 4,6 фоизни ташкил этди. Демак, Ўзбекистон Республикаси халқаро мезонлар бўйича демографик кексайиш бўсағасидаги мамлакатлар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари аҳолиси кексайиш даражаси бўйича гуруҳларга ажратилди (3-жадвал).

3-жадвалдан кўринадики, республика бўйича фақат Тошкент шаҳрининг аҳолиси демографик кекса ҳисобланади. Аммо сўнгги йилларда республиканинг кўпчилик ҳудудлари аҳолиси "демографик ёш"дан "демографик кексайиш бўсағаси"га ўтмоқда. Хусусан, 2014 йилда республиканинг 3 та ҳудуди аҳолиси демографик кексайиш бўсағасида бўлган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 6 тани, 2018 йилда эса 8 тани ташкил этган. Ўз навбатида, аҳолиси демографик ёш бўлган ҳудудлар сони йил сайин камайиб борган. Яъни, 2014 йилда уларнинг сони 10 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилда 7 тани, 2018 йилда эса атиги 5 тани ташкил этган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталарнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонига нисбати ҳам демографик хавфсизлик индикатори ҳисобланади. Бу нисбатан Ўзбекистонда 0,17 нафарни, кексалар улуши юқори Тошкент шаҳрида эса, 0,26 нафарни ташкил этади. Бугунги кунда ва яқин келажакда ҳам бу индикатор демографик таҳдид солмайди.

Аҳолининг ёш таркибини иқтисодий жиҳатдан ўрганишда ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолига қанча бо-



**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари аҳолисининг кексайиш даражаси  
бўйича гуруҳланиши**

Аҳолининг кексайиш даражаси	2014 йил	2016 йил	2018 йил
Демографик ёш	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари	Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари	Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари
Демографик кексайиш бўсағасида	Бухоро, Тошкент ва Фарғона вилоятлари	Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари	Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятлари
Демографик кекса	Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳри	Тошкент шаҳри

*Жадвал муаллиф томонидан халқаро қабул қилинган мезондан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида гуруҳланган.*

лалар ва кексалар тўғри келиши ҳақида тасаввур берадиган демографик босим кўрсаткичи амалий аҳамиятга эга.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, 1991 йилда ҳар 100 та меҳнат ёшидаги аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сони 103,8 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 68,0 тага тенг бўлган. Бошқача айтганда, меҳнатга лаёқатли бир кишига 1991 йилда 1 та, 2019 йилда эса 0,68 та меҳнатга лаёқатсиз аҳоли тўғри келган. Бу, албатта, ижобий ҳолат ҳисобланади. Ўзбекистонда юзага келган мазкур демографик вазият меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Ҳар 100 нафар меҳнатга лаёқатли аҳолига тўғри келадиган меҳнатга лаёқатсизлар сони 60 нафар ва ундан ошса, мамлакатга демографик таҳдид ҳисобланади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 68,0 нафарни ташкил этади. Бу эса демографик босимни камайтириш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Демографик муаммоларнинг кескинлиги аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви билан ҳам боғлиқ. Статистик маълумотларга қараганда, 2010 йилда ҳар 100 000 кишига нисбатан аҳолининг умумий касалланиш кўрсаткичи 47436,8 нафарни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 47853,8 нафарга тенг бўлган ёки 0,9 фоизга ўсган. Бу даврда аҳолининг умумий

касалланиш кўрсаткичи Сирдарё вилояти (52,5%), Тошкент шаҳри (44,5%), Сурхондарё вилояти (30,2%), Қорақалпоғистон Республикасида (13,6%) юқори суръатда ўсган.

Ўзбекистонда аҳоли (жисмоний, руҳий ва ижтимоий) саломатлиги ўлим даражасининг юқори бўлишига олиб келиши муқаррар. Биринчи навбатда, қон айланиш аъзолари касалликлари, жароҳатлар ва захарланишлар, янги пайдо бўлган касалликлар, нафас олиш аъзолари касалликлари республика аҳолиси ўлимнинг асосий сабаблари ҳисобланади<sup>5</sup>.

Инсонларнинг ярмидан кўпи (59,7%) қон айланиш тизими касалликларидан вафот этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2010-2018 йиллар давомида ҳар 100 000 аҳолига қон айланиш тизими билан касалланиш кўрсаткичи 25,1 фоизга ортган. Тошкент шаҳри, Навоий, Фарғона ва Андижон вилоятларида қон айланиш тизими билан касалланиш кўрсаткичи юқори.

Ўлимнинг асосий сабаблари ичида хавфли ўсимталар улуши катта эканлиги ташвишли ҳолат. Шаҳар аҳолисининг ўлими таркибида уларнинг роли қишлоқ аҳолисидагига қараганда юқори. Эркакларда ошқозон ва ўпка, аёлларда ошқозон ва кўкрак беши саратони устунлик қилади.

Шундай қилиб, барча ёшларда ва барча сабабларга кўра, аҳоли касалланиши ва ўлимнинг ортиб бориши реал демографик

таҳдид ҳисобланади. Бунда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг касалланиши билан боғлиқ энг кескин вазият кузатилади.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг касалланиши ва ўлими даражасининг юқорилиги нафақат меҳнат ресурсларининг сонини қисқартиради, балки бевалар, етимлар ва тўлиқсиз оилалар сонининг ортишига олиб келади. Меҳнатга лаёқатли ёшда ўлганларнинг кўпчилигини эркаклар ташкил қилади, эркаклар ўлими аёллар ўлимига қараганда 3,2 марта кўп. Бунда агар Ўзбекистон Республикаси аёллари ўлимининг таркибида асосий улуш қон айланиши тизимининг касалликларига тўғри келса (49,3%), эркакларда ўлимнинг энг юқори улушини бахтсиз ҳодисалар, заҳарланиш, жароҳатлар ташкил қилади (45,5%). Бундай ҳолат, биринчи навбатда, қуйидагилар билан изоҳланади: эркаклар кўпинча соғлиқ учун зарарли фаолият турларида иш билан банд; аёллар ўз соғлиғи билан боғлиқ муаммоларидан яхши хабардор, чунки бунга катта эътибор қаратади, шифокорларга тез-тез мурожаат қилиб туради; эркаклардан фарқли ўлароқ, аёллар хавфли бўлмаган сурункали касалликларга кўпроқ чалинади; соғлиқнинг ёмонлашувига олиб келувчи ва ўлим хавфини оширувчи ташқи шароитлар эркакларга ҳам, аёлларга ҳам деярли бир хил таъсир кўрсатади. Бироқ эркакларда салбий ташқи таъсирлар кўпинча бевосита ўлимга олиб келади, аёлларда эса бу соғлиқнинг ёмонлашуви билан чекланади.

**Аҳоли, биринчи навбатда, оналар ва болалар соғлиғининг ёмонлашуви демографик хатарли омиллардан бири ҳисобланади. Республикада ҳомиладор аёллар ўртасида касалланиш даражаси юқори суръатлар билан ўсмоқда, уларнинг қарийб 70 фоизда ҳомиладорлик қийин кечган, тўртдан бир қисми камқонликдан азият чеккан. Аёллар касалланишининг барқарор ўсиши уларнинг фарзанд туғиш функциясига, кейинчалик эса фарзандларнинг соғлиғига таъсир кўрсатади.**

Ўзбекистонда оналар ўлими коэффициенти (100 000 тирик туғилганга нисбатан) 2018 йилда 20,2 нафарни ташкил қилди.

Тошкент шаҳри (28,5%), Навоий вилояти (27,8%), Сурхондарё вилояти (27,8%) ва Қорақалпоғистон Республикасида (27,4%) оналар ўлими кўрсаткичи юқори.

Ҳар бир кейинги авлод соғлиғининг ёмонлашуви мамлакат хавфсизлигига потенциал таҳдид ҳисобланади ҳамда аҳолининг репродуктив саломатлиги ва меҳнат ресурслари сифатининг пасайишига олиб келади.

2018 йилда республикада гўдаклар ўлими коэффициенти (1 000 тирик туғилганга нисбатан 1 ёшгача ўлганлар сони) 9,9 нафарни ташкил этди. Гўдаклар ўлимининг энг юқори кўрсаткичлари Андижон вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатилади. Қуйидагилар гўдаклар ўлимининг асосий сабаби бўлиб қолмоқда: перинатал давр патологияси (46,0%), туғма аномалия (21,9%), нафас олиш аъзолари касалликлари (10,6%), жароҳатлар ва заҳарланишлар (6,0%), юқумли касалликлар (3,4%). Тиббий хизмат кўрсатишнинг паст даражаси, шунингдек, қишлоқ жойларида шошилиш тиббий ёрдамнинг мавжуд эмаслиги гўдаклар ўлими кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Қишлоқ жойларида бир ёшгача бўлган болалар ўлими шаҳардагига қараганда тез-тез кузатилади.

Аҳоли соғлиғининг ёмонлашуви кўплаб сабаблар билан боғлиқ бўлиб, улар ичида соғлиқни сақлаш тизими ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти ва аҳолига тиббий ёрдам даражасини баҳолаш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Аҳоли касалланиш кўрсаткичларининг ортиши оиланинг демографик ривожланишига таҳдид солади. Сўнгги йилларда республикада баъзи ижтимоий аҳамиятга эга касалланиш кўрсаткичлари ортмоқда (4-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, ҳар 100 000 аҳолига нисбатан аҳолининг сил билан касалланиши 2010 йилда 61,6 нафарни ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 43,0 нафарга тенг бўлган. Кўриниб турибдики, аҳолининг сил билан касалланиши йил сайин камайиб бормоқда. Халқаро мезонлар бўйича ҳар 100 000 аҳолига нисбатан аҳолининг сил билан касалланиши-

Аҳолининг касалланиши бўйича демографик хавфсизлик индикаторлари

Худудлар	Й и л л а р									Чегаравий-чекланган қиймати
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Аҳолининг сил билан касалланиши (хар 100 000 аҳолига нисбатан)	61,6	53,1	51,6	50,8	47,8	46,9	45,3	44,9	43,0	35,0 (эпидемиологик чегара)
Аҳолининг рухий касалликлар билан касалланиши (хар 100 000 аҳолига нисбатан)	130,2	117,2	115,9	119,6	110,5	102,7	99,1	99,1	74,2	Кўрсаткичнинг ўсиши
ОИВ билан касалланиш (хар 100 000 аҳолига нисбатан)	12,3	11,4	12,2	13,5	13,3	14,0	13,3	13,1	13,2	
Ичкиликбозлик ва спиртли ичимликларга боғлиқ рухий бузилиш билан касалланиш (хар 100 000 аҳолига нисбатан)	19,1	19,5	16,1	18,1	17,1	16,0	17,9	21,3	17,9	
Наркологик бузилиш билан боғлиқ касалланиш (хар 100 000 аҳолига нисбатан)	26,9	25,5	20,8	22,2	21,0	19,0	21,0	23,9	25,1	
Сўзак билан касалланиш (хар 100 000 аҳолига нисбатан)	19,0	17,5	16,4	16,1	14,1	12,8	13,3	12,7	11,3	
Заҳм билан касалланиш (хар 100 000 аҳолига нисбатан)	8,9	7,1	7,0	7,1	7,1	6,9	7,5	7,3	8,5	

Манба: жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

нинг эпидемиологик чегараси 35,0 нафардан ошмаслиги керак. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 8,0 нафардан ортиқни ташкил этмоқда. Таҳлиллар наркологик бузилиш ва заҳм билан касалланиш кўрсаткичларининг ортаётганлигини кўрсатмоқда.

Республикада соғлиқни сақлашни аста-секин хусусийлаштириш амалга оширилмоқда ва бепул тиббий хизмат турлари қисқармоқда. Соғлиқни сақлашни давлат томонидан молиялаштиришнинг қисқариши муассасалар фаолиятидаги салбий оқибатларга олиб келади ва аҳолининг тиббий ёрдамдан фойдаланишдаги имкониятларини қисқартиради.

Аҳолининг ўлим даражаси туғилганда кутилаётган умр давомийлигини белгилаб беради. Туғилганда кутилаётган умр давомийлиги бўйича ўғил ва қиз болалар ўртасидаги фарқ 3-5 йилни ташкил этади. Бу тафовут ёши катталашган сайин қисқаради. Масалан, ўспирин қиз ва ўғил болаларда 15 ёшда бу тафовут 8 йилни, меҳнатга қобилиятли (45 ёшдаги) аҳоли учун бу кўрсаткич 6 йилни ташкил этади. Эркаклар пенсияга чиққандан сўнг 14 йил, аёлларнинг эса 21 йил яшаш эҳтимоли мавжуд. Эркаклар ва аёллар ўртасида умр давомийлиги бўйича бундай катта тафовут жинс бўйича ўлим даражасидаги фарқларга боғлиқ.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги 5 йил давомида (2014-2018 йиллар) республика бўйича туғилишда кутилаётган умр давомийлиги 73,4 ёшдан 74,6 ёшга етди. Туғилишда кутилаётган умр давомийлигининг энг юқори кўрсаткичи (2018 йил) Жиззах (77,3 ёш), Бухоро вилояти (76,6 ёш) ва Тошкент шаҳрида (75,6 ёш), энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида (71,7 ёш) кузатилади. Республикада эркаклар аёллардан ўртача 7 йил кам яшамоқда. Яъни, эркакларнинг туғилишда кутилаётган умр давомийлиги 71,7 ёш, аёлларники эса 79,0 ёш. Эркакларни туғилишда кутилаётган умр давомийлигининг энг юқори кўрсаткичи Бухоро вилоятида (74,7 ёш), энг паст кўрсаткичи эса Сирдарё вилоятида (69,8 ёш) кузатилади.

Бу кўрсаткич аёллар бўйича таҳлил қилинганда Жиззах вилоятида энг юқори (82,1 ёш), унга қўшни Сирдарё вилоятида эса энг паст (73,5 ёш) эканлиги аниқланди. Шуни алоҳида айтиш керакки, Сирдарё вилоятида аёллар республика кўрсаткичидан ўртача 4 йил кам яшамоқда. Ҳатто, Бухоро вилоятидаги эркакларнинг умр давомийлиги Сирдарё вилоятидаги аёлларникидан 1 йил ортиқни ташкил этмоқда.

Эркаклар ва аёллар ўртасида умр давомийлиги бўйича бундай катта тафовут эркакларнинг умр давомийлигини

узайтиришни тақозо этади. Айнан шу ҳолат Ўзбекистонда аҳолининг умр давомийлигини янада ошириш йўналишида асосий захира ҳисобланади. Ушбу вазифанинг амалга оширилиши меҳнатга қобилиятли катта ёшдаги юз минглаб эркакларнинг умрини узайтиришга замин яратади. Республикамизда аёлларга хизмат кўрсатувчи маслаҳатхона ва туғруқхоналар мавжуд бўлиб, улар аёллар ўртасида фойдали тадбирларни амалга ошироқда. Шу билан бирга, эркакларнинг умр давомийлигини оширишга кўмаклашадиган эркаклар учун маслаҳат бериш муассасаларини ҳам ташкил этиш лозим. Шундай давр келдики, оналикни муҳофаза қилиш билан бирга, оталикни муҳофаза қилишни ҳам ташкил этиш лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, эркакларнинг кам ҳаёт кечириши мамлакат ва иқтисодиёт муаммоси ҳисобланади, чунки айрим мамлакатларда эркаклар ишчи кучининг етишмаслиги айнан меҳнатга қобилиятли эркакларнинг барвақт ўлими натижасида вужудга келади.

**Ўзбекистон Республикасида демографик хавфсизликни таъминлаш кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари кенг доирасининг муваффақиятли ҳал этилишига, шу жумладан, барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлиги ортишининг таъминланишига, даромадлар бўйича табақаланишнинг камайишига, инсон капиталининг жадал ривожланишига ва самарали ижтимоий инфратузилма (соғлиқни сақлаш, таълим, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш), арзонлаштирилган уй-жой бозори, мослашувчан меҳнат бозори ва ҳ.к.ларнинг барпо этилишига боғлиқ.**

Ўзбекистонда демографик хавфсизликни таъминлаш учун қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- давлат органлари, академик доиралар, жамоат ташкилотлари, бизнес-ҳамжамиятлар вакиллари, дин ва жамоат арбобларидан иборат экспертлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг демографик сиёсати концепциясини ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси аҳолисида демографик билимлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий, маданий, тарбиявий, тиббий-профилактик, санитария-гигиена ва бошқа тадбирлар ҳамда амалий чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шу жумладан, туғишлар ўртасидаги 3 йиллик табиий интергенетик оралиққа риоя қилиш, жинсий йўл билан юқтириладиган касалликлар контрацепцияси ва профилактикаси, оилани режалаштириш, кўкрак сути билан боқиш қоидаларига амал қилиш мақсадида тушунтириш, маърифий ишларни олиб бориш;

- демографик жараёнлар тенденцияси ва динамикасининг тизимли мониторингини амалга ошириш;

- истиқболга мўлжалланган тармоқ ва ҳудудий дастурлар, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан демографик прогнозлар ва мақсадли параметрларни ҳисобга олишнинг зарурлиги ва мажбурийлигини таъминлаш;

- ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини демографик экспертизадан ўтказиш.

### *Манба ва адабиётлар*

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5635-сонли Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й.*

2. *Абдураманов Х.Х. Демографик хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизмлари. Монография. - Т.: 2019. - Б. 31.*

3. *Дударев В.Б. Статистическое исследование демографической безопасности России: автореферат дис. ... кандидата экономических наук. - Москва, 2008. - С.14.*

4. *Демографический энциклопедический словарь. - Москва: Советская энциклопедия, 1985. - С.117*

5. Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади. - Т.: 2006. - Б. 58.

6. Мирзаев З. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим масалалари // "Biznes-Эксперт" журнали. 2018 йил. №4.

7. Насимов Д.А. Ўзбекистоннинг асосий демографик кўрсаткичлари таҳлили // Самарқанд давлат университети илмий ахборотномаси. 2018 йил 2-сон. - Самарқанд, 2018.

8. Ташмухамедова Д., Каримова Д. Ўзбекистон ҳудудларида оила ижтимоий-демографик ҳолатини индекс баҳолаш мезонлари. - Т.: Yuristr-media markazi, 2019. - Б. 141.

### **Ўзбекистон Республикасида демографик хавфсизлик индикаторлари**

**Ҳамид Абдураманов,**

*Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш Олий мактаби мустақил тадқиқотчиси*

**Аннотация:** ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида демографик хавфсизлик индикаторлари таҳлил қилинган, демографик ривожланишга таҳдид солаётган салбий тенденциялар аниқланган ҳамда уларни бартараф этиши бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** аҳоли, аҳолининг касаллиниши, аҳолининг кексайиши, аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракати, демографик босим, демографик жараёнлар, демографик хавфсизлик.

### **Индикаторы демографической безопасности в Республике Узбекистан**

**Ҳамид Абдураманов,**

*независимый соискатель  
Высшей школы Стратегического анализа  
и определения перспективы  
Республики Узбекистан*

**Аннотация:** в данной статье проанализированы индикаторы демографической безопасности в Республике Узбекистан, выявлены отрицательные тенденции, угрожающие демографическому развитию, а также разработаны научно обоснованные предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** население, заболеваемость населения, старение населения, естественное и миграционное движение населения, демографическое давление, демографические процессы, демографическая безопасность.

### **Indicators of demographic security in the Republic of Uzbekistan**

**Hamid Abduramanov,**

*Independent researcher Graduate School of  
Strategic Analysis and determining prospects  
of the Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** this article analyzes the indicators of demographic security in the Republic of Uzbekistan, reveals negative trends that threaten demographic development, as well as scientifically substantiated proposals for their elimination.

**Keywords:** population, morbidity of the population, aging of the population, natural and migration movement of the population, demographic pressure, demographic processes, demographic security.

**Икромжон НАСРУЛЛАЕВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги*

*Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби катта ўқитувчиси*

## **ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАЪМУРИЙ ЖАРАЁНЛАРИНИ РЕИНЖИНИРИНГ ОРҚАЛИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТИЗИМИНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

**М**амлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, хусусан, унинг олдини барвақт олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганидан кейинги дастлабки қабул қилинган қонун ҳам айнан коррупцияга қарши курашишга бағишланган бўлиб, унда: "Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш"<sup>1</sup>, деб таъриф берилган.

Коррупциянинг ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатларига кўрсатувчи салбий таъсири ҳамда унга қарши курашиш масалалари мазкур муаммони тадқиқ этиш билан шуғулланувчи қатор олимлар томонидан ёритиб берилган. Мавзуга ихтисослашган олимларнинг фикри ҳамда улар томонидан ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасига кўра, "Коррупция бутун дунёдаги оддий фуқаролар ва мамлакатлар лидерларини энг кўп ташвишга солувчи ҳодиса"<sup>2</sup>-дир. Хусусан, С.А. Авакьян "Коррупция ва унинг олдини олиш, унга қарши курашиш мавзусига оид тадқиқот ишларининг натижалари ўлароқ, кўплаб илмий ва оммабоп мақолалар чоп этилишига қарамай, коррупция сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жиддий хавф сифатида сақланиб қолмоқда"<sup>3</sup>, дея таъкидлайди.

Н.А. Пименовнинг фикрига кўра, қонуний ҳокимиятнинг дискрецион ваколатига эга бўлган ҳар қандай шахс, яъни ўзига тегишли бўлмаган ресурсларни тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахс (депутат, судья, ҳуқуқ-тартибот органи ходими, маъмурият ходими, имтиҳон олувчи ўқитувчи ёки шифокор ва ҳ.к.) коррупцияга дахлдор бўлиб қолиши мумкин<sup>4</sup>. Иқтисод фанлари доктори, Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Халқ хўжалиги ва Давлат хизмати академиясининг профессори Е.Е. Румянцева "коррупция ҳолатларини аниқлаш ва унга қарши кураш механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган назарий ишланмаларнинг мавжуд эмаслиги"<sup>5</sup>ни коррупцион муҳитнинг илдиз отишига замин яратувчи асосий сабаблардан бири сифатида қайд этади.

**Россия Федерацияси Федерал хавфсизлик хизмати ходими Валерий Карасев ўз тадқиқотларида "Сиёсий ва иқтисодий элита ва ҳукумат таркибидаги мансабдорларнинг порахўрлигига қарши курашда коррупцияга қарши курашиш тузилмаларининг мустақиллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга"<sup>6</sup> бўлишига алоҳида урғу берилганини кузатиш мумкин. Л.Н. Бочарникова эса коррупцияни "Давлат бошқарув тизими фаолияти самарасизлигининг асосий сабаби, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни куриш ва ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий омил"<sup>7</sup>, деб таърифлайди.**

Соҳа олимлари томонидан қайд этилган жиҳатларни инобатга олган ҳолда Ўзбе-

кистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунида ҳам тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги ҳамда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қаторида таъкидлаб ўтилган.

Тадқиқотларимизнинг дастлабки натижалари шуни кўрсатмоқдаки, вазирлик-идоралар томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларини маъмурий ва бизнес жараёнларнинг мураккаблиги коррупцион муҳитни юзага келтирувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат хизматларини кўрсатиш тизimini такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда сўнгги йилларда қатор ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Айнан мазкур агентлик мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатиш тизimini такомиллаштириш учун масъул бўлган давлат муассасаси ҳисобланади. Унинг фаолиятини янада такомиллаштириш коррупцион муҳитни профилактика қилиш ва унинг олдини барвақт олиш имкониятини яратади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, агентликнинг ҳозирги кундаги фаолиятида зиммасидаги вазибаларни миқдорий кўрсаткичлари билан шуғулланиш устувор аҳамиятга эга ва бу табиий ҳол. Давлат хизматлари марказларига ҳозирги кунда 130 та давлат хизматлари жорий этилди, 2020 йил охирига қадар уларнинг сонини 160 тага етказиш режалаштирилган. Агентликнинг ташкилий тузилмасида "Давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш бошқармаси" мавжуд бўлиб, унинг таркибида: ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва молия, экология ва қишлоқ хўжалиги, шунингдек, архитектура ва қурилиш, кадастр ва коммунал хўжалик соҳасида давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш бўлимлари фаолият олиб боради. Мазкур соҳада шу кунга қадар 3 та қонун лойиҳаси, 2 та Президент қарори, 17 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, шунингдек, 5 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрланган.

Юқорида қайд этганимиздек, бугунги кунда давлат ва хўжалик бошқарув органлари томонидан 3,5 мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматлари кўрсатилади. Бу - фақат ижро ҳокимияти таркибидаги давлат бошқарув органлари томонидан кўрсатиладиган давлат ва тармоқ хизматлари. Агар йилига 30 тадан давлат хизмати давлат хизматлари марказларига жорий этилса, барча давлат хизматларини кўриб чиқиш, такомиллаштириш учун 115 йил керак бўлар экан.

Бу хизматларнинг қанчаси давлат хизматлари марказларига жорий этилади? Унда кўрсатилган давлат хизматларининг умумий сони қанчани ташкил этади? Давлат хизматлари марказлари бу даражадаги хизматларни кўрсатиш қуввати ва салоҳиятига эгами?



**1-расм. Pm.gov.uz га келиб тушган муурожаатлар сонининг динамикаси**

Давлат хизматлари марказларига 130 та хизмат жорий этилганда навбатлар масаласи муаммога айланаётган бўлса, хизматлар сони 1000 тага чиқарилса, унда навбатлар масаласи қандай ҳал қилинади? Бугунги кунда 80 та Давлат хизматлари марказлари қурилди ва 94 тасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. 201 та электрон навбат ҳамда баҳолаш тизимлари аҳоли кўп жойлашган туман (шаҳар)лардаги Марказларга ўрнатилган. Шунингдек, туман/шаҳар марказларидан 100-300 км. узоқликда жойлашган аҳоли пунктларидаги аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида 53 та Марказ филиаллари ташкил қилинган. 2020 йилларда яна 50 та мана шундай Марказ шохобчаларини ташкил этиш режалаштирилган.

Олис жойларга чиқиш орқали ("мобиль давлат хизматлари") мақбул, қулай ва

шаффоф услублардан фойдаланган ҳолда 2019 йил давомида республика бўйича жами 396 492 та сайёр хизматлар кўрсатилган. Сайёр давлат хизматларини самарали тарзда йўлга қўйиш мақсадида 189 та "Дамас" автомобиллари ҳамда 20 та махсус жиҳозланган "Исузу" русумли автобуслар ажратилган. 2019 йил давомида жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида жами 174 мингдан ортиқ қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган.



**2-расм. pm.gov.uz га келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишда қонун бузилиши ҳолатлари кузатишган соҳалар**

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан ваколатли идораларга 787 та тақдимнома, 1 669 та огоҳнома киритилиб, 2570 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган. Киритилган таъсир чоралари натижасида 468 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Шундан 55 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ва 2 566 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазима қўлланилди.

"Бу яхши ёки етарли кўрсаткичми?" деган ҳақли савол туғилади. Албатта, етарли эмас ва бунинг учун давлат хизматларини тизимли равишда қайта ишлаб, маъмурий жараёнларни оптималлаштириш тадбирларини ривожланган давлатлар тажрибасида синовдан ўтган, инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган замонавий усуллар асосида амалга оширадиган механизм зарур. Ҳозирги кунда Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари марказининг маъмурий жараёнлардаги функционал ва операцион процедураларини оптималлаштириш учун ихтисослашган инструменти ҳам, муайян усули ҳам мав-

жуд эмас. Мавжуд механизмлар эса такомиллаштирилишни тақозо этади.

Афсуски, коррупцияга қарши кураш, аксарият давлатларда бўлгани сингари, мамлакатимизда ҳам давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ишонтириш ва рағбатлантириш усуллари нисбатан кам самара берганлиги сабабли, асосан, мажбурлов механизмлари орқали амалга оширилади. Яъни, коррупцион ҳолат ва унинг иштирокчилари (давлат хизматчилари) аниқланади, улар томонидан етказилган зарар ундирилади ва суд қарори асосида тегишли жазо тайинланади.

Аммо, коррупция ҳолати аниқланган муҳитни профилактика қилиш усул ва механизмлари самарасизлиги сабабли, маълум муддатдан сўнг айнан мана шу объектда, айнан мана шу схема бўйича коррупцион ҳолат қайта-қайта, яна ва яна содир бўлишини кузатиш мумкин. Яъни, коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги механизм жиноятнинг сабаблари билан эмас, унинг оқибатлари билан курашишга асосланган ва бу тизимли хатоликдир. Мазкур тизимли хатоликни тузатиш коррупцияга қарши кураш борасида, унинг олдини барвақт олишга йўналтирилган профилактика механизмини яратиш масаласининг долзарблигини ифодалаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан барвақт унинг олдини олишга ўтишимиз керак"<sup>8</sup>, деб таъкидлаб, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташкил этишни таклиф этди. Шунингдек, Мурожаатномада "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради, шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат - коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор"лиги ҳам қатъий таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур чақириғига жавобан, Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими реинжиниринги мавзусидаги илмий тадқиқотимиз доирасида коррупция муҳитини



профилактика қилишга йўналтирилган механизм модели ишлаб чиқилди.

Маъмурий ва бизнес жараёнларни реинжиниринг усули асосида коррупцион муҳитни профилактика қилиш лойиҳаларини тизимли амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш - коррупцион ҳолатларнинг олдини барвақт олишга ихтисослашган моделни ишлаб чиқиш жараёнида асосий мақсад этиб белгилаб олинган эди ва мазкур мақсадга эришилди. "Чивинлар ўлдирилмайди, ботқоқ қуритилади", деган афоризм ишлаб чиқилган мазкур механизмнинг асосий ғоясини ифодалайди. Яъни, ишлаб чиқилган мазкур механизмнинг асосий гепотезаси маъмурий ва меъёрий мураккаблик даражаси баланд бўлган давлат ва тармоқ хизматлари коррупцион муҳитни юзага келтирувчи асосий омилдир.

Тадқиқотимизнинг бирламчи натижаларига кўра, ижро ҳокимияти органлари томонидан кўрсатиладиган 3,5 минг давлат ва тармоқ хизматларидан ташқари, давлатнинг қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятининг марказий, тузилмавий ва ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳам 1,5 мингдан ортиқ G2G, G2B ва G2C форматидаги давлат ва тармоқ хизматлари кўрсатилади. Мазкур 5 мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматлари маъмурий жараёнларини соддалаштириш ва оптималлаштириш механизмини ишлаб чиқиш мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Зеро, таклиф этилаётган бу механизм, мамлакатимизда қонун ижодкорлиги билан шуғулланувчи давлат идоралари томонидан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда "яратиб қўйилган", юридик казуал ҳолатлар натижасида юзага келаётган, манфаатлар тўқнашуви "қурбонлари" бўлган давлат хизматчиларини эмас, балки юқорида қайд этилган 5 мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматларининг маъмурий жараёнларидаги коррупцион ҳолат ҳамда вазиятларни бартараф этишга йўналтирилган.

Тадқиқотимиз жараёнида амалга оширилган таҳлиллар натижасида қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти таркибидаги барча даража ҳамда турдаги давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона ва

ташкилотларнинг "Маъмурий ва бизнес жараёнлари мураккаблиги коэффиценти - Km" деб номланувчи кўрсаткич ишлаб чиқилди ва киритилди. Мазкур коэффицент асосида давлат ҳокимиятининг ҳар учала тармоғидаги вазирлик-идоралар, ташкилот-корхоналар, уларнинг бошқарма ва бўлимлари томонидан кўрсатиладиган беш мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматларининг рейтинг рўйхати шакллантирилади.

Бунинг учун, дастлаб, шартли номи "КАТТА "BPR"" деб номланувчи Комплекс ахборот-таҳлилий тизимлар тўплами ишлаб чиқилади. Бугунги кунда Адлия вазирлигининг Давлат хизматлари агентлиги томонидан давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантиришда маъмурий жараёндаги ҳужжатлар сони ва хизматларни кўрсатишга сарф бўладиган муддатлар маъмурий жараёни баҳолашнинг асосий мезонлари сифатида қайд этилади.

Бу амалиётдан фарқли ўлароқ, тадқиқотимиз доирасида техник топшириғи ишлаб чиқилган, мазкур ахборот тизимига беш мингдан ортиқ давлат ва тармоқ хизматларининг барчасига оид, қуйидаги 26 та мезон бўйича маълумотлар киритилади ва баҳолашда қўлланилади:

1) давлат хизматининг иерархик даражаси;

2) давлат хизматининг маъмурий жараёнига жалб этилган вазирлик-идора, корхона-ташкилотлар сони;

3) давлат хизмати маъмурий жараёнига жалб этилган вазирлик-идора, корхона-ташкилотларга қатновлар сони;

4) давлат хизмати маъмурий жараёнларига жалб этилган давлат хизматчилари сони;

5) давлат хизматини кўрсатиш жараёнида хизматчилар билан ўрнатиладиган контактлар сони;

6) маъмурий жараён бошланишидан олдин жамланадиган ҳужжатлар сони;

7) маъмурий жараён бошланишидан олдин жамланадиган ҳужжатлар таркибидаги, мурожаатчи йиғиб топширадиган ҳужжатлар сони;

8) мурожаатчи йиғиб топширадиган ҳужжатлар нухасининг сони;

9) маъмурий жараён давомида яратиладиган ҳужжатлар сони;

10) давлат хизматини кўрсатиш жараёнида келишиш талаб этиладиган пунктлар сони;

11) давлат хизматини кўрсатиш жараёнида ижобий, салбий ёки бошқа қарор қабул қилиш лозим бўладиган ҳолатлар сони;

12) давлат хизматини кўрсатиш жараёнидаги босқичлар сони;

13) давлат хизматини кўрсатиш жараёнидаги процедуралар сони;

14) давлат хизматини кўрсатиш жараёнидаги операциялар сони;

15) давлат хизматини кўрсатиш учун зарур бўлган вақт давомийлиги;

16) давлат хизматини кўрсатиш жараёнида амалга ошириладиган расмий тўловлар тури;

17) давлат хизматини кўрсатиш жараёнида амалга ошириладиган расмий тўловлар миқдори;

18) давлат хизматини кўрсатиш жараёнида тўланадиган норасмий тўловлар сони;

19) давлат хизматини кўрсатиш жараёнида тўланадиган норасмий тўловлар сони;

20) давлат хизматини кўрсатиш учун мурожаат йўллашнинг усули (анъанавий почта, фельд алоқа, электрон почта, интерактив хизмат ва ҳ.к.);

21) давлат хизматини кўрсатиш учун мурожаат йўллашдаги қўшимча талаблар сони (қоғоз, муҳр қўйилганлиги, нотариал тасдиқланганлик, ... );

22) мурожаат этувчининг кўрсатилган давлат хизматидан қониққанлик даражаси;

23) мурожаат этувчининг давлат хизмати кўрсатилиши жараёнида яратилган шарт-шароитлардан (сервисдан) қониққанлик даражаси;

24) давлат хизматидан фойдаланиш учун навбатнинг мавжудлиги;

25) давлат хизматидан фойдаланиш учун навбатда турганлар сони;

26) давлат хизматидан фойдаланиш учун навбат кутиш давомийлиги (сарфланган вақт) ва ҳ.к.

Маъмурий ва бизнес жараёнлар мураккаблиги коэффиценти - "Км"ни ҳисоблаб чиқиш учун, юқорида қайд этилган 26 та мезон бўйича, қуйидаги 10 та манба орқали олинган маълумотлар ахборот

тизимига (ҳар чоракда бир маротаба) кiritиб бoрилади:

1) давлат хизматини тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатлари, давлат хизматини кўрсатиш регламентлари;

2) вазирлик-идора, муассаса-ташкilotнинг тегишли давлат ёки тармоқ хизматини кўрсатувчи тузилмасидаги масъул бўлими ва ходимлари;

3) тегишли давлат ва тармоқ хизматларини кўрсатишда ҳамкорлик қилувчи давлат ва хўжалик бошқарув органлари масъул бўлимлари ва ходимлари;

4) тегишли давлат ва хўжалик бошқарув органларининг тегишли хизматлари бўйича ҳуқуқ-тартибот органларининг архивидаги оператив маълумотлар;

5) давлат хизматлари фойдаланувчиларининг маълумотлари;

6) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишга ихтисослашган жамоат бирлашмалари;

7) оммавий ахборот воситалари (блоггерлар);

8) ижтимоий сўров натижалари;

9) илмий тадқиқотлар натижалари;

10) ривожланган давлатларнинг турдош хизматларни кўрсатиш бўйича қиёсий таҳлил (Benchmarking) натижалари.

"КАТТА "BPR" Комплекс ахборот-таҳлили тизим мазкур мезонлар бўйича барча давлат ва тармоқ хизматларининг маъмурий ва бизнес жараёнлари мураккаблиги коэффиценти - "Км"ни ҳисоблаб чиқади ва беш мингдан ортиқ давлат хизматларининг рейтинг рўйхатини генерация қилади.


Ҳар чоракда бир маротаба ахборот тизими генерация қилган рейтинг рўйхатидаги маъмурий ва бизнес жараёнлар мураккаблиги коэффиценти - "Км" энг юқори бўлган давлат ва тармоқ хизматларини оптималлаштириш бўйича ташкил этилиши режалаштирилади, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг буйруғи қабул қилинади.

Биринчи босқичда, ҳар чоракда рейтингда "Км" кўрсаткичи юқори бўлган 30 та давлат хизмати маъмурий ва бизнес жараёнларни BPR усулида оптималлаштиришга ихтисослашган консалтинг компания-

лари томонидан оптималлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун тендер эълон қилинади. Тендер голиблари билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги биринчи томон, маъмурий ва бизнес жараёнларни BPR усулида оптималлаштиришга ихтисослашган консалтинг компаниялари иккинчи томон ҳамда мазкур давлат ва тармоқ хизматларини кўрсатишга масъул бўлган вазирлик-идоралар учинчи томон сифатида, уч томонлама шартнома расмийлаштирилади.

Мамлакатимизда маъмурий ва бизнес жараёнларни BPR усулида оптималлаштиришга ихтисослашган консалтинг компаниялари сони ва сифати ортиб боргани сари рейтинг рўйхатидаги оптималлаштириладиган давлат хизматлари сони ошириб борилади.

Маъмурий ва бизнес жараёнларни BPR усулида оптималлаштиришга ихтисослашган консалтинг компаниялари фаолияти натижасида рейтингда юқорида турган давлат хизматларининг маъмурий ва бизнес жараёнларнинг мураккаблиги ("Km") даражаси муайян даражада пасаяди. Навбатдаги чоракда Ахборот тизими генерация қилган рейтингда оптималлаштирилиши жоиз бўлган навбатдаги серия давлат хизматларининг ТОП-30 талиги рўйхатига киради ва BPR усулида оптималлаштиришнинг навбатдаги итерацияси амалга оширилади.



3-расм. KATTA "BPR" тизимининг тузилиши

Маъмурий ва бизнес жараёнларни BPR усулида оптималлаштириш жараёнлари шу тариқа узлуксиз равишда амалга оширилади. Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқ-тартибот органларининг амалдаги усулларида ташқари, мана шундай "юмшоқ куч" механизмларини қўллаш тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган механизм концепциясининг асосий ғояси ҳисобланади.

Тадқиқотимиз доирасида ишлаб чиқилган мазкур механизм коррупцион муҳит ва ҳолатларнинг барвақт олдини олиш механизми вазифасини бажара олади. Юқорида қайд этганимиздек, бунда давлат хизматчиси эмас, балки коррупцион ҳолатга шароит яратиб бераётган муҳит, маъмурий жараёнлар коррупцияга қарши курашиш объекти сифатида қаралади. Ихтисослашган ахборот тизими маъмурий ва меъёрий мураккаблик даражаси юқори бўлган давлат ва тармоқ хизматларини аниқлаб беради ва улар ривожланган давлатлар синовидан муваффақиятли ўтган BPR технологияси асосида оптималлаштирилади. Натижада, олдин аниқланган ва оптималлаштирилган объектларда коррупция муҳитининг салбий таъсири кескин камайтиради.

Мазкур механизмни лойиҳа сифатида амалиётга жорий этиш натижасида:

1) давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги коррупцион муҳит даражасини рейтингли баҳолаш ва ўлчаш бўйича ишлаб чиқилган методика амалиётга жорий этилади;

2) мазкур методика ва маъмурий жараёнлар мураккаблиги коэффиценти асосида 5000 дан ортиқ давлат ва тармоқ хизматларининг "Коррупцион муҳити рейтинги"ни генерация қилувчи ихтисослашган ахборот тизимлари комплекси яратилади;

3) давлат-хусусий шерикчилиги асосида ҳар чоракда рейтингда биринчи 30 таликда бўлган энг коррупциоген хизматларни BPR усулида оптималлаштириш хизматини амалга ошириш тизими йўлга қўйилади.

Мазкур механизмни жорий этиш натижасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги коррупцион ҳолат ва муҳитни юзага келтирувчи тартиботларни узлуксиз оптималлаштириб бориш тизими йўлга қўйилади. Бу тизим "Коррупцияга қарши

курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида бирдек самарали ишлашни таъминлаш бўйича ишончли профилактика механизми вазифасини бажара олади. Шунинг учун ҳам мазкур механизмни коррупциянинг барвақт олдини олиш вазифасини амалга ошириш воситаси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида назарда тутган, коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида давлат органининг ташкилий тузилмасига кiritилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
2. Эдгардо Кампос, Санджай Прадхана. Многоликая коррупция. Выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управления. Перевод с англ. В.Ионов, И.Окунькова, С. Сурин, Изд.: Альпина Диджитал, Всемирный банк, 2014 г., -920 с.
3. Авакьян С.А., Противодействие коррупции: конституционно-правовые подходы. Издательство: Юстицинформ, 2016 г. Серия: Наука, жанр: Теория и история государства и права, 512 с. ISBN: 978-5-7205-1375-7
4. Пименов Н.А., Обеспечение противодействия коррупции: учебник. -Москва: КНОРУС, 2018. - 290 с. ISBN 978-5-406-06367-5, - С. 11.
5. Румянцева Е.Е., Коррупция как противоположность демократии. // Журнал "Научный эксперт". 12-выпуск, 2008 г. - С. 60
6. Карасев В. Методы профилактики и противодействия коррупции. -М.: Власть, 2008 г.
7. Бочарникова Л.Н. Наука. Теория. Практика. Выпуск №1, 2010 г., - С. - 21.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
9. BPR -ингл. business process reengineering
10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-2752-сонли Қарори. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5729-сонли Фармони. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. [Uza.uz](http://Uza.uz)
14. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишдаги маъруза. <https://president.uz/uz/lists/view/3350>.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон. 1997.
16. Бочарникова Л.Н. Профилактика коррупционной преступности. // Наука, теория, практика.
17. Карасев В. Методы профилактики и противодействия коррупции. // Власть, №8, 2008 г., - 109 стр.
18. Пименов Н.А. Обеспечение противодействия коррупции : учебник / Н.А. Пименов. -Москва : КНОРУС, 2018. - 290 с. ISBN 978-5-406-06367-5.
19. Румянцева Е.Е. Коррупция как противоположность демократии. // Журнал "Научный эксперт". 12-впуск, 2008 г. - 60 стр.
20. Авакьян С.А. Противодействие коррупции: конституционно-правовые подходы. Издательство: Юстицинформ, 2016 г. Серия: Наука, жанр: Теория и история государства и права.

**Давлат хизматлари маъмурий  
жараёнларини реинжиниринг орқали  
оптималлаштириш механизми  
коррупциянинг олдини олиш  
тизимининг муҳим воситаси сифатида**

**Икромжон Насруллаев,**

*Ўзбекистон Республикаси Президентини  
хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий  
агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний  
номидаги Бизнес ва бошқарув республика  
олий мактаби катта ўқитувчиси*

**Аннотация:** коррупцияга қарши курашиш, жумладан, унинг олдини барвақт олиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ушбу мақола коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги, хусусан, унинг олдини олиш механизмларини яратиш муаммосига бағишланган. Муаллиф "Давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий ва бизнес жараёнларининг мураккаблиги - коррупцион муҳит пайдо бўлишининг асосий омили" деган гипотезани илгари сурган. Мақолада давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий жараёнларини оптималлаштиришининг жорий ҳолати ва муаммолари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, маъмурий ва бизнес жараёнлар, дискрецион ваколат, оптималлаштириш, реинжиниринг, коррупцион муҳит профилактикаси, мураккаблик коэффициенти, комплекс ахборот-таҳлилий тизим, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги.

**Механизм оптимизации на основе  
реинжиниринга административных и  
бизнес-процессов оказания  
государственных услуг как важный  
инструмент предотвращения коррупции**

**Икромжон Насруллаев,**

*старший преподаватель Республиканской  
высшей школы бизнеса и управления им.  
Абу Райхон Беруний при Национальном  
агентстве проектного управления при  
Президенте Республики Узбекистан*

**Аннотация:** противодействие и предотвращение коррупции поднялся на уровень государственной политики Республики Узбекистан.

*данная статья посвящена проблемам эффективности борьбы с коррупцией, а также к проблематике создания механизма предотвращения этого недуга. Автором выдвинута гипотеза, что "Сложность административных и бизнес-процессов оказания государственных услуг является основным фактором зарождения коррупционной среды". В статье освещены состояние и проблемы оптимизации административных процедур оказания государственных услуг.*

**Ключевые слова:** государственная услуга, административный и бизнес-процессы, дискреционные полномочия, оптимизация, реинжиниринг, профилактика коррупционной среды, коэффициент сложности, комплекс информационно-аналитических систем, Агентство по противодействию коррупции.

**The optimization of the public services,  
based on the reengineering of administrative  
and business processes, as an important tool  
to prevent corruption**

**Ikromjon Nasrullaev,**

*Senior Lecturer Project Republican  
Graduate School of Business and  
Management named after Abu Rayhan Beruni  
under National Agency of Project  
Management under the President of the  
Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** countering and preventing corruption has risen to the level of state policy of the Republic of Uzbekistan. This article is devoted to the problems of the effectiveness of the fight against corruption, as well as to the barriers in creating a tool to prevent this ailment. The author hypothesizes that the complexity of administrative and business processes for the provision of public services is the main factor in the emergence of a corrupt environment. The article highlights the current state and problems of optimizing administrative procedures for the provision of public services.

**Keywords:** public service, administrative and business processes, discretionary powers, optimization, reengineering, corruption, prevention of corruption, complexity factor, a set of information and analytical systems, Anti-corruption agency.

**Абдуборий ХОРУНОВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси*

## **ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ЎРНИ**

**Т**арихдан бизга маълумки, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси эгаллаб турган ҳудудларда, яъни Хива, Қўқон ва Бухоро хонликларида шаҳарларнинг қамалга олиниши мумкинлиги ёки ҳосилнинг бўлмаётгани эҳтимоллини ҳисобга олган ҳолда, озиқ-овқатлар захираси, асосан, буғдой, гуруч, ёғ, шунингдек, ҳовузларда сув сақланган.

Бундан ташқари, тарихий фактларда таъкидланишича, бобокалонимиз, буюк салтанатнинг асосчиси, ҳарбий қўмондон ва давлат арбоби Амир Темур Хитойга ҳарбий юришга тайёргарлик чоғида ўз империясининг ҳужум бошланиши мумкин бўлган шарқий чегараларида лашкарларни боқиш ва озиқ-овқат захирасини яратиш мақсадида далаларга экинлар эктирган ҳамда қурол-аслаҳалар сақланиши учун истеҳкомларни қуриш тўғрисида топшириқ берган. Мисол учун, бир истеҳком 10 кунлик йўлга мўлжалланган масофада, яъни Аспардан Сирдарёнинг шарқий оқимиғача бўлган ҳудудда қурилган. Бошқа қалъа эса Иссиққўл билан Хитой оралиғида барпо этилган. Қурилиш якунланганидан сўнг барча кучлар улкан қўшинни таъминлаш мақсадида ҳосилни йиғиш ва чорва молларни кўпайтиришга жалб этилган<sup>1</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё минтақаси ривожланишининг, ҳатто, тарихий босқичларида ҳам моддий захиралар ҳарбий юришларда катта аҳамиятга эга бўлган. Тарихнинг кейинги босқичларида ҳам мамлакатда аҳоли очарчилиги юзага келишининг олдини олиш мақ-

садида моддий захиралар, хусусан, озиқ-овқат захираларини яратишга уринишлар қайд этилди.

Давлатларда стратегик захираларни шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни ташкил этишнинг турли хилдаги амалиёти мавжуд. Бу, айниқса, мудофаа ва халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари фаолияти учун ишлатиладиган, давлат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларининг ҳаётий фаолиятини қўллаб-қувватловчи стратегик захираларга, саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларига тегишли.

**Дастлаб, моддий захираларни яратишдан мақсад уларнинг иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш учун ишлатилиши эди. Моддий захиралардан фойдаланиш давлатлар ва халқларнинг омон қолиши учун шу қадар муҳимки, бу ҳақдаги маълумотлар инсониятнинг энг асосий фундаментал ҳужжатларида қайд этилган.**

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки босқичларида давлат захирасининг ўрни ҳақида саркарда Георгий Жуков: "Давлатнинг захиралари иқтисодиёт уруш эҳтиёжлари учун тўлиқ ишлаб кетгунига қадар, иқтисодиётни ҳарбий руҳда ушлаб туриш ва қўшинларни егулик билан таъминлаш" учун яратилганлигини айтиб ўтган ҳамда "урушнинг захиралари жуда кам эди, аммо улар 1941 йилнинг оғир дамларига қарамай, халқ хўжалигига урушни муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган суръат ва кўламлиқни тезда олишга ёрдам берди"<sup>2</sup>, деб таъкидлаган.

Собиқ Совет Иттифоқи парчалангандан кейин Россия Федерациясининг давлат резерви 90-йилларда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашга катта ҳисса қўшди, бунда Россиянинг айрим минтақаларида ойлик истеъмол қилинадиган маҳсулотнинг 50 фоизигача бўлган қисмини давлат захираси таъминлади<sup>3</sup>.

Давлат захираларида сақлаш учун зарур бўлган маҳсулот турлари ва ҳажмини ўрганиш давлат захираларини ташкил қилишнинг муҳим қисми ҳисобланади. Сақлашнинг меъёрий ҳажми ва номенклатураси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги қарорлари билан белгиланади. Шу билан бирга, номенклатура тўғрисидаги маълумотлар, сақлашнинг стандарт ҳажми, давлат резервларининг ҳақиқий сақланиши ва жойлаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар махфий ҳисобланиб, ошкор этилиши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб, давлат захираларини тартибга солиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база етарли даражада кенг асосга эга бўлиб, шу билан бир қаторда, соҳага оид масалаларнинг кенг доирасини қамраб олган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги 3358-сонли Фармони**га асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат моддий захиралари Бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига ("Ўздавзахира" қўмитаси) ўзгартирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида" - ги 113-сонли Қарори билан "Ўздавзахира" қўмитасининг вазифалари ва ҳуқуқлари белгиланди<sup>4</sup>.

Ушбу Қарор билан тасдиқланган Низомнинг 5-бандига кўра, қўмита ва унга қарашли давлат стратегик захирасининг моддий бойликларини сақлаш ташкилот-

лари сафарбарлик органларига тегишли ҳамда хавфсизлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминладиган, муҳимлигига кўра тоифалаштирилган объектлар рўйхатига киради<sup>5</sup>.

Ҳозирги кунда ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга мисол қилиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келтириш мумкин. Ҳаракатлар стратегиясининг 1-банди, яъни давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш бўйича "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган<sup>6</sup>. Бунга асосан, бир қанча давлат ташкилотларида хизматлар турлари онлайнлаштирилмоқда. Хусусан, "Ўздавзахира" қўмитасининг расмий веб-сайтига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, очиқ маълумотлар базаси доимий равишда янгиланиб бормоқда. Қўмита фаолияти билан танишиш, мурожаат ва таклифлар бериш учун қулайликлар яратилган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгиланишни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўйича топшириқ берилган<sup>7</sup>.

Юқорида келтирилган тарихий фактлардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда давлат захираларининг аҳамияти катта. Лекин шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда кўплаб давлат хизматлари турларини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар соҳаларда, хусусан, "Ўздавзахира" қўмитасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига бўлган талабни оширади ва бу масала долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда замонавий ахборот технологияларининг жадал ривожланиш даврида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммолари ҳам янгиланиб бормоқда. Шу

сабадан Давлат захираларини бошқариш тизимида маълумотлар алмашинувини самарали амалга оширишни ташкил этиш кўмита фаолиятини янада такомиллаштиришга олиб келади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда криптографик ҳимоя қилиш усуллари ўз самарасини беради. Масалан, давлат захирасининг барча маълумотлари махсус ишлаб чиқилган замонавий алгоритмлар ёрдамида шифрланади. Ахборотларни шифрлашда симметрик шифрлаш алгоритмлари қўлланилади, чунки симметрик шифрлаш алгоритмлари асимметрик шифрлаш алгоритмларига қараганда мураккаб ва криптобардошлиги юқори. Шифрлашнинг симметрик алгоритмида ахборот матнини шифрлаш ва қайта шифрлаш (асл ҳолига қайтариш) учун ягона калит бўлиши талаб этилади. Бундай калит умумий махфий калит деб аталади. Чунки ахборот алмашинувининг барча қатнашчилари битта умумий калит-

дан фойдаланади<sup>8</sup>. Шундай экан, криптобардошлиги юқори бўлган қуйидаги симметрик алгоритмларни таҳлил қиламиз:

- RC4;
- RC6;
- DES;
- 3DES;
- AES;
- ГОСТ 28147-89;
- ГОСТ Р 34.12-2015.

Криптографик алгоритмларни ўрганиш натижасини келтириш учун танлаб олинган муҳим параметрларни келтирамиз:

- ишлаб чиқарилган йили;
- ишлаш технологияси;
- калит узунлиги;
- блокларнинг узунлиги;
- раундлар сони;
- тезлиги.

Ушбу келтирилган параметрлар асосида олинган натижаларни жадвал кўринишида ишлаб чиқамиз ва таққослаймиз.

**1-жадвал**

**Симметрик шифрлаш алгоритмларнинг таҳлили**

Алгоритмлар	Ишлаб чиқарилган йили	Ишлаш технологияси	Калит узунлиги (бит)	Блоклар узунлиги	Раунд сони	Тезлиги
RC4	1987	Оқим	40-2048	2064	1	тез
RC6	1998	Фейстал тармоғи	128 192 256	128	20	ўртача
DES	1977	Фейстал тармоғи	56	64	16	тез
3DES	1978	Фейстал тармоғи	112 168	64	48	ўртача
AES	1998	SP-тармоқ	128 192 256	128	10 12 14	тез
ГОСТ 34.12-2015	1989	Фейстал тармоғи	256	64	32 16	ўртача

Ўрганилган таҳлиллар натижасидан кўринадики, RC4, DES шифрлаш алгоритмлари тез ва содда кўринишда бўлиб, бардошлиги юқори, аммо бу шифрлаш алгоритмлари криптоаҳдчилар томонидан бузилган. DES (Data Encryption Standard) 56 битли калитлардан раунд калитларини ҳосил қилувчи шифрлаш алгоритми ҳозир-

ги замонавий технологиянинг ахборотларини шифрлаш учун ушбу алгоритмнинг бардошлигини юқори деб бўлмайди. DES (Data Encryption Standard) шифрлаш алгоритми ёрдамида шифрланган маълумотнинг Интернет тармоғига уланган 300 та параллел компьютерлар орқали очилганлиги маълум қилинган.



Технологик институтлар ўртасидаги рақобат натижасида АҚШ ҳукумати томонидан стандарт сифатида қабул қилинган блокчи шифрлаш алгоритми - AES (Advanced Encryption Standard). Бу алгоритм бошқа мавжуд стандарт симметрик шифрлаш алгоритмларидан фарқли ўлароқ, Фейстал тармоғига асосланмаган. AES шифрлаш алгоритми SP-тармоқ ҳамда киритиш блок ва калит қабул қилувчи, кўпхатлар билан ишловчи тез ва бардошлилиги юқори бўлган алгоритмлар сарасига киряди ва бугунги кунда фойдаланиш кўрсаткичи юқори<sup>9</sup>.

ГОСТ 34.12-2015 шифрлаш алгоритми ҳам бардошлилиги юқори бўлган алгоритмлардир. ГОСТ 34.12-2015 шифрлаш алгоритми тезлиги паст бўлганига қарамадан, уни калитни билмасдан туриб очиш - бугунги кун муаммоси, шунга кўра, бу шифрлаш алгоритми кўп қўлланиладиган алгоритмлардан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, келтирилган таҳлилларга асосан:

- RC4 - компьютер тармоқларида турли хил маълумотларни ҳимоя қилишда кенг қўлланиладиган оқимли шифрлаш алгоритми. RC4 алгоритми, ҳар қандай оқимли шифрлаш алгоритми каби, сохта тасодифий бит генераторига асосланган;

- AES-128, AES-256 - доимий блок ҳажми 128 бит ва калит ўлчамлари 128, 192 ва 256 битни ташкил қилади, ҳар қандай блок ва калит ўлчамлари ўрнатилиши мумкин ҳамда минимал 32 битдан максимал 256 битгача;

- ГОСТ 34.12-2015- SP тармоғига асосланган шифр киришда блок ва калитни олади ва алмаштириш босқичларидан иборат бир неча альтернатив турларни амалга оширади.

Ушбу алгоритмлар криптобардошлилиги юқори бўлган алгоритмлар сарасига кириб, улардан "Ўздавзахира" қўмитасининг маълумотлари алмашинуви ва сақланишида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида фойдаланишни таклиф этиш мумкин. Бунинг натижасида қўмитанинг ахборот алмашинуви тизими замонавий таҳдидларга қарши мустақкам ҳимояга эга бўлади.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Джастин Мароцци. Тамерлан. Завоеватель мира. - М.: АСТ: АСТ Москва: Полиграфиздат, 2010.

2. Гончаров С. Ф. Организация мобилизационной подготовки здравоохранения / С. Ф. Гончаров, Ю. И. Погодин. - М., 2011.

3. [https://www.rosreserv.ru/Virtualnij\\_muzej/Istoricheskaja\\_spravka](https://www.rosreserv.ru/Virtualnij_muzej/Istoricheskaja_spravka)

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 113-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўша манба.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. Зайниддинов Х.Н. Ахборот хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. - Т.: Академиа. 2015. - 56-бет.

9. Акбаров Д. Э. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланишлари. - Т.: Ўзбекистон маркази, 2009. - 432 бет.

### **Давлат захиралари тизимида ахборот хавфсизлигининг ўрни**

**Абдуборий Хорунов,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат  
бошқаруви академияси тингловчиси

**Аннотация:** ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси маълумотларини ҳимоялашда таклиф этиладиган замонавий криптографик алгоритмларнинг таҳлили келтирилган. Бунинг натижаси сифатида криптобардошлилиги юқори бўлган алгоритм ва хеш-функция кўрсатишган.

**Калит сўзлар:** криптография, хеш-функция, шифрлаш алгоритми, Фейстал тармоғи, SP-тармоқ.

**Роль информационной  
безопасности в системе  
государственных резервов**

**Абдуборий Хорунов,**  
слушатель Академии  
государственного управления при  
Президенте Республики Узбекистан

**Аннотация:** в данной статье представлен анализ современных криптографических алгоритмов, предложенных для защиты данных Комитета по управлению государственными резервами при Кабинете Министров Республики Узбекистан. В результате показаны алгоритм и хеш-функция с высокой криптографической защитой.

**Ключевые слова:** криптография, хэш-функция, алгоритм шифрования, сеть Фейстала, SP-сеть.

**The role of information security in the system  
of state reserves**

**Abduboriy Khorunov,**  
*listener of the Academy of Public  
Administration under the President of the  
Republic of Uzbekistan*

**Abstract:** *this article presents an analysis of modern cryptographic algorithms proposed to protect data of the Committee for the Management of State Reserves under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan. As a result, an algorithm and a hash function with high cryptographic protection are shown.*

**Keywords:** *cryptography, hash-function, encryption algorithm, Feystal network, SP-network.*

Усмон БЎТАЕВ,

*фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот  
бўлими бошлиғи*

## "МИЛЛИЙ МАНФААТ" ТУШУНЧАСИНИ ЎРГАНИШДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

Инсоният тарихининг у ёки бу даврида яшаб ўтган олимлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳам "манфаат" тушунчасининг моҳияти борасида ўз соҳалари ёки фаолият доирасидан келиб чиқиб, таъриф берганлар. Ушбу таърифлар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, улар манфаат жамиятнинг ижтимоий феномени эканлигини инкор этмайди.

"Миллий манфаат" атамасининг келиб чиқиш тарихи XVI-XVII асрларга бориб тақалади<sup>1</sup>. У Италияда пайдо бўлиб, сўнг Англияда кенг тарқалган. Америкалик олим Чарлз Бирднинг фикрига кўра, ушбу атамдан, ҳатто, Америка Қўшма Штатлари давлат арбоблари томонидан конституция қабул қилинишидан олдин ҳам кенг миқёсда фойдаланилган<sup>2</sup>. Бу "Миллат гурури", "Халқ манфаати" ("Public Interest"), "Умумий хоҳиш" ("General Will") каби тушунчалар билан ишлатиб келинган<sup>3</sup>. Аммо сиёсий жараёнлар характери ривожланиб бориши натижасида "монархнинг идроки", "династия манфаати" ёки "давлат манфаати" каби атамаларни "миллий манфаатлар" ёки "умумий равнақ" каби атамалар аста-секинлик билан сиқиб чиқара бошлаган.

Миллий манфаатни тўғри тушуниш учун, авваламбор, "манфаат" категориясининг моҳиятини таҳлил этиш лозим. Бу тушунча ижтимоий ва сиёсий тадқиқотларда баҳсли концепция ҳисобланади. Манфаатлар муаммоси, асосан, замонавий асосда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чет эллик, айниқса, А.Жорж, Дж. Розенау, Ж.Френкелнинг, Г.Моргентау, Э.Фернисс, америкалик ҳамда француз тадқиқотчилари Ж.Чен, Р. Арон,

Л.Линг, Р. Дебре ва бошқалар томонидан кенг талқин қилинди ҳамда унга янгича тус берилди<sup>4</sup>.

Манфаат категорияси моҳиятан мураккаб бўлиб, у фақат миллий жиҳатларнигина эмас, балки шахсий, гуруҳий, маҳаллийчилик, минтақавий томонларни ҳам ўзида акс эттиради. Шу сабабли манфаат категориясини ташкил этиш орқали ижтимоий ҳаракатлар ва ривожланишнинг моҳиятини тўлароқ билиб олиш мумкин.

Манфаат шахснинг муаммоларидан бошлаб, то дунё цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган ва ҳар бир инсоннинг, унинг келиб чиқишидан қатъи назар, ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ бўлган масалаларни ўзида қамраб олади. Миллий манфаат узвий равишда шахсий, ижтимоий ва умуминсоний мақсадларни, қадриятларни ўзида мужассамлаштиради.

**"Манфаат" тушунчаси инглиз тилидаги "interest" сўзидан олинган бўлиб, "муҳим", "аҳамиятли" деган маънони англатади<sup>5</sup>. Манфаат моддий ва маънавий, жисмоний ва руҳий фойда, наф кўриш ва шу каби маънони англатади<sup>6</sup>. Бу тушунча илмий адабиётларда шахслар, ижтимоий гуруҳлар ва давлатлар фаолиятига асос бўлган мақсадни англаган бирор вазифани ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар, мойиллик ҳамда интилишлар тизимини ифодалаш учун қўлланилган маълум.**

XVIII асрда яшаган француз олимлари Дидро, Гальвеший, Гольбах ва бошқалар ўз асарларида илк бор бу тушунчанинг гно-

сологик ва ижтимоий моҳиятини ёритиб беришга ҳаракат қилганлар. Уларнинг бу борадаги асосий хизматлари шундаки, жамият ҳаётида руй бераётган барча жараёнларни турли манфаатлар тўқнашуви ва амалга оширилиши нуқтаи назаридан таҳлил этишган. Улар, ҳатто, ижтимоий тузумлар моҳиятини ҳам манфаат моҳияти билан асослаб беришга ҳаракат қилганлар. Бу ўринда Гельвецийнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: "Агар физикавий олам ҳаракат қонунларига бўйсунса, маънавий олам манфаатлар қонунига асосланади"<sup>7</sup>.

**Манфаат категориясининг мазмунини фалсафа фанлари доктори А.С.Бегматов: "Объективлик ва субъективлик бирлиги сифатида қарашликнинг истиқболи", деб ҳисобласа, сиёсий фанлар доктори Б.К. Иминов: "Манфаатлар ижтимоий амалиётда содир бўладиган шахс, ижтимоий гуруҳ, синфлар ва бошқа қатламлар фаолиятининг акс этиш ҳолатидир", деб таъкидлайди.**

Манфаатлар муаммосининг мазкур таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаги фикрларни келтиришимиз мумкин:

- манфаатлар ижтимоий ҳаётнинг инъикоси сифатида амалиётда содир бўладиган шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг акс этиш ҳолатидир;

- манфаатлар ижтимоий тузум мазмунини ўзгартирувчи омил сифатида амал қилади. Улар ижтимоий амалиёт билан чамбарчас боғлиқ бўлади;

- манфаат жамиятда кечаётган жараёнларга у ёки бу тарзда таъсир ўтказувчи, шахслар ижтимоий фаолиятини рағбатлантирувчи омилдир. Шу туфайли манфаат жараёнларни тезлаштириб ёки уларга тўсқинлик қилиб, жамият структурасини ўзгартириши мумкин бўлади.

"Миллий манфаат" категорияси сиёсий жараёнларнинг асосини белгиловчи мураккаб тушунча ҳисобланади. Сабаби, миллий манфаат ҳар қандай сиёсий жараённи ҳаракатга келтирувчи куч саналади. Бу куч сиёсий жараёнларнинг ҳаракатланиш тартибини белгилаши билан бирга, унинг сифат ва миқдорий кўрсаткичларини ҳам тартибга солади.

Миллий манфаат муаммоларига бағишланган адабиётда: "Миллий манфаатлар абстракция эмас ва шунингдек, у гайриқонуний тушунча ҳам эмас... Унинг замирида миллат ёки халқ каби ижтимоий оманинг ўзлигини сақлаш, ўз хавфсизлигини таъминлашга ўхшаган ҳаётий эҳтиёжлар ётади. Шунинг учун у доимо мавжуд, ҳаракатчан, дунёнинг ички ва ташқи ўзгаришларига тезлик билан мослашиб кета оладиган, бироқ айни вақтда у ўзи акс эттираётган давлат, халқ ва миллатлар мавжуд экан, у ўзининг фундаментал моҳияти жиҳатидан доимийлигича қолади",<sup>8</sup> деб баён этилади. Хусусан, И.Бентаунинг фикрига кўра, "Миллий манфаатлар бир неча махсус манфаатлар йиғиндисидан бошқа нарса эмас. Агар кўпчилик миллий манфаатлар деб ҳисоблаётган воқеа-ҳодиса ҳақиқатга тўғри келмаса, у ҳолда бу воқелик миллий манфаат бўла олмайди"<sup>9</sup>. Профессор Э.А.Поздняков эса "миллий манфаатни", асосан, "давлат манфаати", деб билади ва унинг фикрича, бу манфаатларда миллатнинг жамоа сифатидаги баъзи умумий эҳтиёжларини ўзида акс эттирган, ўз-ўзлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдек интилишлари мужассамлашган,<sup>10</sup> деб баҳо беради.

Г.Моргентау "миллий манфаат" тушунчасининг турли хил маъноларини талқин этган. Хусусан, бирламчи ва иккинчи даражали манфаат, умумий манфаат, низоли, мос тушувчи ва бир-бирини тўлдирувчи манфаат, ҳаётий манфаатлар, зарурий, доимий ва ўзгарувчан манфаатлардир.<sup>11</sup> Унинг фикрича, бирламчи манфаатлар - давлатнинг жисмоний, сиёсий ва маданий яхлитлигини ҳимоя қилиш, деб таъкидлайди. Лекин, бирламчи манфаат сиёсий келишув ёки тортишув объекти бўлмаслиги керак. Ҳар бир давлат бирламчи манфаатига эга бўлади ва уни ҳар қандай ҳолда ҳам ҳимоя қилиши лозим. Г.Моргентау ўзгарувчан манфаатлар гуруҳига эса қуйидагиларни киритди: шахслар манфаати, ижтимоий фикр, партиявий сиёсат, жамият ахлоқи ва шунга ўхшаш манфаатлар<sup>12</sup>. Унинг бу концепцияси сиёсий реализм мактаби вакилларининг миллий манфаат феноменини тушуниб етишларига асос бўлди. Бунда улар ўзгармас ва ўзгарувчан

мазмунни англаб етадилар. Миллий манфаатнинг ўзгармас қисми давлатни мустақил сиёсий бирлик сифатида сақлаш вазифасини қўйди. Ўзгарувчан мазмуни эса раҳбариятнинг хусусий тавсифлари, рақобатли сиёсий партияларнинг сиёсий фалсафаси, халқаро шароит, ижтимоий фикрдаги замонавийлик, фан ва техниканинг ривожланиши ҳамда шунга ўхшаш идеалларнинг йиғиндиси сингари кўпгина омилларнинг функцияси сифатида қаралади.

Шу сабабли бўлса керак, ташқи сиёсатда бу муаммога доир "этактик" ("давлатчилик") ёндашув кучли ривожланган. Яъни, "Etat" сўзи француз тилидан олинган бўлиб, "давлат" деган маънони англатади, яъни миллатга, кўпол қилиб айтганда, бир давлатнинг фуқаролари сифатида қаралади. Чунончи, инглиз тили лексикасида ҳам бу масала яққол кўзга ташланади, яъни "nation"<sup>13</sup> - миллат, халқ, давлат каби маънони англатади. Мазкур ҳолатларнинг ҳар бирида асосий эътибор у ёки бу давлатнинг ўз фуқроларини қай даражада ягона миллат атрофида жипслаштира олганлиги билан бевосита боғлиқ. Албатта, ушбу муаммо борасида этник ёндашув ҳам мавжуд. Мазкур ёндашув у ёки бу жамиятнинг қайси этник уруғидан келиб чиққанлигини ва мазкур жамият этник жиҳатдан қай даражада соф, яъни бир этносга мансуб одамлардан ташкил топганлигини талаб қилади<sup>14</sup>.

**"Миллий манфаатлар" атамасининг ишлатилиш даражаси борасида инглиз сиёсатшунос олими Жозеф Френкел томонидан таклиф қилинган вариант алоҳида аҳамият касб этади. У қуйидаги кўринишларни таклиф қилади: "асперацион", "амалий" ва "мунозарали"<sup>15</sup>.**

Миллий манфаатларнинг "асперацион" даражасини "фаровон ҳаёт" сифатида тасаввур этиш мумкин. Бу мақсадларнинг шундай йиғиндисики, давлат учун мумкин қадар бу манфаатларга эришиш идеал вариант бўлиб қолади. Агар миллий манфаатлар сифатида узоқ келажакдаги тадбирлар белгилаб қуйилган бўлса, у ҳолда уларни татбиқ қилиш механизми фаол характерга эга бўлмайди. "Асперацион" даража-

даги миллий манфаатлар фақатгина давлат ташқи сиёсатидаги кутилган йўналишларнинг маълум кўрсаткичи сифатида хизмат қилиши мумкин. Улар қулай шароит ва имкониятлар таъсирида функционал (операцион) ҳолатга келиши мумкин. Демак, қуйидаги хусусият "асперацион" даражадаги манфаатларга хос:

- "асперацион" даражадаги манфаатлар узоқ муддатли келажакдаги манфаатлар бўлиб, асосан, ҳар қандай чеклашлардан холи бўлган оппозиция томонидан шакллантирилади. Сиёсий партиялар нуқтаи назаридан қараганда, бу даражадаги манфаатлар мафкуравий софликни тарғиб этувчи кескин чора кўрувчи фракцияларнинг асосий ёндашувидир;

- ушбу манфаатлар мавжуд сиёсатга таъсир қилмаган тақдирда ҳам, тўғридан-тўғри ёки билвосита маънода у ёки бу давлат ташқи сиёсатининг маълум мақсад ва йўналишларини ташкил қилади. Хусусан, Панарабизм (PanArabism) ёки Пан африканизм (PanAfricanism), Пантуркизм (PanTurkism) ғояларини мисол сифатида кўрсатиш мумкин;

- "асперацион" манфаатлар чуқур изланишларни талаб қилмайди. Сабаби, улар камдан-кам ҳоллардагина амалга ошириш учун талаб қилинадиган чиқимлар нуқтаи назаридан баҳоланади;

- бу турдаги манфаатлар имкониятлардан кўра кўпроқ сиёсий хоҳиш-ирода даражаси билан аниқланади.

"Амалий" даражадаги миллий манфаатлар эса, сиёсатда амалга оширилаётган барча манфаатлар мажмуасини ташкил қилади ва қуйидаги ҳолатлар билан характерланади:

- "амалий" даражадаги манфаатлар қисқа муддатли манфаатлар бўлиб, улар яқин келажакда амалга оширишга мўлжалланган;

- "амалий" даражадаги манфаатлар, асосан, ҳукумат ва ҳукмрон партия (гурух) томонидан илгари сурилади;

- мақсадларни амалга оширишнинг умумий манзарасига эга бўлган ҳолда "амалий" даражадаги манфаатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар "асперацион" даражадаги манфаатлар ўртасида учрайдиган қарама-қаршиликчалик кўп эмас;

- "амалий" даражадаги манфаатларни татбиқ қилиш жараёни, авваламбор, кўлланилиш натижасида қўлга киритиладиган муваффақиятга ва унинг тахминий қиймати асосланади<sup>16</sup>.

Ушбу икки даража ўртасидаги таҳлиладан кўриниб турибдики, "амалий" даражадаги манфаатларнинг аниқланиш жараёни сиёсий иродадан кўра, кўпроқ имкониятларга боғлиқ. Худди шу хусусият "амалий" ва "асперацион" даражадаги манфаатлар ўртасидаги кескин фарқни кўрсатиб беради. Демак, давлатларни фарқлашда асосий параметр сифатида уларнинг мафкурасини эмас, қудратини танлаб олиш маъқул.

**"Асперацион" ва "амалий" даражадаги манфаатларнинг ўзаро муносабатлари аҳамиятга молик сиёсий характеристикадир. Сабоби, бу икки даража ўртасидаги фарқ - давлатнинг "ташқи сиёсий динамизми"ни аниқлаб берувчи муҳим жиҳат.**

"Мунозара" даражасидаги миллий манфаатлар концепцияси ташқи сиёсатни тушунтириб беришда сиёсий аргумент сифатида ишлатилади. Бундай сифатга эга бўлган миллий манфаатлар ўзининг ҳақлигини, кимлар учундир эса, ўз оппонентларининг ноҳақлигини исботлашга ёрдам беради. Расмий ҳужжатлар, шунингдек, давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, ташқи ишлар вазирларини парламент олдида ёки матбуот конференцияси давомидаги нутқлари "мунозара" даражасидаги манфаатларнинг асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Бу масалага, яъни мунозараларда сиёсий идеализм ғоясини америкалик олим А.Феллер ҳимоя қилиб келган. У Г.Моргентаудан фарқли ўлароқ, "қонуний-ахлоқий" ёндашувни ҳимоя қилган. Унинг фикрича, "Узоқ келажакда бу ёндашув самарали ташқи сиёсатнинг магистрал йўли бўлиб қолади"<sup>17</sup>.

Хулоса қиладиган бўлсак, эҳтиёж ҳар қандай манфаатнинг объектив асосини ташкил этади. Миллий манфаатнинг шу жиҳати давлатнинг минтақадаги геосиёсий жойлашуви ва ривожланишидаги моддий ҳамда сиёсий эҳтиёжларига асосланади. Давлат эҳтиёжларнинг ўзгариши билан

шунга мос равишда муайян манфаатлар ҳамда ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифалари ҳам ўзгариб боради. Шунингдек, халқаро муносабатларнинг ўзгариши билан жамият эҳтиёжлари ва миллий манфаатлар мазмуни ҳам ўзгариши мумкин.

Миллий манфаат концепцияси кўпгина жамият аъзолари томонидан қабул қилинган, маъқулланадиган умуммиллий доктрина сифатида шаклланади ва амалга ошади.

Манфаат англаб етилган эҳтиёж бўлиб, шахс, ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, миллат ва халқларнинг йўналтирилган фаолиятининг умумий мотивларини ифода этувчи ҳамда рағбатлантирувчи омилдир. Миллий манфаат эса ҳудудий суверен давлат ва фуқаролик жамиятининг бир бутунлиги сифатидаги миллат манфаатидир. Давлат манфаати моҳият жиҳатидан миллий манфаат билан боғлиқ ва маълум даражада унинг мазмунини ҳам белгилайди. Шунинг учун ҳам давлат миллий манфаати деб юритиш мақсадга мувофиқ.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Frankel J.. *National Interest, The Chaucer Press, L.( 1970, p.20.*
2. Charles A-Beard, *"The Idea of National Interest An Analytical Study of American Foreign Policy", 1934, pA3.*
3. Charles A-Beard, *"The Idea of National Interest An Analytical Study of American Foreign Policy", 1934, pA3.*
4. Хаджиев К.С. *Введение в геополитику. - М."Логос" 2000., -С. 362.*
5. Каранг. *Англо - русский словарь .М."Русский язык".1975,стр 390.*
6. Доль В. *Талковый словарь живого великого русского языка.- М."Русский язык"1881,- С. 47.*
7. Гальвеций. *Об уме. - М.1934, -С. 34.*
8. *Национальные интересы: теория и практика", "Наука", - М" 1991. с.17-29.*
9. *BenthanVs Political Thought 1973.*
10. Поздняков Э.А.. *Философия политики, 12.. - М, 1994. - С.60*
11. *Morgenthau H.J. The Impasse of American Foreign Policy. Chicago, 1962, p 173,*
12. *Morgenthau H.J. The Impasse of American Foreign Policy. Chicago, 1962, p 173,*

13. [http://www.britannica.com/cgi-bin/dictionary/va = nation](http://www.britannica.com/cgi-bin/dictionary/va=nation)

14. Толипов Ф. Миллатлараро муносабатлар масаласига доир айрим концептуал қарашлар. // Ижтимоий фикр, №1-2 (5-6)799.

15. Frenkel.J. *National Interest. The Chanser Press.L.1970. p 22.*

16. Ахмедов К.М. "Миллий манфаатлар" категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётида акс этиши (с.ф.н илмий даражасини олиш учун диссертация). - Т, 2001, - Б. 24 бет.

17. Feller.A. *The National Interest - Alone or Wiith Others. The Annual Reports of the American sistemy of Political Sciences.1952, p 82.*

### "Миллий манфаат" тушунчасини ўрганишда комплекс ёндашув

Усмон Бўтаев,

фалсафа фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD),

ЎзМУ Илмий тадқиқот бўлими бошлиғи

**Аннотация:** давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида миллий манфаат масаласига бирламчи омил сифатида қаралади. Давлатнинг сиёсий мавқеи тўғридан-тўғри унинг миллий манфаатларига боғлиқ бўлади.

Мазкур мақолада айнан "манфаат" ва "миллий манфаат" категорияларининг сиёсий мазмуни ўрганилди. Уларнинг айрим хусусиятларининг назарий концептуал жиҳатлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** миллат, миллий манфаатлар, халқ манфаати, давлат, жамият, умумий хоҳиш, элита, ижтимоий гуруҳ, панарабизм, панафриканизм, пантуркизм.

### Комплексный подход в изучении понятия "национальный интерес"

Усмон Бутаев,

доктор философии (PhD)  
по философским наукам,

Начальник научно-исследовательского  
отдела НУУ

**Аннотация:** во внутренней и внешней политике государства вопрос национальных интересов рассматривается в качестве основного фактора. Политическая позиция государства напрямую связана с его национальными интересами.

В данной статье исследуется политическое содержание таких категорий, как "интересы" и "национальные интересы". Анализируются теоретические концептуальные аспекты их отдельных характеристик.

**Ключевые слова:** нация, национальные интересы, общественные интересы, государство, общество, общая воля, элита, социальная группа, панарабизм, панафриканизм, пантуркизм.

### Integrated approaches in the research of "National interests"

Usmon Butaev,

PhD (Philosophy),

Head of the research department of the NUU

**Abstract:** considering the domestic and foreign policy of any state, the problem of national interests is considered as the main factor. Therefore, the political position of the state is directly related to its national interests.

This article examines the political content of the categories of "interest" and "national interest". Theoretical conceptual aspects of some of their features are analyzed.

**Keywords:** nation, national interests, public interest, state, society, general will, elite, social group, panarabism, panafrikanism, panturkism.

**Жамиятда хотин-қизларнинг ўрни: муаммо ва ечимлар /  
Место женщин в обществе: проблемы и их решения /  
Women's place in society: problems and solutions**

**Нигора ЮСУПОВА,**  
юримдик фанлар доктори,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси доцентси

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
АЁЛЛАР МАСАЛАСИ**

Бугун Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори ўз миллий қиёфасида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган ижобий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда майдонга чиқмоқда. Бу давр жамиятимизда аёлларни улуғлаш, давлат томонидан уларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишнинг далили сифатида тарихда ёрқин из қолдиради.

Ўзбекистон Республикасида демократик фуқаролик жамияти қуриш жараёнида жамиятимизда янгича сиёсий муносабатлар, янгича сиёсий дунёқараш, янгича сиёсий маданият шаклланимоқда. Мазкур демократик сиёсий маданиятнинг тараққиёти жараёнида хотин-қизлар манфаатлари янги миқёс ва мазмунда намоён этилиши, тўлақонли амал қилиниши, жамият онгида мунтазам жой олиши, ниҳоят, ҳар қандай шароитда ўзлигини йўқотмаслиги лозим.

Жамиятни демократлаштириш даврида хотин-қизларга бўлган муносабат ҳамда уларнинг ҳаётини тажрибаси, интеллектуал салоҳияти ва имкониятларидан бунёд этилаётган жамият ривожини учун фойдаланиш ана шу қурилаётган давлатчилик асосларининг либераллиги ва илғорлигидан далолат беради. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги бизнинг давлатчилигимиз учун муҳим бўлган масалалардан бири — хотин-қизларнинг бунёдкорлик жараёнига нечоғлик жалб этилиши, уларнинг бугунги кун жамиятида қанчалик ўзини керакли деб идрок этиши масаласидир. Ана шундай долзарб масалалар

қаторида демократик тамойиллар даврида аёллар ва диний эътиқод масаласини хотин-қизларга тўғри тушунтириш, уларни турли адашишлар ва хатолардан асраш муҳим масаладир.

**Дунё миқёсида аёл ҳуқуқларига инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан баҳо бериш бутунжаҳон тараққийпарвар тафаккурида кечаётган ижобий ўзгаришлар самарасидир. Шу боис, XXI асрда барчамиз учун демократия, ислом дини ва аёллар масаласини дунёвийлик асосида тушунтириб бериш ва ана шу қадриятлар ҳамоҳанглиги ва мутаносиблигини тўғри англаб етиш аҳамиятлидир.**

Ҳозирги кунда Фарб давлатлари томонидан ҳам, Шарқ мамлакатларида ҳам, шунингдек, ислом давлатларида ҳам кенг муҳокама қилинаётган масалалардан бири демократик тамойиллар доирасида исломга эътиқод қилаётган аёллар мавқеи нималардан иборат бўлиши керак, умуман, дин ва демократик тамойилларни уйғунлаштириб бўладими, деган баҳсли масаладир.

Маълумки, ҳуқуқий давлатда инсон бутун ижтимоий механизмнинг марказини ташкил этиб, ушбу механизмнинг манфаатларига хизмат қилади. Зеро, инсон манфаатлари таъминланган, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган давлатнигина ҳуқуқий давлат дейиш мумкин. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қаторида диний эътиқод масаласи ҳам муҳим жиҳатлардан ҳисобланади. Инсоннинг бирон-бир динга эътиқод қилиш ёки қилмаслиги унинг эркинлигини белгиловчи сифатдир. Замонавий тафаккур динга, нафақат



ислом динига, балки барча динларга муносабатини дунёвийлик асосида шакллантиришга ҳаракат қилади. Яъни, диний эътиқод эркинлигининг таъминланиши, диний эътиқод инсоннинг шахсий эрки эканлиги, динлар ўртасида тўқнашувларга йўл қўйилмаслиги, динлар инсонлар, халқлар, миллатлар ўртасида қарама-қаршилик чиқармаслиги лозимлиги, дин инсон маданиятининг узвий таркибий қисми эканлиги тамойиллари, диннинг бузғунчилик мақсадида сиёсийлашувига йўл қўйилмаслиги дунёвийлик тамойилларининг бош ақидасидир. Аммо мазкур тамойиллар ҳар доим ҳам тўғри ва кенг талқин қилинавермайди. Ўзбекистон Республикасида аёл, унинг эътиқоди ва ҳуқуқлари билан боғлиқ масалалар энг замонавий ва дунёвийлик асосида ҳал қилинган. Чунки аёл ҳуқуқларини, шу жумладан, аёлнинг эътиқод ҳуқуқини таъминлашда бирдан-бир тўғри йўл дунёвий ва демократик тамойилларга асосланиш аёлга нисбатан инсонпарварлик муносабатларининг асосини ташкил қилади.

Аёллар масаласи таҳлил этилганда, бир муҳим нарсага алоҳида урғу бериш лозим, яъни аёл ҳуқуқлари фақатгина ҳуқуқий ҳолат бўлмай, балки сиёсат, маънавият ва маърифат, диний эътиқод ва фалсафа, жамиятдаги турли ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ ҳолатдир. Аёл ҳуқуқлари кўп қиррали, муаммоли ва мураккаб бўлиб, турли замонларда турлича намоён бўлган. Лекин унинг сиёсий манфаатлар билан боғлиқ хусусияти ҳамини сақланиб, гоҳ динга, гоҳида эса ҳуқуққа боғлаб ўрганилган. Инсониятнинг ривожланиш тарихи шундан далолат берадики, одамларда ўзи ишонган ақидаларга риоя қилиш хусусияти кучли бўлади. Шу нуқтаи назардан, аёл ҳуқуқлари инсонларнинг ижтимоий ҳаёти, жамиятдаги муносабатлар, шахснинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ муаммо бўлиб, ҳар бир жамиятда аёлларга бўлган муносабат инсонларнинг ўзаро муносабатлари, хулқ-атворлари, урф-одатлари, диний ақидалари, мустаҳкам ўрнашиб қолган қарашлари ва маънавият билан белгиланади. Шунга кўра, аёлларга бўлган муносабат инсон ҳуқуқларининг бир бўлаги сифатида тур-

ли минтақаларда, турли маданиятда, турли фалсафа ва адабиётда, турли дин ва одатларда турлича, баъзида бир-бирига зид бўлган ҳолатларда, баъзан эса жуда ўхшаш кўринишларда намоён бўлади.

Тарихдан маълумки, асрлар давомида турли миллатга мансуб, турли минтақаларда яшовчи аёллар ўз инсоний ҳуқуқлари поймол этилишига қарши курашиб келдилар. Бу курашни илмий назария, одатлар, диний ва фалсафий қарашлар ҳамда мутаассиблик руҳи орасидаги кураш дейиш мумкин.

**Аёлни дискриминация қилиш, унинг жамиятдаги ўрнини фақат қозон-товоқ олдида деб белгилаш анъанаси жаҳон цивилизациясининг барча даврларида мавжуд бўлган. Масалан, қадимги яҳудийлар, юнонлар ва римликларда фуқаролик муносабатларида аёлларнинг аҳволи аянчли бўлган. Баъзи тадқиқотчиларнинг таҳлилларига кўра, "Ҳозирги кунларда ҳам роман маданияти мамлакатларида эрли аёлнинг мулкий лаёқатсизлиги сақланиб қолган, у мустақил равишда биронта мулкий битим туза олмайди. Ҳатто, Англияда эрли аёлнинг мулкка эгалик ҳуқуқи XIX асрнинг 70-йилларида тан олинди"<sup>1</sup>.**

Агар чуқурроқ таҳлил қилинса, турли халқлар ва минтақаларда ҳаёт тарзи ва шароити турлича бўлгани учун юзага келган одатлар ҳам бир-бирдан фарқ қилади. Назаримизда, хотин-қизларнинг қарамлиги иккита асосий сабаб туфайли вужудга келди. Биринчидан, эски тузумларнинг иқтисодий ҳаёти ва ижтимоий муносабатларида жисмоний меҳнат катта аҳамиятга эга бўлган. Саноатда жисмоний куч биринчи ўринни эгаллаган. Жисмоний ёки шахсий мардлик намоёиш этишнинг энг муҳим воситаси ҳарбий урушлар ҳам сиёсатнинг муҳим масалаларини ҳал этган. Ўз-ўзидан мана шу соҳаларда эркакка нисбатан жисмонан ожиз бўлган аёл эркакка ён беришга мажбур бўлган. Иккинчи томондан, қатнов йўллари ва алоқа воситалари номукамал бўлган, аҳоли тарқоқ яшаганлиги туфайли ижтимоий фикр каби маънавий омиллар катта аҳамиятга эга бўлмаган. Ҳозирги кунда ҳамма нарса ўзгарди. Тех-

ника ютуқлари барча муносабатларни ўзгартириб юборди. Саноатда ишчининг жисмоний кучи илгаригидек аҳамиятга эга эмас. Хотин-қизлар оммавий равишда ушбу соҳаларда ўз имкониятларидан фойдаланмоқда. Ҳарбий техника ютуқлари туфайли уруш шунчалик даҳшатли ва қонли бўлиб қолдики, инсоният тафаккурининг бутун кучи мунозарани ҳал этишнинг бундай ваҳший усулига қарши йўналтирилмоқда ва дипломатик муносабатларнинг аҳамияти ортмоқда. Телекоммуникация ривожланмоқда. Ушбу вазият катта ижтимоий аҳамиятга эга. Ҳаракатланиш ва алоқа техникаси такомиллашгани туфайли жамоатчилик фикри муҳим мазмун касб этмоқда. Глобал масалалар бўйича бутун Ер шарида ижтимоий фикр шаклланмоқда. Шу тарзда маънавий омил тобора олдинга суриб чиқарилмоқда, зеро, юксак тафаккур ва соғлом эътиқод кучи уюшган ва яқдил ижтимоий фикр орқали жаҳон масалаларига таъсир кўрсатади. У, шубҳасиз, шундан иборатки, барча жойларда жисмоний кучнинг аҳамияти сусайиб, маънавий куч биринчи ўринга чиқмоқда. Шу тарзда хотин-қизларнинг асрий қарамлиги таянган устунлардан бири қулади.

Яна бир устун, фикримизча, аввалги даврларнинг сиёсий шарт-шароити билан боғлиқ. Хотин-қизларни камситиш бутун аҳоли "фуқаролардан" эмас, "қўл остидагилардан" ташкил топган бир шароитда муқаррар ва йўл қўйилиши мумкин эди. "Қўл остидагилар" давлат ҳаётида фаол иштирок этиши мумкин эмас эди, уларнинг тафаккури сиёсий масалаларда чекланган, деб ҳисобланарди. Бундай тузумда хотин-қизларнинг вазифаси эса "тинч фуқароларни" тарбиялашдан иборат эди. Бу жиҳатдан ҳам вазият ўзгарди. Сиёсий эрксизлик ва тенгсизлик ўрнини конституциявий ва синфсиз жамият эгаллади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аёл ҳуқуқларининг таъминланиши ҳар бир давлат одатлари, диний қарашлари ва ақидаларига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, баъзи одатларнинг бугунга келиб, догма сифатида қаралиши, диний ақидаларнинг нотўғри талқин этилишини ҳисобга олган ҳолда одат ҳуқуқининг келиб чиқиш тарихига назар солиш, аёл ҳуқуқларига доир сиёсий

ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи борасидаги турли назарияларни ўрганиш ҳамда тарихан мавжуд бўлган аёлларга тааллуқли ҳуқуқлар мажмуини жамлаш ва уларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолатларини тўғри таҳлил қилиш даркор.

**Бугун республикамизда аёлга, оилага ҳурмат қонунчилик нормаларининг асосий қоидалари сифатида эътироф этилган. Ушбу нормаларда аёлнинг жамият ва оилада тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари шарқона турмуш тарзи, оила ҳаётининг маънавий, ахлоқий, иқтисодий ва ҳуқуқий нормаларини инobatга олган ҳолда белгилаб берилган. Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаш, оилани мустаҳкамлаш, аёлларни эъзозлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этишдек инсоний бурчларни адо этиш борасида бир қатор амалий дастурлар ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди.**

Замоннинг аёлга муносабати мавзусини Ўзбекистон тажрибасида таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги йилларда бу йўналишда реал, аниқ, режалаштирилган давлат сиёсати олиб борилаётгани натижасида салмоқли ўзгаришлар амалга оширилаётганининг тарихан шоҳиди бўлмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармони<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чоратадбирлар тўғрисида"ги ПК-4235-сонли Қарори<sup>3</sup> ва яна кўплаб норматив ҳужжатлар орқали мамлакатимизда аёллар масалалари билан боғлиқ ижобий ислоҳотлар янги босқичда такомиллаштириб борилмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда аёллар соғлиқни сақлаш, таълим тизимида, давлат бошқарувининг турли йўналишларида, тадбиркорлик фаолиятида фаоллик кўрсатмоқдалар. Айни дамда, мамлакатимиздаги тадбиркорларнинг 35 фоизи, фер-

мерларнинг 10 фоизи, Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизи, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини айнан аёллар ҳиссасига тўғри келиши фикримиз исботидир. Сўнгги йилларда аёлларнинг таълими, мутахассислик ва илмий салоҳиятини ўстириш учун барча лозим чоралар давлат томонидан қафолатлангани Ўзбекистонда аёллар фаоллигини оширишда кенг ислохотлар олиб борилаётганидан дарак беради.

Демак, бугунги кунда биз учун муҳим бўлган хулоса шуки, бутун бир жамият аёллар фаоллигидан манфаат олмоғи лозим. Ана шу фаоллик ва идроклиликнинг диний эътиқод масалаларида ҳам акс этиши, яъни онгли тарзда дин ва диний эътиқодга муносабатда бўлиш, демократия тамойиллари ва диний эътиқодни ўзаро уйғунлаштиришга эришиш замонамизнинг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Чунки аёл фуқаролик жамияти асоси бўлган фуқароларни тарбиялаш, ёшларни диний ва бошқа турдаги экстремизм исканжасидан озод этиш, уларни ёт мафқуралар таъсиридан ҳимоялаш, демократик ва толерант тафаккур, тараққиёт ва ривожланишга камарбасталик каби жамият учун ўта долзарб ва муҳим масалаларни ижобий ҳал этиб бера олиш қудратига эга. Шу боис, "Оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонати, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга"<sup>4</sup> ҳисобланади.

Аёлларимиз давримиз ва давлатимиз учун қайси вазифаларни бажариши, қандай йўналишларда ўзларининг ҳаётий тажрибаси, ақл идроки, салоҳияти ва меҳрини аямаслиги лозим? Аёлларимиздан даврималарни кутмоқда, давлатимиз аёлларимиздан қандай масалаларнинг ечимида умид қилмоқда? Албатта, авлод сўзини қатъият ва ишонч билан таъкидлаган бўлар эдик. Белгиланган истиқбол вазифаларни удалай оладиган авлодни яратиш, ўсти-

риш, тарбиялаш бугунги аёлларнинг ўз замонаси олдидаги масъулиятли ва муқаддас вазифасидир. Чунки фуқаролик жамиятининг зарурий хом ашёси - шу жамиятда яшашга тайёр бўлган фуқаро. Аёлларимизга қарата: "Бола ўстирманг, фуқаро тарбияланг"<sup>5</sup>, деган шиор бугунги кун талабидир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўринли таъкидлаганидек, бугун "...оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазифаси бугунги кунда улкан аҳамият касб этмоқда"<sup>6</sup>.

**Аёлнинг замона олдидаги хизматлари доирасидаги иккинчи муҳим ижтимоий вазифа, фарзандларни турли мафқуравий касалликлар, турли ёт ғоялар, аввало, диний экстремизмдан сақлаш, халос этиш масаласидир. Ўзбекистон аёллари бу масалада бирлашиб, ўз қатъий хоҳиш-иродаларини намоён эта олсалар, нафақат бутун бир авлодни, балки бутун бир миллат ва давлатни мафқуравий парокандаликдан ҳимоя этган бўладилар. Агар аёл ўз фарзандининг келажаги порлоқ бўлишини истаса, ушбу масала ечимини ўз эътиқоди, салоҳияти, қадриятига суянган ҳолда ҳар қандай замон учун ҳал қилиб бериши лозим. Чунки бу - замонавий жамиятнинг дин, демократия, инсон эркинликларини таъминлаш борасидаги муҳим ва ўз ечимини кутаётган масалаларидан бири. Диний ақидапарастлик тарихан ўзининг бузғунчи ғоялари билан барча давлатларга таҳдид солган иллатдир. Диний ақидапарастлик ортидаги бош мақсад бузғунчиликдан иборат, бу ғоя эса барқарорлик, бунёдкорлик, давлатларнинг тинч ва осуда ҳаётига раҳна солади.**

Бизнинг жамиятимиз эса янги сиёсий муносабатлар шаклланиши жараёнининг илк босқичида турибди. Шу боис, аёлларга кенг ҳуқуқлар берилиши ва имкониятларнинг таъминланиши бизнинг демократик ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги мақсадимизга тўғри келади ва ана шу мақсадларнинг амалийлигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида:

- биринчидан, Ўзбекистон шароитида аёллар тафаккурида толерант тафаккурни шакллантириш, мафкуравий уйғоқлик ва сезгирликни улар онгига сингдириш фуқаролик жамиятига ўтиш ва унинг асосларини кучайтиришнинг омилларидан биридир. Нима учун аёл бағрикенг, тафаккури уйғоқ мушоҳадали, сиёсий жиҳатдан онгли бўлмоғи лозим? Чунки аёл фарзанд тарбиясига масъул шахсдир, онанинг тафаккури фарзанднинг тафаккурини, келажакдаги фуқаронинг тафаккурини шакллантиради. Ана шу тафаккурнинг тўғри танланиши давлат тараққиётига таъсир қилади. Шу боис, бугунги кунда аёлнинг тафаккури ва дунёқараши кенг, чуқур билимли бўлмоғи - давр талаби;

- иккинчидан, бугунги кунда Ўзбекистонда аёлларнинг интеллектуал салоҳияти анчагина юқори бўлиб, ана шу интеллектуал бойликдан жамият тараққиётида самарали фойдаланиш ҳамда аёлларни ислохотлар жараёнларига, яъни жамиятнинг янгиланиш жараёнларига сафарбар этиш давлатимиз томонидан кенг амалга оширилмоқда.

Аёлларни жамият ва давлат ишларига жалб этиш мажбуриятлари ичида демократия, аёл ва ислом муносабатларини тўғри англаш ва ҳал қилиш муҳим масалалардан биридир. Унинг муҳимлиги шундаки, демократия тафаккур учун ҳам, аёлнинг жамият ҳаёти билан боғлиқлигини таъминлаш учун ҳам, ислом эътиқоди доирасида аёллар ҳуқуқларини эъзозлаш учун ҳам, яъни мазкур учликнинг барчаси учун аҳамиятли бўлиб, бу вазиятда аёллар англаши лозим бўлган бош масала — учликни ҳеч қачон бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмаслиги, бу учликнинг ҳар бири учун имконият яратилиши ҳамда бу учлик ҳар бирининг ҳуқуқларини тан олиш йўлидан бориш лозимлиги. Чунки демократия замонавий давлатчилик ривожланишининг энг мақбул йўли ҳисобланади, Аёл - оила ва жамиятнинг ишонган таянчи, Ислом дини — барча динлар каби инсон маънавий олами, эътиқодининг муҳим жараёни.

## Манба ва адабиётлар

1. *Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси / Рус тилидан қисқартирилган таржима: доц. З. Бобоева, З. Усмонова. - Т.: Ўзбекистон, 2003. - Б. 250. / (В.М. Хвостов. I Психология женщин. II. О равноправии женщин. - М.: 1911. - С. 68.)*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5325-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти. www.lex.uz*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги "Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4235-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти. www.lex.uz.*

4. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқи. 06.03.2017. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-khal-06-03-2017>.*

5. *Исломов З., Тўйчиева Г., Юсупова Н. Демократия, ислом ва аёл. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ишлар бошқармасининг кичик босмаҳонаси. 2006. - Б. 6.*

6. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш - давр талаби" мавзuidaги анжумандаги нутқи // "Халқ сўзи", 2017 йил 16 июнь.*

**Фуқаролик жамиятини  
ривожлантиришда аёллар  
масаласи**

**Нигора Юсупова,**  
юримдик фанлар доктори,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
доценти

**Аннотация:** ушбу мақолада фуқаролик жамияти қуриш жараёнидаги давлатчи-лигимиз учун муҳим бўлган масалалардан бири хотин-қизларни бунёдкорлик жараёнларига нечоғли жалб этилиши, уларнинг бугунги кун жамиятида қанчалик ўзини керакли идрок этиши масаласи ёритилган. Шунингдек, демократик тамойиллар асосида аёллар ва диний эътиқод масаласини хотин-қизларга тўғри тушунтиришнинг муҳим омиллари ҳамда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган норматив ҳужжатларда белгиланган аёл ҳуқуқларига оид вазифаларнинг маънавий, ҳуқуқий, тарбиявий, таълимий омиллари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** аёл, оила, ҳуқуқ, жамият, демократия, ислом, тенглик, бағрикенглик, авлод, фуқаро.

### **Женский вопрос в развитии гражданского общества**

**Нигора Юсупова,**

доктор юридических наук,  
доцент Международной исламской  
академии Узбекистана

**Аннотация:** в статье рассматривается один из наиболее важных вопросов для нашей государственности в процессе построения гражданского общества, как женщины вовлечены в творческий процесс и насколько они осознают, что от них требуется в современном обществе. В статье

также анализируются, основываясь на демократические принципы, важные факторы правильного объяснения женского вопроса и религиозных убеждений, а также духовные, правовые и образовательные факторы задач, касающиеся прав женщин, урегулируемые в нормативных актах, принятых в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** женщина, семья, общество, демократия, ислам, равенство, толерантность, поколение, гражданин.

### **The issue of women in the development of civil society**

**Nigora Yusupova,**

DSc (law), Associate Professor,  
International Islamic Academy of Uzbekistan

**Abstract:** the article observes one of the most important issues for our statehood in the process of building a civil society is how women are involved in the creational process and how much they feel what they need in modern society. The article also analyzes important factors of the correct understanding of women and religious beliefs based on democratic principles, as well as moral, legal and educational factors of challenges of women's rights in accordance with regulatory enactments adopted in the Republic of Uzbekistan.

**Keywords:** woman, family, law, society, democracy, Islam, equality, tolerance, generation, citizen.

**Мавлода ҒАҒҒОРОВА,**  
*социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси докторанти*

## **ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИМИЖНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ**

**Ж**аҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари шароитида Ўзбекистон жамиятининг жадал трансформациялашуви ҳамда ижтимоийлашувида сиёсий социологик жиҳатдан ўзгаришлар мамлакатимиз хотин-қизларининг ҳозирги замон ижтимоий-маданий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора фаол иштирок этишини таъминламоқда. Бугунги кунда мамлакатдаги сиёсий жараёнларни хотин-қизларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хотин-қизлар ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, энг аввало, олий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига сайловларда қатнашиш орқали рўёбга чиқарилади.

Сўнги йилларда ижтимоий фанларда кишиларнинг нутқи, ички ва ташқи қиёфалари орқали бир-бирига таъсир кўрсатиш механизмини эгаллашда ёрдам берадиган янги соҳа - имижеология вужудга келди.

**"Имиж" сўзи инглиз тилида "инсон қиёфаси", "образи" маъносини англатади. Ҳаммага ҳам табиат томонидан чирой, ўзига мафтун этадиган қиёфа инъом этилмаган. Лекин кўплаб кишилар бундай симпатия, мафтункор қиёфани ўз қобилияти билан қўлга киритадилар.**

Жамиятнинг ижтимоийлашув жараёнида янги кадриятлар шаклланди, инсонлар ўзини намоён қилиши, жамоатчилик фикрига прагматик шахслар таъсири, сиёсий-социологик нуқтаи назардан қараганда, ўзига хос ва мос "идентиклик" ментал хусусиятларни ўзида

акс эттирмоқда. Ахборотлашган жамият маълумотларни трансформация қилишда сиёсий етакчиларни юзага келтиради. Сайлов жараёнларида Европа социологлари жамоатчилик фикрини ўрганиш асносида сайловчи томонидан:

биринчи навбатда номзоднинг ташқи кўринишига;

иккинчи ўринда профессионал касби ва қобилиятига;

учинчи ўринда эса сиёсий мавқеига эътибор қаратилишини таъкидлайдилар.

Шундай экан, номзоднинг ўзи эмас, имижи муҳимроқ, деган тушунча пайдо бўлади. Шундай қилиб, имижмейкинг сиёсий PR асосий қисмининг бир бўлагига айланди.

Имижмейкинг ўзи нима?

Имижмейкинг инглизча сўз бўлиб, "имиж" - қиёфа, кўриниш, "мейкинг" - яшаш дегани.

Имиж - инсонлар, гуруҳлар, ташкилот ва сиёсий жамоалар ўйлаб топган қиёфа. Бу иш билан имижмейкерлар, яъни имиж ясовчилар, қўпол қилиб айтганда, "обрў ясовчилар" шуғулланишади. Уни содда қилиб, қуйидагича изоҳлаш мумкин: агар номзодни сотилаётган "маҳсулот" деб олсак, ушбу "маҳсулот"ни чиройли ялтироқ қоғозга ўраб, уни ленталар билан безаб, унга нисбатан қизиқиш ва талабни оширишга эришганлар имижмейкерлар дейилади.

Имижнинг асосий хусусиятлари қуйидагича:

- шахсий хусусиятлари: бошқаларга ўхшамаслик, ўзига ишониш;

-ижтимоий хусусиятлари: одамларга гамхўрлик қилиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилиш.

Мамлакатимиз аҳолисининг 51% дан ортигини аёллар ташкил этгани ҳолда, бугунги кунда барча соҳаларда аёлларнинг фаоллиги тобора ошиб бориб, сайлов жараёнлари иштирокчилари ҳамда сайлов участкалари аъзоларининг аксариятини, яъни 60% га яқинини хотин-қизлар ташкил этади.

**Қонун доирасида белгиланган 30% лик квота ижросини таъминлаш, шунингдек, аёллар ҳамда эркаклар тенг ҳуқуқлилиги нуқтаи назаридан депутатликка номзодларнинг 50 фоизини аёллар ташкил этишини таъминлашда сиёсий партиялар билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, улар орасидан депутатликка номзодлар захирасини шакллантириш бўйича ишларни такомиллаштириш, захирага киритилган аёлларни депутатликка тайёрлаш борасида ўқув-семинарлари ташкил этиш давр талабига айланди. Жамиятнинг ҳар бир соҳасида уларнинг иштироки ва ташаббускорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.**

Кейинги йилларда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар қиёфасидаги ўзгаришлар тенденцияларини юксалтириш мақсадида Олий Мажлис қуйи палатасида 24 (16%), Сенатда 10 (17%) нафар хотин-қизлар фаолият олиб бормоқда. Халқ депутатлари ҳудудий Кенгашлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида бу кўрсаткич 23,5%, туман ва шаҳар Кенгашларида 22 %ни ташкил этади. Давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 405 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоиздан зиёдни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, қишлоқ хўжалигида 45 фоиздан ортигини, саноатда 38 фоизни, қурилиш соҳасида 8 фоизни ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда хотин-қизларга бўлган эътиборнинг ижобий натижаси уларнинг жамиятдаги фаол иштироки орқали куза-

тилади. БМТ Бош котиби Антонио Гутерриш БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиянинг 63-сессиясида: "Қаердаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда",<sup>2</sup> деб таъкидлади. Демак, бугунги кун талаби мамлакатда гендер тенгликни таъминлаш ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитини яхшилаш, хотин-қизларни мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёнида иштирокини янада ошириш, давлат ва жамият, парламент бошқарувида аёллар роли ва имкониятларини кенгайтириш каби ишларга алоҳида эътибор қаратишдан иборат.

Шунингдек, мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш механизмларини такомиллаштириш масалалари бўйича, хусусан, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижаларига кўра, "Сиз сиёсатга қизиқасизми?" деган саволга аёл респондентларнинг 60,9%и қизиқишини, 19,7%и эса жуда ҳам қизиқишини, 36,5%и эса сиёсатга қизиқмаслигини билдирганлар. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хотин-қизлар сиёсий фаоллиги бевоқифа уларнинг ёшига ҳам боғлиқ, хусусан, респондент хотин-қизларнинг 20 ёшгача бўлганлари (68,4 %) сиёсатга қизиқиши, 50 ёш ва ундан юқори бўлганлари (42,6%) эса сиёсатга қизиқмаслигини айтган. Шунингдек, "Сиз қайси сиёсий партия фаолиятида иштирок этишни хоҳлайсиз?" деган саволга респондентларнинг 21%и сиёсий партиялар ҳаракатида иштирок этишни хоҳлашини, 13%и жавоб беришга қийналиши, 66 %и эса хоҳламаслигини<sup>3</sup> билдирган. Лекин 21% қизиқишнинг камлигини инобатга олсак, социологик тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий жараёнларда хотин-қизларнинг фаоллиги ортиб бораётганини кўрсатибгина қолмай, балки хотин-қизлар масаласи бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ислоҳотлар давомида сиёсатчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қарашини ва фикрларини тарғиб қилиш, социология,

психология каби йўналишлар бўйича социологик тадқиқотларни ижтимоий шерикчилик асосида мунтазам олиб бориш имижеологияни ривожлантиришга хизмат қилади. Имижеология одамларда ижобий таассурот қолдириш, муносабат услубларини ўргатиш, бунинг учун самарали имиж яратиш технологияларини қўллашни назарда тутди. Бугунги кунда имижмейкерлик касби ва унинг вазифалари ҳақида икки хил ёндашув мавжуд.

Имижмейкер - инсон ички дунёсидаги ижобий фазилатларни ўрганишга хизмат қиладиган мутахассис. Ҳар биримиз социум, яъни социологик қарашимизга кўра, бирор хислатга эгамиз, аммо ҳамма ҳам уни намоён қила олмайди. Шахс маънавий бой ички дунёга эга бўлса-да, унинг ташқи қиёфасида бу бойлик тўла намоён бўлмаса-да, ўзига хос кўриниш касб этиши мумкин.

Сиёсий етакчи имижини шакллантириш технологиялари Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнларда, замонавий жамиятда фаол хотин-қизларнинг социал қиёфасида сиёсий етакчилик имижини шакллантиришда объектив ва субъектив (давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш) омилларни турмуш тарзидаги сиёсий фаолияти орқали тавсифлашнинг ўзига хос ментал хусусияти модели яратилган. Имиж - социологик, сиёсий-ҳуқуқий, психологик ва бошқа жиҳатларни ўзида акс эттирадиган кўп тармоқли категория. Сиёсий етакчилик имижини тўлиқ яратиш учун субъектив омилларнинг ўзи етарли эмас, чунки имижнинг муваффақияти фақат инсоннинг ўзигагина боғлиқ бўлмаган ҳолда социумда социал муносабатларга киришиш, бунинг учун имижда шахснинг мантиқийлик, анализ, қиёсий таҳлил ҳамда сиёсий етакчи имижига тизимли-методик ёндашиш воситалари орқали сифатий кўрсаткичларга эришиш зарур.

Ўзбекистонда бошқарув, айниқса, сиёсий бошқарув соҳасидаги раҳбарлардан давр замонавий сиёсий технологиялардан хабардор бўлиш, уларни амалиётда қўллашни талаб қилмоқда. Ана шундай сиёсий технологиялардан бири имижни шаклланти-

риш технологиясидир, чунки давлатни самарали бошқариш учун раҳбар фуқаролар ҳурматини қозониши, сиёсий кучларнинг сайловчилар хайрихоҳлигига эришиши, сайловларда галаба қозониши, низоли вазиятдан тезда чиқиш учун рақибларга таъсир кўрсатиши, омма онгида муайян сиёсий кучларнинг жозибали қиёфасини қарор топтириши муҳим шартлардан ҳисобланади.

"Имижмейкер - шахснинг социал қиёфаси, аниқ социум, стратификация, ҳўжалик юритувчи субъект, давлат ва нодавлат ташкилотлар, ҳудуд, географик идентиклик ва давлатларнинг нуфузини яратиш бўйича мутахассис"<sup>4</sup>. Имижмейкер касбдир. Биринчи навбатда, улар шахснинг социал қиёфаси билан шуғулланишади. Шахсий имижни яратиш муаммоларига тўхталсак, шахсий имижни тўлиқ яратиш учун бу технологияларнинг ўзи етарли эмас, чунки имижнинг муваффақияти фақат инсоннинг ўзигагина боғлиқ бўлмай, балки уни ўраб турган атроф муҳит ҳамда социал муносабатлар, инсонлар имижда шахсий хислатлари акс этиши, бу хислатларни қайси йўл, усул ва воситалар билан самарали намоён қилиш кераклигини билиши зарур.

Дастлаб, "имиж" сўзи ўрнига "ташқи кўриниш" (look), сўнгра "имиж" сўзи кенг қўллана бошлаган. Бу борада глобаллашув жараёнида инсон ресурси кўриниши билан бирга, аҳолида керакли "образ"ларни ҳосил қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида: "Юртимизда ўзининг ақл-заковати, чуқур билими, катта ҳаётий тажрибаси, фидокорона меҳнати, инсоний фазилатлари билан ҳаммага ўрнак ва намуна бўлиб келаётган опа-сингилларимиз кўплаб топилади. Бу йил Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда ана шундай сиёсий савияси етук, меҳнаткаш ва оқила аёлларимиз ўз салоҳиятини намоён этиб, депутат ва сенатор бўлиб сайлансалар, мен ишонаман, бундан давлатимиз ҳам, жамиятимиз ҳам фақат катта наф кўради",<sup>5</sup> деб имижда социологик ёндашувнинг айнан персонификация-инсондаги оммага хос ҳолатлар, талаблар ва стерео-



типик қурилмаларни аниқ образларга мувофиқ келган кишиларга проекциялаш эҳтиёжи ва маҳорати таърифидан келиб чиқиб, жамиятимиздаги хотин-қизларнинг ижтимоий имижини шакллантириб берди. Психологлар сиёсий етакчи шахслар билан шуғуллансалар, социологлар кузатув методлари орқали гуруҳларни позитив шакллантиради.

Имижмейкер сиёсатга энди кириб келаётган сиёсатчи билан ишлаётганда унинг ташқи кўринишига ҳам алоҳида аҳамият беришига тўғри келади. У сиёсатчининг кийиниши, нутқининг равонлигига катта эътибор бериб, микрофон ва видеокамера билан ишлашни ўргатади. Буларнинг барчаси имижни шакллантиришнинг энг бошланғич босқичидир. Жамоатчилик фикри билан ишлаш шуниси билан фарқ қиладики, масалан, сиёсатчини тўлиқ ҳажмда, яхлит маълумот сифатида бера олмаймиз, уни узатиш каналига мос равишда трансформация қилиш керак. (ТВ учун бошқача, радио учун бошқача, газета учун учинчи имконият мавжуд). Шунинг учун ахборотларнинг муайян қисми билан чегараланамиз. Амалий жиҳатдан чегарасиз бўлган характеристикадан сайловчилар учун муҳим қисмни танлаш орқали имиж шаклланади.

Президентимизнинг аёлларнинг жамиятдаги социал мобиллигини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда, хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларда, яъни сайлов жараёнлардаги имижни янада мустаҳкамланмоқда.

Имижмейкер инсоннинг маънан бойлиги, сийратининг поклигини юз-кўзларида, нутқи ва хатти-ҳаракати орқали ифода қилиб, намоён этишга ўргатиши, ёрдам бериши керак. Баъзан имижмейкер ва "жамоатчилик билан алоқалар" технологиялари орасида фарқ йўқ, дегувчилар ҳам топилади.

Паблик рилейшнз - "жамоатчилик билан алоқалар" технологиялари ижтимоий ахборотларни бошқаришнинг махсус тизими, мақсади объект манфаатдор бўлган ижтимоий қатламларни объектга нисбатан ижобий муносабатини шакллантирувчи ахборотни тайёрлаш ва уни "етказиш" билан

боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади<sup>6</sup>.

"Жамоатчилик фикри билан алоқалар технологияси" имижмейкинг билан ўзаро боғланган, аммо у имижни яратмайди, балки шакллантиришда ёрдам беради. "Имижмейкинг керакли материал"ни яратиш жараёни бўлса, ПР - "материални тарқатиш каналларини бошқариш"<sup>7</sup>.

**Шарқ мутафаккирлари асарларида ҳам инсон мафтуноклиги, ботиний ва зоҳирий гўзаллиги ҳақида гап боради. Шарқ алломаси Абу Наср Форобий фозил шахар имомининг ўн икки хислатдан иборат идеал имиж моделини яратибгина қолмай, "идеал, ахлоқли инсоннинг абстракт образини яратиш билан, тарбия соҳасида шу образни намуна қилиб олиш зарур, деган фикрни олға суради"<sup>8</sup>.**

Ҳар қандай соҳадаги мутахассиснинг етуқлигини қуйидаги тўртта мезон белгилайди:

- касбий компетентлиги;
- касбий қобилияти;
- профессионал фикр юритиши;
- касбий мотивацияси.

Имижмейкер:

- мулоқотга киришиш, инсонларга қўшилиб кетиш ва ўзини намоён қилиш қобилияти;
- инсоннинг ички ҳолатини ҳис қилиши ва илғаб олиш, унинг ички дунёсини кўра олиш қобилияти;
- инсоннинг эҳтимол қилиш ва унинг кайфиятига хос образини яратиш, унинг бу образга кириш ҳамда ҳолатини англай олиши хислати;
- инсонларнинг қалб ва руҳий ҳолатига таъсир кўрсата олиш;
- инсонларни ўзига жалб этиш аураси;
- имижмейкернинг меҳнати санъат даражасида бўлгани сабабли унда ички эркинлик, ижодкорлик ва тасаввур қилиш қобилияти кучли бўлиши керак;
- қатъий иродага эга бўлиш: сабрлилик, чидам ва стрессга чидамлилик хусусиятларига эга бўлиши керак<sup>9</sup>.

Имижмейкернинг касбий мотивацияси турли-туман бўлиши мумкин. Шу ўринда имижмейкер компетентлигига тўхталадиган бўлсак:

- имижмейкерлик фаолияти ва "паблик

рилейшенз” - жамоатчилик билан алоқалар технологияси орасидаги боғлиқликни ҳисобга олиб, имижмейкер ижтимоий қабул қилиш қонуниятлари, жамоатчилик фикрини шакллантириш усуллари билиши ва репутацион технологиялар бўйича тажрибага эга бўлиши керак. У замонавий имижни намоён қилишнинг коммуникацион ва ахборот технологияларини билиши лозим;

- имижмейкер стилист бўлмоғи керак, чунки колористика, кийимлар дизайнери, косметология, визаж, сартарошлик ишини тушунмай туриб, талабгорнинг имижини ярата олмайди. Гап бу касбларнинг ҳаммасини ўзи бажара олиши ҳақида кетмаяпти, чунки мазкур касбнинг ҳар бири алоҳида ўз мутахассисларига эга соҳалардир. У моделни танлашда бу борадаги билимларидан келиб чиқиши ва мутахассисларга керакли топшириқ бера олиши керак;

- имижмейкер ишлаш кўникмасига эга бўлиши керак. Гуруҳда у имиж-ғоянинг яратувчиси, унинг концепциясини шакллантирувчи ва технологик моделини ишлаб чиқувчи шахсдир;

- имижмейкернинг аналитик тайёргарлиги ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш унинг фаолиятидаги зарур шартлардан биридир.

Имижмейкернинг қўлида ахборот тўплашнинг уч хил усули мавжуд: кузатиш, суҳбат ва видеоматериал, адабиёт ва мақолаларни таҳлил қилиш.

Соҳа мутахассислари сайловлар жараёнида депутатликка номзодлар имижини шакллантираётганда номзодларнинг асосиз равишда бир-бирининг обрўини тўкиш, ҳақоратлаш, андишасизлик, ҳар хил бемаъни сўзлар гапириш сингари нохуш ҳолатларга йўл қўйилмаслиги борасида махсус тренинг машғулоти тарзида ўқув курслари ташкил этишлари лозим<sup>10</sup>.

Имижмейкер — шахснинг, аниқ социум, турли аҳоли қатламлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ҳудуд, миллатнинг идентиклиги, ишлаб чиқувчи ҳамда татбиқ этилган имижларга ўзгартириш ва кўшимчалар киритувчи шахс.

Имижмейкерлик жамиятнинг демократлашуви, сайлов институтининг жорий этилиши, сайловчиларда танлаш имконияти-

нинг вужудга келиши билан ортмоқда.

Имижмейкер инсоннинг ички дунёси ва унинг ташқи кўриниши - кийиниш, нутқ маданияти, қўл ҳаракати ва мимикада намоён этишга ёрдам бериш билан бирга, улар учун жамоатчилик фикрини ўрганиш, бунинг натижасида тўғри имиж стратегиясини белгилаш, ахборот узатиш воситаларида муайян коммуникацион жиҳатларини билиши муҳим.

**Сайлов жараёнида имижмейкерга катта талаблар қўйилмоқда, бу касбда бир нечта фанлар бирлашгани сабабли у психологияни, айниқса, шахс, сиёсий ва омма психологиясини, шунингдек, социология, кийиниш ва нутқ маданияти, ранглар ва уларнинг хусусиятлари, халқ менталитети, ортабиотикани билиши, том маънода, иждокор-инсоншунос бўлмоғи лозим. Шу ўринда, унинг одамлар билан ўзаро мулоқот қилиш аналитик қобилиятига эга бўлиши кераклигига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Имижмейкернинг касб этикаси ишлаб чиқиши ва унда, иложи борича, манипулятив усуллардан фойдаланишни чеклаш лозим.**

Депутатликка номзодлар билан ишлашда имижни шакллантиришда тренинг машғулотларини мунтазам ва мақсадли олиб бориш жараёнида имижмейкерларни аниқлаш ва сайлов жараёнига жалб этиш ҳамда иштирокини таъминлаш номзодларнинг имижини оширишга ҳам хизмат қилади.

Имижнинг табиати икки томонлама характерга эга, у ўз ичига доимий ва ўзгарувчан таркибий қисмларни олади. Имижнинг доимий қисми - сиёсий етакчининг ўзини ўзи имижлаштириш қобилияти. Имиж ўзгарувчан қисмининг сиёсий етакчининг вазифаларини амалга ошириш механизми сифатида ишлатилиши.

Миллий менталитетимизда "фаросат", "насл", "насаб", "аслзода", "оқил", "олим", "орият", "мавқе", "мартаба", "салобат", "обрў", нуфуз", "ҳаё" тушунчалари борки, инсон имижини ҳам шу сифатлар билан ўлчагани. Сиёсатчи имижини қуйидаги жиҳатлар жуда муҳим:

1. Шахснинг индивидуал-шахсий жиҳатлари (ўзига хослик): ўзига ва ўз ишига ишонч кучи.

2. Социал жиҳатлари: "жамият фаоли, кайвонилик, ишбошчилик, ташкилотчилик" позицияси, инсон ҳақида ғамхўрлик, уларнинг муаммосини тушуниш, уларнинг ҳаётини яхшилашга бўлган интилиш.

3. Шахсий-энергетик жиҳатлари: қизиқувчанлик, оптимизм, дадиллик, кўтаринки кайфиятни уйғота олиш.

4. Социал-энергетик жиҳатлари: инсонларга таъсир қила олиш қобилияти, тез қарор қабул қилиш, сергайратлилик;

5. Социал-ахлоқий жиҳатлари: юқори ахлоқий фазилатлари, "жамият идеали"га мувофиқ бўлиши.

Имижни шакллантириш технологиялари мураккаб ва узоқ давом этувчи жараён ҳисобланади. Глобаллашув жараёнида замонавий сиёсатнинг ривожланиши имижларнинг мураккаблашуви, демакки, уни шакллантириш технологияларининг мураккаблашуви томон бормоқда. Сиёсатда ҳокимиятга интилаётган шахснинг ташқи кўринишини яхшилаш ва сўнгги модада кийинишининг ўзи етарли эмас. Бу омма олдида чиқувчи ҳар қандай шахснинг элементар сиёсий этикага риоя қилишидир, холос. Замонавий имиж яратиш технологиялари сиёсатчи-имижмейкер аудитория кўринишидаги мураккаб тизимнинг ўзаро муносабатлари тизимидир. Имижни шакллантириш концепцияси ўз ичига қуйидаги босқичларни олади:

замонавий фан-техника тараққиёти, айниқса, а) телевидение; б) ахборот-коммуникация технологияларининг тараққиёти сиёсий етакчиларни доимо халқ диққат-марказида бўлишни талаб қилади. Бу эса сиёсий етакчида ташқи кўриниш, нутқ, мимика ва хатти-ҳаракатларга нисбатан муҳим талаблар қўймоқда. Социологик кузатувлар орқали имижни шакллантириш технологияси "идеал имиж" асосида имижни шакллантириш технологияси дейилади. Ҳақиқатан ҳам, халқ томонидан етакчига турли талаблар қўйилади.

Ҳозирда сиёсатчи ва имиж орасида уч хил муносабатни кўрсатиш мумкин. Биринчиси - сиёсатчи имиж, уни яратиш жараёнига жиддий қарамайди, бу нотўғри муносабат.

Иккинчиси - сиёсатчи фақат имижини ўйлайди, охир-оқибатда у сиёсатчидан кўра артистга айланади.

Учинчиси - сиёсатчи имижмейкер билан ҳамкорлик қилади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва текшириб кўриш учун контент таҳлил усулидан, кенг маънода, мантиқий тизимга айлантирилган, рақамли белгилар тизимига ўтказилган информацион хабарга ишлов бериш, шунингдек, уни фойдаланилаётган шакл ва мазмун нуқтаи назаридан баҳолаш, тор маънода, матнли маълумотлар шаклини ўзгартириш, сўнгра социологик усуллар ёрдамида уларга ишлов бериш тушунилади.

Контент таҳлилнинг "миқдор" ва "сифат"ни таҳлил қилиш учун мўлжалланган вариантлари мавжуд бўлиб, улар ўзаро фарқланади. Миқдорий контент таҳлил миқдор кўрсаткичларига таянади.

Ушбу кўрсаткичлар олинган маълумотларни матнли форматдан рақамли форматга ўтказиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун махсус дастурий таъминотдан фойдаланилади ёки категорияларни ҳисоблашнинг стандартлаштирилган ва синашта усуллари ёрдамида амалга оширилади. Сўнгра таққослаш вазиятга ҳолисона баҳо берувчи, қарама-қаршиликка киришган турли тарафларнинг нуқтаи назарини ахборот майдонида кўрсатувчи сон кўрсаткичларини солиштириш йўли билан амалга оширилади.

Имиж бугунги куннинг ихтироси эмас. Шарқда бу сўзни ифодаловчи "сийрат", "та-саввур", "сиймо", "гимсол", "обрў", "нуфуз" тушунчалари мавжуд бўлиб, бунда инсоннинг нуфузи унинг фақатгина ташқи кўриниши билан эмас, балки сўз ва амал бирлиги, инсоний фазилатлар, ахлоқий сифатлар билан ўлчанган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир даврнинг ўзига хос ўзгаришлари бўлгани каби халқ онги, маънавий дунёқарашида, хотин-қизларнинг социомаданий қиёфасидаги ўзгаришлари даражаси ошиб, такомиллашиб бормоқда. Ўтган давр тажрибаси шундан далолат берадики, давлат, жамият ривож, халқ фаровонлиги, авваламбор, унинг сиёсий етакчиларига боғлиқ. Дунёдаги сиёсий жараёнларнинг демократлашу-

ви сиёсий етакчи бўлишнинг демократик тамойилларига асосланмоқда. Бунда сиёсий етакчиликка чиқишда сиёсий етакчининг социал муносабати амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятли тақдири кўп жиҳатдан сиёсий элита ва сиёсий етакчи самарадорлигига боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, сиёсий етакчининг социомаданий қиёфаси, уни шакллантириш ва унда имижмейкернинг ролини белгилаш эканлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

### **Манба ва адабиётлар**

1. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқи. 2019 йил 22 июнь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқи. 2019 йил 22 июнь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

3. Ниязова.Н. Гендер ёндашуви нуқтаи назаридан сиёсий иштирок масалалари. - Т.: Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. Ўзбекистон гуманитар журнали. 2015, 4-сон; 128-бет.

4. Шепель В.М.Профессия: имиджмейкер. -Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. - С. 503.

5. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқи. 2019 йил 22 июнь. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

6. Общество и политика: современные исследования, поиск О-28 концепций.Под ред.В.Ю.Большакова. -Спб.: 2000. -С. 242.

7. Ольшанский В., Пеньков В.Ф. Политический консалтинг. - СПб.: 2005. -С. 112.

8. Абу Наср Форобийнинг фозил жамият қуриш орзуси. [www.ziyoueet.uz](http://www.ziyoueet.uz). 35-бет.

9. Шепель В.М. Профессия: имиджмейкер. -Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. -С. 112.

10. Баситхонова Э.И. Сиёсий партиялар ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликдаги меморандум тузиши. 2019 йил 8 июлда сўзлаган маърузаси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2018.

12. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017.

13. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. -Т.: Адолат, 2017.

14. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

15. Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. - Т.: Адолат, 1997.

16. Холбеков А., Жумаев Р., Умарова Н. ва бошқалар. Бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий йўналишлари. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2008.

17. Шепель В.М. Профессия имиджмейкер. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2008.

18. Шепель В.М. Имиджеология. Как нравиться людям. - М.: Народное образование, 2002.

19. Почепцов Г.Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. - М. Рефл-бук, К. Ваклер, 2001.

20. Фафуров И. Мангу латофат. - Т.: Шарқ, 2008.

21. Мингбоева Д. Ишнинг кўзини биладиган одамнинг замонавий одоб-ахлоқ китоби. -Т.: Янги аср авлоди, ННМ, 2007.

### **Хотин-қизларнинг сиёсий етакчилигини шакллантиришда имижнинг ўрни ва роли**

**Мавлюда Гаффорова,**  
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат  
бошқаруви академияси докторанти

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон жамиятининг трансформациялашуви ҳамда ижтимоийлашувида сиёсий социологик жиҳатдан ўзгаришлар, глобаллашувнинг мамлакатимиз хотин-қизларининг социомаданий қиёфасига таъсири, жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларда сиёсий етакчи фаолиятини шакллантиришда имижнинг ўрни масалалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** сиёсий етакчи, трансформация, социомаданий, имиж, прагматик шахслар, сиёсий-социологик, ўзига хос ва мос "идентиклик"нинг ментал хусусиятлари.

**Роль и место имиджа в формировании  
политического лидерства**

**Мавлюда Гаффорова,**  
доктор философии (PhD) по  
социологическим наукам,  
докторант Академии государственного  
управления при Президенте  
Республики Узбекистан

**Аннотация:** в статье анализируются трансформация общества в жизни Узбекистана и его политико-социологические изменения в процессе его социализации, его влияние на социально-экономический облик женщин и девушек нашей страны в условиях глобализации, роль имиджа в формировании политического лидерства, деятельность в политических изменениях в жизни общества.

**Ключевые слова:** политический лидер, трансформация, социально-экономический, имидж, прагматическая личность, политико-социологические, специфические и соответствующие ментальные характеристики "идентичности".

**The role and importance of image in shaping  
women's political leadership**

**Mavlyuda Gaffarova,**  
PhD (Sociological Sciences),  
DSc student at the Academy of Public  
Administration under the President of the  
Republic of Uzbekistan

**Abstract:** the article analyzes the transformation of society in the life of Uzbekistan and its political and sociological changes in the process of socialization, its impact on the socio-economic character of the women and girls of our country in conditions of globalization, the role of image in shaping political leadership, activities in the political changes in society.

**Keywords:** political leader, transformation, socio-cultural, image, pragmatic people, political and sociological, specific and relevant mental characteristics of "identity".

## "Нотиқлик маҳорати, лидерлик ва халқ билан мулоқот" мавзуида семинар-тренинг



Жорий йилнинг 21-24 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ханнс Зайдел жамғармаси билан ҳамкорликда "Нотиқлик маҳорати, лидерлик ва халқ билан мулоқот" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Семинар-тренинг тренер-психолог Карстен Мертенс томонидан ўтказилди.

К.Мертенс Мюнхен университети (Германия) ўқитувчиси ҳамда Ханнс Зайдел жамғармаси эксперти ҳисобланади.

Ушбу семинар-тренингда қатнашчилар муваффақиятли нутқ тайёрлаш, ўз қарашларини эркин ва ишончли баён қила олиш, ходимларни ҳамкорлик ва қатъиятлик руҳида бошқариш, шунингдек, халқ билан самарали мулоқот ва муносабат ўрнатиш масалаларидаги ўз билимларини ошириш имкониятига эга бўлдилар. Эгалланган билим ва кўникмалар турли ролли ўйинлар орқали қайта ўзлаштирилди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида яна иккита модулни ўтказиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг ўтказилиш санаси ва мавзуси ҳамкор томон билан келгусида келишилади. Мазкур лойиҳанинг якунида энг муваффақиятли тингловчиларни Германия Федератив Республикасига стажировка ўташга юбориш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 25 январь куни К.Мертенс томонидан Академия профессор-ўқитувчилари учун компетенцияларни моделлаштириш ва бошқариш, "blended learning" тизимини жорий қилиш масалаларида фикр алмашиш мақсадида семинар-тренинг ташкил этилди.

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ўқув-семинарлар

2020 йил 27 январдан 17 февралгача жами 320 нафар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида малака ошириш ўқув-семинарлари ташкил этилди.

10 кунлик машғулотлар давомида тингловчилар "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" асосида "Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш", "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш", "Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш", "Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда чорвачиликни ривожлантириш", "Ижтимоий соҳани ривожлантириш" ва "Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик



ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш" каби йўналишларда билим ва кўникмаларини ошириш имконига эга бўлдилар.

Ўқув-семинар давомида қатнашчилар республикамизнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича таҳлили ва илғор хорижий давлатлар тажрибалари асосида мавжуд муаммолар, уларнинг амалий ечимларидан иборат бўлган маълумотлар ҳамда Тошкент шаҳри ва вилоятида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Ўқув машғулотлар мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасидаги етук мутахассислар, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарларидан таркиб топган жами 91 нафар маърузачилар томонидан 40 та мавзу доирасида 108 та йўналишда олиб борилди.

---

## Германиялик экспертлар иштирокида семинар-тренинг

**Жорий йилнинг 9-14 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси билан Ханнс Зайдель жамғармаси ҳамкорлиги доирасида германиялик экспертлар Герхард Ринк ва Михаэль Гебель иштирокида семинар-тренинг ташкил этилди.**

Мазкур тадбир бизнесни бошқариш (Business Administration)га бағишланган бўлиб, унда иштирокчилар ролли ўйинлар ва кейслар орқали корxonани бошқариш ва ривожлантириш, даромад ва зарар кўриш, бухгалтерия баланси, пул оқими ва ликвидлилик, молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишга оид керакли билим ва кўникмаларга эга бўлдилар.

Ташкил этилган интенсив семинар-тренинг тингловчилар тўрт нафардан гуруҳларга ажралган ҳолда олиб борилди. Жамоанинг фаол аъзоси сифатида ҳар бир иштирокчидан муаммоли вазиятга ечим топиш талаб этилди. Машғулотлар тингловчиларнинг бизнес ва молиявий қарорларни яхши тушуниши ва қабул қилинган қарорлар оқибатини баҳолашни ўрганишлари учун хизмат қилди.

## Академия профессор-ўқитувчиларининг эришган ютуқлари

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси жамоаси илмий-педагогик ва тадқиқотчилик фаолиятида муваффақиятларга эришган бир гуруҳ устоз-мураббийларни табриклади.**

Давлат бошқаруви академияси Ўқув ишлари бўйича Биринчи проректори Х.Азизов ўз педагогик фаолияти давомида илмий тадқиқотлар олиб борган ўқитувчилар - Академиянинг "Хорижий тиллар" кафедраси катта ўқитувчиси Каюмова Камола Насыровна ва "Давлат бошқарувининг сиёсий асослари" кафедраси катта ўқитувчиси Шодиев Нурали Очилович фалсафа доктори илмий даражаси - PhD ҳамда "Давлат тузилиши ва бошқарувининг ҳуқуқий асослари" кафедраси доценти Асадов Шавкат Файбуллаевичнинг фан доктори илмий даражаси - Doctor of Science – ScDга эришган ютуқлари билан қутлаб, келгуси фаолиятларига муваффақият тилади.

Шу билан бирга, "Маънавият ва маърифат" кафедраси мудир Умарова Нигора Тельмановна 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни умумхалқ байрами арафасида кўп йиллик фидокорона меҳнатлари ҳамда замонавий раҳбар маънавияти ва маданиятини шакллантириш йўлида олиб бораётган фаолияти учун мамлакатимиз раҳбари томонидан "Дўстлик" ордени – юксак мукофот билан тақдирлангани кенг эътироф этилди.

Шу муносабат билан Академия профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг эришган ютуқлари қизгин қутланиб, илмий-педагогик ва ижодий фаолиятда доимо изланишда бўлишлари муваффақият гарови экани таъкидланди.





## МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

«Жамият ва бошқарув» журнаliga илмий тадқиқот фаолиятининг давлат бошқарувини модернизация қилиш, жамият бошқарувининг таъсирчанлигини ошириш, кадрлар сиёсатининг самарадорлигини юксалтириш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар билан боғлиқ масалалар ёритилган мақолалар қабул қилинади.

### **Мақолалар:**

- илмий ва амалий нуқтаи назардан долзарб;
- мавзунинг ёки унинг очиб берилишининг янгилиги;
- мавзу фундаментал ишлаб чиқилган;
- хулосалар асосланган;
- аниқ ва раvon баён этилган бўлиши лозим.

**Таҳририятга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги асосий шартларга жавоб бериши лозим:**

1. Мақоланинг матни Word 2003 версиясида тайёрланиши.
2. Шрифт – Times New Roman, 14 шрифт кегели (ҳажми) бўлиши.
3. Сатрлар орасидаги масофа 1,5 интервал бўлиши.
4. Мақоланинг тузилиши қуйидагича бўлиши керак: аннотация, калит сўзлар (ўзбек, рус, инглиз тилларида), кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар.
5. Диаграмма, расм ва жадваллар фақат оқ/қора ёхуд кулрангда берилиши.
6. Иқтибослар мақоланинг охирида берилади (аввал манбалар, кейин адабиётлар), уни алифбо бўйича эмас, матн ичида келтирилган тартиби бўйича берилиши керак.
7. Мақоланинг умумий ҳажми 7 бетдан 15 бетгача, А4 форматида берилади.
8. Мақола номи, муаллиф(лар)нинг исм-шарифи, иш жойи, илмий унвони, илмий даражаси уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида) берилиши, мобиль телефон, электрон почта манзили кўрсатилиши керак.
9. Мақолаларни электрон почта орқали ҳам юбориш мумкин.  
*Электрон почта манзили: [jurnal95@mail.ru](mailto:jurnal95@mail.ru); [jurnal95@dba.uz](mailto:jurnal95@dba.uz)*

Таҳририятга тақдим этилган мақолаларнинг чоп этилиши ёки чоп этилмаслиги ҳақидаги қарорни Таҳрир ҳайъати қабул қилади.

Журнал юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган кўлёмаларни қайтариш ҳуқуқига эга.

## ТРЕБОВАНИЯ К СТАТЬЯМ

В журнал «Жамият ва бошқарув» принимаются статьи научно-исследовательской деятельности освещающие вопросы, модернизации государственного управления, повышения действенности общественного управления, повышения эффективности кадровой политики, совершенствования организационно-правовых основ государственной службы.

### **Статьи должны отражать:**

- Актуальность с научной и практической точки зрения.
- Новизну постановки вопроса или раскрытие темы.
- Фундаментальность проработки темы.
- Аргументированность выводов.
- Доступность и четкость изложения.

**Рукописи, сдаваемые в редакцию, должны соответствовать следующим стандартным требованиям:**

1. Рукописный вариант статьи необходимо готовить по версии Word 2003 года.
2. Шрифты – Times New Roman, размер шрифта – 14 (кегель).
3. Междустрочный интервал – 1,5.
4. Структура статьи: аннотация, ключевые слова (в 3 языках), введение, основная часть, заключение, библиография.
5. Диаграммы, рисунки, таблицы даются только в черно-белом либо с использованием серых оттенков.
6. Сноски концевые (сначала источники, потом использованная литература); сноски фиксируются по порядку их указания в материале, а не по алфавиту.
7. Объем текстового материала от 7 до 15 стр. в формате А4.
8. Необходимо на трех языках (узб.рус.анг) указать название статьи, ФИО автора, место работы, научную степень, телефоны, почту для связи.
9. Статьи можно посылать и через электронную почту.

*Адрес электронной почты: [jurnal95@mail.ru](mailto:jurnal95@mail.ru); [jurnal95@dba.uz](mailto:jurnal95@dba.uz)*

Решение о том, можно или нет публиковать статьи, поступившие в редакцию, принимает редакционная коллегия.

Журнал оставляет за собой право отклонить любую рукопись, не соответствующую вышеперечисленным критериям.

Босишга 14.04.2020 йилда рухсат этилди.  
Бичими 60x84 1/8. Нашр босма табоғи 11.5  
Адади 90 нусха.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  
босмахонасида чоп этилди.

**Гувоҳнома №10-3723. 21.06.2016 й.**  
**Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 45.**

